

R 566


# ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ЖУЗ

**ТАФАККУР 3/2012**



100



## ЧИРЧИЗ АХМАРОВ

Менинг монументал асарларим, картиналарим, портретларим Шарқ лирикаси, муштовз миния-  
тюра дурдоналари, ўзбек халқ амалий санъатига  
бўлган чексиз муҳаббатим билан йўрилгандир...  
Кимки Шарқ халқларининг мен учун ардоқли гўзал  
санъатини буюк маданиятини тунушмаса, демак,  
менинг асарларимни ҳам тунушмайди, қабул қила  
олмайди.

R566

ИҚТИБОС

J

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

# АВАДИЯТНИ БЕЗОВЧИ ГО'ЗАЛЛИК



Жу

*Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз борар экан, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси узига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш асло мумкин эмас.*

Ислол КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Президенти

*Барча санъатлар рўйи заминда яшашдек буюк санъатга хизмат қилади.*

Бертольд БРЕХТ

*Санъат асари чақмоқ, мушақ, камалак сингари лаҳзани обод қиладиган умри қисқа, мағзи пуч гўзаллик эмас, балки авадиятни безайдиган, умри боқий ва мағзи тўқ гўзалликдир.*

Абдулла ҚАҲҲОР

*Биз бирор тасвирий санъат асарига боқиб ҳайратга чўмганимизда уни яратган мусаввир буткул ёдимиздан кўтарилади – ижодкор учун энг зўр мақтов аслида шудир.*

Фридрих ШИЛЛЕР

*Санъат инсонга қанот бахш этиб, узоқ-узоқларга олиб кетади! Бўғзигача ботиб ётгани – фишқ-фужуру умрини беаёв кемираётгани – майда манфаатлардан... тўйиб кетган инсон санъатдангина ҳаловат ва завқ топа олади.*

Антон ЧЕХОВ

*Рассомми, мусаввирми? Қуръони каримда Оллоҳнинг номлари бирмабир саналиб "...ал-Холиқу ал-Мусаввир" дейилади. Демак, У инсонни тупроқдан яратувчигина эмас, руҳият ва ҳислар билан безаб, тасвир қилувчи ҳамдир. Бу жиҳатдан... дил ойнасига расм солиб, руҳият ва туйғулар билан равшан этувчи "мусаввир" атамасини қўллаш, чамамда, маъқулроқ.*

Асқад МУХТОР



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чика бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

**Таърифи:**

Муҳиддин РАҲИМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Дамин ЖУМАҚУЛ  
(маскул котиб)  
ШОҲСАНАМ  
(булим мудир)  
Оътага ЖОЛДАСОВА  
(булим мудир)  
Хуришд ЙЎЛДОШЕВ  
(муҳаррир)  
Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)  
Гулнора ФАТТОХОВА  
(мусаҳҳих)  
Машираб НУРИНБОЕВ  
(фотомуҳбир)

**Жамоат кенгаши:**

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Дилором АЛИМОВА  
Хуришд ДАВРОН  
Нуриддин ЗАЙННОВ  
Шухрат РИЗО  
Хайриддин СУЛТОН  
Нурислам ТЎХЛИЕВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Муртазо ҚАРШИБОВ  
Фарход ХАМРОЕВ  
Нбромдин ХАКҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шохқўчаси, 59-бино



233-10-68  
239-46-16  
233-79-40

Журнал андозаси тақририятининг компьютер бўлимида тайёрланади.

Шарҳ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100029, Тошкент шаҳри, Буюк Тўрол кўчаси, 41-уй.

2012 йил 4 июнь кунин босмахонага топширилди. Қўлга бичими 70x100 мм, 8 босма тобик, 2337-бўжуртма. Нашр адади 2200 нуска. ISSN 2010-649

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Таълим-тарбиясиз миллат юксалмас. *Файласуф олим Абдурахим ЭРКАЕВ билан суҳбат*.....4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Маънавий пойдевор.....14

### ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР

Фахриддин МУСАЕВ. Ўқ томири – адолат.....18

### ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Хуришд ЙЎЛДОШЕВ. Заруриятдаги тасодифият.....22

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Нодира МУСТАФОЕВА. Маданият – камолотга интиломқдир.....28

### ИБРАТНОМА

Рауль МИРҲАЙДАРОВ. Сўнги бекатдан мактублар.....34

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Улугбек ҲАМДАМ. Янги инсон. *Достон*.....44

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Михли САФАРОВ. Наво илми алломаси. *Эссе*.....60

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. "Сайдинг кўябер, сайёд...".....70

### БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Наби ЖАЛОЛИДДИН. Интибоҳ. *Маърифий ҳикоя*.....80

### ХАЗИНА

Муҳаммад АЗИМОВ, Моҳиғул АЗИМОВА. Қирққиз қасри.....92

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ


Миршариф ХҲЖАЕВ. Оссуриянинг туронлик маликаси.....96

### МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Илҳом ҒАНИ. Мутулаа – руҳ шифоси.....100

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Исажон СУЛТОН. "Мени ҳам туртиб қўй, эрта уйғонсанг...".....104



### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Ойбек АБДИМҶМИНОВ. Хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик.....110
- Бахтиёр ОМОНОВ. Глобаллашув ва сиёсий янгилаш.....111
- Барчиной ХҲЖАЕВА. Тарих ва шахс: диалектик боғлиқлик.....113
- Камилла ҲАМРОЕВА. Кучлар жипслацца, офат чекинар.....114
- Отабек ОЛЛОЁРОВ. Интернет ва ёшлар ахлоқи.....115
- Панжи САФАРҲОЖИЕВ. Инсонийлик жавҳари.....117
- Дилсора СУЮНОВА. Сугдларнинг кийиниш маданияти.....118
- Раъно УЗОҚОВА. Ретардация – эпик тасвир усули.....120
- Ҳусан ХУШВАҚТОВ. Мирзачўл қандай ўзлаштирилган?.....121
- Бахтиёр РАСУЛОВ. Меҳнат лашкарлари.....123
- Алимардон ҲАЙИТОВ. "...Бўлмағайлар бу нафъдин орий".....125
- Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127

# TA'LIM-TARBIYASIZ MILLAT YUKSALMAS

## Файласуф олим Абдураҳим ЭРКАЕВ билан суҳбат

– Абдураҳим ака, Сиз мустақил Ўзбекистонда кечаётган туб ислоҳотлар жараёнини синчиклаб кузатиб ва айна чоқда унга ҳолис муносабат билдириб бораётган куюнчак олимларимиздан бирисиз. Бу сўзларни суҳбат одоби важдангина айтилган анчайин бир лутф дея қабул қилманг. Зеро, ушбу хулоса “Миллий ғоя ва маънавият” (2002), “Тафаккур эркинлиги” (2007), “Маънавият ва тараққиёт” (2009), айниқса, сўнги “Ўзбекистон йўли” (2011) китобларингиз муролаасидан олинган таассуротлар ҳосиласидир. Биз – “Тафаккур” аҳлига Сизнинг янги Ўзбекистон тараққиётини кўпроқ журналимиз йўналишига ҳамоҳанг дунёқараш, таълим-тарбия, маънавият муаммолари билан боғлаб тадқиқ этишингиз айниқса маъқул. Айтинг-чи, ислоҳотлар шароитида ўтган икки ўн йилликда мазкур соҳаларда қандай арзирли натижалар қўлга киритилдию ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?

– Жамият ҳаёти – ранг-баранг, серқирра. Унинг мустақил соҳалари, йўналишлари кўп. Айна чоқда бари муштарак. Чунки жамият бу – ягона ижтимоий вужуд, мураккаб бус-бутун тизим. Шу боис уни ҳар жиҳатдан уйғун ривожлантириш зарур. Тўғри, ислоҳотлар жараёнида турли омиллар ҳисобга олиниб, жамият ҳаётининг баъзи соҳа ва йўналишларига устуворлик берилиши мумкин. Лекин ушбу устувор

соҳалар шундай жабҳалар бўлиши керакки, улар жамият ривожда локомотив вазифасини бажариб, бошқа соҳаларни ҳам тортиб кетсин. Ўзбекистонда ислохотлар назарияси яратилишида унинг муаллифи – Президент Ислом Каримов тараққиёт масалаларига ҳар жиҳатдан ёндашгани сабаби ана шунда. Назариянинг мазмун-моҳияти ҳақида эса тўхталиб ўтирмайман. Мен уни “Ўзбекистон йўли” деган китобимда имкон қадар ёритганман.

Айни ўринда бир муҳим ютуқ ва бир жиддий муаммога диққатингизни қаратмоқчиман. Биринчиси, бугун ушбу назариянинг амалий натижаларини бутун дунё эътироф этаётгандир. Бунинг ёрқин тасдиғи ўлароқ шу йил февралда БМТ Бош Ассамблеяси 66-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-15 йиллар учун прогнозлар” номли ахборотномаси тарқатилди. Қолаверса, 2011 йил ноябрида БМТ, БССТ ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида соғлиқни сақлашнинг, 2012 йил февралда эса БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида таълим-тарбиянинг ўзбек миллий моделига бағишланган халқаро конференциялар бўлиб ўтгани, уларда жаҳоннинг ривожланган ва бошқа кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашгани ҳам фикримизни яна бир қарра исботлайди. Бундан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Иккинчиси, ижтимоий онгнинг қўш сатҳи – назарий онг ва кундалик онгнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни имкон қадар мувофиқлаштириш зарурлигидир. Бу жуда мураккаб ва зиддиятли масала. Чунки назарий онг ва кундалик онг ўзаро боғланган бўлса-да, бир қадар муҳтор ва мустақил ҳодисалардир. Бу йўналишда ҳали қилишимиз зарур бўлган ишлар талайгина.

Ислохотлар муваффақияти фақат пухта ишланган дастурларгагина эмас, шунингдек, халқ бу ислохотларни қандай тушуниши, қабул қилиши ва қўллаб-қувватлашига ҳам боғлиқ, деганида давлатимиз раҳбари ижтимоий онг қўйи сатҳининг жамият тараққиётидаги аҳамиятини таъкидлаган эди. Илм-фан чиқарган хулосаю берган тавсиялар омма онгига етиб бориб, уларнинг ишончига, яъни ижтимоий онгнинг қўйи сатҳи – кундалик онг мулкига айлансагина жамият тараққиётига самарали таъсир кўрсатади, бунинг учун зарур ижтимоий-маънавий муҳит яратади. Акс ҳолда энг ажойиб, буюк кашфиётлар ҳам қоғозда қолиб кетаверади. Бунга тарихдан истаганча мисол келтириш мумкин. Кундалик онг, ўз навбатида, назарий онг учун “буюртмачи” бўлиб, уни муайян тадқиқотлар ўтказишга рағбатлантириши ёки аксинча, унинг ривожланиши йўлида тўсиқ бўлиши ҳам мумкин.

Шу сабабдан назарий онг ва кундалик онгнинг мутаносиб ривожланишига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун, аввало, жамият ҳаётининг турли соҳаларини назарий жиҳатдан батафсил ва чуқур ўрганишимиз, натижаларини эса оммабоп шаклда ёритишимиз лозим. Бу кимгадир ижтимоий-иқтисодий, ҳатто баъзи ўткир илмий-амалий муаммолар олдида унчалик ҳам долзарб туюлмас, лекин бизнинг эртанги кунимиз истиқболли бўлиши ижтимоий онгу тафаккуримиз илғорлиги, теранлигига бевосита боғлиқ. Кундалик онгни юксалтиришга эса таълим-тарбия сифатини яхшилаш, аҳолининг билим савиясини кўтариш, халқ онгига илмий-назарий қарашларни сингдириш орқали эришилади.



Назарий тадқиқотларни, назарий онгни ривожлантиришда ҳар қандай жамиятда ҳам турли қийинчиликлар – моддий-иқтисодий, касбий-малакавий, илмий-услубий муаммолар доим мавжуд бўлган. Улардан биринчисини осон ва тез ҳал қилиш мумкин, учинчисига ҳам аксарият ҳолларда нисбатан тез ечим топилади. Аммо иккинчиси бир оз қийинроқ – истеъдодларни топиб тарбиялаш кўп вақт ва меҳнатни талаб этади.

– Демак, Сизнингча, ижтимоий онгнинг икки сатҳи орасида бирмунча номувофиқлик мавжуд. Назарий онг, аниқроғи, унинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан боғлиқ йўналиши кундалик онгни ривожлантириш эҳтиёжларидан, кундалик онгнинг ўзи эса жамиятни равнақ топтириш эҳтиёжларидан ортда қолмоқда. Аён гапки, ҳеч бир оқибат бесабаб тозага келмайди. Сизнингча, ушбу номувофиқлик қандай сабаблар билан изоҳланади?

– Ўтган йигирма йилда Ўзбекистонда янги жамият шаклланди. Мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, хусусий мулк вужудга келди. Ишлаб чиқариш муносабатлари, энг аввало, тақсимот, истеъмол, алмашув ва таъминот тамойиллари мазмунан ва шаклан ўзгарди. Бозор иқтисодиёти асослари қарор топди.

Ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий муносабатлар ҳам янгиланди. Айни жараёнга моддий негизлар билан бир қаторда, турмуш фаровонлиги юксалгани, маиший соҳага илм-фан, айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари кириб келиб, йилдан-йилга чуқур сингиб бораётгани, одамларнинг бўш вақти кўпайгани, ҳордиқ чиқариш ва дам олиш мазмуни ўзгаргани ҳам таъсир кўрсатди. Юртдошларимиз дунёқарашини бойиди, тор маҳаллий янгиликлар ҳақида фикр юритишдан кенг миқёсдаги воқеалар тўғрисида мушоҳада қилишгача юксалди, қизиқиш доираси ҳам маҳаллий, минтақавий масалалардан глобал, одамшумул масалаларгача кенгайди. Уларга тақдим этилаётган ахборот, маданий, кўнгилчор дастурлар ранг-баранглик касб этди. Қадриятлар тизими янгиланди. Шу билан бирга, табиийки, таълим-тарбия олдида турган вазифа ва муаммолар ҳам кўпайди.

Жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий асосларини, давлат тузумини, мулкчилик шаклларини, иқтисодий муносабатларни бир қадар тез ўзгартириш, бу борада янги қонунлар қабул қилиб, жиддий ислохотлар ўтказиш мумкин. Лекин оила ҳаёти асосларини, одамлар ўртасидаги ижтимоий, ахлоқий, маиший муносабатларни тезда ўзгартириб бўлмайди. Давлат ва жамият қурилишини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари ҳам бирмунча тез англанди, аммо ҳаётнинг баъзи соҳалари, хусусан, оиланинг, маънавий-маданий ва маиший турмушнинг, тарбиянинг турли масалаларини дабдурустан англаб бўлмайди. Шу сабаб ижтимоий онгнинг тарбия ва қадриятлар билан боғлиқ баъзи муаммоларини илмий тадқиқ этиш кечика бошлайди.

Тўғри, дунёқараш, қадриятлар тизимида фундаментал, барқарор ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, ижтимоий-иқтисодий ғоя, қараш, меъёр ва идеаллар мавжуд ҳамда улар моҳиятан умуминсоний ва ўзгармасдир. Улар мазмунан ва шаклан бойиб, ривожланиб бора-да, аммо асос-негизига кўра, ҳамма вақт барқарорлигини сақлаб қолади. Масалан, барча жамияту тузумларда Одам наслига хос ўғирлик, хоинлик, зўравонлик, қотиллик, қўрқоқлик, алдамчилик каби қусурлар қораланган, айни чоқда тўғрилик, ҳалоллик, мардлик, сахийлик, хушмуомалалик каби фазилатлар улуғланган.

Бироқ дунёқараш ҳамда қадриятлар тизимида, жамият тараққиёти талабларига кўра, инсонлараро турли муносабатларни тартибга солувчи ўта фаол меъёр ва идеаллар ҳам борки, уларни узлуксиз ўрганиб, таълим-тарбияни, ижтимоий-мада-

ний ҳаётни шуларга мувофиқ тарзда ривожлантириш зарур. Чунки дунёқараш ва қадриятларнинг асл ижтимоий вазифаси – инсонни жамият ҳаётига, замон талабларига мослаштириш, унга ижтимоий йўналиш бериш, инсон билан инсон, инсон билан жамият, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Бу вазифага сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлар ҳам, иқтисодий ва ижтимоий концепциялар ҳам, урф-одатлар ва диний меъёрлар ҳам, бадийий-эстетик қадриятлар ҳам – барча-барчаси хизмат қилади. Айнан шу борада назарий, илмий тадқиқотларда оқсоқлик сезиляпти, улар жамият тараққиёти суръатлари ва эҳтиёжларидан ортда қолмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёни одамларга бирмунча мураккаб, зиддиятли таъсир кўрсатаётир. Бир томондан, фуқаролар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмоқда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошмоқда, тадбиркорлик, яратувчанлик салоҳияти юзага чиқмоқда. Иккинчи томондан, меҳнат бозоридаги рақобат ва жамиятдаги мулкий табақаланиш оқибатида озми-кўпми ўзаро бегоналашув рўй бермоқда, шахслараро муносабатларда тобора беғаразлик ўрнини манфаатдорлик эгалламоқда, жамоавийлик туйғуси сусайиб, индивидуализм туйғуси кучаймоқда. Хўш, ушбу зиддиятли жараён ижтимоий фалсафа, социология, психология, педагогика фанларида нечоғлиқ тадқиқ этиляпти? Асрлар бўйи халқимизда бировга қарз бериш, ёрдам кўрсатиш асосан ўзаро ишончга таянган, камдан-кам ҳолларда қарздордан тилхат олинган, бугун эса икки таниш-билиш ўртасидаги қарзу қаволадагина эмас, ҳатто оила-никоҳ масалаларида ҳам шартнома тузиш урф бўлаётир. Биз бу ҳолни салбий демоқчи эмасмиз, ҳар бир муносабат, айниқса, олди-берди, мулк муносабатлари аниқ ҳуқуқий меъёрларга асослангани маъқул. Бу мисолни келтиришдан мақсад эса турмушимиз, ижтимоий муносабатларимиз қанчалик ўзгарганию бу ўзгаришларни илмий ўрганиш нечоғлиқ зарурлигини таъкидлашдир. Айниқса, тарбия борасида тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолар кўп. Бу борада назарий тадқиқотлар, хулоса ва тавсиялар кечикмоқда.

*– Абдурахим ака, боя ўзингиз ҳам тилга олганингиздек, индивид жамиятда шахс ўлароқ яшаш учун зарур бўлган барча ҳислатларни тарбия воситасида эгаллайди. Ахир бундай тарбияни ололмаган ўғил-қизлар ижтимоий ўзгаришлар оқимидан четга чиқиб қолиши муқаррар-ку! Глобаллашув шароитида ҳатто дунёнинг бош йўлидан ҳам четда қолади, десак муболаға бўлмас. Бундай аҳвол нафақат муайян ўғил-қизнинг, бутун жамиятнинг ҳам дарду ташвиши, шундай эмасми? Яна ўша сабаб ва оқибат муносабатига дуч келиб турибмиз. Тарбия борасидаги муаммолар илдизини қаердан излаган маъқул?*

– Жамиятда энг оғиркарвон жабҳа – бу одамларнинг тафаккури, кўникмалари, урф-одатлари билан боғлиқ соҳадир. Масалан, оилада бола тарбияси масаласини олайлик. Азалдан оила ўғил-қизни жамиятда қарор топган турмуш тарзига, унинг талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялаган. Ўтмишда оила ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ташкилий бўғини бўлгани сабаб бола меҳнат ва касб сирларини биринчи галда шу ерда ўзлаштирган. Деҳқоннинг боласи мурғаклигидан отаси қўш ҳайдаган чоқда ҳўкизларни етаклаган, хирмон янчаётганда от ёки эшак устида ўтириб уни бошқарган, дов-дарахтни бутаётганда дастёр бўлиб новдани ушлаб турган. Рўзгор юритиш, мол-ҳолга қараш, савдо-сотик қилиш каби ишларда болалиқдан кузатувчи, ўсмирликдан иштирокчи бўлган. Дурадгор ёки косибнинг фарзанди ҳам муштдайлигидан отаси ёнида ўралашиб, ёрдам бериб, аста-секин касб сирларини ўзлаштирган. Ўсмирликда қўли ишга анча келиб қолган. Касб сирлари билан баб-баравар касб этикаси – одобини ҳам ўрганган. Шаҳарлик косиб-хунарманднинг боласи

рақобат муҳитида харидорни ўз молига жалб қилиш учун муомалада ширинсўзликни эл билан кам мулоқот қилувчи чорвадор боласига нисбатан яхшироқ ўзлаштирган. Асрлар давомида ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини – оилада бола меҳнат қилиш, рўзгор юритиш, бозор-ўчар қилиш, янада муҳими, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бор куч-иродасини сафарбар этиш кўникмасини ўзлаштирган. Таълим ва тарбия узвийлик касб этган.

Жамият ривожланиши жараёнида ишлаб чиқаришнинг асосий ташкилий шакли аста-секин оиладан корхонага ўтди. Бизда айни ҳодиса табиий-тадрижий тарзда рўй бермади, балки мустамлакачилик сабаб четдан тиқиштирилган ва сунъий жадаллаштирилган ҳолда содир бўлди. Оқибатда жамиятнинг таълим-тарбия ва маънавий-маърифий, мафзуравий институтлари бундай жадал ўзгарган вазиятга дуруст мослашолмади, қолаверса, мустабид тузум ушбу соҳада ҳам қарам фуқарони баттар мутеликда сақловчи ўз маҳкамалари ва усулларини жорий этишга ҳаракат қилди. Шунга кўра, аънавий турмуш тарзи қайси бўғин, қайси соҳада кўпроқ сақланган бўлса, ўша ерда миллий тарбия тамойиллари, унсурлари, усуллари ҳам кўпроқ сақланган.

Яна оила мисолига қайтсак. Томорқаси, боғ-роғи бўлган, бир-икки бош мол-қўй сақлаган қишлоқ оилаларида болалар анча-мунча кўникмаларни ёшлиқдан ўзлаштиради. Тўрт-беш яшар қизалоқ онаси чучвара ёки манти тугаётганида хар-хаша қилиб ёнига ўтириб олади-да, бир бўлак хамирни қўлга киритмагунча тинчимади. Қир ювилаётганда ҳам худди шундай. Онаси биронта дастрўмол ва тоғорача бериб, қизалоқ хархашасидан аранг "қутулади". Қиз бола ана шу тарзда рўзгор ишларини табиий ўзлаштириб боради.

Бироқ урбанизация жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётгани, ишлаб чиқариш завод-фабрикалар ва бошқа замонавий технологик шаклларга ўтиб кетгани боис шаҳар оилалари аҳоли тубдан ўзгарди. Ота-она эрталаб ишга кетади, бола эса боғча ёки мактабга жўнайди. Ота-она уйга кеч қайтади. Она-ку ишдан келиб, рўзгор юмушларига тутинади, қизи унга қарашади. Бироқ оталар одатда улфатлари билан чойхонага ёки шахмат ўйнашга кетмаса, қўлида газета, телевизор ёнида вақтини ўтказади. Ўғли билан камдан-кам ҳолларда суҳбатлашиб ўтиради. Униси меҳнат, касб, оила ва жамиятга, бир сўз билан айтганда, ҳаётга тайёрлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Бу ташвишли ҳол ўтган асрнинг иккинчи ярмидан давом этиб келаётир. Ахир халқимиз бежиз "Қуш уясида кўрганини қилади" демайди. Бугун болаларимизга ота тарбияси, ота ибрати етишмаяпти. Шу сабабли ўғил болалар орасида қизларга қараганда мактаб ва институтдаги ўқиши бўш, меҳнатга тоби йўқ, иродаси суст ёшлар талайгина, мустақил оилавий турмушга-ку кўпчилиги тайёр эмас. Баъзан яхши тарбия кўрган, ўқимишли, иқтидорли қизлар боқиманда, тарбиясиз, худбин йигитга турмушга чиқиб, бутун умр эзилиб яшаётганини кўрасиз. Бундай эркаклар, одатда, рашкчи, кўрс, баъзилари ичкиликбоз бўлади. Ўзининг номукамаллик комплексини турмуш ўртоғи ва ўғил-қизига кўполлик қилиш, уларни ҳақоратлаш билан гўёки яширади, шахсий камчилигини "тўлдирди". Хотин-қизларнинг тенгхуқуқчилиги – гендер масаласига эътибор кучайган бир даврда ушбу муаммони ҳал этишнинг асосий йўналишларидан бири – ўғил болаларни оилапарвар қилиб тарбиялаш эканини эслатиб ўтиш ортиқча бўлмас.

*– Сизнингча, ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари ва технологиялари ўзгаргани оилада ўғил бола тарбиясини бўшаштириб юборган. Гарчи айрим баҳсталаб нуқталар бўлса-да, (чунки айни муаммони биреина сабабга боғлаш қанчалик тўғри, билмадим,) майли, бу ҳулосани қабул қилайлик. Хўш, тарбия*

*кўнгилдагидек бўлиши учун нималарга эътиборни кучайтириш керак? Айтин-чи, аҳволнинг ўнгланиши фақат оилаю ота-она хоҳиш-иродасига боғлиқми? Ахир ҳеч бир ота-она балани масъулиятсиз, боқиманда бўлиб ўсишини истамайдими-ку! Муаммонинг илдизи, балки чуқурроқдир?*

– Йўқ, мен кўплаб сабабларни айтишга улгурмадим. Юқорида фақат турмуш тарзининг ишлаб чиқариш ва иқтисод жиҳатидан ўзгаришини белгиланган биргина сабабга эътиборни қаратдим, холос. Аслида, муаммонинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маданий-маиший ва бошқа мафкуравий сабаблари ҳам бор. Бундан ташқари, кўплаб хусусий аниқ сабабларни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Масалан, ўғил болалар етарлича тарбия кўрмаётганига оиладан ташқари мактабда ҳам ўқитувчиларнинг аксарияти хотин-қизлар экани сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу муаммо кўп йиллардан буён мавжуд ва йилдан-йилга ортиб бораётир. Суҳбатимиз мавзуси доирасида эса, менимча, асосий сабаб – шиддат билан ривожланиб, ўзгараётган бугунги жамиятда таълим қандай бўлиши лозимлиги ҳақида илм-фан зарур тавсиялар берган бўлса-да, лекин тарбия борасида бунга ҳали муваффақ бўлолмаганидир. Оила, мактаб, фуқаролик жамияти институтлари, давлатдан фарқли ўлароқ, бу соҳада ўз билганича иш кўрмоқда, аниқ мақсад ва ижтимоий мўлжал асосида баҳамжиҳат иш юритмаяпти. Мактаб ҳамда таълимнинг кейинги поғоналари фаолиятини тўлдирувчи кўйи бугун – оила, маҳалла, тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари тизимли ва ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда иш олиб бориши зарур. Тарбиядаги шўро даврида шаклланиб қолган ва ҳозиргача тўлиқ барҳам топмаган баландпарвозлик, мафкурабозлик, мақтанчоқликдан, ҳар нарсани бўяб, бўрттириб кўрсатишдан тезроқ қутулиш керак. Тарбиянинг ҳар бир йўналиши, шаклини имкон қадар меҳнат тарбияси билан боғлаш лозим. Албатта, меҳнат деганда нафақат жисмоний меҳнат, балки ақлий меҳнатни ҳам тушунмоқ лозим. Меҳнат тарбияси, шак-шубҳасиз, тарбиянинг барча турлари асосида ётади. Табиати ато этган буюк истеъдод ҳам меҳнатсиз юзага чиқмайди. Олим ҳам, адиб ҳам ўз соҳасида бетиним, сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилсагина, бирон бир юксак натижага эришади. Меҳнат тарбияси инсонда иродани, қатъиятни, шижоатни шакллантиради.

Мен кўпгина ўқувчи ва ўқитувчиларга “Ватанпарварлик нима?”, деган савол билан мурожаат қилганман. Уларнинг деярли барчаси “Ватанни севиш, керак бўлса, унинг учун жон фидо қилиш” қабилидаги тўғри, аммо советларча маҳдуд жавобни берган. Ватан бошига ҳар куни кулфат ёғилиб, душман бостириб келаётгани йўқ. (Худо бундай балодан асрасин!) Ватанпарварлик авваламбор ҳар куни танлаган касбингиз, бажараётган вазифангиз доирасида ватанга ҳалол хизмат қилиш, унинг бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшиш, деган жавобни ҳеч кимдан эшитмадим. Бошқача айтганда, бизда ватанпарварлик тарбияси меҳнат қилиш зарурати, хизмат вазифасига масъулият билан, афсуски, етарлича боғланмаган. Масалан, ўқитувчининг ватанпарварлиги, аввало, ўқувчига пухта билим ва юксак тарбия беришдир. Завод-фабрика ишчисининг ватанпарварлиги яроқсиз маҳсулот чиқармаслик, халқ бойлигини исроф қилмасликдир. Ўқувчи ва талабанинг ватанпарварлиги, биринчи вақда, пухта билим олиб, касб эгаллаш ва ватан корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишдир. Бир қараганда, бу жуда оддий, ҳаммага аён ҳақиқат. Аммо шу оддий, жўн ҳақиқат ўқув дарсликлари ва тарбия жараёнларида етарлича аксини толганми? Ушбу саволни чуқурлаштириб бораверинг-чи, қандай муаммолар юзага қалқиб чиқар экан! Таъмагир профессор билими паст, лоқайд-дангаса талабага қайсидир бир “шартлар” билан ими-жимиди баҳо қўйса ёки порахўр амалдор совға-салом эвазига кимгадир чет элдан сифати талабга жавоб бермайдиган машина ва уску-

наларни сотиб олишга рухсат этса, бизнинг мутахассису корхоналаримиз халқаро миқёсда қандай рақобат қила олади? Таъмагир профессор ва порохўр амалдорни, улар нечоғлиқ баландпарвоз "тўғри" гапларни гапирмасин, ватанпарвар дейиш мумкинми?!

Дарҳақиқат, муаммонинг илдизи – чуқур. У ҳалол меҳнат билан луқма топишга, меҳнатсиз даромаддан ҳазар қилишга, хуллас, яна ўша ахлоққа, тарбияга бориб тақалади. Сиёсий онг, мафкуравий қарашлар негизида, барибир, меҳнат билан топиладиган ҳалол даромадга, заҳмат эвазига келадиган чин обрўга интилиш, яъни инсонда эзгу ахлоқни шакллантириш ётади.

– Бироқ меҳнат тарбиясини яхшилаш билан барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетармикан? Тўғри, меҳнат ва ахлоқ – тарбия пойдевори эканини озми-кўпми далиллагандайсиз. Аммо ҳаёт – мураккаб, муаммолар – кўп. Яна қайси ижтимоий аҳамияти долзарб муаммо ҳақида алоҳида тўхталиш зарур деб ҳисоблайсиз?

– Замон шиддат билан илгарилаб борапти. Бугун – бозор иқтисодиёти ва глобаллашув шароитида баъзи анъанавий миллий ва умуминсоний қадриятларни, биринчи галда, меҳнатсеварлик ва меҳр-оқибатни асраб қолиш тўғрисида ўйламоқ лозим. "Оммавий маданият"нинг сийқа маҳсулотлари, "оммавий санъат"нинг саёз жанрлари тез тарқалиб, ёшларимиз фикру хаёлини эгаллаб олаётган бир вақтда биз эскича тарбия усуллари, айниқса, насиҳат ёки танбёҳ бериш орқали, фақат аждодлар ютуғи билан фахрланиб, ҳатто баъзан уларни идеаллаштириб ҳеч нарсага эришолмаймиз. Интернетни, компьютерни бекор қилиб бўлмайди. Бироқ ўғил-қизларда китоб ўқишга иштиёқни, миллий адабиёт ва санъатга меҳрни ҳам шакллантирмоқ лозим. Миллий қиёфамизни, ўзлигимизни, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимизни сақлаб қолишимиз керак. Уларни умуминсоний ва замонавий ютуқлар билан бойитган ҳолда, албатта.

Ушбу масалаларни барча ижтимоий-гуманитар фанлар – сиёсатшунослик, иқтисодиёт, социология, этика, эстетика, психология, педагогика, филология илмлари таҳлил этиб бориши, турли тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши лозим. Бу талаблар биринчи галда фалсафага, янада аниқроғи, ижтимоий фалсафага тааллуқли.

Хўш, жамиятдаги ўзгаришлар, янги муносабатлар, турмуш талабларига мос равишда тарбия мақсадлари, идеаллари, усуллари қай даражада ўзгарди, бойиди, тақомиллашди? Жисмонан соғлом, маънан етук бўлган баркамол авлод, комил инсон идеалларига қандай эришилади? Ўқув предметлари бўйича таълим стандартларида бу зарурат қанчалик оқилона ҳисобга олинган? Оилавий тарбияда-чи? Таълимдан ташқари тарбия муассасаларида-чи?

Бу саволларга жавоб қайтариш учун, аввало, ҳозирги замон жамияти инсондан қандай хислату фазилатларни эгаллашию унинг дунёқараши, билим, кўникама ва ижтимоий мўлжаллари қандай бўлишини тақозо этади, деган жумбоқ устида бош қотириш зарур. Таълим стандартларида бўлажак мутахассисга қўйиладиган малакавий талаблар, яъни муайян касб соҳиби эгаллаши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳисобга олинмоқда. Лекин бўлажак инсонга қўйиладиган талаблар, таассуфки, эътибордан четда қоляпти. Аксарият гуманитар предметлар ҳам билим беришга мўлжалланган, холос.

– Англашимча, бўлғуси инсон қандай талабларга жавоб бериши лозим, аввал шуни аниқлаб олиш, сўнгера таълим-тарбияни мазкур талабга мослаштириш зарур, демоқчисиз. Бу, албатта, кўпчиликнинг ақл-идроқи ва саъй-ҳаракати билан

*амалга ошадиган иш. Сизнинг ўзингиз ҳозирги давр талаблари ва таълим-тарбия мазмуни ўртасида мувофиқлик ҳамда мутаносиблик яратиш йўллари қандай тасаввур этасиз?*

– Жамият тараққиётида кескин тарихий бурилиш юз берган даврларда таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилиши лозим. Бу – тарихий зарурат. Айнан шундай вақтда Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот...” деган сўзлари айрича мазмун касб этади. Шу сабабдан Ўзбекистонда янги жамият куриш, туб ислохотлар ўтказиш назариясида ижтимоий жабҳани, таълим-тарбия ва маънавият соҳасини ислоҳ қилиш устувор йўналишлардан бири бўлди. Бунда ҳам давлат бош ислохотчи вазифасини зиммасига олди. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда барча жабҳалар қатори ижтимоий соҳада ҳам кечаётган ислохотларни бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Минглаб замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, болалар мусиқа ва спорти объектлари барпо этилгани, маданий меросни тиклаш ва маънавий салоҳиятни юксалтириш чора-тадбирлари кўриляётгани, янги авлодни миллий ғояга садоқат руҳида вояга етказиш ва унинг ижодий қобилиятини тўлиқ юзага чиқариш учун қулай шароитлар яратилётгани каби узоқ истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар давлатимиз таълим-тарбия ишига нечоғлиқ улкан эътибор қаратаётганидан далолатдир. Буларни эътироф этган ҳолда, яна бир бор таъкидламоқчиман, кундалик онгда – оила, маҳалла ва таълимдан ташқари муассасаларда, фуқаролик жамияти институтларида таълим-тарбиянинг айрим масалалари ҳамда эҳтиёжларининг янгиланаётган жамият талаблари даражасида англаб олиниши бир оз ортда қолмоқда. Айни чоқда, назарий онгда, энг аввало, ижтимоий фалсафа, этика, эстетика фанларида сусткашлик кузатилмоқда. Бу фанлар асосий тушунча, меъёр ва идеалларини ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда кенгроқ ва теранроқ, зарурат бўлган ҳолларда эса янгича, қайта талқин қилиши зарур. Уларни ўзлаштириш жараёнида фуқаролар дунёқарashi бойийди, ижтимоий мулжаллари аниқлашади, маънавий муҳит ҳам тобора янгилашиб, кишиларни бунёдкорлик сари йўналтиради. Акс ҳолда кундалик онг ва маънавий муҳитда бу жараён стихияли ва ўта зиддиятли кечади.

Фикримиз тушунарли бўлиши учун мисол келтираман. Шўро даврида маҳсулот устига икки-уч тийин қўшиб сотадиган магазинчини одамлар ноинсоф, ўғри деб ҳисоблар, қонун уларни жазоларди (қўлга тушса, албатта). Бугун катта дўкон ёки улгуржи бозордан олган маҳсулотни устига бир оз нарх қўйиб, кўчада – гавжум жойда сотиб турган кишини ҳеч ким айбламайди, аксинча, майда тадбиркор дейди. Одамлар онги, ахлоқий баҳолари ўзгарганини ушбу мисол кўрсатиб тургандек гўё. Хўш, ана шу икки ҳолатни қандай талқин қилиш мумкин? Аслида инсофли-инсофсиз тушунчаларининг ўзак тамойили одамлар онгида ўзгаргани йўқ. Шўро даврида магазин, савдо давлатники эди. Магазинчи товар нархи устига устама қўйишга ҳақли эмасди (гарчи сотувчининг ойлик маоши тузумнинг адолатсизлиги боис жуда кам бўлса-да). Унинг маҳсулотни келтириш билан боғлиқ харажатлари давлат зиммасида бўлиб, бу ҳам давлат белгиланган нархда ўз аксини топган эди. Демак, нарх устига устама қўйиш унинг шахсий манфаатига хизмат қилиб, харидорга эса фақат зарар келтирар эди. Ўша замонда одамларнинг бундай сотувчига берган баҳоси, муносабати адолатли эди. Кўчада, соябон остида майда-чуйда сотиб турган тадбиркорга келсак, у катта дўкон ёки улгуржи бозордан харид қилган маҳсулотини келтириш, сақлаш, ҳар куни кўчага олиб чиқиш, куни бўйи вақт сарфлаш билан боғлиқ моддий ва руҳий зўриқишларга дуч келган. Маҳсулотни харидор учун қулай бўлган жойга келтириб, улгуржи баҳо устига қўшилган қиймат ҳосил қилган. Қолаверса, бугунги харидорда

ҳар доим ҳам танлаш имконияти мавжуд. Хоҳламаса маҳсулотни ўша жойдан олмай, дўкондан олади. Тадбиркор давлатдан ушбу фаолиятга рухсат берувчи расмий ҳужжат олган (лицензия, патент ва ҳоказо).

Ваҳоланки, шўро даврида харидорда эркин танлаш имкони деярли йўқ эди. Магазин қишлоқда ёки маҳаллада фақат битта. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам ундан маҳсулот олишга мажбурсиз. Боз устига, дўконда ақсарият маҳсулот тури барчага етарли бўлмаган. Чунки социалистик иқтисодиёт моҳиятан тақчилликка асосланган. Магазинчи харидорнинг иложсизлигидан шахсий манфаати йўлида фойдаланган. Шу жиҳатдан, бугун кўчада савдо қилаётган тадбиркор харидорнинг иложсизлигидан фойдаланолмайди. Билакс, унинг вақтини тежайди, ҳожатини раво қилади. Албатта, кўчада сотувчилик қилаётган тадбиркор харидорга малол келмайдиган миқдорда нархга устама қўйиши, у билан одоб-ахлоқ доирасида муомала қилиши лозим. Акс ҳолда у ҳам виждонсиз, ноинсоф деган ном олиши тайин.

Агар мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бозор муносабатлари, мулкчилик шакллари, тадбиркорлик фаолияти кенг миқёсда тарғиб қилинмаганда, бозор иқтисодиётнинг социалистик иқтисодиётга нисбатан афзалликлари тушунтириб берилмаганда, ижтимоий онга ушбу ҳолатга ҳозиргидек ижобий муносабат қарор топмасди, аҳоли ва айниқса, унинг катта ёшдаги қисми тафаккурию руҳиятида иккиланишлар давом этаверарди.

Давлатимиз раҳбари ислохотларнинг асосий устувор йўналишлари юзасидан нафақат иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши, балки миллий тикланиш ва маънавий юксалишга доир ҳам янги ғоя, назарий фикр ва концепцияларни олға сурди. Олимлар, адиблар, журналистлар, амалиётчилар оммавий ахборот воситалари орқали ўз мулоҳаза ва тақлифларини фаол билдирди. Натижада ҳамюртларимиз дунёқарашда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Аммо ҳаётнинг жуда кўп масалалари борки, уларни изчил ва теран тадқиқ этиш лозим. Шу ўринда мен турли ижтимоий фанлар бир вақтда ўрганадиган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатишни истар эдим. Масалан, мафкуравий плюрализм ва тафаккур эркинлиги ана шундай масалалардандир. Уни нафақат ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик, шунингдек, виждон, эътиқод эркинлиги йўналишида диншунослик; ижодий усуллар, бадиий оқимлар йўналишида эстетика, санъатшунослик, адабиётшунослик (ҳар қайси ўз предмети доирасида) ўрганиши зарур.

– Домла, энди барча далилу мулоҳазалар юзасидан жамловчи фикр ва хулосаларингизни баён қилиб мусоҳабага яқун яасангиз. Зеро, олимларимиз ўтмишда бундай усулдан унумли фойдаланган, ҳатто асосий фикр ва хулосаларни умумлаштирган алоҳида асарлар ёзишган. Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақоийк” (Ҳақиқатлар қаймоғи) асари ва бошқа шу каби “зубдат”лар қадри бугун ҳам баланд. Сўхбатимизнинг асосий хулоса ва ғоясини қандай ифодалаган бўлар эдингиз?

– Ялли глобаллашув ва ахборот технологиялари шароитида умуминсонийлик, миллийлик ва ижтимоий тараққиёт масаласи, айниқса, маданият йўналишида ўта долзарблик касб этмоқда. “Оммавий маданият” орқали стандартлашган, саёз мазмунли, истеъмол товарига айланган “ижод маҳсуллари” кенг тарқалиши, лўнда қилиб айтганда, миллий санъат, адабиёт, тарбияга путур етказмоқда. Миллий психологиямиз, баъзи олижаноб фазилатларимиз – меҳру оқибатли, хайру саховатли бўлиш, савоб ишларга интилиш кабилар тобора ўтмаслашмоқда. Бунга қарама-қарши ўлароқ ғарбпарастлик, тақлидчилик кучаймоқда. Ғарб “оммавий маданияти” бизнинг турмушимизга қотиб қолган усулларда, айрим ҳолларда эса мутлақо номуносиб шаклларда тиқиштирилмоқда. Унинг таъсирига тушиб қолган баъзи ёшлар эрта бир кун

ота-она бўлади, ўзлари фарзанд тарбиялайди. Уларнинг ўғил-қизларида миллий ифтихор туйғуси, умуман, ўзбек менталитети сақланиб қоладими? Уларда миллий нигилизм кайфияти авж олиб кетмайдими? Яна ўттиз-қирқ йилдан сўнг биз, ўзбеклар миллий айнаиятимизни қай даражада англаймиз?

Айни чоқда, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши – тараққиётнинг объектив тенденциясидир. Бинобарин, улардан юз ўгириб, миллий маҳдудликни ҳам танлай олмаймиз. Ушбу муаммонинг мақбул ечимини топиш осон эмас. Бунинг учун жиддий назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш лозим. Тадқиқотларни ҳар бир фан йўналиши ва унинг фундаментал муаммолари бўйича алоҳида ўтказиш зарур. Ижтимоий фалсафа уларнинг хулосаларини умумлаштириб бориши, ўзи ҳам алоҳида предметдан келиб чиқиб тадқиқотлар юритиши даркор.

Замонавий тарққиёт талабларига, истиқболдаги стратегик ўзгаришларга жамоатчилик онгини тайёрлаб бориш лозим. Бунинг учун аввало истиқбол тараққиёти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш талаб қилинади. 20 йиллик тажрибамизни ҳам ижтимоий онг миқёсида чуқур англаб олсак, ёмон бўлмасди. Масалан, ўзбек моделининг кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойилига ҳамда жамиятни демократлаштириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш сиёсатига мувофиқ тарзда, ижтимоий муҳофазанинг аксарият турлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар ва фуқароларни аниқлаб, давлат идораларига тавсия этиш ҳуқуқи ушбу органларга берилгани миллий даромаднинг ижтимоий муҳофазага йўналтирилган қисмини қайта тақсимлашда аҳоли чиндан-да кенг иштирок этаётганини билдиради. Бу Ўзбекистонда демократия ва эркинлик (либерализм) тараққий топаётганига ҳам, фуқаролик жамияти ривожланаётганига ҳам ёрқин мисолдир. Биз бундан фахрлансак, уни дунёга кўз-кўз қилсак арзийди. Лекин мазкур ҳодисани ҳалигача ижтимоий онг даражасида ўзимиз ҳам тўлиқ англаб етганимиз йўқ, чунки ушбу мавзуда илмий жиҳатдан чуқур ва қамровли тадқиқотлар кам, борлари эса айни жараённинг амалий намоён бўлишини эътироф этишдан нарига ўтмайди.

Миллий тарбиянинг кўпгина соҳа ва йўналишлари маиший турмуш соҳаси ҳамда таълим даргоҳларидан ташқарида қониқарли эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири ижтимоий-гуманитар фанларимизнинг ночорлигидир. Ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Бир аср муқаддам Абдулла Авлоний орган бонг бугун янада кучли акс садо бермоқда. Унга, биринчи галда, олимларимиз, адибларимиз, зиёлиларимиз қулоқ тутиши зарур.

*– Домла, куйинчак фикр-мулоҳазаларингиз учун ташаккур изҳор этиш баробарида улуғ адиб Лев Толстойнинг “Ҳаёт йўли” асаридан бир иқтибос келтирмоқчиман. “Ҳеч кимнинг ҳаётини бошқа биров яхшилаб бера олмайди. Ҳар ким ўз ҳаётини ўзигина ўнглай олиши мумкин”, дейди у. Эҳтимол, ҳозирги таълим-тарбиянинг бош мақсади ана шу ҳақиқатни ҳар бир юртдошимиз онгига чуқур синдиришдан иборатдир. Зеро, шундай эътиқод билан яшаган инсонга лоқайдлик ёт бўлади, у фаровон жамият барпо этиш баробарида маънавиятини ҳам камол топтира боради...*

**Муҳиддин АБДУЛҒАФФОР суҳбатлашди.**

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

# МА'НАВИЙ РОУДЕВОР

**Х**аётда ҳар бир киши касб-кори, турмуш тарзи, яшашдан мақсад-муддаосини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнати билан нон топишни, озми-кўпми мулкка эга бўлишни, фарзандларини тўғрисўз, адолатли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни, жамоада, маҳаллада яхши ном қозонишни ўйлайди. Бошқа бир киши эса яшашдан мақсад нима экани тўғрисида деярли ўйламайди, бошини қотирмайди, аксинча, ўткинчи ҳою ҳавасга, кундалик ҳузур-ҳаловатга, яхши еб, яхши ичмоққа муккасидан кетади. Бундай кишилар бола тарбиясини, эл-юрт, жамият ва келажак олдидаги ота-оналик, инсонлик бурчларини унутади. Бу ҳам етмаганидек, ўзгаларнинг ютуғига ҳасад қилади.

Бир қарашда бир-бирига тамомила зид бу икки хил турмуш тарзи гўё табиийдай. Зеро, ҳар бир киши ўз тақдири ва охиратини ўзи яратади, ўзи эккан, ўзи парваришлаган ҳосилни ўради. Шоир ёзганидек, бу дунёда ким нимани изласа, шуни топади – ҳикмат излаган ҳикматни, иллат излаган иллатни. Доно халқ ғараз ва ҳасад билан

яшайдиган, умрида бир бор бўлсин савоб иш қилмаган, фақат ўзини, шахсий манфатини ўйлайдиган кишиларни ҳушламайди, бундайлардан узоқроқда бўлишни эп кўради ва, аксинча, имон-эътиқодли, ҳалолпок, меҳнатсевар, оилапарвар кишиларни улуғлаб, иззат-икромини жойига қўяди.

Бу икки ҳолатга чуқурроқ назар ташласак, шахсий турмуш тарзини белгилашнинг Шарқ ва Ғарбга хос икки хил жиҳатига дуч келамиз. Шарқда жамоа бўлиб яшаш, оила тўғрисида ўйлаш, болалар тарбияси билан шугулланиш, турмушда учраб турадиган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал қилиш муҳим бўлса, Ғарбда алоҳидалик, ўзи учун курашиш ва ўзига имкон ва шароит яратиш ҳисси устунлик қилади. Бир жойда узоқ вақт яшаш, бир жамоада меҳнат қилиш мумкин, аммо ҳеч ким иккинчи бир кишининг шахсий ҳаётига аралашмайди, оиласи тўғрисида сўрамайди, турмушдаги муаммоларига эътибор бермайди, “Бирор бир ёрдамим керакдир” деган савол билан бир-бирини қўллаб-қувватламайди. Ҳамма – ўзича эркин. Бу таомилни наинки оддий

одамлар, ғарблик олиму фузалолар, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам оқлашади. Уларнинг фикрича, жамият яхлитлик, умумийлик сари интилмайти, у ҳар бир кишининг шахсий ҳаёти, бир-бирини тўлдирувчи ёки инкор этувчи дунёқараш, эркинлиги ва ҳою ҳавасларидан иборат.

Шарқда эса бунинг аксини кўраимиз. Отанага ва умуман, катталарга, устоз-мурабийларга ҳурмат-эътибор, ҳалоллик, тўғри-сўзлик, меҳнатсеварлик, ўзаро меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар бола қалбида оила бағрида, маҳалла шароитида, кўпни кўрган, катта ҳаётий тажриба тўплаган нуруний отахон ва онахонлар таъсирида шаклланади. Оиланинг соғлом ва мустаҳкамлиги жамиятнинг равнақиға пойдевор бўлади.

**М**аънавий ҳаётимизнинг юксалиши кўп жиҳатдан маҳалланинг фаоллиги, бу ерда умргузаронлик қилаётган кишиларнинг ўзаро аҳил-иноқлигиға боғлиқ. Шу боисдан ҳам бизда ўз-ўзини бошқариш тизимининг маҳалла деб аталмиш бу ноёб бугинини янада мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашға эътибор кучли.

Маҳаллада турли миллат вакиллари, турли касб, тақдир ва эътиқод эгалари ёнма-ён истиқомат қилади. Улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўзаро аҳил-иноқликда умргузаронлик қилаётгани, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиб, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига елкадош бўлаётгани – жамиятмизнинг энг катта ютуғи.

Маҳалла бўлиб яшаш бизға ота-боболаримиздан қолган буюк мерос. "Маҳалла" тушунчаси биринчи марта Конституциямизға киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилгани эса янада қувонарли. Бундай юксак мақом мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган "Кучли давлатдан – кучли жамият сари" тамойилининг ижтимоий ҳаётда босқичма-босқич амалға ошаётганиға ишончли далолат.

Маҳалланинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни беқиёс, албатта. Аини чоқда, бу жамоатчилик институти ҳаётимизда демократик тамойилларнинг қарор топишиға ҳам ўз ҳиссасини кўшади. Зеро, одамлар ҳаётидаги ҳар қандай муаммо ёки режа маҳаллада эркин ва ошқора, бамаслаҳат, ҳар бир кишининг фикр, тақлиф ва мулоҳазалари инобатға олинган ҳолда ҳал қилинади. Оилада бирон бир маросим ўтказилса ҳам, хаёлдан беихтиёр "Маҳалладошлар нима дейишар экан-а" деган фикр ўтади.

Оила-маҳалла муштараклиги ёш авлод тарбияси учун биргалиқда масъул десак муболаға бўлмайти. Оилаларда вояға етаётган фарзандлар маҳалла аҳли кўз ўнгида ўсиб-ўлғапти. Ота-она фарзандлари тарбияси билан шуғулланмай, уларни ўз ҳолиға ташлаб қўйса, бундай болаларни кўча ўз "тарбия"сига олади, натижада вақти-соати етиб, маҳалла учун, жамият учун янги муаммолар юзаға келади.

Бола тарбияси – мураккаб жараён. Болани тарбиялаётти, ўзимиз ҳам тарбия оламиз, ота-оналик бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бизнинг жамики хатти-ҳаракатларимиз фарзандларимиз кўз ўнгида кечади. Ота-онанинг маҳалладаги нуфузи, эл-юртдаги обрў-эътибори фарзанда қанот бағишлайди, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Баъзи ҳолларда бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Чунки боланинг маънавий олами оиладаги муҳитға боғлиқ ҳолда шаклланади.

**Ф**арда оилаға икки кишининг ихтиёрий (шартнома асосида ёки вақтинчалик) иттифоқи сифатида қаралади. Оила ва никоҳ, оила ва жамият, ота-она ва болалар





муносабатлари бутунлай ўзгача мезонларга асосланади ва талқин этилади. Шунга кўра, биргина никоҳнинг ўзи бир неча хил кўриinishларда тузилиши мумкин. Бунда асосий эътибор ва талаб оила кураётганларнинг (бир жинслиларнинг ҳам) бир-бирига садоқати эмас, оиладаги эркин турмуш тарзига, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодасига қаратилади.

Шу ўринда иккита мисол келтираемиз. Қашқадарёлик Олимжон исмли йигит тақдир тақозоси билан Америкада яшаб қолган ватандошимиз Гиёсиддин хожи ота уйида меҳмон бўлганида куйидаги воқеага гувоҳ бўлган экан. Гиёсиддин ота билан ёнма-ён яшайдиган бир ёш йигитнинг уйига Германияда истиқомат қиладиган онаси меҳмон бўлиб келибди. Ўғли меҳмонни яхши кутиб олибди, иззат-икром кўрсатибди, аммо уйда бир ой яшагани учун онасидан ижара ҳақи олибди. Олимжон бундан қаттиқ ранжиган экан, кўшни йигит унга “ётиги билан” тушунтирибди: “Онам бошқа жойда яшаганида, табиийки, ижара ҳақи тўлар

эди. Бошқаларга тўлаганидан кўра менга тўлагани маъқул эмасми...”

Иккинчи мисол. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида америкалик бир олим Ўзбекистонга келиб, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги маҳаллалардан бирида икки-уч ҳафта яшайди. Ватанига қайтгач, мамлакатимиз тўғрисидаги таассуротларини куйидагича баён қилади: “Қизиқ халқ экан бу ўзбек деганлари. Мен учта қиз, иккита ўғилнинг ота-онаси билан бирга қадимий ҳовлида яшадим. Болаларнинг ҳаммаси оилали, шаҳарнинг турли мавзеларида яшайди. Аммо ҳар куни бири кўйиб иккинчиси чолкампирдан хабар олгани келади. Ўғиллардан бири эрта тонгда иссиқ нон, қаймоқ кўтариб келса, катта қиз уйни йиғиштиради, бошқаси оқатга уннайди. Ҳар куни шу аҳвол. Кир ювишади, кийимларга дазмол босишади, ҳовлини супуриб-сидиришади. Кечкурун қариялар билан бирга оқватланиб, набиралардан бирини ёнларида қолдириб, шундан кейингина уйларига йўл олишади. Ё тавба, бунақада ишларидан қолиб кетишади-ку.

Чол билан кампир бу ҳақда ўйламайди ҳам. Мана сизга феодализм”.

Бу энди Ғарб дунёсининг талаби. Оилага эътибор – жамиятнинг эртасига бевосита боғлиқ. Оила муҳитининг соғломлиги пировард натижада жамият соғломлигига олиб келади. Жамият тўғрисида, ўз келажагимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бизнинг шу орзуларимиз рўёбга чиқишига ҳар биримизнинг оилामизда асос қўйилаётганини унутмаслигимиз керак.

**Б**угун дунёда иқтисодий соҳада – ўзга минтақалардаги табиий бойликлар устидан назоратни қўлга киритиш, мафкуравий соҳада – турли халқларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини ўз манфаатлари йўлида “ислоҳ” қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш каби носоғлом хатти-ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар бир қарашда кўзга унча ташланмайдиган, деярли беозор бўлиб кўринадиган ва ҳатто қизиқарли, жозибали шаклларда олиб борилади. Моддий манфаатдорлик ваъда қилинади. Ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, турмушнинг оғир синовларига дуч келмаган, бирон бир сабаб билан оилада тўлақонли тарбия олмаган, маҳалла мактабини ўтамаган ёшлар бундай “жозибга”га тез маҳлиё бўлади ва ўзлари билмаган ҳолда кимларнингдир тўрига илиниб қолади. Давлатимиз раҳбари алоҳида уқдирганидек, маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида асл илдизлари заифлашган халқ эса энг оддий хавф-хатар олдида ҳам ожиз бўлиб қолади.

Дунёнинг юксак ривожланган мамлакатлари ҳам дунёвий сиёсатда энг аввало шахсий манфаатни кўзлайди. Бу манфаатлар гоҳо муҳим стратегик чорраҳаларда ўзаро тўқнаш келиб қолар экан, янада хушёр ва огоҳ бўлиш тақозо этилади. Негаки, мафку-

равий тазйиқ кўринмас бир офат янглиг халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади, ёшлар онг-шуурида чуқур илдиз отади.

**Х**озирги дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ахборот оламининг глобаллашуви билан боғлиқ. Бугун эрталаб бошқа бир қитъада юз берган воқеа-ҳодиса тафсилоти шу куннинг ўзида дунёнинг бошқа бир чеккасига етиб келади, телевидение бевосита намойиш этади, ахборот агентликлари қайта-қайта шарҳлайди. Бу, табиийки, техника асрининг ютуғи, инсон ақл-заковатининг ҳосиласи. Аммо мана шу “ҳосила” сабаб, ҳаётимизга, онг-шуурига энг сўнгги ахборотлар, муҳим маълумотлар, инсониятнинг оламшумул ихтиролари ҳақидаги тафсилотлар билан бирга миллий менталитетимизга, шарқона одоб-ахлоқимизга мутлақо зид ғаразли “қадрият”лар ҳам кириб келмоқдаки, бу ҳолатга асло бепарво бўлмаслик керак. Давлатимиз раҳбари огоҳ этганидек, “...қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли қуролга айланади” (*Ислом Қаримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 116-бет*).

Бузилган кўприкни, йўлни тузатиш, ўнглаш мумкин. Тадбиркорлик билан иш тутилса, ҳар қандай тақчиллик ҳам барҳам топади. Камчилик, қийинчиликлар ўтиб кетади. Аммо оиладаги носоғлом муҳит оқибатларини тутатиш осон кечмайди. Бола эсини таниганидан бошлаб унга ноннинг азизлиги, тарикдек ушоғини ҳам исроф қилмаслик кераклигини ўқдирамиз. Бу ўғитимиз унинг шуурига, қонқонига сингади ва кейинчалик ҳеч нима бу тасаввурни ўзгартира олмайди.

Фахриддин МУСАЕВ

# О'Қ ТОМИРИ – ADOLAT



Истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислохотлар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўллари, миллий тараққиётимизнинг ҳар бир босқичидаги ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш ижтимоий-гуманитар фанлар олдидаги долзарб вазифалардандир. Зеро, Президентимиз айтганидек, "Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартиришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор" (*Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., "Ўзбекистон", 2010, 6-7-бетлар*). Ушбу талаб бевосита ҳуқуқ фалсафасига ҳам тааллуқлидир.

Ҳуқуқ фалсафасининг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалмаса-да, унинг илк нишонлари антик давр маҳсули бўлмиш – Ур-Намму қонунлари (милоддан аввалги

III минг йиллик), Балалам қонунлари (милоддан аввалги II минг йиллик), Ўрта Оссур қонунлари (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари), Хаммураби қонунлари (милоддан аввалги II минг йиллик охири), "Авесто" (милоддан аввалги VII асрлар), "Артхашастра" (милоддан аввалги IV-III асрлар) каби қадимий манбаларда ўз ифодасини топган.

Милодий VII асрдан бошлаб Шарқда, ҳусусан, ислом дини ёйилган ўлкаларда ҳуқуқ фалсафаси янги босқичга кўтарилди. Чунки исломда инсон улуғланиб, унинг ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилган ва ушбу мавзуну ўрганувчи фан "фиқҳ" деб номланган. Фиқҳ илми билан шугулланувчи олимлар "фақиҳ" деб аталган ва жамиятда катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Ҳадиси шарифда ҳам "Оллоҳ таоло бир бандани улуғламоқчи бўлса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди" дейилган. Ана шундай улуғ олимлар сирасига юртимизда яшаб ўтган Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби сиймоларни киритиш мумкин. Аҳолиси ислом динига эътиқод қилувчи ўлкаларда ҳуқуқ фалсафаси шариат қонунлари асосида ривожланиб келган. Фиқҳ тўрт муборак манба – Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёса асосланган. Лекин Марказий Осиё чор Русияси томонидан истило

қилингандан бошлаб то истиклолгача ҳуқуқ фалсафаси бир чеккага суриб қўйилди. Чунки мустамлака даврида бу фалсафа объекти бўлган ҳуқуқнинг ўзи йўқ эди.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ феноменининг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини ўрганади. Унинг тадқиқот объекти ҳуқуқ ва унинг моҳиятидир. Ижтимоий борлиқдаги ҳар бир соҳада ҳуқуқ фалсафаси учун мавзу бор.

Ҳуқуққа оид фалсафий масалаларни қадимда ахлоқ фалсафаси ўрганган. Аммо ҳуқуқ фалсафаси деб аталувчи алоҳида фан бўлмаган. Унинг расмона илм-фан, назария сифатида шаклланиши XVII асрда Европада бошланган ва у дастлабки кезларда табиий ҳуқуқ деб номланган. Голландиялик ҳуқуқшунос Гуго Гроций (1583-1645) 1625 йилда эълон қилинган “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи” номли трактатида бу фанга тамал тошини қўйган дейиш мумкин. У ўз тадқиқотлари натижасида, инсон ақли билан яратилган ўзгарувчан позитив ҳуқуқ ва одил табиат қудрати билан яратилган ўзгармас табиий ҳуқуқ ўзаро алоқададир деган хулосага келган. Гроцийнинг ёзишича, табиий ҳуқуқ шундай тартиб билан яралганки, унга замон ва макон дахл қила олмагани каби, уни ўзгартириб ҳам бўлмайди, Масалан, Ньютон бутун олам тортишиш қонунини кашф этди. Лекин шундан сўнг ҳам қонун худди олдингидек мавжуд, унинг фаолиятида ҳеч нима ўзгаргани йўқ.

Гроций тақлиф этган ғояни кейинчалик бошқа олимлар давом эттирди. Хусусан, Кант ва Гегель асарлари ҳуқуқ фалсафасининг мустақил фан сифатида эътироф этилишига шароит яратди. Натижада дастлаб Германиянинг, кейинроқ эса Европадаги бошқа давлатларнинг ҳам олий ўқув юртларида ҳуқуқ фалсафаси ўрганила бошлади. “Ҳуқуқ фалсафаси” атамаси Гегелнинг худди шу номдаги асари эълон қилинганга қадар “табиий ҳуқуқ” шаклида юритилган.

Ҳуқуқ фалсафаси алоҳида фанми ёки фан тармоғими, деган масала шу фалсафа асосини ишлаб чиққан олимларни ўйлантирган. Гроций уни юридик фан деб ҳисоблайди. Аммо қонун инсонларга ҳодиса қандай сабабга кўра юз берганини эмас, унинг қай йўсинда содир бўлганини тушунтиради. Жамиятда юз бераётган ҳодисалар замирида қонун эмас, бир қанча сабаблар ётади. Маса-

лан, бутун олам тортишиш қонуни фақат тортишиш мавжудлигини шарҳлайди, лекин бу тортишиш нима учун мавжудлигига изоҳ берамайди. Худди шу каби гоҳида бирор ҳаракат содир бўлибдими, демак, шундай қонун бор дейилади-ю, бу хуло-

са сабабни аңглатмайди, балки мантиқий муносабатни ифодалайди. Чунки қонунга бир хил масала юзасидан аниқ хулоса айтиш юклангани боис уни бошқа нарсалар билан сира ҳам боғлаб бўлмайди. Шунинг учун барча шахсий хулосалар қонундан келиб чиқилган мантиқийлик сифатида тақдим этилади. Масалан, ўзаро алоқадор икки хулосани олайлик: 1) йиқилаётган одамнинг тезлиги бутун олам тортишиш қонунига мувофиқ содир бўлади; 2) бу қисқа мuddатли жараён унинг бўйи новча ёки пакана, вазни оғир ёки енгил, йиқилаётган жойи баланд ёки пастлигига боғлиқ ҳолда юз беради. Бу хулосаларнинг биринчисида мантиқийлик бор, иккинчисида умумийлик. Йиқилиш сабаби эса иккаласида ҳам айтилгани йўқ.

Бутун олам тортишиш қонуни – табиат қонуни. Юридик меъёрлар масаласига келсак, улар – давлат органларининг иродаси. Бундай қарашдан ҳуқуқ – фақат давлат қонунлари мажмуаси, деган тушунча ҳосил бўлади. Давлат йўқ жойда ҳуқуқ ҳам бўлмайди – ҳуқуқ давлатнинг ўзига хос маҳсули сифатида пайдо бўлади. Аини хусусиятга кўра, бир давлатда мавжуд бўлган ҳуқуқ бошқа давлатда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Қонун барча ҳуқуқларнинг манбаи ҳисоблангани боис қонун қабул қилувчилардан пухта илмий маълумотларга таяниш ва миллий анъаналарга асосланиш, халқнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиш талаб этилади.

Бу ўринда яна бир масалага эътибор қаратмоқ жоиз, инсон ўз ҳуқуқларига таянган ҳолда жамиятдаги тартиб-қоидаларни четлаб ўтиши мумкин. Чунки тартиб-қоидалар шахс олдига қатъий тўсиқ қўймайди. Муайян шахс



одоб-ахлоқ, урф-одат, уят-андиша, боринги, қонундан бошқа барча қадриятлардан юз бариб, мақсадга етиш учун бошқачароқ йўл тугиши мумкин. Қонун эса ҳеч кимнинг хоҳиши-иродаси билан ҳисоблашмайди. Унга амал қилиш керак, вассалом.

Агар Гроций қарашларига асосланилса, ҳуқуқ фалсафасида ҳуқуқ устуворлик касб этиб, фалсафага ўрин қолмайди. Гегель эса унга фалсафий фан деб таъриф беради. Бу ҳам бир оз баҳслироқ. Негаки, ҳуқуқни фақат фалсафа нуктаи назаридан талқин этиш уни соф назарияга айлантириб қўяди. Ана шу икки хил ёндашув юзасидан баҳс-мунозаралар кейинги асрларда ҳам давом этди. Бир тоифа олимлар фикрича, ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқшунослик ёки фалсафа предмети эмас, балки шулар ўртасидан ўсиб чиққан мустақил фандир. Биз ҳам ана шу ёндашувни ёқлаймиз.

Ҳуқуқни турли фанлар объект сифатида ўз усул ва методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этади. Ҳуқуқ фалсафаси эса кишилиқ жамиятини тартибга солиш омилларидан бўлган ҳуқуқ ҳақидаги билимларни жамлаш билан шуғулланади: универсал яхлит ҳуқуқ, ҳуқуқий универсум, ҳуқуқ олами, ҳуқуқ моҳияти, ушбу моҳиятнинг намоён бўлиш жиҳатлари бевосита ҳуқуқ фалсафасида тадқиқ этилади.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқни ижтимоий, миллий ва индивидуал қадриятлар бирлиги сифатида тадқиқ этади. Бинобарин, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқ фалсафасининг аҳамияти бекиёс. Шу жиҳатига кўра, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ фалсафаси бир-бирини тақозо этувчи узвий боғлиқ тушунчалардир.

Ҳуқуқ фалсафасининг асосий предмети – табиий ва позитив ҳуқуқлар борасида ҳам икки хил ёндашув мавжуд. Юснатуралистлар табиий ҳуқуқни чинакам ҳуқуқ, позитив ҳуқуқни эса сунъий ҳуқуқ деб ҳисоблайди. Легалистлар эса позитив ҳуқуқни ҳақиқий деб билади.

Моҳият сифатидаги табиий ҳуқуқ – объектив, ҳодиса сифатидаги позитив ҳуқуқ эса, ҳокимият иродасини ифода этгани боис субъективдир. Шу жиҳатдан, позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқ моҳиятига мос келиши ёки унга зид бўлиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатни эъти-

борга олиб, ҳуқуқ фалсафасининг предмети – ўзаро фарқли ва айни чоқда алоқадор ҳуқуқ ҳамда қонун деб айтиш мумкин. Мазкур фан ўз предметини тадқиқ этиш жараёнида ҳуқуқнинг азалий қадриятларни рад этиш сабабларини ҳам танқидий-таҳлилий идрок этади. Қолаверса, давлат ҳам ушбу фаннинг ҳуқуқий ҳодиса шаклидаги предмети ҳисобланади.

Гегелнинг таъкидлашича, позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқнинг рақобатчиси эмас, аксинча, уни тўлдирувчи, жамият ривожига монанд бойитиб борувчидир.

Инсон ўзининг ижтимоий борлиқдаги ўрнини топишга, англашга интилган заҳоти ҳуқуқий, ахлоқий тартиб-қоидаларга дуч келади. Унинг табиий ҳуқуқи – аксиома. Аммо буни киши ҳар доим ҳам англайвермайди, гоҳида эса ушбу ҳуқуққа табиий ҳол сифатида қаралади. Масалан, қорни очган гўдакнинг онаси кўкрагига талпиниши унинг табиий ҳуқуқи. Лекин ўз хатти-ҳаракатининг ҳуқуқ ёки ахлоқ нормаларига қанчалик мувофиқ ёки номувофиқлиги гўдакнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Ижтимоий ёки позитив ҳуқуққа дуч келган заҳоти киши нима учун тегишли ҳуқуқ талабларига итоат этиши зарурлигини англашга, унинг моҳиятини билишга интилади. Шундан сўнг ҳуқуқ унинг хатти-ҳаракатларини белгилайди.

Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги алоқалар ҳуқуқ фалсафасининг азалий мавзуларидан биридир. Файласуфлар ҳам, ҳуқуқшунослар ҳам ушбу мавзуга қайта-қайта мурожаат этган, ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ижтимоий моҳиятини, инсон ҳаётидаги ўрнини очиб беришга интилган. Масалан, зардуштийлик таълимотида ахлоқ ва ҳуқуқ узвий боғлиқ ҳолда талқин этилган. Шунинг учун қонунбузар кимсага жазо тайин этилганда унинг танаси билан бирга руҳиятига ҳам таъсир этиш кўзда тутилган. Қадимги Хитой файласуфи Кунфутсий давлат бошқарувида қонун эмас, ахлоқий нормалар етакчилик қилиши керак деган ғояни илгари сурган. "Модомики, халқ қонун билан бошқарилиб, жазодан кўрқитиш орқали итоатда тутилса, одамлар жиноятини яширади ва қонун чекламайдиган, аммо ижтимоий зарарли қилмишидан хижолат тортмайдиган бўлади. Агар халқ эзгу амаллар воситасида бошқарилиб, жамиятда гўзал одоб, хулқ-

атор билан тартиб ўрнатилса, одамлар ноҳўя қилмишларидан уяладиган бўлади” (*История китайской философии. М., “Прогресс”, 1989, стр.60*).

Кант ва Фихте таълимотларида ўзаро қарама-қарши қўйилган ахлоқ ёки қонун устуворлиги масаласи, Гегелнинг фикрича, яхлит ҳодисани мавҳумлаштиради, холос.

Бердяевнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида эса ҳар қандай қонун инсонларнинг табиий ҳуқуқларини чеклаш хусусиятига эга. Шу жиҳатига кўра, у эркинликнинг кушандасидир.

Гўзал ахлоқ, намунали хулқ, эзгу сўз ва амалга инсоният, айниқса, Шарқ халқлари азалдан интилиб келган. Бироқ панд-насихат, ўғит, маънавий даъват билан барчани бирдек юксак одоб ва ахлоқ соҳиби қилиб бўлмаслиги тарихдан аён. Жамият ҳаётининг мураккаблашуви, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг номутаносиблашуви, гоҳида шахсий манфаатнинг умум манфаатидан устун қўйилиши амалга чекловлар ўрнатиш, мажбурлаш механизмиларидан фойдаланишга ҳам ундадики, кишилик жамияти ушбу ёндашуви тўғри деб ҳисоблаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ахлоқ кишининг интилишлари, орзу-ҳаваслари ифодасидир, ҳуқуқ эса уларни мавжуд тартиб-қоидалар доирасида чегаралайди.

Дарҳақиқат, инсоннинг хатти-ҳаракатларини фақат ҳуқуқ белгилайди, дейиш тўғри эмас. Чунки бунда ахлоқий тасаввурлар, урф-одатлар, этномаданий қадриятлар, миллий менталитет, халқ ижодиёти, ҳатто ижтимоий-жуғрофий муҳитнинг ҳам таъсири бор. Айнан ушбу омиллар боис ҳам инсон ҳаёти – завқли, маъноли, серқирра. Ҳуқуқшунослик ана шу ҳаётни муайян нормалар доирасида чегаралайди, у қонунни асосий мезон деб билади.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни тадқиқ этаркан, идеал жамиятда улардан қайси бири жамиятнинг ҳаёт тарзига айланишга қодир, деган саволга жавоб излайди.

Идеал жамият ҳуқуқий муносабатларни рационал йўлга қўйгани ва инсонпарвар ҳуқуқий маконни яратгани билан ажралиб туради. Демак, келажақдаги жамиятлар ҳуқуқий муносабатларни янада инсонпарвар

лаштириш йўлидан боради. Бу ёндашувда юксак маънавият жамият идеалига, ҳуқуқ эса ушбу идеалга етишиш механизмига айланади. Мазкур назарий-фалсафий концепцияни мустақил Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти мисолида кўришимиз мумкин. Давлат бошқарувининг демократлашуви, ҳокимиятлар бўлиниши, марказлаштиришнинг чекланиши, сиёсий партиялар роли ортиб, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалаётгани ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ривожининг бош йўналишларидан биридир. Зотан, XVIII аср француз файласуфи Монтескье сиёсий эркинлик мавжуд бўлмағи учун ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши зарурлигини айтган эди.

Юртбошимиз кўрсатганидек, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш баробарида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш жамият раванқининг муҳим омилларидандир. Бироқ суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, судларнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи, жамиятда адолатни қарор топтирувчи институтга айланиши секин кечмоқда. Ҳуқуқ фалсафаси суд-ҳуқуқ тизими конституция ҳамда демократия принципларига мувофиқ ишлашини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ушбу таъминлаш мувофиқ ҳимоя қилиш имкониятларини ўрганади. Шу жиҳатдан, агар уни дарахтга қиёсласак, ўқ томири, шубҳасиз, адолатдир.

Ҳуқуқ фалсафаси демократияни ижтимоий-сиёсий тенгликдан иборатгина деб билмайди, бунинг учун иқтисодиётда, оилада, гендер муносабатларда, хуллас, ижтимоий борлиқнинг ҳар бир соҳасида ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнини аниқлаш муҳимдир. Демократия фақат сиёсий, ҳуқуқий имконият эмас, у инсон борлиғи, социум ва тараққиёт шартидир. Демократия жамият ривожланишининг ички зарурий хусусиятига айланганиданига ижтимоий борлиқни, унда инсон мавқеини, ҳуқуқ ва эркинликларини мутлақ янги поғонага кўтаради.

Демократия – идеал, конституция – ҳуқуқий механизм, ҳуқуқ фалсафаси эса конституция ва ижтимоий ҳуқуқий институтларнинг демократия, яъни идеалга етиш муаммоларига диққат қаратади.

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ



## ZARURIYATDAGI TASODIFIYAT

Қадим тарих пайғамбару авлиёларга бой эди. Улар мўъжизаю кароматлар кўрсатар, кишилар ақлини лол қилиб, ўз ортидан эргаштирарди. Ҳа, у даврларда ғайритабиий ҳодисалар бисёр, улар асосида яратилган мифларнинг эса сон-саногии йўқ эди. Нега бугун мўъжиза дегани тақчил? Бунинг сабаби субъективми ёки объектив? Мўъжизавий (ғайритабиий, инсон ақли изоҳлаб беришга ожиз) ҳодисалар ҳақида турли соҳалар (дин, фан ва санъат) ўзига хос ёндашувга эга. “Мўъжиза” тушунчаси кўп маъноли бўлгани боис, у ҳақда гап кетганда турфа фикрлар билдирилади. Чунончи, бу масалада табиатшунос олим билан серҳаяжон шоир ўртасида яқдиллик бўлиши эҳтимолдан йироқ. Шунинг эътиборига олиб, мўъжизани икки муҳим белгига эга ҳодиса сифатида таҳлил қиламиз.

Биринчиси – ноодатийлик, фавқулоддалик – умримиз бино бўлиб кўрмаганимиз, билмаганимиз ҳодисанинг рўй бериши. Фараз қилайлик, осмондан кулча ёғса, қуёш ғарбдан чиқса, қанотли от учиб ўтса, айниқса, самодан овоз келиб келажакда юз беражак воқеадан бизни огоҳ этсаю у ҳақиқатда ҳам рўй берса – бу каби ҳодисаларни мўъжиза деймиз. Агар шундай ҳодисалар қайта-қайта такрорланса, улар мўъжизавийлик хусусиятини йўқотади. Жумладан, қуёшнинг мудом шарқдан чиқиши, қушлар кўкда парвоз этиши, ғунча гул бўлиб очилиши каби одатий ҳолга айланади.

Иккинчиси – сабабнинг номаълумлиги. Агарда сабаб маълум бўлса, ҳатто ноодатий ҳодиса ҳам мўъжиза саналмайди. Ҳовлимизга осмондан тошга ўхшаш

бир жисм тушиб, ҳаммаёқни вайрон қилиши, йил бўйи ёз бўладиган африкалик бир киши эрта тонг уйғонганда ҳаммаёқ аллақандай оппоқ нарса билан қопланганини кўриши мумкин. Гарчанд бундай ҳодисалар минг йиллар илгари яшаган аждодимизга мўъжиза бўлиб кўринган эса-да, бугун мактабда озми-кўпми таълим кўрган киши “тош”ни оддий метеорит, бемаврид ёққан қорни атмосферадаги муайян қонуниятга кўра рўй берган ҳодиса дейиши ҳеч гапмас. Демак, мўъжизани маълум маънода субъектив ҳодиса деса ҳам бўлади. Саводли кишига ўз-ўзидан тушунарли бўлган ҳодиса оми учун қиёмат аломатидек кўриниши мумкин.

Куйида фалсафа тарихида ушбу мавзуга алоҳида нуқтаи назари билан ажралиб турувчи икки қарама-қарши оқим – субъектив ва объектив идеализмга муурожаат этамиз.



### Ҳюм: мўъжиза – зарурият инкоридир

“Мўъжиза – табиат қонунларининг бузилиши” (*David Hume, An Enquiry Concerning Human Understanding, E. Steinberg eds. Indianapolis: Hackett, 1977, p. 76*). Дэвид Ҳюм<sup>1</sup> “мўъжиза” тушунчасига берган ушбу таъриф унинг айна мавзудаги қарашларида бот-бот келтирилади. У мазкур таърифни куйидагича аниқлаштиради: “(Мўъжиза) Худо иродаси ёки бирор ғайритабиий кучнинг аралашуви оқибатида табиат қонунининг бузилишидир” (*ўша манба, 76-бет*). Афтидан, файласуф “мўъжиза” тушунчасини диний талқинда изоҳлаган кўринади. Келинг, унинг бу таърифини таҳлил қилиб чиқайлик. Ҳўш, табиат қонуни нима ўзи? “Мўъжиза” тушунчаси диний маънода таърифланаётган экан, у ҳолда табиат қонуни ҳам айна таърифга мувофиқ англаниши лозим. Мўъжиза Яратувчи иродасининг маҳсули бўлса, табиат қонунлари ҳам қодир Худо иродасидан келиб чиқади. Демак, мўъжиза Худонинг ўз иродасини ўзи бузишидир. Ҳюм табиат қонунини Худо иродаси сифатида тушунишда бетараф мавқени эгаллаб, бу хусусда бирор қатъий хулоса чиқаришдан ўзини тияди. Бироқ у холис файласуф бўлса, “табиат қонуни” тушунчасининг мазмун ва манбаини очиб бериши керак. “Тажрибанинг қатъий ва ўзгармас хулосалари бу қонунларни исботлаган”, дейди у (*ўша манба, ўша бет*). Бу ерда Ҳюм “муштарак тажриба”, бошқача айтганда, “ўхшаш тажриба” (*Uniform Experience*) иборасини қўллаиди. Яъни инсоният яралгандан буён барча кишилар бошдан ўтказган муайян бир ҳодиса юзасидан бир хил хулоса берувчи муштарак тажриба ўзгармас табиий қонунлар ҳақидаги тасаввуримизни шакллантиради. Ҳюм фикрини куйидагича талқин қилишимиз мумкин: биз, дейлик, А ҳодиса доимо В ҳодиса билан боғланиб келишини минглаб марта кузатганмиз. Бу каби такрорланиш бизда А келажакда ҳам В ни эргаштириб келаверади, деган ишонч пайдо қилади. Мана шу ишонч “табиий қонун” тушунчасига асос бўлади. А ва В ўртасидаги боғланиш Худо иродаси билан бўлмоқдами ёки йўқми, қолаверса, қанчалик объектив, бу энди бошқа масала.

“Табиатда кузатилувчи одатий нарса ва ҳодиса мўъжиза бўлолмайди” (*ўша манба, ўша бет*). Ҳюмнинг бу хулосаси ҳам, унинг табиий қонун ҳақидаги фикри ва мўъжизага берган таърифига асослансак, ўз-ўзидан тушунарли. У ҳолда муаммо нимада? Гап шундаки, бир томондан, файласуф мўъжиза юз беришининг

<sup>1</sup> Совет давридаги ва русча адабиётларда Юм деб берилган. Биз ҳам баъзи ишларимизда чалкашликларнинг олдини олиш учун “Юм” тарзида берганмиз. Аслида бу исм ўзбекча ёзувда Ҳюм, русчада эса Хьюм деб берилса, тўғрироқ бўлади.



Дэвид Ҳум

ҳар қандай эҳтимолини инкор қилса, иккинчи томондан, тажриба хулосалари доим ҳам тўғри бўлавермаслигини таъкидлайди. У мўъжизага бўлган ишонч турли шахсларнинг ўзаро қарама-қарши гувоҳлигига (*human testimony*) таяниши ва "муштарак тажриба"га мос келмаслигини айтади (*ўша манба, 74-75-бетлар*). Ҳюм яна таъкидлайдики, мўъжизалар маданий жиҳатдан қолоқ халқларда кўпроқ учрайди. Инсондаги гайритабиий, фавқуллодда нарса ва ҳодисаларга қизиқувчанлик ҳамда мойиллик, бир-бирини инкор этувчи турли динлар ўз ақидаларини асослаш учун "мўъжиза"дан фойдаланиши бу хусусдаги гувоҳликларни шубҳа остига олиш учун етарли асос беради (*ўша манба, 78-90-бетлар*).

Бошқа томондан, Ҳюм тажриба хулосаларига асосланувчи умумий тушунчаларга ҳам шубҳа билан қарайди: "Гарчи тажриба моддий борлиқ ҳақидаги мулоҳазаларимиз учун ягона йўлбошчи бўлса-да, тан олиш керакки, бу йўлбошчи нафақат ишончсиз, балки айрим ҳолларда бизни хато сари етаклаши мумкин" (*ўша манба, 73-бет*). "Минглаб тажрибадан сўнг ҳам отилган тошнинг пастга тушиши, оловнинг куйдиришига бўлган ишончимизни қониқарли тарзда асослай олмаймиз" (*ўша манба, 112-бет*).

Табиий қонунларга доир ишончимиз "муштарак тажриба"га асосланиши, бундай тажриба эса хатодан холи бўлмаслигини инobatга олсак, мўъжизани буткул инкор этишга хизмат қилувчи таянчдан маҳрум бўлаемиз. Ўтмишдаги воқеалар тажрибасини келажак ҳодисаларга татбиқ этиш учун етарли асосга эга эмасмиз (Ҳюм индуктив методни танқид қилиш асносида буни далиллашга уринган). Бундай шароитда табиий қонунлар юзасидан тасаввуримиз тўлиқ бўлмай қолгани боис муайян ҳодиса ҳақиқатан табиий қонунни бузган ёки бузмаганини билолмаймиз. Чунки бугун табиат қонунининг бузилиши бўлиб кўринган ҳодиса эртага тасаввуримиз мукамаллашиши туфайли аслида унга мувофиқ бўлиб чиқиши мумкин.

Шу ерда Ҳюмнинг билиш назарияси унинг мўъжизани инкор этувчи фикрлари билан келишмай қолади. Мутафаккирни ноизчилликда айбашдек осон йўлдан бормасдан, у айтган гапларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Ҳюм табиий қонунлар деганда объектив, биз кашф қилган ва кашф қилмаган барча табиий қонунларни эмас, онгимиздаги субъектив, англанган қонунларни назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда Ҳюм ноодатий ҳодиса ва диндаги мўъжизага нисбатан бир тушунчани қўллаши оқибатида чалкашлик келиб чиққан бўлади. Мўъжизага берилган таърифдаги "табиат қонуни" тушунчасини субъектив табиатга эга "муштарак тажриба" тушунчасига алмаштириб кўрайлик. Зеро, файласуф "табиат қонуни" тушунчаси муштарак тажрибадан келиб чиққанини таъкидлаган эди: мўъжиза – шу вақтгача кузатилмаган, "муштарак тажриба"га қарама-қарши ҳодисадир. Бу ерда биз "табиат қонуни" тушунчасидан у ҳақдаги тасаввурни шакллантирувчи "муштарак тажриба"га ўтиб кетамиз. Бошқача айтганда,  $A \rightarrow B$  ва  $B \rightarrow C$  ни қисқартириб, яъни ўртадаги боғловчи ҳалқани олиб ташлаб,  $A \rightarrow C$  ни ҳосил қиламиз:

- (A) мўъжиза – (B) табиат қонунларининг бузилишидир;
- (B) табиат қонунлари (C) тажрибанинг қатъий ва ўзгармас хулосаларидан (муштарак тажриба) келиб чиқади;
- (A) мўъжиза (C) тажрибанинг қатъий ва ўзгармас хулосаларига қарама-қарши ҳодисадир. (Албатта бу ўринда "муштарак тажриба" ва "табиат қонуни" тушунчала-

ри ҳажман тенг бўлмаслиги оқибатида алмаштиришда мантикий хатолик бўлиши мумкин. Бироқ фалсафий тушунчалар математик тушунчалар каби эмаски, улар орасида бир-бирига мутлақ тенгини топиб бўлса.)

Бу билан таърифга қайсидир даражада аниқлик киритган бўлсак-да, барибир мўъжизани инкор қилиб бўлмайди. Диндорлар ва иримчилар даъво қиладиган мўъжизани инкор этиш ва ақлимиздаги саросимани босиш учун қуйидаги ишонч-ни *ad hoc* гипотеза сифатида қабул қилишимиз мумкин: борлиқда, биз уларни билишимиз ёки билмаслигимиздан қатъи назар, объектив қонунлар мавжуд. Бу қонунларни мутлақо бузиб бўлмайди. Бизга уларнинг бузилиши бўлиб кўринган ҳодиса, аслида, биздаги “муштарак тажриба”нинг нотўқислиги оқибатидир. Тинимсиз тажрибалар ўтказиш, ҳар бир детални ҳисобга олиш, шунда ҳам чиқарилган хулосага буткул ишониб қолмасликка ундовчи Ҳюм фалсафасига шундай ишонч кўпроқ мувофиқ келади. Шу билан файласуфнинг мўъжизани инкор қилиши ҳам муайян маънода оқланади. Биз табиат тўғрисида қанчалик кўп билимга эга бўлсак, ҳаётимизда мўъжизалар юз бериши ҳам шунча озаяди. Бинобарин, мўъжиза билимимиз кўламига боғлиқ экан, демак, у субъективдир. Мўъжиза “Худо иродаси ёки ғайритабиий кучнинг аралашуви” сабабли юз берадими ёки йўқми – буни ҳеч қачон била олмаймиз. Демак, айрим тоифалар даъво қилаётгандек, мўъжиза ҳақиқатан Худонинг иродасидан келиб чиқяптими ёки, аксинча, бизнинг айни ҳодиса табиатини тушунмаслигимизданми, бу масала ўша дамда билиш имкониятимиз доирасидан ташқарида бўлади. Чунки табиий қонунларни Худо иродаси ва тақдири азал деб талқин қилсак, у ҳолда барча ҳодисалар Худо иродасидан, улардан баъзилари бизга маълум, бошқалари эса номаълум дейишимиз мумкин. Бунда мўъжиза ва мўъжизамас ҳодисалар ўртасидаги чегарани сабаби маълум ва номаълум ҳодисалар ўртасидаги чегара билан белгилашдан ўзга чорамиз қолмайди. Хуллас, “ғайритабиийлик”ларга ортиқча диққат қаратмай, ҳар бир ҳодисага индивидуал ёндашишимиз, уларнинг сабабини чуқурроқ ўрганишимиз зарур. Ҳюм фалсафасининг сўнгги хулосаси ҳам, бизнингча, ана шу.

### Окказионализм: сабабиятдан холи дунё

Юқорида субъектив-идеалистик фалсафанинг мўъжизага муносабатини Ҳюм таълимоти мисолида таҳлил қилдик. Энди айни ҳодисага объектив-идеалистик таълимот бўлмиш окказионализм қандай қараганига диққат қилайлик.

Окказионализм – рухнинг тана ҳаракатларига фавқулодда таъсир этиши оқибатида танада амал қилувчи қонунларнинг (умуман олганда, табиий қонунларнинг) бузилишини таъкидловчи фалсафий таълимотдир. Шунга кўра, окказионализм объектив, ўзгармас табиий қонунлар мавжудлигини инкор қилади. Диний фалсафа қобигида ривожланган бу таълимотнинг пировард мақсади “Борлиқдаги ҳар қандай ўзгаришнинг сабаби – Худодир”, деган тезисни ҳимоя қилиш эди.

IX-X асрларда ислом шарқида аристотелизм ва неоплатонизм ғояларининг тарқалиши ортидан исломнинг асоси – ақоидни уларнинг “салбий” таъсиридан ҳимоя қилишга бўлган ҳаракатлар буй кўрсатди. Ана шундай ҳаракатлардан бири ашъарийлик эди. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (873-935) окказионализмнинг, дадил айтиш мумкинки, асосчиси бўлса, унинг



Рене Декарт



Никола Мальбранш

ғояларининг энг йирик ھимоячиси Абу Ҳомид Ғаззолийдир. Кейинчалик бу таълимот насроний Европада ҳам тарқалди. Бу мактабнинг мағрибдаги асосий намояндалари Аутрекортлик Никола, Рене Декарт ва Никола Мальбранш эди. (Фалсафага оид баъзи адабиётларда окказионализм XVII аср Ғарбий Европа фалсафаси, хусусан, картезианчиликка дахлдор нуқтаи назар сифатида кўрсатилади. Масалага бундай ёндашиш европоцентризмнинг навбатдаги кўриниши бўлиб, воқеликни ҳолис акс эттирмайди.)

Арастунинг мусулмон издошлари асослашга уринган борлиқдаги ҳодисалар ўртасида сабаб-оқибат муносабати ўзгармаслиги, яъни ҳеч бир ҳодиса ақл ёрдамида тушунтирса бўладиган табиий сабабларсиз юз бермаслиги, мазкур сабаблар ортида ўзгармас қонуният пинҳон экани ҳақидаги қараш ислом илоҳиётчилари учун муаммоли эди. Агар барча ҳодисалар ўзгармас қонуниятга мувофиқ бўлса, у ҳолда табиатда илоҳий мўъжизаларнинг рўй беришини қандай тушунтириш мумкин? Бу тахлит детерминизм мўъжизани инкор этмайдими? Мазкур муаммодан қутулишнинг ягона йўли сабаб-оқибат ўртасидаги зарурий боғланишнинг мутлақлигини инкор этиш ва шу орқали ўзгармас қонуният ҳақидаги тасаввурни ҳам чиппакака чиқариш эди. Уларнинг сабаб-оқибат ва зарурият тушунчаларини танқид қилиши Ҳюм талқинига ўхшаб кетади (қаранг: *Йўлдошев Х. Дэвид Юм таълимоти ва зомонавий фалсафа. "Тафаккур" журнали, 2011, 3-сон, 90-97-бетлар*). Фарқи шундаки, улар зарурий боғланишни тушунча эмас, объектив ҳодиса сифатида таҳлил қилиб, уни Яратган иродаси дея тушунтиради. Жумладан, сабабий боғланиш моддий нарса ва ҳодисалар ўртасида эмас, Худо ва махлуқот ўртасида юз беради; бунда зарурият Унинг иродаси маҳсули ўлароқ пайдо бўлади; Худо ҳар бир ҳодисани алоҳида-алоҳида яратади. Бинобарин, улар бир-биридан эмас, аксинча, Ундан келиб чиқади. Бу эса унинг Холиқ сифатига мувофиқ келади, яъни У яратишда бардавондир. Табиат қонуни эса Унинг иродасидир. Демак, У исталган маҳал мўъжиза содир эта олади. (Ҳюм фалсафаси мисолида бундай ғоялар қандай мантиқий хулосаларга етаклашни юқорида кўрдик.) Ашъарийчиларга фақат шу усул Худонинг табиатдаги ўзгаришларга фаол аралашуви ҳар нарсанинг асл сабаби эканини асослашда ёрдам бериши мумкин эди. (Бу борада улар бир қанча далил ва изоҳлар келтирган бўлиб, буларнинг барчасини биргина мақола доирасида очиб бериш имконсиз. Қўшимча маълумот учун қаранг: *Al-Gazali. Tahafut al-Falasifah. Trans. by S.A.Kamali, Lahore, Pakistan Philosophical Congress, pp.185-196; Sukjae Lee. Occasionalism. The Stanford Encyclopedia of Philosophy (Winter 2008 Edition), eds. by Edward N.Zalta, URL =<<http://plato.Stanford.edu/archives/win2008/entries/occasionalism/>>.*) Бундан исломий окказионалистлар арастучиларнинг "биринчи сабаб" ҳақидаги қарашларига қўшилмаган деб хулоса қилишимиз мумкин. Бизнингча, "биринчи сабаб" ғоясидан келиб чиқилса, Худо барча сабабларнинг бошланғич сабаби, ҳолис. Кейинги ўзгаришлар муайян қонуният асосида табиий сабаблар орқали рўй беради. Худо эса бунда иштирок этмайди. Бу каби мулоҳазалар ҳар бир ҳодиса Яратган иродаси билан бўлиши ҳақидаги ақидани инкор этишидан чўчиган ашъарийчилар унга муқобил ўз қарашларини тақлиф этдилар. Мана шу тахлит окказионализм вужудга келди.


\*\*\*

Окказионализм ва Ҳюм таълимоти бир қарашда жуда ўхшашдек кўринса-да, чуқурроқ текширилса, бундай эмаслиги маълум бўлади.


Икки таълимот ўртасидаги фарқни қуйидаги жадвал ёрдамида билиб олиш мумкин:

<i>Тезислар</i>	<i>Ҳюм</i>	<i>Окказионализм</i>
Сабаб ва оқибат муносабати объективдир.	✓	✗
Сабаб ва оқибат ўртасида зарурий боғланиш мавжуд эмас.	✗	✓
Сабаб ва оқибат ўртасида зарурий боғланиш мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ у ҳақдаги тасаввурларимиз рационал асосга эга эмас.	✓	✗
Нарса нарсанинг сабаби бўлолмайди. Ҳар нарсанинг сабаби Худодир.	✗	✓
Аслида мўъжиза йўқ, Мабодо рўй берганида ҳам унинг ҳақиқатда мўъжиза эканини мантиқан асослаб бўлмайди.	✓	✗

Ҳюм фалсафаси дунёвий таълимот бўлиб, муайян ҳодисани тушунтиришда рационал ёки эмпирик мулоҳазаларга таянади. Башарти бунинг иложи бўлмаса, агностик мавқеда қолади. Окказионализм эса моҳиятан абсолютист таълимотдир. У барча нарсанинг муқаррар изоҳини Худо ғоясига боғлайди. Шарқда Ғаззолий ва Ғарбда Декарт каби файласуфлар окказионализм байроғи остида бир мавқени ҳимоя қилган бўлса эҳтимол, бироқ Ҳюм бу борада уларга маслақдош дейиш, бизнингча, ҳақиқатдан анча олис.



Нодира МУСТАФОЕВА



# MADANIYAT – KAMOLOTGA INTILMOQDIR

Немис файласуфи И.Гердер "Инсоният фалсафасига оид ғоялар" асарини ёзишга киришар экан, "маданият" истилоҳидан кўра мавхумроқ сўз бўлмаса керак", деган эди. Дарҳақиқат, "маданият" тушунчасини ҳар ким ўз дунёқараши даражасида англайди. Шу боис ушбу тушунчага ҳамон тугал бир таъриф топилмаган. 1952 йили америкалик олимлар А.Кребер ва А.Клакхон "маданият" тушунчасининг 164 таърифи ва унинг моҳиятига доир 100 дан зиёд илмий тадқиқотни ҳисоблаб чиққан. 1964 йилга келиб бундай таърифлар сони 257 тага етган, ҳозирда ушбу рақам яна икки баробар ортиб, ЮНЕСКО экспертлари тахминича, 600 га яқинлашиб қолган. Бу ҳол маданият ўта мураккаб, ранг-баранг, мазмун-моҳияти кенг ҳодиса эканини исботлайди.

Европа халқлари тилига лотинчадан ўтган "cultura" сўзи дастлаб инсоннинг табиатга таъсири, таълим-тарбия, ҳурмат каби маъноларни англатган. "Маданият" сўзи эса арабчадан туркий халқлар тилига ўрнашган бўлиб, "мадина" – шаҳар деган маънони англатади. Араблар турмуш тарзини бадавий (дашту саҳроларда яшаган қабилалар) ва маданий (шаҳарда ўтроқ умр кечирган аҳоли) дея иккига ажратган. Шунга мувофиқ, муслмон дунёси илм аҳли қарашида "маданият" тушунчасини талқин этишда кейинги ёндашув устунлик қилади.

Марказий Осиёда яшаб ўтган буюк мутафакирлар илмий мероси ҳам улар ижодига "маданият" тушунчаси моҳиятини очишга интилиш кучли бўлганини кўрсатади. Жум-

ладан, Абу Наср Форобий жамият етуқликка интилиши, бу йўлда курашиши ва ниҳоят, фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритар экан, “Фозил жамият ва фозил шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бундай мамлакатда ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўз танлаган касби билан шугулланади. Одамлар чин маънода озод яшайдилар”, дея қайд этади (*Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. T., 2004, 37-bet*). Мутафаккир фозиллик деганда маданийликни назарда тутлади.

Шарқ тарих фалсафасининг асосчиларидан бири Ибн Халдун “Муқаддима” асарида жамият ва инсон ҳаётини “умрон” – цивилизацияга қиёслайди. У цивилизацияни “ваҳшийлик” (инсон ўтроқ ҳаёт кечиргунгача бўлган давр), “бадавия” (кўчманчи ҳаёт кечирувчи, ярим маданиятли), “шаҳарий” (хўжалик ва иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан юксак ривожланган жамият) дея уч босқичга ажратади. Албатта, мазкур асар асосан ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдор фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлса-да, турли халқ, қабила ва цивилизациялар тараққиётю таназзули масалалари ҳам мутафаккир эътиборидан четда қолмаган. Ибн Халдун цивилизацияни табиат қонунияти билан қиёслаб, цивилизацияларнинг ўзаро ўрин алмашилиш жараёнини “асабийлик” даври деб атайди ва уни Мағриб тарихи мисолида таҳлил қилади. Мутафаккир фикрича, ўта ривожланиб кетган жамият охир-оқибат таназзулга юз тутлади.

XX аср бошларида маданият ва маърифатни ижтимоий тараққиётнинг бош омили деб билган Туркистон жадидлари, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий шароитини инobatга олган ҳолда миллийликни сақлаб қолиш билан бирга, уни замонавийлаштиришга интилган ва бунини маданийликка белгиси деб ҳисоблаган. Дунё мутафаккирлари сингари улар ҳам “маданият” истилоҳини кўпроқ “тараққиёт” маъносида қўллаган. Маданият ҳақида гап борганда, ислом дунёси вакиллари – жадидлар ҳам ўз салафлари каби тараққиётнинг ваҳшийлик, бадавийлик ва маданийлик босқичларини са-

наб ўтган. Улар фикрича, мутамаддун, яъни цивилизация жамият қуриш учун илм, хунар ва дин бирдек зарур, маиший турмуш ва ахлоқ мукамаллиги эса маданиятнинг энг муҳим таркибий қисмидир (*Индамас. Маданият*



*тўлқинлари. “Садои Туркистон”, 1914 йил 11 май сони*). Уларнинг ушбу фикри Европа маърифатпарварларининг маданиятга оид назарий қарашларини эслатади. Бу – табиий, албатта, чунки жадидлар Шарқ фалсафасининг билимдони бўлибгина қолмай, Сукрот, Афлотун, Арасту таълимотларию И.Кант, Ш.Сеньобосс, О.Конт асарлари билан ҳам яқиндан таниш бўлган.

Маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатлари хусусида фикр юритганда, жаҳон илм аҳлининг баъзи қараш ва концепцияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан Ғарб фалсафий тафаккурида маданият назариясига оид турли-туман мунозаралар, ёндашувлар юзага келдики, улар бугунги кунга қадар маданиятшунослик назариясини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмокда. Маълумки, Европада маърифатпарварлик ғоялари XVIII асрда кенг ёйилган. Маданият замирида цивилизациялар вужудга келгани борасидаги фикрлар айна шу даврдан эътиборан ривожланиб, бу икки ибора тенг маънода қўлланадиган бўлган. Шунингдек, айна даврда цивилизацияларга нисбатан танқидий нуқтаи назарлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, Ж.Ж.Руссо “маданий миллатлар”нинг ахлоқан тубанлашганини тараққиётнинг илк даврларида халқлар маънавияти нечоғлиқ соф бўлгани билан таққослаган (*Жуковский С.Т., Жуковская И.Г. Россия в истории мировой цивилизации. IX – XX вв. М., 2000, стр. 142*). Немис файласуфлари бу зиддият-ли ҳолатдан чиқиш йўлини ахлоқий (И.Кант),

эстетик (Шиллер) ёки фалсафий (Гегель) онг доирасидан қидирган. Улар оннинг бу соҳаларини асл маданият ва инсон тақомиланинг муҳим омили деб билган.

Немис файласуфи И.Гердернинг (1744 – 1803) маданиятшуносликка оид фикрлари бугунги кунга қадар соҳа мутахассислари эътиборини жалб этиб келмоқда. У машхур тўрт жилдлик “Фалсафа тарихига оид ғоялар” (1784 – 91) асарида инсоният тараққиётини тадрижийлик нуқтаи назаридан кўриб чиққан. Гердер фикрича, инсоният тарихи табиат тарихи билан бевосита боғлиқ, фақат маданият инсонни ҳайвондан ажратиб туради. Маданият – инсониятнинг иккинчи бора дунёга келиши, демакдир. Тил, давлат, оилавий муносабатлар, дин, санъат, фан – маданият унсурларидир. Маданият “инсон онгидан жой олар экан, одамларни ўзаро яқинлаштиради, ягона кишилиқ жамияти аъзоларига айлантиради” (Гердер И.Г. *Идеи к философии истории человечества. М., 1977, стр. 231*). Гердер жамият тараққиётини тарихий-журғофий нуқтаи назардан, яъни маданий-тарихий ҳудудларни уларнинг табиий шароити, анъаналари, маҳаллий аҳолисининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таҳлил этади. Қадимий цивилизация сифатида Хитой, Миср, Юнонистон, Римни кўрсатади. У халқларни “маърифатли” ва “маърифатсиз” деб ажратишга қарши чиқади, бундай тақсимотни сифат эмас, сон кўрсаткичига ўхшатади. Унингча, маданият “беҳисоб, ўзига хос ноёб ранглар бўлиб, улар замон ва макон билан бирга ўзгаради”. Гердер маданият тараққиёти масаласига бир томонлама ёндашмайди. “Маданият доимо олға интилади, – деб ёзади у, – лекин бу унинг тақомиллаша боришидан далолат бермайди, янги жойда янги хусусиятлар пайдо бўлади, холос. Янги маданият ўзидан олдин ўтган маданият ўрнида ривожланади, сўнг у ҳам йўқолиб кетади”. Бу фикрга унчалик ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки олға интилаётган маданият албатта тақомиллашади, ўзидан аввалги маданиятлар эса унга мерос бўлиб ўтади. Гердер талқинича, маданиятлар ривож тарихи жуда ўзгарувчан, лекин доимий эмас. Маданият динамик ва статик кесим-

лардан иборат бўлиб, юксалиш, таназзул ва инерция ҳолатлари унга хосдир.

Яна бир немис файласуфи В.Дильтей (1833 – 1911) маданиятшуносликка оид тадқиқотларида “тушуниш” методини илгари сурган. Унинг “Рухиятшунослик фанига кириш” асари бугунги кунда фалсафа ва социологияда кенг қўлланаётган герменевтика йўналишининг шаклланишига асос бўлди. Олим мазкур асарда ҳаёт ўта сирли хилқат эканини фалсафий мушоҳада қилган. Ҳаётни фақат герменевтика ёрдамида тушуниш, яъни бирон бир маданият – тарихий воқеликни талқин қилишда ўша давр маънавий муҳитига, унинг ўзига хос хусусиятларига интуитив равишда ёндашиш Дильтей асарининг бош мазмунига айланган. “Ҳар бир фан тажрибадан бошланади, – деб ёзади у, – ҳар бир тажриба эса бизнинг дунёқарашимиз даражасига боғлиқ”. Унинг фикрича, маданият тарихи – дунёқарашлар тарихидир. Дунёқарашнинг асосий илдизи – ҳаёт. Дунёқарашни шакллантирувчи ёки унга таъсир этувчи маданият йўналишлари сифатида диний, метафизик ва санъатга оид қарашлар эътироф этилади. Диний дунёқараш асосида бирламчи диний тажриба, диний туйғу ётади. Санъат эса инсоннинг ҳаётда эришолмаган сирли орзуларини қондиради. Санъатнинг мақсади – инсон қалбига йўл топиш. Дин ва санъат ривож фалсафий дунёқараш шаклланишига асос бўлади.

XIX – XX асрларда турли маданиятлар тарихини ўрганишга қизиқиш янада ортди. Бу даврга келиб Ғарб фалсафасида “локал цивилизация” тушунчаси пайдо бўлди. Бугунги кун маданиятшунослик фанида маданиятнинг моҳиятини билишга цивилизацияли ёндашув ҳар бир миллатнинг бетакрорлигини, унда умуминсонийлик ва ўзига хослик мавжудлигини эътироф этишни назарда тутди, дея тушунтирилади. Бу ғоялар Н. Данилевский, О. Шпенглер ва А.Тойнби каби олимлар асарларида илгари сурилган бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг цивилизацияон тузилмасига эътибор қаратган эди. Улар ижтимоий ҳаёт асосини турли даражадаги цикли “маданий тарихий типлар” ёки “цивилизация” ташкил этади, улар ўз тараққиёт

босқичида туғилиш, ривожланиш, кексайиш ва барбод бўлиш даврларидан ўтади, деган фикрга урғу берган.

Рус файласуфи Н.Данилевский (1822 – 85) “Россия ва Европа” (1871) асарида маданиятнинг циклли ривожланиш концепциясини талқин этган. Унинг фикрича, ҳеч қандай умумжаҳон цивилизациялари мавжуд эмас, фақат тарихий-маданий типлар бор, ҳолос. Аниқ мақсад ва ғояга эга бўлган миллатгина ўзига хос маданият яратиши мумкин. Ҳар қандай маданият бетакрордир; улардан бири иккинчисига ўтмайди. Тил гуруҳлари бўйича 15 тарихий-маданий турни аниқлаган олим улардан кельт, мексика ва перу маданияти ривожланиш босқичига етмай туриб зўравонлик қурбонига айлангани; Россия ва АҚШ (янги-америкача) маданий типлари энди-энди шаклланаётгани, қолганлари – миср, оссурия, бобил, финикия, ҳалдей, хитой, ҳинд, эрон, яхудий, юнон, рим, араб ва ғарбий европа (роман-герман) маданий-тарихий типлари эканини қайд этган. Файласуф маданий ўзига хослик замирида диний, маданий (илмий ва бадиий), сиёсий, иқтисодий асос мавжуд эканини айтади. Унингча, санаб ўтилган маданий-тарихий типлар фақат бир томонлама фаолиятда (масалан, ҳинд – фалсафада, яхудий – диний соҳада, юнон – адабиёт ва санъатда, ғарбий европа – сиёсий тартибот ва фан-техника тараққиётида) ўзини кўрсата олган. Аммо унинг бу фикрлари баҳслидир. Негаки, юксалган ҳар қандай цивилизация асосида қатъий сиёсий тартиб бўлган, дин ва фан айнан шу тартибга кўра тараққий этган. Бунга жаҳон тарихида мисоллар кўп.

Данилевскийнинг маданий-тарихий типлар назарияси тарихий жараёнларнинг бир хил ривожланиши тўғрисидаги европоцентрик концепцияларга қарши қаратилган эди. Чунки бундай ёндашув Шарқ ва Россия халқлари тарихини Европа тарихининг “илова”сига айлантириб қўйиши мумкин. Шу боис Данилевский маданий-тарихий типлар ва уларнинг кўп тарафлама ривожланиши концепциясини тақлиф қилади. Унинг фикрича, инсоният тараққиёти бир йўналишда бормайди, тараққиёт инсон фаолиятининг барча соҳаларини, барча йўналишларини

ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Ҳар бир халқ ўз тарихи, маданияти, миллий руҳига эга. Шундай экан, ҳамма бир нуқтага интилиши шарт эмас. Данилевский ягона маданий-тарихий тип дунёда ҳукмронлик ўрнатиши маданиятлар таназзулига сабаб бўлади, деб ҳисоблайди. Шу сабабли у Ғарбнинг “умуминсоний кадриятлар” ниқоби остида ўз маданиятини тарғиб қилишни қоралаган.

Немис файласуфи Освальд Шпенглер (1880 – 1936) Данилевский сингари маданият тараққиётини тирик организмга ўхшатади. Унингча, маданият ривожини туғилиш, ўсиш, етуклик, кексалик ва ўлим босқичларидан ўтади. У “Европанинг ботиши” асарида Биринчи жаҳон урушидан чиққан Европа маданияти мисолида цивилизацияни – “ботаётган ҳаёт”га ўхшатади. Шпенглер ҳар қандай маданий тараққиётнинг сўнгги босқичини цивилизация деб атайди. Унинг бу фикри Ибн Халдуни қарашларига мос келади. Албатта, цивилизацияни давр таназзули деб тушуниш маданиятнинг бир бутунлиги ва табиийлигига зиддир. Файласуф ривожланишнинг барча босқичларини босиб ўтган тўққиз маданият турини санайди. Булар: хитой, бобил, миср, ҳинд, антик (юнон-рим), араб, ғарбий европа ва майя маданияти. Рус-сибирь маданиятини эса янги босқичга кириб келаётган маданиятлар қаторига қўшади. Унинг маданият ҳақидаги умумий хулосаси куйидагича: ҳар бир маданият кутилмаганда вужудга келади, гуллайди ва ҳазон бўлади. Қайсидир маданиятнинг интиҳоси маданий жараёнлар бир бутун деган ғояни инкор этади. Турли маданиятлар мулоқоти мумкин эмас. Албатта, бу борада унинг фикрларига қўшилиш қийин. Марказий Осиё цивилизацияси, жумладан, Ўзбекистон маданияти ривожининг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бу ҳудуддаги кўп асрлик тараққиёт жараёнида маданиятнинг ўзига хос ва ноёб намуналари уйғунлигига эришилган, унинг симбиоз шакллари вужудга келган. Бу ҳолат ҳудуднинг қитъалараро йўллар кесишувида жойлашгани, Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг туташ нуқтаси бўлгани билан изоҳланади. Шпенглер яратган маданиятнинг цикллилик назарияси ҳозиргача мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Инглиз тарихчиси А.Тойнби (1889 – 1975) “Тарихни англаш” асарида маданиятнинг тарихий динамикаси концепциясини келтиради. Унингча, цивилизация бу – замон ва маконда узоқ яшаб турадиган, асосини эса дин ташкил этган жамиятлардир. Шпенглер каби Тойнби ҳам цивилизациялар ривожланиши цикли экани тўғрисидаги ғояни илгари сурган. Яъни ҳар бир цивилизация вужудга келиш, ўсиш, кексайиш ва таназулни бошдан кечириб, ўрнини бошқасига бўшатиб беради. Тойнби фикрича, инсоният ер юзиде умргузаронлик қилаётганига 300 минг йил тўлган бўлса-да, бу вақтнинг бор-йўғи икки фоизда цивилизациялар мавжуд бўлган. Олим ўз тадқиқотларида 37 цивилизацияни санаб ўтган ва шундан ҳозир фақат 5 таси сақланиб қолганини ёзган. Булар қуйидагилар:

1. Ғарбий Европа, Америка мамлакатларидаги католик ва протестантлик;

2. Ислон дини (Шарқ мамлакатлари);

3. Проваслав дини (Жануби-шарқий Европа мамлакатлари ва Россия);

4. Буддавийлик (Хитой ва Япония);

5. Ҳиндулик (Ҳиндистон).

Шпенглердан фарқли ўлароқ, Тойнби цивилизацияларнинг ўзаро алоқадорлигига бир-бирига таъсирини инкор этмаган. Бу алоқадорликни тарихий тараққиётнинг муҳим омили сифатида талқин қилган ва буни “цивилизациялар учрашуви қонуни” деб изоҳлаган. Бундай учрашувлар ғарб ва ислом цивилизациялари ўртасида кўп кузатилади. Айнан шу концепция Марказий Осиё маданияти тарихида ўз исботини топган. Олим фикрича, “Цивилизация маданий ривожланишда ўз ички кучини йўқота бошлаши ҳамона у билан алоқада бўлаётган бегона ижтимоий унсурларни ўзига сингдиради. Бегона маданиятнинг таъсири цивилизация учун иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан самарали ва фойдали бўлиши мумкин”.

Шпенглер ва Тойнбининг “маданият цикллари назарияси”дан фарқли ўлароқ немис файласуфи К.Ясперс (1883 – 1965) “инсоният ягона келиб чиқиш ва ягона ривожланиши йўлига эга”, деган ғояни ўртага ташлаган. У инсоният босиб ўтган йўлни тўрт йирик маданий босқичга ажратган: 1) ибтидоий давр

(маданиятнинг прометей тип, милоддан аввалги 5000-йиллар); 2) қадимиятнинг буюк маданиятлар даври (Қадимги Миср, Шумер, Бобил, Ҳиндистон, Хитой маданиятлари); 3) “ўқ атрофидаги вақт” (маданиятнинг умуминсоний асослари вужудга келиши, шахсларнинг шаклланиши, милоддан аввалги VII-I асрлар). Дарвоқе, маданиятшуносликка “ўқ атрофидаги вақт” тушунчасини шу олим киритган. Ўқ – марказ, таянч, мазмунан вақт нуқтасидир); 4) юқори давр (импер даври – фан ва техника ривожига суянади). Ясперс концепциясида энг зарур таянч нуқта, яъни марказ сифатида муҳим тарихий воқеалар кўрсатилган. Улар инсоният тарихининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлган. Олим фикрича, ибтидоий давр – тарихгача бўлган давр. Чунки бу даврда инсон вақтни ҳис қилмасдан тарихдан айро яшаган. Аста-секин тил, меҳнат қуроллари, олов пайдо бўлиши инсонларни ўзаро яқинлаштирган. Мулоқот воситаларининг юзага келишини эса олим маданий босқичнинг муҳим жиҳати дея эътироф этади. Милоддан аввалги IV минг йилликларга келиб инсоният ривожига янги босқич – тарихий давр бошланди. Қадимий буюк маданиятлар, давлатлар, ёзув пайдо бўлиши, сув ресурсларидан фойдаланиш технологияларининг яратилиши бунга асосий омил бўлиб хизмат қилган. Файласуф фикрича, “ўқ атрофидаги вақт”да маданий инқилоблар бўлиб ўтган. Бу инқилоблар алоҳида уч ҳудуд – Шарқ (Хитой, Ҳиндистон), Яқин Шарқ (Фаластин, Эрон) ва Ғарбда (қадимий Юнонистон) содир бўлди. Ясперс “ўқ атрофидаги вақт”ни диний фалсафанинг пайдо бўлишига боғлайди: “Бу босқичда бизнинг ҳозирги тафаккуримиз ва ҳаётимиз йўналишини белгилаётган дунё динларига асос солинди”. Хитойда Кунфутсий ва Лао Цзи, Ҳиндистонда буддавийлик, Эронда зардуштийлик, қадимги Юнонистонда эса Ҳомер эпослари асосида юнон фалсафасининг вужудга келиши билан мифлардан илмий тафаккурга ўтиш даври бошланганини кузатиш мумкин. Айнан шу даврдан эътиборан турли минтақаларда илмий, фалсафий билимлар, санъат ва дунё динларининг пойдевори қўйилди. Бу эса келгуси маданиятлар

ривожини белгилашда муҳим омил бўлди. Маданиятнинг янги типлари шаклланишини Ясперс Европадаги Ренессанс даври билан боғлайди. Буюк жуғрофий кашфиётлар натижасида Европа цивилизацияси дунёнинг бошқа ўлкалари билан алоқага киришди. Замонавий босқичда Европа тамаддунининг дунё маданиятларига таъсир кўрсатиш жараёни бошланди. Лекин Ясперс Европа маданиятини “ўқ атрофи” деб қарашга қарши бўлган. Чунки тарихий жараёнлар асосида техника эмас, балки маънавият ётади.

XX асрнинг биринчи ярмида жаҳонда юз берган туб ўзгаришлар натижасида жаҳон мутафаккирлари маданият масалаларига янгича ёндашадиган бўлди. Маданиятга оид бу концепциялар “маданият ва цивилизация”, “маданиятнинг ҳозирги таназзули”, “маданият цикллари”, “оммавий маданият”, “маданият ва фан-техника тараққиёти” каби муаммолар доирасида таҳлил этила бошлади.

“Маданият ва цивилизация” концепцияси доирасида фикр юритган рус файласуфи Н.Бердяев (1874-1948) бу икки ибора ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатган: “Маданият қанчалик қадимий бўлса, у шунчалик аҳамиятли ва фусункордир. Маданият қадимийлиги билан эътиборли, цивилизация эса шу кунги кашфиёти билан эътиборлидир. Унинг аждоди йўқ” (Бердяев Н. *Философия творчества культуры и искусства. М., 1994, стр.527*). Бердяев цивилизациянинг умумий табиатига кўпроқ урғу беради ва бу ҳодиса барча халқларда бир-бирига ўхшаш белгилар орқали намён бўлишини таъкидлайди. “Қадимий халқлар (Миср, Бобил, Юнонистон тамаддуни каби) маданияти илк босқичларданок ўзига хос ва қайтарилмас индивидуалликка эга бўлган. Маданиятда қалб, цивилизацияда эса фақат усул ва қуроллар бор” (*ўша манба, 526-бет*). Олим маданиятнинг туб илдизини дин билан боғлайди.


Ҳозирги кунда маданият ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлигига оид кўплаб қарашлар вужудга келган. Бу қарашлар уч йўналишда: умумий, босқичли ва локал-тарихий нуқтаи назардан талқин қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданиятга доир назарий мулоҳазаларда хилма-

хил маданият ва цивилизациялар мавжудлиги, уларнинг тараққий этиши билан боғлиқ кўпгагина ривожланиш ғояси илгари сурилган. Маданиятнинг фалсафий англаш билан боғлиқ ҳар қандай таълимотда инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳда (социум) жисмоний, маънавий ва руҳий фаолияти шаклланиши ва ривожланишини назарий изоҳлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Ғарб файласуфлари ҳар бир халқ ва ҳудуднинг маданий ривожий ўзига хос (Гердер, Данилевский, Тойнби), барча маданиятлар ўз қимматига эга (Ясперс, Бердяев) деган хулосага келди. Демак, инсоният цивилизацияси юксалиш ва таназзул, турғунлик ва уйғониш сингари босқичларни босиб ўтган. Ҳеч бир жамият бу босқичлардан аниқ маром ва кетма-кетликда, бир хил кўринишда, бир вақтда ўтмайди ва табиийки, ҳар бир босқич ривожий ўзига яраша зиддиятли ва нотекис кечади. Масалан, Ясперснинг “ўқ атрофидаги вақт” концепцияси асосларини XX аср Ўзбекистон тарихи, хусусан, маданият тарихига татбиқ этиш мумкин. Бу даврнинг асосий тарихий воқеалари – Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари, 1917 йилги октябрь тўнтарыши инсоният тарихи ва маданиятда туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Айниқса, шу асрда мафкуравий қарашлар омма онига сингдирилиши масаласи, ҳар бир даврга хос хусусиятларнинг ғоялар ривожига таъсири, аънаналар, янгиликлар ва уларнинг қабул қилиниши (Дильтей) каби жиҳатлар чуқур ўрганилиши зарур. Чунки тарихий даврларни, айниқса, маданият тараққиётини кўлаб хусусиятлар орқали алоҳида белгилаш, фарқлаш ва таққослаш мумкин. Шундай хусусиятлардан бири, бу – жамиятдаги иждоқорлик, яратувчанлик каби имкониятларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ўлчанишидир. “Маданият – таълим-тарбия, ижтимоий талабларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, цивилизация давлатнинг пайдо бўлиши, жамият аъзоларининг фуқаролик туйғуси, давлат қонунларига нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланиши билан чамбарчасдир” (*Маданиятшунослик асослари. Т., 2006, 50-бет*). Шундай экан, маданият ижтимоий ҳаётнинг тарихий қисми бўлиб, жамият тараққиётига хизмат қилади.

Рауль МИРХАЙДАРОВ

ИТАДИГАН  
 МАТНАВУШ  
 СОҲСИ ДЕГАН



Ёзувчичалик китобнинг кадрига етадиган яна ким бор экан! Китоб унинг борлиги, қисмати. Бу маълум гап. Мен китобни таърифу тавсиф этиб кўп ёзганман. Умр вафо қилса ҳали яна ёзарман.

Биз туғилиб вояга етган шўро замонида китоб сувтекин эди десам лофи йўқдир. Ўша вақтлар нашр этилган аксарият китобларнинг нархи бир рублга етмас, қимматроғи ҳам уч рублдан ошмас эди. Буни расмий маълумотга таянибгина айтаётганим йўқ, тажрибам катта – ўзим йиллаб китоб йикканман, салмоқлигина кутубхонам бор.

“Китобдан яхши совға йўқ” деган гап бугун кулгили эшитилади, деса бўладими яқинда бир танишим! У билан баҳслашиб ўтирмадим. Бизнинг давримизда Ахматова, Мандельштам, Цветаеваларнинг сайланмалари бир қути француз коньягино шотланд вискисидан қимматроқ совға ҳисобланарди. Қаранг, кадр-қиммат деганлари ҳам замонасига яраша бир қарич билан ўлчанар экан-да.

У кезлар китоб катта-катта ададда чоп этиларди. Шу сабабдан таннархи ҳам унча қиммат бўлмасди. Аммо биз, ёзувчиларга дурустгина қалам ҳақи тўланарди. Албатта, бу ғарблик ҳамкасбларимиз оладиган ҳақ билан солиштирганда сарик чақадек гап эди. Масалан, машҳур француз адибаси Франсуаза Саган “Салом, ҳасрат!” ва “Кўлмақда акс этган қуёш шуъласи” деган ихчамгина икки қиссаси эвазига умрининг охиригача тўкин-сочин, тараллабедод ҳаёт кечирган.

Рауль Мирхайдаров долзарб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги қизиқарли романлари, қисса ва ҳикоялари билан шуҳрат топган адиб. Китоблари МДҲ мамлакатлари, шунингдек, бошқа хориж элларида миллионлаб нусхада чоп этилган. У ўттиз йил мобайнида (1960-90 йиллар) Тошкентда яшаб ижод этди. Дастан республикамиздаги қурилиш ташкилотларида хизмат қилган бўлажак ёзувчи илк бор шу ерда адабиётга ихлос қўйди, қўлига қалам олди. Ҳозир Москва шаҳрида истиқомат қиладиган бу оқибатли инсон ҳануз юртимиздан қадамини узмаган, тез-тез келиб туради, Ўзбекистонни, унинг саховатли элини зўр муҳаббат ва миннатдорлик билан дилида сақлайди.

Рауль Мирхайдаровнинг айрим мақола ва очерклари ҳамда шахсий рангтасвир жамланмасидан намуналар журналимиз саҳифаларида ёритилган.

Ўтган йили 70 ёшни қаршилаган адиб “Сўнги бекатдан мактублар” деб номланган хотиралар китобини ёзиб битирди. Умр йўлларидаги ажиб манзаралар тасвирига бағишланган ушбу китобдан бир-икки лавҳани журналхонлар эътиборига ҳавола этар эканмиз, муаллифни муборак ёши билан кутлаб, “Ҳорманг энди, Рауль ога!” деймиз.

Таҳририят

Яхши китоб, дейлик, В. Богомоловнинг дастан “41 йил августида”, кейинроқ эса “Ҳақиқат соати” деб номланган асари “Молодая гвардия” нашриётида кетма-кет йигирма мартадан зиёд чоп этилган. Халқ орасида қўлма-қўл бўлган баъзи асарлар ярим миллионлаб нусхада, токи бутун мамлакатга етиб бормагунча қайта-қайта нашр этилаверарди. Шунга қарамай, китобсевар жамиятда дурдона асарлар барибир танқис бўларди. Ҳамма китоб йиғиб шахсий кутубхона қилмоққа ишқибоз, меҳмонхоналар тўрида қимматбаҳо биллуру чинни идишлар тўла сервантлар катори баланд-баланд китоб жавонлари ҳам урфга айланган эди-да. Энди ўзингиз фараз қилаверинг, шахсий кутубхоналару уйни безаб турадиган ана шундай китоб жавонларига қанча китоб кетарди! Бугун менга бу ҳол ўша кезлардагидек бачканалик бўлиб туюлмади. Дарҳақиқат, ҳамма гап қиёсда экан!

У вақтлар хали ёзмаз эдим-у (биринчи ҳикоям – “Самсоннинг бекати”ни 1971 йили таниқли бир кинорежиссёр билан баҳс бойлашиб уч кунда ёзиб ташлаган, аммо унинг дарҳол радиодан ўкилишинию сал ўтиб Москвадаги “Родники” альманаҳида босилишини туш кўрмаган ҳам эдим), ҳар яқшанба китоб бозорига боришни қанда қилмасдим. У ердан ҳар қандай китоб ва қимматбаҳо рангтасвир альбомини топиш мумкин эди. Ўша кезлар шунақа альбом йиғиш ҳам расм бўлган, ҳозир буларнинг бари худди ширин тушга ўхшайди.

Китоб бозорига оз эмас, кўп эмас, нақд беш йил қатнаганман. Таажжуб, бишпабинойи одамлар, аксарият зиёлилар тўпланган бўлса-да, бу бозор нуқул “хайда-хайда” билан тарқатиб юбориларди. Тошкентда бундан бошқа расман тақиқланиши лозим бўлган хуфя бозорлар ҳам кўп эди-ю, негадир уларнинг мушугини биров “пишт” демасди. Чамаси, “бизнинг” бозор мафкуравий жиҳатдан хатарлироқ экан-да. Хуллас, бозоримизнинг муқим жойи йўқ, гоҳ у-гоҳ бу ерда тўпланишиб кетаверардик. Ҳозиргидек қулай қўл телефонлари бўлмаса-да, китобхўрлар бозорни қийналмай топиб келарди.

Бу ерда манаман деган китобшунослар ҳам бисёр эди, уларнинг атрофи мудом гавжум бўларди. Ўша норасмий воизлар бирон шоир ёки ёзувчи ҳақида ортиқча

тараддуду тайёргарликсиз соатлаб гурунг бериши мумкин эди. Улар шундай теша тегмаган гаплардан топиб гапирардики, бир чеккада турган университет домлалари – адабиётшунос олимлар ҳам бошқалар катори бу ажабтовур нотикни олқишлаб беихтиёр чапак чалиб юборарди. Ўрғага биров савол ташлаб қолмагунча олқиш тўхтамасди. Савол берган киши эса оддий бир “Сувсоз” мухандиси ёки травматология жарохи бўлиб чиқар, бунисига ҳам ҳеч ким ажабланмас эди.

Билмаган балоси йўқ, кўп ўқиган бундай “заршунос”ларни барча танирди. Улар ўзаро асло рақобатлашмас, аксинча – китобга, адабиётга бўлган меҳр бу одамларни оға-инидек қилиб юборган эди. Бозорда кимдир китобини сотар, кимдир айирбошларди, аммо унис ҳам, буниси ҳам олиб чиққан моли тўғрисида батафсил маълумотга эга бўларди. Улар орасида шунақанги билимдонлар бор эдики, бирор китобни таърифлаётганида ҳаяжондан энтикиб кетардингиз. Сотадиган одам ҳеч қачон китобининг нарҳини беш-ўн номиналга (китоб шинавандалари орасида шундай ибора юарди) ошириб айтмас – фойдахўрлик қилмас эди. Агар шундай қилгудек бўлса, харидор дарҳол китобнинг асл баҳосини айтиб, унинг оғзига урарди. Қарабсизки, шўрлик китобфурушнинг йиллар мобайнида топган обрўйи сонияда бир пул бўлибди! Камига, “Эскижўванинг одами экан!” деган гап-сўз тарқаб, у бозорнинг доимий мижозлари оғзида эрмакка айланарди.

Китоббозорда салмоқлигина шахсий кутубхонага эга бўлган обрўли-обрўли одамларни ҳам кўриш мумкин эди. Улар орасида таникли адвокат, ҳуқуқшунос, заргар, корхонаю таксопарк раҳбарлари ҳам учрар, лекин кўпчилиги “цехчи”лар эди. Кейин маълум бўлишича, бу одамлар аслида қора бозор дўкайлари экан. Янги чиққан китобларни, айниқса қадимий, подшолик давридан қолган ёки ўтмиш муаллиф ҳаётлигида қўлда кўчирилган ноёб асарларни китобфурушлар одатда шуларга “илинишарди”, чунки улар зикналикка бормаи, ортиқча савдолашиб ўтирмаи, айтилган пулни бериб кетарди-да...

Бозорда шахсий кутубхона эгаси бўлган ўша одамларни ҳамма танибгина қолмай, исми шарифини айтиб мурожаат қилар, тавозе кўрсатар эди. Бу ерга машҳур эстрада, театр, кино “юлдуз”лари ҳам келиб туришар, лекин уларнинг ҳеч қайсиси шахсий кутубхона эгаларичалик обрў-эътиборга эга эмас эди. Китобу уни ёзган ёзувчи ва бу хазинани меҳр билан йиққан-тўшлаган инсон ана шундай иззатлифотга лойиқ кўрилган, ардоқланган ажаб замонлар эди-да.

Бу бозорда мен бир йил ичида иккита ашаддий “китоб жинни”сини учратганман. Бу қариялар боя айтганим цехчилардан ҳам эмас, номенклатура ходими ҳам бўлмаган. Улардан бири шахсан Максим Горький тартиб берган-у, етмишинчи йиллар бошига келибгина нашр этилган “Дунё адабиёти кутубхонаси” жамланмасининг оҳорбанд икки юз томлигига бир хонали квартирасини, иккинчиси эса яп-янги “Волга”сини алмашган экан. Қаранг китобнинг баҳосини!

Тошкентда чиқадиган газета-журналларда ҳикояларим эълон қилина бошлағач, китоб бозорида мени ҳам ҳамма танийдиган бўлди. Бугун энди ишончим қомилки, китобсеварларнинг ўша яқшанбалик “пинҳона” учрашувларига қатнаб юрганларнинг ўзи ҳам нимадир ёзган, қаламдор кишилар бўлган.

Болалигимданок китоб дўконларини айланиш жону дилим эди. Айниқса, обуна бўйича тарқатиладиган зарҳал муковали танланган асарлар тўпламидан тарала-

диган хид – когозу босмахона бўёқларининг ўзига хос хидидан нақд маст бўлардим. Болалик дўстим Валерий Парамоновнинг онаси Мария Ивановна китоб дўкониди сотувчи эди. “Китобхўр” эканими билиб у менга доим ноёбу камёб китоблардан олиб кўярди. 1971 йили Мартукка – кишлоғимга борганимда ҳам у мени янги нашрлар билан хурсанд килди. Дўкондан чиқаётиб пештахтада ётган яшил муковали юпкагина китобчага кўзим тушди; “Художественная литература” нашриётининг машхур “XX аср хориж романлари” туркумида нашр этилган экан, нархи арзонлаштирилган – 20 тийин. Ном – “Кудратли Гэтсби”. На бу асар, на унинг муаллифини билардим. Агар бу роман ёки унинг муаллифи Фрэнсис Скотт Фицджеральд номи умримда бир маротаба бўлсин кулоғимга чалинганида, асло ёдимдан чиқмаган бўларди. Чунки шу ёшгача, кўз тегмасину, хотирам ҳамон бутун.

Дўкондан қайтатуриб йўл-йўлакай романини ўқишга тутиндиму ундан бош кўтаролмай қолдим. Ўқиб бўлгач, тушлик танаффусини базўр ўтказиб, яна дўконга югурдим. Мария Ивановнани ҳам хайратга солиб, ҳам мамнун қилиб “Кудратли Гэтсби”нинг қолган йигирма тўққиз нусхасини ҳам сотиб олдим. Эртаси куни асарни яна бир қарра ўқиб чиқдим. Негадир кайфим чок, ўзимдан ўзим кувониб кетяпман, нукул денг муаллифнинг фамилиясини такрорлайман, ким билсин, келажакда қарашларимиз ўзаро яқин бўлишини олдиндан сезгандирман-да.

“Кудратли Гэтсби” китобининг бир боғлами қўлимда, қанот боғлаб Тошкентга учсам дейман. Бўлмаса ҳеч қачон қайтишга бунчалик ошиқмаганман. Китобни анови бозоримизнинг доимий мижозларидан қимларга соғға қилишни ўйлаб, хаёлан қайта-қайта тақсимлайман. Мени беҳад ҳаяжонга солган бу романини хуфя бозоримизда ҳамма хурмат қиладиган шахсий кутубхона эгаларию цехчиларга ҳам ҳаёя этсам-чи? Албатта, бундан кўзлаган бошка ниятим ҳам йўқ эмас – “Кудратли Гэтсби”ни ўзим қидириб юрган бирор нодир китобми, альбомгами айрибошлайман, асосийси, бирданига бозор ахлининг ўз одамига айланаман-коламан дея хаёл қилардим. Икки яқшанбада йигирма тўққизта китобнинг барини тарқатиб бўлдим, табиийки, мўлжаллаган одамларимга бердим, улар орасида анови машхур воизлар ҳам бор эди. Бироқ китоб айрибошлайман деб чучварани хом санаган эканман. Нархи туширилганини кўриб ҳамма индамайгина китобни қўлимга қайтариб берарди. Машхур туркумда нашр қилинганига ҳам бировнинг иши йўқ. Романини жўшиб-ҳаяжонланиб таърифлаганим ҳам, муаллифнинг жанрдор номи ҳам (менинг фикримча, албатта) иш бермаса денг!

“Кудратли Гэтсби” воқеасидан икки йил ўтиб Тошкентдаги хуфя китоб бозори узил-кесил тақикланди. Ҳеч ким аяб ўтирилмади, ҳеч кимга кўнгилчанлик қилинмади, баъзилар бир неча йилга кесилиб кетди.

Ўша йиллар “семиз” адабий журналларнинг нуфузи ғоят баланд эди. Уларга на бемалол обуна бўлардингиз, на бирор жойдан сотиб олардингиз. Журнал қўлма-қўл қилиб ўқиларди – қаранг, қандай замонлар экан! Айниқса, “Иностранная литература”нинг талабгори қўп эди, негаки унинг номиек одами кизиқтириб



кўяр, бизда ҳали кўрилмаган, янгича, такикланганрокми-ей бир нималарни ваъда килаётганга ўшар эди у. Иттифоко, “Иностранная литература”да олдиндан хабар килинмаёк, мен ўзимча кашф этган Фицджеральднинг “Бекарор тун” романи чоп этиб қолинса денг! Дадил айтишим мумкинки, журналнинг навбатдаги сони чиккунча Фицджеральд Эрнест Хемингуэйни буткул ортда колдириб, СССРда энг машхур ёзувчига айланди-колди!


“Бекарор тун” эълон этилдию мен ҳам бол ялайдиган кун келди. Йигирма тўккиз китобнинг барини ашаддий китоб шайдолари – шаҳарнинг баобрў кишиларига тухфа қилган эмасманми, улардан ўн еттитаси “Иностранная литература” журналини кўрган ҳамоно мени кидириб колганига нима дейсиз?! Бир зумдаёк Ўзбекистон бўйлаб Фицджеральд номи овоза бўлиб кетди, Тошкентда эса “Қудратли Гэтсби”га ов кизигандан кизирди.

Ана ўшанда китоб ишқибозларининг уйида мехмон бўлиб, Тошкентдаги энг зўр шахсий кутубхоналарни ўз кўзим билан кўрдим. Фақат номини эшитганим, кўлимга оларман деб хаёл ҳам қилолмайдиганим нодир китоблар... Ўн саккиз-ўн тўккизинчи аср классиклари ҳаётлик чоғида чоп этилган дурдоналар! Ҳамон яп-янгидек, хаяжонимни ифодалашга тил ожиз! Ўтмишнинг буюк мусаввирлари яратган ажойиб асарлардан кўз узолмайман денг. Вожаб, бизда – Тошкентда дунёнинг машхур кутубхоналари ҳам фахрланса арзигулик шундайин бебаҳо ҳазина асраб-ардоқлаб келинаётганини ўйлашга-да журъат этолмасдим.

“Қудратли Гэтсби” романи ҳаётимда қанчалик чуқур из колдирганини сезган зийрак ўқувчи шундай савол бериши табиий: “Асарнинг Мартукда тасодифан сотиб олинган нусхаси-чи, хозир ҳам борми, йўқолиб-нетиб кетгандир балки?” Йўк, ўша қирқ икки йил бурунги яшил муқовали юпкагина китобча яна Мартукка қайтди... У ерда, туғилган юртимда менинг ижодимга бағишлаб музей очилган, ҳатто бир кўчага номим ҳам берилган – қозоғистонлик ҳамюртларим адабиётдаги қамтарона хизматларимни ана шундай тақдирлаган.

Мана қирқ йилдики, Фицджеральд ҳамон ёнимда юргандек, бот-бот ўзини эслатиб ҳам туради. “Бекарор тун” бизда эълон қилинганидан сўнг Фицджеральд тўғрисида Андрей Горбунов ёзган зўр бир китоб чикди. 1978 йил ёзида Ялтадаги Ёзувчилар ижод уйида эдим, бир куни дам олувчилар рўйхатида шу одамнинг фамилиясига кўзим тушди. Дарҳол суриштирдим, аммо у кетиб қолган экан. Кейинчалик Фицджеральд ҳақида китоб ёзадиган кўпайди.

Хўш, Фицджеральдни жамиятнинг соғломлиги масаласи ташвишлантирганми? Буниси энди дарғумон, негаки ўз соғлигини ўйлаган одам қирқ тўрт ёшида дунёдан кўз юмиб кетармиди, хотини Зельда ўттиз ёшида ақдан озармиди?! Ахир бу эр-хотин ҳеч қандай меъёру чекловларни тан олмасдан, ўшанда бутун



дунё ёппасига истифода этмокка киришган пул бирлиги – долларни орка-ўнгига карамай совуриб маншатда ҳаёт кечирган, уммоннинг ҳар икки томонида жавлон урган “гулгун авлод”нинг илк намояндаларидан эди-ку?!

Фицджеральд ижоди – XX аср Америка адабиётининг энг ёрқин саҳифаси. Вульф ва Сэндберг, Хемингуэй ва Фолкнер, Форест ва Драйзер унинг замондошлари эди. Ана шундай бекиёс ижодкорлар шарофати ила 20-30-йиллар Америка адабиёти дунё эътироф этган илғор адабиётга айланди.

Хўш, Фицджеральд бугунги авлод тафаккурига бирон таъсир кўрсата оладими? Менимча, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Бугун, дейлик, ҳар олти кишидан бештаси фастфудни ва оғир, кўполдан-кўпол сопол идишларда чой ёки қахва ичишни хуш кўради. Фицджеральд замонида эса сополдан фақат сантехникада, аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳожатхона жихозлари ясашда фойдаланилган. Нима, шуларга энди нозик дидли санъаткор Фрэнсис Скотт Кей Фицджеральд эстетикаси керак эканми?! Асло!

Санъатда-чи, санъат бобида Фицджеральд ўзига хос из қолдирилди? Шубҳасиз! Менимча, у Америка адабиёти шухратини оламга ёйган кўплаб салафларидан кўра ёрқинроқ из қолдирган.

Биз, бугунги камсонли китобхон авлод ундан миннатдор бўлмоғимиз керак. Нега дерсиз? Илк капитализмнинг нисбатан қисқа муддат давом этган романтик даври манзарасини кўрсатиб бергани учун-да! У вақтларда ҳамқору рақиблар бир-бировини куппа-қундузи ўлдириб кетавермасди. Ёлғону сохтакорлик, босқинчиликлар одатий ҳолга айланмаган эди. Инсоний шаън-шараф деганларининг ўрни юксак эди. Бировдан қарз олинса, муқаррар равишда қайтариларди. Жамият сараси бўлмиш бойлар маданият ҳомийси ўлароқ асрий анъаналар бардавомлиги учун қурашар, мамлакат маданий тараккиёти учун жон қуйдирар эди.

Энди, капитализмнинг бу палласини романтик давр атамай нима деб атайин? Фицджеральд атиги етти ёки ўн бир саҳифали хикоясига уч минг долларгача қалам ҳақи оларди! Ниҳоятда авбош ҳаёт кечирганига қарамай, у оммабоп журналларга юзлаб ана шундай хикоялар ёзиб берган. Шулардан тушган қалам ҳақи ҳисобига адиб Парижу Лондонларда тўқин-сочин, бой-бадавлат яшаш имконига эга бўлган. Зеро, Фицджеральд нафақат ёзган асарлари, балки дабдабали ҳаёт тарзи билан ҳам донг таратган эди.

Тасаввур қилинг-а, юз йиллар илгари ўша биз “разил” билган капиталист биргина хикояси учун ёзувчига уч минг доллар қалам ҳақи тўлаган! Ҳозирги кунда эса, унинг камида бир йиллик меҳнат маҳсули бўлмиш бутун бошли романга рус ноширлари ҳам шунча ҳақ беради. Ўтган юз йилдан буён дунёда нарх-наво минг баробар ошгани назарда тутилса, америкалик илк капиталист билан илк рус капиталисти ўртасидаги фарқни ўзингиз ажратиб олаверинг...

1925 йили йигирма тўққиз яшар ёзувчининг бугун ҳам бестселлер саналадиган асари – “Қудратли Гэтсби” нашр этилади. Гэтсбининг ҳашаматли боғидаги базм оқшомлари тасвири романдаги энг ёрқин саҳифалардандир. Мисли кўрилмаган дабдабаю аъсасалар билан ўтадиган бу базмларга жамиятнинг гули ҳисобланмиш оқсуяклар қатори ўзини олий табақага мансуб кўрсатмокка уринадиган мирқурук олифталар ҳам тақлиф қилинади. Таърифламokka тил ожиз қоладиган даражада

шоҳона дастурхонларда дунёнинг энг тансиқ ноз-неъматлари мухайё! Бир кечалик шу жаннатда кўнгилга сиққанича ўйнаб-кул!

Олтимиш икки йиллик тажрибага эга киномухлис эмасманми, Интернет, қолаверса, кейинги йигирма йил мобайнида жаҳон бўйлаб қилган саёхатларим туфайли бир вақтлар бизда мафкуравий жиҳатдан таъкиб этилган кўшлаб кинорежиссёрлар билан танишишга, уларнинг фильмларини кўришга муяссар бўлдим. Шунга кўра ҳеч иккиланмай айта оламанки, 1925 йилдан эътиборан суратга олинган – ҳашамдор ҳаёт тасвирига бағишланган аксарият фильмларда Фицджеральднинг мазкур романидаги базмлар таъсири яққол сезилади. Бирок – масалан, Ф.Коппола машҳур “Валинеъмат” фильмида фицджеральдона базм оқшомини акс эттирмакчи бўлган-у, ҳатто шундай мохир кино дарғаси ҳам буни уддалай олман: ўша мухитни, тантанавор рух, хўжакўрсинларча ҳашамат, ландшафтчи мейморларнинг бой фантазияси ва сара, тантиқ меҳмонлар шарафига уюштирилган бу самовий базмни ғаройиб гулу гулдасталар билан безатган флористларнинг нозик санъатини тўлиқ ифода этиб беролмаган!

Фицджеральд нафақат XX аср киносию адабиётига, менинг назаримда, дунёдаги манаман деган кўплаб давлатманд одамлар турмушига ҳам таъсир кўрсатган. Айнан Фицджеральднинг ҳаёт тарзи, саргузаштларию бебилиска сарф-харажатлари аксарият кишилар онгига “гулгун авлод” тушунчасини абадиян муҳрлаб ташлади.

Россиялик олигархлар эса, нопок йўллар билан қўлга киритилган пулга эмас, пешона тери эвазига ишлаб топган ҳалол маблағ ҳисобига ўйнаб-кулиб яшаган Фицджеральднинг ҳаёлига ҳам келмаган ишларни қилиб, дейлик, Куршевель узра харчанд миллионларию олмосларини сочмасин, бу нусхаларнинг сиртдан ҳашамдору тўкин ҳаёт тарзи ҳеч кимга ўрناق бўлолмади. Уларнинг барно машуқалари билан севги дostonлари полиция маҳкамаларида шармандали якун топгани учун ҳам осмону фалакда юрган бу тиллабойваччаларни у ёқларда шахзода ва малика деб эмас, кўшмачию фоҳиша атаганларига нима дейсиз?! Кўркам ҳаёт кечирмоқ учун пулнинг, мол-дунёнинг ўзигина камлик қилади, салгина дид-фаросат, маданият бўлмаса, бари бекор. Бу борада ҳам Фицджеральдни ўрناق қилмай иложим йўқ. Чунки у, дунёдан ўтиб кетганига кўп йиллар бўлганига қарамай, ҳамон инсониятнинг маълум қисмига таъсир кўрсатиб келаётир.

Яширмайман, Фицджеральдни ўқигачгина мен уй ўзимга бегона – ўзгача бир ҳаётга қизиқиб қолдим. Ўша йиллари бизда басма-бас нашр этилиб турган чет эл адабиётини босиб мутолаа қилардим, “душман овози” – хориж радиосига кулоқ тутардим, сиёсий мавзулардагисини эмас, маданият, санъат, жаз мусикасига оид юксак профессионаллик билан тайёрланган кўрсатувларни томоша қилишни афзал кўрардим.

\* \* \*

Мен энди ҳаётда фақат олға интилган, тиним нималигини билмаган яна бир инсон ҳақида сўз юритмоқчиман. Миллиардлаб пул топиб, гоҳо уни ўйлаб ўтирмай олифталарча совурган, лекин жой-жойида, расамади билан сарфламокни ҳам уддалай билган бу одам – ўтган аср 70-80-йилларининг машҳур бойваччаси Аднан Кашогидир (Хашукжий).


У оддий араб оиласидан чиққан. Отаси Саудия кироли Абдул Азизнинг шахсий шифокори бўлган. Аднан илк бор ўн минг доллар ишлаб тоғанида АКШга эндигина ўқишга борган бўз йигитча эди. Биринчи курс талабаси – ўн саккиз яшар Аднан Сизтл шахридаги юк машиналари заводига савдо агенти бўлиб ишга жойлашади. 1956 йили эса у завод машиналарини Саудия армиясига сотишга муваффақ бўлади; бу вақтда йигит бор-йўғи йигирма бир ёшда эди. Нефтчи бўлмоқни орзу қилган Аднан (узокни кўра олган экан-да!) ўқишни Денверда бошлайди-ю, Чикаго университетига ҳам аранг уч семестргина таълим олади. Тақдирни қарангки, нефть казиш насиб этмади, аммо умри давомида, эх-хэ дарё-дарё нефть сотди! Ўртамиёнароқ илк маошига у тўқин-сочин дастурхон тузаб, унга, албатта, университет гўзалларини ҳам тақлиф этиб, барчани лол қолдирадиган ажойиб зиёфат берган эди. Бу серғайрат ишбилармон-даллол йигирма беш ёшида дунёга машхур “Крайслер”, “Роллс-Ройс”, “Фиат” ва яна вертолёт ишлаб чиқарувчи икки компаниянинг Ар-Риёддаги вакили бўлиб улгурган эди.

1964 йили Саудия тахтини кирол Файсал эгаллаши билан Аднан Кашогининг нақд ошиғи олчи туради. Ўша кезлар у Америка куролини арабларга сотувчи ягона даллол бўлиб, сармояси миллиард долларга етай деб қолган эди. 1973 йилги араб-исроил урушидан кейин илк маротаба нефтнинг нархи кескин кўтарилиб кетгач, талвасага тушган араб мамлакатлари зудлик билан куруллана бошлади, ана шунда ёш қорчалоннинг чинакамига омади чопиб, у бехисоб маблағга эга бўлди. Ўша йиллари у сармояси тўрт миллиард долларга тенг бўлган улкан молиявий империя барпо этди.

Бутун ер қурраси Кашогига ўз уйидек эди десак асло муболаға бўлмас – у дунёнинг 37 мамлакатада фаолият юритар эди! Жахоннинг етти бурчида ўн иккита қатта-қатта ер-мулки бор эди. Айниқса, Кениядаги 200 минг акр ери бўлган “ранчо”сининг донғи рўйи заминга кетган эди. Президентлар, киролик оилалари аъзолари ва анчайин миллиардерлар бу ерга шер, коплон, фил овига келар эди. Бундай ов уюштиришнинг ўзи миллион долларга тушади ва олий табақа учун бундан-да зўр вақтичоғлик йўқ.

Кашогининг Марбелда (россиялик Абрамовичу Гусинскийлар бу каби қасрларга энди-энди эга бўлаётир), айниқса, 70-йиллардан бошлаб барчанинг эс-хушини ўғирлаган Канар оролларида бекиёс саройларию қасрлари бор эди. Унинг Париж, Лондон, Канн, Мадрид, Рим, Монте-Карло, гўзал Бейрутда (хали уруш вайрон этмаган чоғлар), Ар-Риёд ва Жидда шаҳарларидаги қошоналарининг мисли кўрилмаган меъморий услуби, мухташам безакларию хайбатидан ақл шошарди!

Шунингдек, Манхэттендаги осмонўпар бир иншоотнинг икки қавати бус-бутун Кашогига тегишли эди. Унинг вертолёт ҳам қўна оладиган ўта маҳобатли “Набилла” яхтаси эса, ўша вақтларгача салобат ва гўзаллик тимсоли саналиб келган Анг-



Аднан Кашоги Канн кинофестивалида

лия кириличасининг яхтаси – “Британия”ни сояда қолдириб кетди. Бу ҳам гапми, захарзабон журналистларнинг эътирофича, кирилича яхтаси “Набилла”нинг олдиди оддий авомни ташийдиган жўн бир сайёхлик кемасига ўхшаб қолади. Кашоги ашаддй автомобиль ишқибози ҳам. Унинг автопаркидаги машиналар сони икки юзга етиб қолган. Булар шунчаки кимматбаҳо машина эмас, уларни дунёга машхур автомобиль заводлари Кашогига атаб ягона нусхада ясаган.

У санъат асарларию антика ашёларга ҳам ўч, буниси энди бошқа мавзу; унинг шундай коллекцияси тўғрисида эгаси дунёдан ўтганидан кейингина батафсил маълумотга эга бўлсак керак. Кийим-бошию жавоҳироти борасида сўзламок бирмунча ноқулайроқдир-у, лекин булар бари такрорланмаслик шарти билан шахсан Кашоги учунгина ягона нусхада тикилгани ёки ясалганини таъкидламасдан ўтолмаймиз.

80-йиллар бошида Кашоги 4 миллион долларга “Ди-Си-8” самолётини сотиб олади ва уни яна 9 миллион сарфлаб ўзи хоҳлагандек йўсинда қайта жиҳозлатади. Ўша кезлар бутун дунё газеталари унинг ҳаво кемаси ётоғидаги уч яримга икки ярим метр ҳажми, 200 минг долларлик собол мўйнасидан тикилган тўшак ёпинчиги тўғрисида роса ошириб-тошириб ёзган эди. Самолётда яна учта ётоқ жой борлиги, Кашогининг меҳмонлари фақат ва фақат 1961 йили тайёрланган “Шато Марго” француз шампани билан сийланиши, кема ошхонасида эса, табиийки, хўжайин учун атаб таникли кутурьелар ягона нусхада ясаган, миллион долларлик кумуш ва биллур идишлар ишлатилишидан ҳам роса бонг урилган эди.

Кашогининг мучал буржи арслон эмасми, у ўта мағрур, ўзини ғоят яхши кўрадиган, пулни аямай сочадиган очиккўл инсон. Собик хотини малика Сурайёга, ажримга рози бўлиши учун икки ярим миллиард берган бўлишига қарамай, бир гал янги йил муносабати билан унга икки миллион долларлик ёқут маржон ҳадя этган. Худди шу йили Исо мавлуди байрамида кенжа рафикаси Ламияга олмос, зумрад ва ёқут кўзли уч миллион долларлик маржон совға қилган.

1985 йили Аднан Кашоги эллик ёшлик тўйини нишонлайди. Бу ҳақда ҳам дунёнинг барча оммабоп газета-журналларию “сарик” матбуот роса шов-шув кўтарган эди. Тўғри, у бундан-да зўр, бундан-да дабдабали базмларни кўп уюштирган – ёшликда барини кўнгил кўтаради-да. Ўрта Ер денгизидagi “Ла-Барака” ер-мулкида “тинчгина” ўтказмочки бўлган зиёфатига ҳам дунёнинг тўрт томонидан казо-казо беш юз меҳмон чақирилган эди. Сир эмаски, бундай одамларни камида ўттиз-қирқлаб шотири кузатиб келади. Нақд уч кун давом этган тантана юзлаб километр кинотасмаларга муҳрланган, ўн минглаб фотосурат олинган ва дунё газета-журналларида босилган эди. Ҳатто бугун ҳам ўша суратлар ҳавасманд хаёлларни шошириб у ер-бу ерда кўриниб қолади.

Байрамнинг авж нуқтаси эса Америка президентидан келган телеграмма бўлди. Унда бундай дейилган эди: “Эзгу тилақлар тилаб қоламиз Сизга, Аднан. Ронни ва Нэнси Рейган”.

Кашоги барча Америка президентлари ва ҳатто Европа мамлакатлари раҳбарлари билан ҳам дўстона муносабатда бўлган, кириллик оилаларига эса-ку худди қариндошдек эди.

Кашоги ҳозир ҳам ҳаёт, 75 ёшга кирган. У ҳеч қачон раҳбарлик лавозимларида ишламаган, маълум бир соҳа бўйича тайинли таълим олмаган, доим ички сезги-

сига таяниб иш юритган. 90-йилларга келиб Аднан жуда катта молиявий зарар кўрди – шу тарика романтик таваккалчилик даври ниhoясига етди. Сарвати бир-мунча камайди, ўзи ҳам энди пулни илгаригидек бебилиска сочмайдиган бўлди, бу қилиқ жонига ҳам теккандир, боз денг, ёши ҳам... Аммо у XX аср олий табақаси ҳаётида, савдо-сотиғу бизнес оламида ўзига муносиб из қолдириб улгурди. Бугун у бехисоб маблағини аямай совурган бойвачча сифатида эсга олинади. Нега дейсизми? Негаки бугун унинг ўрнида бошқа калонполар пайдо бўлган, аммо булар қиёсламоққа ҳам арзимади... Миллиардер Гусинский “Матросская тишина”га тушиб қолганида умумий камерага музлатгич қўйдирган экан, озод этилганида эса уни ўзи билан кўтариб кетибди – ўртадаги фарқни пайкагандирсиз?!

Йўқ, мен замондошим Аднан Кашогига эмас, у дунёдаги машхур, жаннатмонанд масканларни зиёрат қилган даврларга ҳавас қилаётирман. Унинг замони, менинг замоним бошқача эди, у кезлар маданият деганлари устувор, одоб-ахлоқ доирасидан чиқиш бировнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Ҳозир бойлик балоси ёвуз, тажовузқор, андишасиз бўлиб кетди. Бугун бойлар кўпайгандан кўпаяётир – мен фақат миллионерларини назарда тутмоқдаман. Қуни кеча эшитиб қолдим: Россияда унақаларнинг сони уч юз мингдан зиёд экан, бу энди расман қайд этилган, солиқ-полигини тўлаб юрадиган пулдорлар, аслида эса шу рақамни яна ўнга кўпайтириш керак! Битиб кетган Европаю Америкада, умуман, бугун оламда бою боённинг сони канча-я ўзи?! Тағин денг, буларнинг бари Эски дунёга қараб чопади! Кўринг-да, буюқ шоирлару санъаткорлар тараннум этган табаррук гўшаларни қимлар топтаб, оёқости қилиб ётибди бугун! Беихтиёр ажойиб шоир Тимур Кибиловнинг мана бу сатрлари ёдга тушади: “Вабо келаётир, базмга ҳозирлик кўринг...”

...Аднан Кашоги тўғрисида жаҳондаги турли радиолардан кўплаб эшиттиришлар тинглаганман. Уларнинг муаллифлари ҳам, мавзуга ёндашувлар ҳам, фикрлар ҳам хилма-хил. Чамаси, ҳеч бир журналист Фарби шу қадар ҳаяжонга солган бу хотамтой “шахзода” ҳақидаги замонавий “Минг бир кеча” эртагини ҳамкасбига бой бериб қўйгиси келмаган. Кейинроқ эса Кашогининг нуфузли бир Париж журнаliga берган муфассал интервьюсини ўқиб қолдим. У бир умр буюқ Фицджеральд ва унинг қудратли қахрамони Гэтсбига эргашиб яшаганини эътироф этибди. Ажабтовур Кашогининг ана шу мардона иқрори билан “Қудратли Гэтсби” романи баҳона бошлаган ҳикоямизга якун ясай қолайлик.

Ҳўш, Фицджеральд ёзувчи сифатида менга нима берди? Улкан шоир Мустай Карим “Отангни иззат қил” деган қиссамни ўқиб бир вақтлар менга бундай мактуб йўллаган эди: “...Асарда яқин кишиларингдан узоклашув, биродарликка раҳна солган айрилиқ ҳисси аниқ ифода этилган...” Демак, мен ўзим ихлос қўйган адиб ижодидан нималарнидир ўзлаштира олибман, муҳими эса шу!

**Рус тилидан ШОҲСАНАМ таржимаси**

Улуғбек ҲАМДАМ

# YANGI INSON

## Достон

1

Янги инсон!

У ким?

Қай ердан келдию  
қай сори кетмоқда?..

Миллати,  
ранг-рўйи,  
бўй-басти қанақа унинг?  
Қўллари нима иш билан банд?  
Кўнгли-чи?  
Қандай дарди бор кўнглида?  
Кўнгли борми ўзи?  
Исми нима унинг, исми?..

Янги инсон –  
балки у,  
балки сен,  
балки мендирман...

Гапнинг сираси,  
булар муҳим эмас,

(чунки бугун бўлмаса, эртага  
ҳамма унга,  
Янги инсонга айлангуси...)  
Муҳими шуки,  
Янги инсон ўзи билан банд,  
кўнглида... –  
яхшиси,  
ичида, дея қолайлик, –  
ичида ташқари бор унинг.  
Исми?..  
Исмими?..  
Қўй, дўстим,  
билганимиздан гаплашайлик...

Янги инсон  
ўз юрагидан отилиб кўчага чиқиб кетди!  
Чунки хоҳламай қўйди юракда яшашни,  
ичкўёвдек, ўз уйини тарк этиб,  
ташқарига,  
келинникига кетди.  
Чунки Янги инсон  
ўзини ўзи тортолмай қолди,

унинг ўзи ўзига юк бўлди,  
жудаям огир юк!  
Бас, у шартта юкни ташлаб,  
кўчага йўл солди,  
ташқарида яшаи осон туюлди унга,  
ташқарининг жозибаси вужудини алмлади –  
келинники роҳатижон келди Янги инсонга,  
ўз уйдан,  
ўлан тўшагидан  
келинникига яна бир келиндек

Сўнг  
келинникини безади,  
ясантирди,  
унинг отини КОМФОРТ қўйиб,  
қаршисида тиз чўкди БУГУН,  
ТАНГРИнинг пойида  
сажда қилган каби КЕЧА...

Кўргиликлар шундан сўнг бошланди:  
ташқарига чиқиб кетган одам,  
ичқаридан,  
ундаги Илоҳий Жавҳардан узоқ тушиди...  
Кейин,  
кейин  
у ёғи –  
техника тараққиётини  
ахборот асрининг қасиргалари,  
бу ёғи –  
ГМО маҳсулотларини истеъмол қилиш  
Янги инсонни тамоман  
қулошқондан чиқараёзди.

Натижада “Бисфенол А” ўз кучини  
кўрсатди,  
кўрсатаяпти:  
эркак ва аёл вужудида  
андроген гормонининг  
посангиси ўйнаб кетди.

Шунинг учунми,  
Янги инсоннинг таври ўзгарди,  
сулуқати турланди:  
эркаги аёлга,

аёли эркакка ўхшай бошлади  
Янги инсоннинг.  
Уларнинг роллари  
шунчалар қоришиб кетдики,  
хотин кўчада пул топиб,  
эр уйида бола боқиб,  
кир ювмоқда.  
Бекаси чизган чизикдан  
бир қадам ҳам нари

чиқмайдиган,  
отникидек келадиган калласида  
товуқникичаям фаҳми бўлмаган  
саноқсиз беклардан баҳс этиб,  
юзларини қизартираман,  
деб ўйламайман бугун,  
қўрқини эса ҳаёлимга  
лигирчаям келгани йўқ.

Чунки,  
чунки  
Янги инсонга барибир,  
бу унинг учун оддий ҳол:  
ўриси “в порядке вещей”, дейди бунга,  
инглизи эса “портал”,  
деб қўяди қисқа қилиб.  
“Тавба-а-а!”, дейди ёқасини ушлаб ўзбеги,  
(ёқасини ушлайдиган-ю,  
ҳеч нима бўлмагандек йўлида давом этади...)

Ичқаридан ГМО,  
ташқаридан юксак техника хужумлари  
Янги инсонни доводиратиб қўйди.  
Нанотехниканинг  
олашимул “мўъжиза”лари эса  
инсон иммун тизими  
тахририга киришиди:  
оламни бозорга айлантириб  
тўймаганлар

энди одамни бозорга солмоқда,  
унинг ДНКсига дахл қилиб,  
Тангри таола ато этгандан  
буткул ўзга сифатли хилқатга  
айлантириши пайига тушмоқда,

инсонни  
икки бурмали илоҳий мақомдан  
ўн икки бурмали сунъий махлуққа  
чевираман, деб чиранмоқда.

Чунки шундай қилинганда  
одам Худонинг йўлидан чиқиб,  
тамомийла ўзга йўриққа юрадиган,  
осон бошқариладиган қўғирчоқ –  
БиоРоботга дўнармиш,  
дунёнинг қайси бир кунжига ўрнатилган  
ягона компьютердан

юборилган буйруқ билан  
бани башарни истаган кўйга  
юргизиш мумкинмиш ўшанда,  
шу керакмиш уларга –  
манфаат бандаларига,  
яратишлик даъвоси бор яралмишларга!..  
Бунинг учун эса улар –  
Оллоҳнинг иродасига

кўз тикқан шайтонлар,  
зўр бериб  
Янги инсонни гибрит маҳсулот билан  
аврамоқда:  
еяётган овқати,  
ичаётган суви,  
симираётган ҳавоси,  
кияётган кийими таркибини  
ўзгартирмоқда...

Яна шуки,  
Янги инсоннинг қулогига  
уш ёқадиған мусиқаларни  
пештоқи зарҳалли гипермаркетларда  
чалдириб қўймоқда дажжоллар.

Чалдириб,  
куй қўйнида ботинга иниб,  
руҳни аллалаб элитмоқда,  
она алласидан фарқ қилиб эса

бу мусиқа  
ақлларни аллалайди...

Мана шу тарзда  
Янги инсоннинг тафаккури  
секин-аста ўчирилмоқда,  
мисоли шаҳару қишлоқдаги чироқларнинг  
бирин-сирип ўчирилгани,  
ўчирилиб,  
мамлакатнинг зулмат қаърига  
ташилгани янглиг  
унинг ҳам тамиз маъғи сўндирилмоқда<sup>1</sup>,  
бинобарин, энди инсон фикрламайди,  
унинг калласи нафақага чиқарилиб,  
ошқозони ун ҳисса ишлайди энди.

Унинг мияси учинчи минг йилликда  
меъдасига “шалоп” этиб  
ташлаб юборилди!..

Бас, у энди Истеъмолчидир!  
Бўлгандаям юҳодек Истеъмолчи!  
Одамзод пайдо бўлгандан бери  
бундай еяромон,  
бундай ичармон  
ва

бундай кияромон тугилмаган эди,  
кўрилмаган эди!  
Мана, энди у қаршимизда,  
шундоқ рўпарамизда,  
пешонамиздаги ойнада турибди  
савлат тўкиб...

Қани, дейсанми?..  
Тавба-тавба,  
семириб кетса,  
одам ўзиниям танимай қоларкан-да, а,  
замондош?..

Хулласи калом,  
Янги инсон,  
керак-нокерак,

<sup>1</sup> (Аслида, ўзга маънинг ёқилмоғи учун тайёргарлик кўрилмоқда:  
инсон калби,  
инсон онги бир экан майдони бўлса,  
шундай бўлса агар,

Тангри таоло экан экинин пайхон этиб,  
уринин шудгор айлаб,  
бетона уруғ қадамочин бўлмоқда улар –  
шайтон малайларин...)

кўзига яхши кўринган,  
тўғрироғи,  
кўзига яхши кўрсатилган неки бор,  
ҳаммасини кўр-кўрона

харид қилади энди...

“Ниманиям харид қиларди?” дейсанми?

ГМО ни-да!

Инсон,

ҳайвон

ва ўсимлик геномаси

бўтқасидан бино этилган

гени ўзгартирилган маҳсулот –

сунъий емишини...

Уларни истеъмол қилган Янги инсон

мутантга айланару

ўша ҳоким компьютердан

оқиб келадиган амрларни

бекаму кўст адо этишига

мойил бўлармиш...

“Муболага!..” дейсанми?

Бемалол.

Аммо атрофингга назар ташласанг,

амин бўласанки,

Янги инсон деганимиз

ҳатто бугунданоқ

техниканинг –

мобил телефоннинг,

машинанинг жарангига маҳлиё бўлмоқда,

руҳини топширмоқда

компьютер туғмаларининг

чиқир-чиқирларию

таркибига ГМО кўшилган

озиқ-овқатларга –

енгилмоқда,

улар томонидан асир туширилиб,

ўз мамлакати – ичкаридан

ташқарига –

ёт ўлкага қул сифатида

ҳайдаб кетилмоқда Янги инсон!..

Хуллас,

учинчи минг йиллик

ана шундай бошланди, замондош...

2

Оламга жар солмасдан бурун

мозийга назар соламан!

Шунда...

шунда аён бўладики,

ҳар бир авлод бахтини

ўз замонасидан қидирган экан:

ким заминдан,

ким денгиздан,

ким эса гардундан...

Лекин

минг йиллар давомида аҳли донишлар

саодатни излай-излай,

охир,

бир хулосага келган:

“Хар не истарсен, ўзингдан истагил”<sup>2</sup>,

чунки,

чунки “Ичингдаги ичингдадир”<sup>3</sup>

деб турган экан.

Лекин бугун,

бугун ўша одам

Ўзини Янги инсон атаб,

Янги Ирқ билиб,

бахтнинг янги тахтини

бошқа қатдан қидирди:

у саодатни ўзакдан,

ботиндан эмас,

ташқаридан,

кўчадан топишга бел боғлади...

Шу ерга келганда,

негадир кўнглим гап тортди, замондош...

Гўё

ташқарига чиқиб кетган одам

инсон эмасдек,

<sup>2</sup> Ҳазрат Навоий сатри

<sup>3</sup> Ҳазрат Румий асарини

чинакам инсон  
юракка дахлдор ҳудудлардагина  
мавжуд каби.

Қолган жойларда,  
қолган жойларда у  
адашиб, бегона юртга бориб қолган  
ёки бориб қолиб адашган  
муҳожирдек илдиизидан  
узоқ кўринади менга...

Нега шунақа экан,  
билганинг борми сенинг?..

Балки,  
балки ташқарига чиқиб кетган кишининг  
исми Одаму  
ичкарида қолганники Инсондир?..

Балки,  
балки Одам Ато ҳам  
ўз вақтида  
ташқарига енгиландир?!  
Унинг ман этилган мевага узатилган қўли  
ичкаридан ташқарига солинган  
илк йўл бўлгандир балки –  
бандилик йўли...<sup>4</sup>

Шунгача Одам Ато бахтли эди, дейман  
ўзим ҳам менсимайдиган билагонлик билан.  
У ўз ботинида комрон яшарди...  
Билмадим,  
лекин,  
негадир шундай туюлади менга.

Чуқурроқ ўйлай десам,  
ривоятнинг чок-чокини сўкиб қарай десам,  
ҳаммаси тариқдек сочилиб кетади,  
деб қўрқаман...

Шунда ривоятнинг на шаклини топаман  
ва на мазмунини...

Ривоятни ривоят тилида ўқимоқ керакми,  
дейман, замондош.

Негаки,  
негаки, уни ҳаётнинг тилига  
таржима қилганинг сайин  
қийёфаси ўзгариб боради...

Шунинг учун ривоятнинг  
авра-астарини ағдармайман,  
бўлакларга бўлмайман,  
бор-йўги,

бир кўз ташлайману оламан,  
шу ерда тўхтамайман!

Шу асно кўзимга илашганларни  
сўйлай бошлайман:  
ўзимга – айтгувчига марғубу  
сомёбга – тинглаувчига  
манзур айлаб сўйлайман...

Ҳа, биз кўпинча,  
нарсаларни асл ҳолича эмас,  
ўзимиз истаганча кўраимиз.  
(Нарсаларни менга асл ҳолича кўрсат,  
дея Оллоҳга йиғлаб илтижо қилаётган  
Пайгамбар ҳолини ўйласам,  
титраб кетаман...)

Жуда нари борса,  
эшитгувчининг раъйига,  
нимани биздан эшитишни истаётганига  
қараб айтаимиз.

Моҳият,  
моҳият қолади ёпиглик қозоннинг ичида,  
Янги инсон каби...

Ахир, у ҳам ўз ботинини  
ботинда қолдириб  
ташқарига чопиб чиқиб кетмадимми,  
ичкари қолмадимми ичкарида?..

<sup>4</sup> (Балки бу йўл  
ўзининг йўлигини,  
илк маъносини йўқотиб,  
иккинчи маъносига –

илонга айланиб бораётгандир энди,  
илон эса кун келиб аждаҳога дўнар-да,  
йўловчига ҳамла қилиб қопар хали...)

3

Нега шундай экан?  
Нега мен шундай ўйлайман?  
Нега мен шунақаман?..

Балки замондан орқада қолгандирман:  
замонавий инсон бино қўйган  
шоҳсупага чиқа олмагандирман, балки?..  
Даққи Юнус чоғининг одамидирман

эҳтимол,

балки ўтиш даврининг  
аросатида ўртанаётган шўрлик?..

Ахир,  
бир томони,  
ёппасига кўчага чиқиб кетсан

авлодга ақалигим,

бошқа жиҳати,  
акаларим – юракларида яшаган

авлоднинг ёнида

оламга боқиб кўрганам боис  
икки ўт орасида қолгандирман?..  
Наҳотки, энди қисматим аросат бўлса?!  
Наҳотки, тоабад шу оловлар товасида  
ложарам қоврилсам?!

Ким билади, дейсан, замондош...

Лекин мен,  
мен ўзимни топмоқ истайман!

Исмимни,  
ўз исмимни,  
ўз авлодимнинг исмини билгим келади –  
нима экан бизнинг исмимиз, а?

Ун,  
йигирма,  
эллик...

Ва ё  
юз йилдан кейинги авлод  
бизни қандай ном билан атайди,  
ким деб чақиради, замондош?..

4

Баъзан,  
баъзан асабларим дош беролмайди  
ва мен  
ҳамма қатори ютоқиб

ташқарига чиқаман,

кўчанинг нагмаларига муқом айлаб,  
эл каби завқланаман:

жазавага тушган оломон  
“До-о-од!” дея ҳайқираётган  
ўйингоҳга,  
тамошагоҳга ўзимни ураман!..

Бироқ...  
бирок бахтсизлигим аримайди,  
тушунятсанми –  
аримайди!..

Чунки,

чунки  
тамошагоҳнинг эшигидан кираётиб,  
мен ўзимни –  
сўзимни,  
юзимни,  
исмимни...

гардеробда қолдириладиган кийимдек  
ечиб қолдираман.

Бу ернинг тартиби шунақа:  
бунда сен ҳаммага ўхшашинг,  
кўпнинг биттасига айланмогинг шарт!  
Бу ерда фақат оломоннинггина исми бор.  
Истиснолар қабул қилинмайди!..

Аммо бирдан,  
бирдан мен ўзимни янада бахтсиз,  
янада абгор ҳис этаман.  
Янглиш жойда эканимни,  
хато бир йўлда турганимни  
шундоқ кўриб тураман,  
худди кафтдагидек,  
ўзимнинг кафтимдагидек.

Кафтимда яна шуни кўраманки,  
менга,  
менинг авлодимга аталган исм  
қилга осилган қиличдек  
бошим устида солланади,  
солланаверади...

(Теграмда эса шамол турган,  
тамаддун шамоли...)

Кейин бирдан маҳзун тортаману  
ўзимни ичкарига оламан,  
шунда,  
шунда кўнглим бир зумгина яйрайди,  
ўзимни инсондек ҳис қиламан, ҳа!  
Шундай кайфиятда эканман,  
туйқус ташқарида

нималардир содир бўладию  
қўлларимдан тутиб у ерга етаклайдилар,  
гуноҳқор каби тортқилайдилар...

Сўнг...

менга

ичкарида – юракда яшайшни

ман этадилар!..

Этадилару

тагин тамошагоҳга судрайдилар:

Миллионлаб эркагу аёл

қайнаб тошайётган,  
инсоннинг исми ва вазифаси унутилган,  
унуттирилган,  
кўзларидан ёш ўрнига тутун чиқадиған,  
тутун чиқаётган  
улкан издиҳомга ...

“Нега?..

Нима учун?..

Нима ҳаққингиз бор?!”

дея ҳайқиришига улгурмай

қўлимга тутқазилган чиптани

ҳис қиламан –

ўйин чиптаси...

Менинг саволларимни,  
эътирозларимни,  
исёнларимни...  
менинг номимни,  
шонимни,  
боримни бир зумда эсимдан

чиқарадиган чипта!

Бас, мен уни ташлаб юборолмайман,  
уни итқитиш учун кўтарилган қўлим  
ҳаводаёқ мумдек қотади!

Чунки...

чунки

чипта эътимодимга қасдма-қасд,

исмимга,

шаънимга,

номусимга қасдма-қасд

танамга роҳат бағишлаганча

бармоқларимдан эриб

пастга ёйила бошлайди...

Сўнг,

сўнг мен гайриихтиёрйи равишда

қогознинг измига юра бошлайман...<sup>5</sup>

Кейин ҳаммаси бошидан бошланади:

мен гирдобга тушиб қолган япроқ янглиз  
айланаман,

айланавераман...

Нажотим соҳилдами

ва ё

бураманинг ўртаси – гирдобда –

билмайман...

5

Янги инсон!

У кўчада...

Аммо

унинг ташқарига чиқиб кетгани

ҳали ҳолва экан,

<sup>5</sup> (Эсладингни?)

Ёдингга туширми ҳаммаси, замондош?

Сен бунинг нима эканлигини

жула яхши биласан,

чунки сенинг,

сенинг ҳам қўлларингда бот-бот айланади ўша чипта!..)

кўргуликнинг бадтари:  
ташқарини ичкаридан,  
кўчани кўнгилдан топишинг экан!

Мана, мени нима қийнамоқда,  
замондош...

Ташқаридан ҳориб,  
эзилиб,  
афтода бир алфозда  
қочиб келиб

кўнгилдан паноҳ топмоқчи бўлсанг-у,  
у ерда машиналару  
темир-терсақларга,  
компьютеру интернетга,  
бозордаги бақир-чақирлару  
кўчадаги айюҳанносларга дуч келсанг,  
дунёга қул бўлиб ёлланган нафсинг  
илинж билан  
тумшугини сўқир итдек

ойга чўзиб увуллаб турса,  
дардингни кимга айтасан,  
қаерга қочиб борасан шунда?..

Янги инсон  
ўз юрагидан ташқарига чиқиб кетди,  
майли,  
мен бунгаям розилар бўлдим...

Фақат,  
фақат у  
ўша кўчани юракларга бошлаб келмасин,  
бошлаб келиб,  
инсоннинг бу дунёдаги

бирдан бир қароргоҳи –  
кўнгилни горат этмасин!

Чунки,  
чунки қачондир кўнгилдан  
кўчага отланган инсон  
соғинар-да,  
ичикар-да,

ичкарига –  
юрагига қайтиб келар...  
Лекин,  
лекин кўчага айланган,  
ташқарига дунган кўпол дил  
ҳеч қачон яна ўз ҳолига қайтмайди,  
кўнгил бўлмайди...

Кўчага чиқиб кетган  
ва  
кўчада,  
кўчанинг жинкўчаларида  
ҳайвонга эврилаёзган одам  
кўнглига қайтса агар,  
яна инсонга айлангуси.  
Лекин бунинг учун,  
бунинг учун  
у ерда кўнгил бўлмоғи шарт, ахир!..

Кўнгилга қайтиб келса,  
келса-ю,  
у ерда кўчага дуч келса!  
Кўнгилнинг ўрнида кўчани,  
ичкарининг ўрнида ташқарини топса...  
Унда нима бўлади?  
Билган борми, ҳой?!

Инсоннинг қочиб борадиган  
бирдан бир жойи –  
кўнгли булганмасин экан,  
софлигича,  
шаффофлигича турсин экан.  
Биз ҳам унинг борлигини,  
ҳар қандай қир-чирдан муназаҳлигини  
билиб яшайлик экан.  
Ахир, у ерда унинг ўзи –  
Инсон яшайди,  
ахир, у ерда Оллоҳ бор!

Шунда,  
шунда ташқарига чиқиб кетган  
ва...

ва ичкарини унутган одам,  
Янги одам,  
ким бўлишидан қатъи назар,  
бизга зугум ўтказмайди,  
ўтказолмайди!  
Узини паришон айлар-у,  
ўзгани паришон этолмайди,  
шунда...

(Янги инсон  
ичкарига қайтса,  
қайтиб, ўз ботинини тинглаб турса,  
тинглаб, у билан ҳисоблашиб юрега агар,  
ҳеч қандай Темир одам,  
ҳеч қандай Терминатор,  
ҳеч қандай Робот унга хавф солмайди,  
солмайди).

Янги инсон!  
У кўчага чиқиб кетди...  
Биз,  
биз эса юр ичкарига,  
юрагимизга кирамиз, дўстим...

Юрагимизни кўрпа янглиг  
устимизга тортамузу  
ташқарининг ҳужумларидан  
инсонлигимизни қўриймиз,  
сақланамиз...  
Қолгани,  
қолгани, майли, тақдир бўлақолсин...

## 6

Аввалига мен ўзимни тополмай қолдим:  
инқилобий нўртаналар ичра  
гарқ бўлаёздим чунки.  
Чунки олам бир эврилдию  
битта йўлимиз мингтага айланиб кетди  
ва ҳамма ўз йўлини тўғри,  
дея даъво қилди.

Мен... мен роҳимни йўқотиб қўйдим.  
Чор атрофда юзлаб  
йўллар ястангани ҳолда  
мен йўлсиз қолдим, йўлсиз!..<sup>6</sup>

Битта ҳақиқат,  
ягона Ҳақ бор эди,  
кейин,  
кейин бирданига ер юзида  
неча миллиард одам бўлса,  
шунча ҳақиқат пайдо бўлди...  
Миллиард-миллиард “ҳақ”!..

Олам ўз меҳваридан чиқдию  
одам ўз ўқи атрофидан  
айлана бошлади, ҳа...

Ягона меҳвар  
миллиард меҳварга айланди...  
Инсон,  
қачонлардир Биру Борнинг пойида  
илтижо қилган инсон  
“Худо ўлди!” дея эълон қилдию  
ўз нафси қаршисида тиз чўкди...  
Энди у собит тасаввурни парчалаб,  
ўз тасаввури билан яшай бошлади,  
эски олам

Янги одамнинг тасаввурига айланди...

Уларга  
“Йўқ, биродарлар,  
сизнинг ҳақиқатингиз  
Биру Бор,  
ягона Ҳақ ҳақида  
магрибу машриқдан,  
жанубу шимолдан келган турли-туман,  
кучли-ожиз тасаввурлардир!”  
дея кўҳна дostonни  
бўғизини йиртиб қуйлайин дейман-у,  
чўчийман:  
мени нотўғри тушунишларидан,

<sup>6</sup>Тўғрими, замондош?  
Ахир, сен-да буларнинг ҳаммасини  
ўз кўзларинг билан кўрдинг,

иссиқ танангдан ўтказдинг,  
шундоқ ёнимда,  
ёнгинамда здинг чунки!..)

эски одам дейишларидан,  
замондан ортда қолган, дея  
қўлларини бигиз қилишларидан,  
даврниги аравасидан  
суриб тушириб юборишларидан,  
мендан нафратланишларидан...  
ва яна даврдошларимнинг бунинг каби  
кўндан-кўп маломатларидан қўрқаман...  
Ха-ха, айнан, қўрқаман!..  
Чунки улар  
кўнгилининг эмас,  
кўчанинг ҳақиқатига сизгина бошлаган...  
кўнгилини эса кўчага,  
кўчанинг бозорига элтиб пуллашган улар...

Вой, Худойим-ей,  
нималар дея валдираяпман ўзи,  
ўрни келганда тилни тиймоқ  
энг фойдали ваъз, дея уқтиришмаганмиди  
менга устозлар...

7

Бу дунёда ўз фикрингга эга бўлмаслик –  
бахтсизлик,

бўлиш эса хавфли!

Беихтиёр аро йўлни қидирасан.

ўз сўзларингни бировники

дея суна бошлайсан:

мажоз излайсан,

иқтибос қидирасан,

румугга бош урасан.

Яъни сен ўзингни,

ўзлгингни

ташқаридан келиши мумкин бўлган

хатардан сақламоқ бўлиб,

ичкарига – қат-қат метафора тўнларига  
буркайсан,

яширасан...

Баъзан шунчалар чуқур беркитасанки,

натижада сени ҳеч ким тополмайди...

Бора-бора ўзинг ҳам  
ушаларнинг бирига айланасан...

Сўнг,  
ўзингни ўзинг қидириб йўлга тушасан...

Йўл...

Кўй, яхшиси, бу мавзудан гап очмай,  
ки, алоҳида мавзу – иул...

Янги инсон!

У ким?

Атрофга аланглайман:

атроф жим!

Фақат сену мен...

Ёки мену сен...

Яна қайдадир у ҳам юргандир,  
шовқин-суронга лиқ тўла  
кўчанинг қоқ ўртасида тургандир...  
Ким биледи дейсан, замондош...

Янги инсон!

Нега у кўнглимга тош янглиг ботмоқда?

Нега бу тош тобора тош босмоқда?

Нега мен уни кўтаролмай толяпман?

Нега оғирлашиб боряпман мен?..

8

Афтидан,

дўппини олиб қўйиб,

ҳаммасини бир бошдан,

қайта-қайта,

бор ана, етти марта ўйлаб,

сўнг бир кесадиган вақт келган бугун!

Йўқса... йўқса, юракларга даҳшат солиб,

тасаввуру хаёлларга

тажовуз қилганча яқинлашаётган

Супер одамга ем бўламиз эртага!

Супер одам!

Эшитганинг,

фикр юритганинг бордир сенинг ҳам,

замондош?

У,  
башиарият сония-сония,  
мисқол-мисқол тўплаган  
бугунги тарих ва маданиятнинг  
интиҳосию дам кўчага чиқиб кетган халойиқнинг  
эртанги, ортидан ташқарига шошиламан,  
шармандали тарихнинг, дам бўм-бўши қўл билан уйга –  
уятсиз маданиятнинг ибтидоси дегани!.. ичкарига одимлайман...  
Супер одам Лекин тинмайман:  
эркакда аёлликнинг, қираман-чиқаман,  
аёлда эса чиқаман-қираман...  
эркакликнинг пилигини кўтаргич иблис!.. Ва бирдан унга дуч келаман, замондош!  
Натижада сен на эркак у Эшитяпсанми?  
на аёл – учинчи жинсга айланармишсан!.. Жавобга дуч келаман!  
Улар бир вақтнинг ўзида Мен уни ўзимча топаман:  
борлигинда жам бўлиб,  
икки жинсли битта махлуққа хулласи калом,  
эрилармиш... ҳамма гап ичкарию ташқарида,  
Худди юнон афсонасида айтилганидек, уларнинг муносабатида,  
тушуняпсанми, замондош, ич ва ташнинг қоқ ўртасидан  
ўша афсонада дарж этилганидек... кесиб ўтган йўлда,  
(Мана, нима учун мен шу йўлдан бораётган одамнинг  
афсоналару ривоятлар қаришида қалқиб турган нигоҳларида экан.  
хушёр тортаман, Яъни,  
уларни ҳаётнинг тилига кўчиришида кеча инсон ўзлигини ичкаридан қидирган,  
тараддудланаман... қидириб “Комил Инсон” деган уммонда  
чўмилган,  
Чунки уларда, руҳ ва танини уқёнус тўлқинларида  
ҳаммасида ҳам эмас, обдон ювган эди.  
айримларида, айримларининг бағрида Бугун эса инсон  
айримларининг бағрида ўзлигини ташқаридан излади,  
жинлар ухлаб ётади. излаб ташқарига чиқиб кетди,  
Янги инсон эса, шунчалар узоқ кетдики,  
ҳеч тап тортмай, натижада  
жин ухлаб ётган кўзанинг, ичкарига қайтиш йўлларини унутмаёзди:  
ҳа-ҳа, сафарда адашиб,  
ўша кўзанинг узун бўйинини аввал Олий одамга,  
силамоқчи бўляпти, сўнг эса Олабўжи –  
бўляпти-ю, Супер одамга,  
биз ўзимизни кўрмаганга соляпмиз, “Бутун келажак – бизники!” дея  
замондош!) айпоҳаннос солаётган хунасага дуч келди:

гаплашиди,  
баҳслашиди...  
кейин бирданига юзларидаги қахр эриб,  
жилмайди...

Ва,  
ва не ёзиқки,  
унга маҳлиё бўлди...<sup>7</sup>

Хали бу ҳаммаси эмас,  
шундай кетаверса,  
олдинда бир кун Янги инсонни  
Гибрит деб аталган,  
башариятнинг гўзал тарихини  
кунпаякун қилгувчи  
БиоТерминатор кутиб олади!..

Бугун эса  
Янги инсон  
“Супер одам” деб аталган  
балчиққа беланмоқчи,  
кўнгил ва баданини шу балчиқнинг  
сассиқ ва ирганч қўйнига ботирмоқчи...

Бошқача айтганда,  
Янги инсон шўргина пешонасини  
Супер одамнинг тошгина деворига  
қаттиқ урди бугун!

Ха-ҳа,  
у чегарага етиб келди!  
Эшитяпсанми мени ҳалиям, замондош,  
ёки Интернетга кетиб қолдингми?..  
Агар ёнимда бўлсанг,  
қулогинг ҳам ўзингда эса,  
яхшилаб тингла:  
энди Янги инсон  
бир қадам қўйса, бас,  
у ёғи,  
у ёғи бошқа одам,  
Ёт одам!..

Унинг Ёт Тарихи!..  
Ёт Маданияти!..  
Ёт! Ёт! Ёт!..  
Тушуняпсанми?!

9

Буларни шунчаки гап,  
сафсата деб ўйлама, сен, замондош!  
Майли,  
мен-ку мен,  
оддий фуқаро,  
сен юртнинг улугларига қулоқ тут!  
Нега улар ботиндаги маънога  
кўз тикиб яшаганлар?

Унга суянганлар,  
ишонганлар?  
Нега ҳануз суянадилар,  
ҳунуз ишонадилар?  
Нима дегани ўзи маънавият?..  
Қалқон дегани эмасми?..  
Башарият устига  
мўри малахдек бостириб келаётган  
балои азимларга қарши тutilган  
энг ишончли қалқон дегани эмасми  
маънавият?!

Ва бу қалқон  
бутун бошли  
халқ ҳимоясига тutilмаятими?!  
Сен-чи, сен, замондош,  
Сен лоақал ўз вужудингга,  
ўз ақлинг ва руҳингга тутдингми уни?!  
Халқ бу сендан боиланишини,  
битта,  
битта,  
ва яна битта инсондан  
таркиб топшини унутмаган бўлсанг,  
билишинг керакки,

<sup>7</sup> (Шу ерда Янги инсон мувозанатни йўқотди, замондош...  
Эслагин-а,  
у йўлчи эди,  
йўлда,

ичкари ва ташкарининг коқ ўртасида ястанган йўлда  
кетиб борарди...  
У мувозанатни йўқотмаслиги шарт эди!..).

ана ўша битта,  
битта

ва яна битта фуқаро ҳимояланмаса,  
бутун бошли миллат ҳимоясиз қолади,  
ахир!

Бу эса хавфли,  
жудаям хавфли!  
Бас, шундай экан,  
сен ўзингни ҳимоялаш билан  
миллатингни ҳимоялаган,  
ўзингни асраш билан  
курраи заминни,  
бутун инсониятни

асраган бўлиб чиқасан!

Шунинг учун ҳам менинг

"Ҳали имкон бор! –

дея оламга ҳайқиргим келади, –  
ҳали ҳаммаси бизнинг қўлимизда!

Ихтиёримизда!

Ҳар биримининг ўз танловимизда:

ё тубсиз чоғга томон қадам қўямиз

ва ёки одимизни

ичкарига – ўз мамлакатимиз сари оламиз!"

Сен-чи,

сен нима қилмоқчисан, замондош?..

Бир қарорга кел энди сен ҳам!

Чунки бу сен учун жудаям муҳим,

чунки сен,

сен Янги инсонсан!

Бу мен учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи,

чунки мен,

мен сенман, замондош!..

## 10

Кўнглимининг туб-тубида

кимдир,

нимадир борми, дейман,

чунки шивир-шивиру

висир-висир келмоқда,  
ботинимда нур янглиг оқмоқда...

Эшитсам,

исмини биладигандекман:

у – Жавҳар,

Яратган инсон моҳиятига жойлаган

Жавҳар,

илоҳий дастур!

Ва у ўзини ўзи намоён қилиб

жарангламоқда:

"Ташқаридан – кўчадан,

шовқиндан-сурондан,

темирдан-терсақдан,

моддадан-кесақдан...

ўз юрагини қўриқ олган инсонгина инсон,

Ҳазрати Инсон!

Чунки,

чунки фақат шундай юракдагина

Биру Бор яшайди,

унинг ўзи – Инсон истиқомат қилади!

Ва у турланмайди,

ва у тусланмайди,

ва ҳар янги кунда

буқаламундек бошқа тўн киймайди!.."

дея ҳайқирмоқда у.

Янги инсон эса,

ана,

парвосиз кетиб бормоқда,

олислаб,

ўзидан,

ўз кўнглидан,

кўнглидаги шивир-шивирдан,

ундаги Биру Бордан узоқламоқда!..

Лекин ортга қарамайди у...

Чунки у ерда юрак бор,

эшиклари ланг очик юрак!

Унинг кўзига қарашга ботинмайди

Янги инсон.

Шунга қарамай,  
чиқиб кетаркан,  
қонуларни ёпмаган у...  
Ҳар эҳтимолга қарши очик қолдирган,  
ҳар эҳтимолга қарши, тушуняпсанми?!

Лекин жавонибда шамол қўпган,  
замон шамоли,  
тамаддун шамоли...  
Салгина шабадага ҳам тебраниб турадиган  
бу ҳассос тавақалар  
тамаддуннинг кучли бўронларида  
қарсиллаб ёпилмайди,  
деб ким кафолат беради, ким?!

Янги инсон!  
У қалтис ўйин бошлаб қўйди –  
юракни тарк этиб,  
ташқарига – кўчага чиқиб кетди...  
Бир кун келадик,  
Янги инсон кўчанинг адогига  
бориб қолади,  
ташқарининг охирига етади у!  
Шунда,  
шунда йўл соб бўлади...  
Агар чора топмаса,  
навбат ўзига келади –  
бухрон навбати...  
Индиго болалар<sup>8</sup> балки чорадир,  
башариятнинг ўзини ўзи  
қутқариш йўлидаги яна бир чора...

Лекин,  
лекин бунинг учун  
шовқин-суронли кўчанинг қоқ ўртасида  
кетиб бораётган

Янги инсоннинг қулоғи  
Индигонинг овозини эшитмоғи шарт,  
ахир!  
Эшитмаса-чи?<sup>9</sup>

Хўш, унда нима бўлади?  
Бошини яна қай бадбахт деворга уради  
Янги инсон?!

Ортига,  
уйига қайтгиси келади, дейман мен.  
Қайтгиси келади-ю, ўзи кела оладими?  
Аллақачон кўмилиб кетган,  
нафси амморанинг қурумлари остида  
ийитган йўлни топиш  
шунчалар осон, деб ким айтди сенга?!

Янги инсон  
ташқарига чиқиб кетди!  
Ташқарига чиққан одам  
ташқариники бўлади,  
ташқариники бўлган одам  
китоб уқимаиди,  
китоб уқимаган одам эса  
бошқа қавмга дўнади,  
тушуняпсанми мени, замондон,  
ёнингда,  
ёнгинангда бегона қавм  
совуқ ва қўрқинч осмонўпар бинодек  
қад кўтаради!

Мана, нима учун сени,  
ҳа-ҳа, оёқлар остида қолиб кетган сени  
дунё сариқ чақага ҳам олмай қўйди бугун,  
эй шоир!..

Янги инсон,  
қалтис ўйин бошлаб қўйди –  
ичкарини тарк этиб,  
ташқарига йўл солди.  
Кун келиб ташқарининг поёнига етади у.  
Ичкаридан – поёнсизликдан кетиб,  
ташқарига – поёнлиликка дорийди...  
Аслида у ичкарини тор, дея,  
юракнинг чегараси бор, дея ўйлаганди,  
ўйлаб уни тарк этганди.

<sup>8</sup> Олимларнинг фикрича, индиго болалар дунёга йўқотилган уйғуликни кайтариш учун келадиган авлод бўлиб, ўтган асрнинг 70-йилларидан битта-битта туғила бошлаган. Улар фавқуллодда феноменал кобилиятга эгадир.

<sup>9</sup> (Эшитмаса,  
индигонинг ўзи ер юзи кулини кўкка совураминш, замондош!..).

Юракнинг чеки йўқлигини билмаганди...  
Бинобарин, у ташқарини танлади,  
танлаб кўчага отилди.  
Янги инсон кўчанинг сўнги йўқ, деб  
йўлади,  
ташқари жудаям кенг,  
мўл-кўл,  
ҳеч қачон унинг охирига етиб бўлмайди,  
деб ишонди,

соддаларча ишонди,  
жоҳилларча ишонди...

Аслида-чи?

Аслида, ташқари чекли,  
чегарали эди.  
Ҳадди бўлмаган ичкарини тарк этиб,  
ҳудуди бор ташқарини сайлади

Янги инсон...

Наҳотки, Одам Ато йўли шу эди?  
Наҳотки, унинг олмага узанган қўли  
бани одамнинг мангу йўли бўлиб чиқди?!

Юракка йўл – халоскор йўл!  
Юракка йўл – боқий йўл!  
Юракка йўл – инсон йўли!  
Юракка йўл – Хақ йўли!!! –  
дея ҳайқиргувчи Одам эса  
бошқа тугилмайди...

У йўқ энди...

Одам йўқ,  
аммо унинг йўли бор-ку,  
дейман мен титраб!

Нега ҳамма одам  
уша битта одамга айланмайди?!

Йўқ,  
мен шаклда адашдим чоги:

Нега ҳамма одам  
йўша битта одамнинг йўлини тутмайди?  
Ахир ботинда бор-ку ўша йўл!  
Нега қидирмаймиз,  
Нега йўлга тушмаймиз?

Йўл...

Оҳ, айтдим-ку сенга боя, замондош,  
Йўл – бошқа мавзу деб...

Янги инсон,  
қалтис ўйин бошлаб қўйди –  
юрагини тарк этиб,  
юрагини тарк этиб...

Инсон йўли

Одам Атонинг олмага узанган қўлидан  
бошланган йўл эмас,  
Одам Атонинг кўнглига элтувчи  
йўл эди!..

Бироқ,  
бироқ  
учинчи минг йилликда  
олам  
олмага қараб думалай бошлади...

Олма-чи?

Бир жойда турармиди олма?..  
У ҳам думалаб бораёттир,  
шиддат билан  
қиёматнинг тўрига қараб  
думалаёттир олма!..

Узоқдан,  
жудаям олисдан,  
масалан,  
ҳув ўшал тоғнинг,  
тафаккур тоғининг чўққисидан қарасанг,  
ер шарининг ўзи ҳам  
думалаб кетаётган олмага ўхшаркан!..  
Бани Одам эса  
унинг ортидан қувлаб бораётган  
ўйинқароқ бола...

“Қачон бу бола улғаяркан?!”

дея ҳайқирасан оламга..  
Лекин бу хитобни ҳеч ким эшитмайди.  
Чунки катталар йўқ атрофингда,  
катталар!..

Кани улар, дейсанми?  
Улар кўчага чиқиб кетган,  
кўчадаги шовқин билан банд катталар,  
улар шовқиндан бошқа товушни  
эшитмайди!..<sup>10</sup>

11

Менинг эса Одам Атони  
тушунгим келади,  
эвини қилиб,  
олманинг ортидан қувиб кетаётганлар  
сафидан айрилсаму

ортага қайтсам,  
қайтиб,  
олма дарахтига тирмашиб чиқсам,  
сўнг,  
Одам Атонинг олмага узанган қўлидан  
тўпна-тўғри

Ҳазратимнинг кўнглига тушсам, дейман...

Чунки у ерда нимадир  
қолиб кетганга ўхшайверади, замондош!  
Биз тушунмаган,  
ҳалигача тушуниб етмаган  
муҳим нимадир,

эшитяпсанми,  
жудаям азиз нимадир!..

(Ахир, онамиз Момо Хаво  
қай ердан,  
қай тарзда бино бўлди, дея сурасанг-чи!..  
Ичкаридан,  
отамиз Одам Атонинг  
қовургасидан эмасми?)

Биринчи Одам  
чинакамига ёрдамга муҳтож бўлиб,  
ўзини бахтсиз ҳис этганда  
Роббимиз  
чорани ботиндан олиб кўрсатмадимми?  
Шундан сўнг биз билган Ҳаёт,  
Унинг Маъниси,

Одамзод ҳаётининг Маъноси  
пайдо бўлмадимми?!

Бас, шундай экан,  
Нетиб биз бугун нажотни  
ўзимиздан ташқарида қидирамиз?  
Ахир, барча излар ичкарига,  
кўнгилга бошлаб бормаяптими?!  
Наҳотки, ўтмишни унутган бўлсак...

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик” дур,  
деган эди

бир куюнчак донишманд кечагина,  
эслагин-а, замондош.  
Зеро,  
эртага очилажак нафис гулнинг қисмати  
кечаги илдизнинг бадбуруш пешонасига  
битилган бўлади,  
ўқисанг-чи!..

Алқисса,  
инсон кўнгли  
Яратганнинг даргоҳига очилажак  
эшик бўлса,  
сен ташқарида нималар қилиб юрибсан,  
замондош?!

Чақир, анави худобехабар  
Янги инсонни ҳам!  
Тушунтир,  
айт унга,  
қўлни кўнгилга бериш кераклигини  
уқтирсанг-чи, ниҳоят!..

Зеро,  
Инсон Йўли  
Одам Атонинг олмага узанган қўлидан  
ташқарига солинган йўл эмас,  
балки олмадан  
Одам Атонинг ботинига –  
кўнглига қараган йўл эди...

Ҳа-ҳа,  
у ўша йўл эди  
ва ҳамон ўша Йўлдир!..

<sup>10</sup>Дарҳақиқат, биз (Куръонни) англамасликлари учун уларнинг дилларини пардалаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Демак, агар сиз уларни хидоят – ҳақ йўлга чақирсангиз ҳам ҳаргиз хидоят топмаслар (Куръони карим, Қасф сураси, 57-оят).

Михли САФАРОВ



## *Havo ilmi allomasi*

### Эссе

Маънавий жасорати кучли инсонлар ҳар қандай вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай эл-юрт, Ватан манфати учун улкан ва ибратли ишларни амалга оширади. Ана шу тоифанинг фазилати туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улғуф қадриятлар ҳануз барқарордир.

Собиқ шўро тузуми шароитида ижод қилиб, миллий мусиқа санъатимизнинг кадр-қиймати учун курашган, унинг бой хазинасини мисқоллаб тўплаб, ўнлаб китоблар нашр эттирган, анъанавий мусиқамиз дурдоналарини тарғиб этиш йўлида жиддий қаршиликларга дуч келса-да, олдига қўйган мақсадидан қайтмаган устоз санъаткор Юнус Ражабий халқимизнинг матонатли фарзандларидан эди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев эътироф этганидек, "Аҳли санъат тилида "Уста", аҳли илм тилида "Академик Юнус Ражабий", оддий халқ орасида "Юнус ака", "Юнус ота" деб ардоқлаб келинган бу инсон маданиятимиз ривожини учун шу қадар катта

хизмат қилдики, энди бу хизматларни эсламасдан туриб миллий мусиқа санъатимизнинг на тарихи, на бугуни ва на келажagini тўлиқ тушуниб, тасаввур этиб бўлади.

\*\*\*

Дунёга келган инсон боласи борки, тийнатида қобилият куртаги мавжуд бўлади. Илмий, ижодий ёки касбий йўналишдаги бундай қобилият нишонлари кейинчалик ҳаёт талаби, тараққиёт эҳтиёжи туфайли бўй кўрсатади. Инсонда қобилият, истеъдод борлиги бесабаб эмас. Аввало, бундай салоҳиятнинг ирсий-генетик илдизлари бўлади. Бу мулоҳаза Юнус Ражабийга ҳам бевосита тааллуқли. Тошкентдаги донги кетган "Чақар" маҳалласининг "Ўзгариш" кўчасида яшаган Ражаббой ота (1840-1913) санъатни севадиган, ҳофизларни эъзозлайдиган инсон бўлган. У мусиқа сайлларига суюқли ўғилчаси Юнусни доим ўзи билан олиб борган. Чунки ўғилчаси бундай йиғинларда мусиқа янграган заҳоти зийрак тортиб қолар,

шўхликлардан тийилиб, оҳангга берилиб, диққат билан тинглаб ўтирар эди. Ўша онларда ота шу ўғлидан мусиқачи чиқишини чин дилдан тилаган бўлса, не ажаб...

Ражаббой ота Бешёғоч даҳасида қассоб Чилонзорнинг "Новза" гузарида боғбон сифатида танилган, унинг мусиқа шинаванда-си эканини эса бутун маҳалла билар эди. Бундан кўп машҳур ҳофизлар ҳам хабардор эди. Самарқандлик Ҳожи Абдулазиз ота Тошкентга келганида Ражаб ота хонадонида кўноқ бўлган. Хоразм, Қўқон, Фарғона, Андижондан келган санъаткорлар одатда Илҳом самоварчи (Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасида тилга олинган) чойхонасига тушар, Ражаб ота эса уларни албатта, ўз улфатлари даврасига ҳам чорлар, чорбоғида гап берганида доим бир неча ҳофизни таклиф қилар экан. Илҳом самоварчи аслида чангчи созанда бўлган. Ражаб ота унинг шу созни чалишига маҳлиё эди.

Ражаб ота табиатан завқи баланд одам бўлган. Унинг халқ мусиқа ижрочилигига нечоғлик меҳр кўйганини мана бу воқеа ҳам исбот этади. У андижонлик ҳофиз ва созанда Мирзақосим ҳофизнинг Тошкентга кўчиб келиш этагида эканини эшитиб қолиб, ҳофизни кўярда-кўймай Чилонзорнинг "Новза" гузаридаги катта дала ҳовлисига олиб борган ва боғидан бепул, беғидир бир томорқалик жой ажратиб берган.

Хуллас, Ражаб отанинг санъатсеварлиги, хонадонида санъаткорлар иштирокида бўлиб турадиган гап-гаштаклар, оиланинг донгдор ҳофизу созандалар билан яқинлиги таъсирида Ризқи ва Юнус Ражабийлар мусиқа санъатига муҳаббат кўйиб ўсди.

Ражаб отанинг завжаси Ойша биби мулойим, ширинсўз аёл бўлган. Ўнта фарзандидан айрилган бу аёл ўн биринчиси туғилганда, Оллоҳга шукроналар айтиб унинг исмини "Шукур" кўйган. Шу ўғилдан сўнг она кетма-кет кўрган яна беш фарзанднинг барчаси соғу саломат улгайиб, узоқ умр кўрди.

Шукур ота касбини давом эттириб, қассоблик қилди, укалари Ризқи ва Юнус мусиқа йўлини танлади. Бунда онаси Ойша бибининг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлган. Ойша биби Имом қизи туғма санъаткор эди,

десақ асло муболага бўлмади. У Ясавий "Ҳикматлар"ини, Сўфи Оллоҳёр байтларини, халқ дostonларини оҳангга солиб ўқир, сон-саноқсиз халқ ашулаларини доира чалиб куйлаб, атрофида ўтирган аёлларнинг кўзини ёшлантирар эди. Ойша биби асосий яшаш жойи – "Чақар" маҳалласида ҳам, ёзги дала ҳовлиси жойлашган "Новза" гузарида ҳам барча аёллар учун муҳтарамма "Отин ая" эди. Онахоннинг кўшиқлар, ғазаллар битиб юрадиган дафтари ҳам бўлган.

Юнус Ражабий, аввало, онасининг меҳр-муҳаббатга йўғрилган "алла"ларини тинглаб сеҳрланди. Улғая бошлагач, онажонисига кўярда-кўймай халқ дostonлари, ашула ва кўшиқларни қайта-қайта айттирадиган одат чиқарди. У болалигидаёқ ўткир зеҳни, мустаҳкам хотираси-ла бошқалардан ажралиб турарди. Унинг бу қобилияти ҳам Ойша бибидан мерос, дейишади. Айтишларича, 110 ёшга кириб оламдан ўтган бу онахон умрининг сўнги кезларида ҳам қизалоқлигида ёдлаганларини бемалол такрорлаб юрар экан.

Саккиз-тўққиз яшар Юнусбой дала ҳовлидаги кўшилари Мирзақосим ҳофизнинг рўзгор ва боғ ишларига қарашар, ҳордиқ чоғи унинг кўлида ажиб садолар таратаётган миллий созларни ва у куйлаган ашулаларни жон қулоғи билан тинглар эди. Ҳофиз ўзи чаплаган куйни болакай осонгина эсда сақлаб қолишидан ҳайратга тушиб, унга дутор ва танбурда машқ қилдира бошлайди. Бироқ Юнусбойнинг бирорта ҳам соз асбоби йўқ эди.

"Кунларнинг бирида от ёлини таранг тортиб қўлбола бир чолғу асбобини ясаб олдим ва уни чертиб юрдим, – дейди Юнус Ражабий "Хотираларим" номли мақоласида, – буни кўриб, акам (Ризқи Ражабий – М.С.) менга чўпонча дўмбира олиб берди. Дўмбира севимли эрмагимга айланди. Созандалик машқим шакллана бошлади. Бундан севинган Шукур акам бозордан расмона дутор келтириб берди. Онам, "Шукурвой, ўзингга дутор сотиб олдингми?!", дедилар норозироқ оҳангда. "Йўқ, ойи, Юнусингизга олиб келдим", деб жавоб қилди акам. Онам, "Ҳа, ундай бўлса яхши!" дедилар чиройи очилиб.

Мен Мирзақосим ҳофиздан эшитиб, дилимда тўхтовсиз чалиниб турадиган куйларни ана шу дуторда машқ қила бошладим. Бу вақтда акам Ризқи Ражабий танбурни бинойигина чертар эди. Созга қўлим келиб қолгани сабаб, мен дуторда унга жўр бўла бошладим" ("Санъат" журнали, 1976 йил, 3-сон).

Юнусвойнинг бахтига Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шораҳим Шоумаров, уста Шобарот танбурчи каби машҳур санъаткорлар уларга боғ қўшни эди. Ражаб ота ана шу донгдор ҳофизу созандаларни боғига таклиф этиб, неча бор тўқмалар – зиёфатлар уюштирган. Юнусбой акалари билан бу меҳмондорчиликларда югуриб-елиб хизмат қилар, уларнинг санъатидан бахраманд бўлар эди.

Юнусбой ўн ёшида дутор, танбур чалишни пухта ўрганиб олган эди. Ҳофизлардан эшитган куй ва халқ ашулаларининг сўзини, оҳангини тўлиқ ўзлаштириб, хиргойи қилиб юрарди. Ўн икки ёшида ҳаётида кичик бурилиш юз берди. Ёз кунларининг бирида Илҳом самоварчининг чойхонасида Мулла Тўйчи ҳофиз меҳмон бўлди. Чойхона гавжум эди. Ҳофиз кетма-кет кўшиқ ижро этиб, мухлислар кўнглини чоғ қилди, улар таҳсинига сазовор бўлди. Орадаги бир зумлик тин олиш чоғи Юнусбой Илҳом самоварчининг ёнига бориб, дадил овозда, "Мен ҳам дутор чалиб, ашула айтиб берсам бўладими?" деб қолди. Чехрасида қатъият барқ уриб турган болакайнинг бу гапидан ҳанг-манг бўлиб қолган Илҳомжон ака, "Шундай катта ҳофизлар турганда сенга йўл бўлсин?! Одоб сақлаб, жимгина тинглаб ўтирсангчи!" дея танбеҳ берди. Лекин болакайнинг гапини эшитиб қолган қўшни сўридаги Мулла Тўйчи, "Ҳой, Илҳомбой, боланинг шаштини қайтарманг. Қани, Юнусбой, ота ўғил, бир эшитиб кўрайлик-чи?" дея унга дуторини узатди. Юнусбой атрофига жовдираб қараб, сўнг ўзини қўлга олди-да, Мирзақосим ҳофиздан ўрганган "Шафоат" куйини дуторда оҳиста чала бошлади. Кейин "Ғайра-ғайра" деган халқ ашуласини куйлади. Чойхонадагилар ёш болакайнинг дуторни дўндириб чалиши ва ёқимли нолавор овозига мафтун бўлиб, уни чапак чалиб олқишлашди. "Оббо, Юнусбой-ей, боракаллоҳ, дурустан-ку! –

деди ҳофиз. – Энди гап бундай, сени ўзимга шогирд қилиб оламан..."

Устоз-шогирдлик йил сайин мустаҳкамланиб борди. Юнусбой улғайгач, нафақат чойхоналарда, тўйларда, балки серговур халқ сайилларию байрамларда, катта-катта санъат фестиваллари ва декадаларда улар ёнма-ён ўтириб, жўровозликда мақомлар, халқ ашулаларини куйлашди. Гоҳида Юнусбой устози Мулла Тўйчига найда ҳам жўр бўлар эди.

Юнусбой ўн уч ёшида эски мактабни биштириб, бошланғич мадрасада таълим ола бошлади. "Бўлар бола – бошидан..." деганларидек, у уч йил давомида Қуръон сураларини тажвиду тартила билан хуш овозда қироат қиладиган бўлди. Мударрислар эса уни бошқа болаларга ибрат қилиб кўрсатар эди. У мадрасада мумтоз ўзбек шеърятини севиб мутлолаа қилди, кўплаб ғазалларни ёд олди.

1913 йил Ражаб ота вафот этди. Юнусбой оиланинг кунига яраш учун ота касби – қасоблики давом эттиришига тўғри келди. У 1916 йил Чимкентдаги чор армияси ҳарбий гарнизони ошхонасига қасоблик хизматига ёлланди. Шу шаҳарда оқшомлари русларнинг духовой оркестрида чалинган марш ва рақс (вальс) оҳанглари тинглади, оркестрдаги кўповозлилик унинг эътиборини тортди ва муסיқий тасаввурини кенгайтди. Чимкентда у Султонхон, Қурбонхон, Имомхон, Ҳошимхон каби таниқли ҳофиз ва созандалар билан ҳам танишди. Босиқ ва дўриллаган овозга эга ўсмир ана шу ҳофизлардан "Насиб этгил", "Раббано, додимга ет...", "Кўп эрди..." каби халқ ашулаларини, "Гулёру шаҳноз", "Чапандози гулёр", "Ушшоқ", "Қашқарча ушшоқ", "Баёт", "Савти баёт", "Чоргоҳ", "Савти чоргоҳ" ва уларнинг шохобчаларини, "Гиря I-II", "Фигон I-II" каби ўзбек миллий мақом туркумига кирувчи куй ва ашулаларни ўрганди.

Тошкентга қайтгач, тирикчилик ташвишларидан вақт орттириб Шайхонтохур, Қорасарой даҳаларида, куз ойларида эса Занги ота ва Тирсак манзилларида ўтказиладиган халқ сайилларига борарди. Бу сайилларда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон тараф-

лардан таниқли ашулчилар, созандалар, аскиячилар, дорбоз, масхарабоз ва эркак раққослар қатнашар эди. Кейинчалик Юнус Ражабий "Ўзбек халқ кўшиқлари" китобини нашрга тайёрлар экан, ана шу сайилларда эшитиб, хотирасига ўрнашиб қолган халқ кўшиқлари, куйларини ҳам унга киритди.

Юнус Ражабийнинг Абдуқодир найчи билан танишуви ҳам ўзига хос тарзда юз берган. 16-17 яшар Юнусбойнинг қўлида танбуру дутор булбулдай сайрар эди. Шу кезларда у най чалишни ҳам ўрганди. Бир куни Илҳом самоварчининг чойхонасида сариқ мисдан ясалган най чалиб ўтирган эди. Чойхонага кирганлар орасида асли фарғоналик Абдуқодир найчи ҳам бор экан. Машхур найчига Юнусбой чалган куйлар ёқиб қолди. Устоз унинг кифтига қоқиб, алқаб кўйди. Орадан кўп ўтмай унга Фарғонадан фаров най келтириб, совға қилди.

\*\*\*

Чинакам санъаткор бўлишга, мусиқа санъатининг инжа сирларини пухта эгаллашга доимо интилган Юнус Ражабий 21 ёшида Туркистон халқ консерваториясига қабул қилинди. Бу даргоҳда бир йил давомида созанда ва хонанда Шораҳим Шоумаров ҳамда атоқли дуторчи Абдусаттор Ваҳобов кўлида таълим олди. Шунингдек, Оврупо мусиқаси сирларини В.Успенский, Н.Миронов каби рус бастакорларидан ўрганди.

Мусиқа бўйича замонавий мутахассисга айланган Юнус Ражабий 1923 йили акаси Ризки Ражабий, ғижжакчи Имомжон Икромов ва Исмат чангчилар билан Тошкентдан Самарқандга – Ўзбек педагогика билим юрти (ҳозирги СамДУ) қошида очилган мусиқа мактабига муаллим бўлиб борди. Улар бу кўҳна шаҳарда машхур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз билан танишдилар. Ҳаётининг ана шу кунлари тўғрисида Юнус Ражабий хотираларида бундай деб ёзган эди: "Биз Самарқандда тўрт йил фаолият олиб бордик. Соз чалдик, ашула ва кўшиқлар айтдик. Ёшларга мусиқа сабогини бердик. Айни пайтда Самарқандда Ҳожи Абдулазиз отанинг ашула йўлларини ўргандик. Абдулазиз ота бу йилларда бизга устоз бўлиб қолди" (*"Санъат" журнали, 1976, 3-сон*).

Юнус Ражабий ва унинг ҳамроҳлари Тошкент-Фарғона хонандаларининг ижро усуллари, улар севган куй ва ашулалар билан Самарқанд мусиқа мактаби ўқувчиларини таништирди. Айнан Самарқандда Юнус Ражабий ҳузурига, ундан мусиқа сабоқларини олиш мақсадида кейинчалик атоқли бастакор шoir бўлиб танилган Толибжон Содиков, Ҳамид Олимжон каби келажаги порлоқ ёшлар ҳам келиб туришар эди.

1924 йилнинг август ойларида Самарқандга, Ҳожи Абдулазиз хонадонига Тошкентдан Мулла Тўйчи ҳофиз билан ғижжакчи Солихон ҳожи меҳмонга борган. Ҳожи Абдулазиз уларга Самарқандни томоша қилдиради. Чойхоналарда самарқандликлар тошкентлик санъаткорлардан куй-ашулалар тинглашади. Кейин биргалашиб Каттақўрғонга ҳосил байрамига йўл оладилар. Юнус Ражабий уларга ҳамроҳ бўлади. Каттақўрғонликлар уларни икки кун меҳмон қилади. Ниҳоят Бухорога ўтишади. Ана шу сафар баҳона, Юнус Ражабий Бухорода машхур мақомчи ҳофизлар – Жалол ота Носиров, Ғиёс ота Абдугани, Уста Шоди Азизов, Қори Камол, Қори Нажим, Абдусамат Бегижон билан танишишга ҳамда уларнинг сози ва ашулаларини тинглашга муяссар бўлди. Бухоролик ҳофизларнинг ижроси уни ниҳоятда завқлантирди. Бу ҳақда мусиқашунос олим Маҳмуд Аҳмедов шундай деб ёзган эди: "Бухоро ҳофизлари айтиш услубининг ўзига хос хусусиятлари – доира усулининг аниқлиги, мақом йўлларининг равонлиги, овоз бўёқлари ва талаффузининг бурролиги Юнус Ражабийда катта таассурот қолдирди" (*"Юнус Ражабий" китобидан – М.С.*). Мақомларни устозларнинг жонли ижросида нота ёзувларига кўчириш нияти Юнус Ражабийда айнан шу учрашув сабаб пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас.

1925-26 йилларда Юнус Ражабий Самарқанд мусиқали драма театрида мусиқа раҳбари вазифасида фаолият юритди. Бу даврда театр жамоаси Фитратнинг "Абулфайзхон", Чўлпоннинг "Ёрқиний" каби драматик асарларини сахналаштирди. Юнус Ражабий уларга мусиқа басталади. Бу асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Театрда Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони бўйича Комил Яшин тай-

ёрлаган либретто асосида мусиқали драма асари ҳам қўйилиб, Юнус Ражабий устози Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда унга мусиқа басталади. Шундан сўнг асар мусиқасини бастакор Георгий Мушель билан қайта ишлаб, маромига етказди. 1926 йили эса театрда "Лайли ва Мажнун" дostonи асосида сахна асари қўйилди, унга ҳам Юнус Ражабий мусиқа басталади. Бу асар сахнада қайта-қайта қўйилиб, самарқандликларнинг севимли томошасига айланди.

\*\*\*

1927 йили Тошкентда, Ўзбекистон радио-эшиттириши ҳузурида биринчи ўзбек халқ ашулачилари ва созандалари ансамблини тузишга қарор қилиниб, бу вазифа Юнус Ражабий зиммасига юкланди. Ансамбль дастлаб 13 нафар хонанда ва созандадан ташкил топди. Унинг таркибида республиканинг кўзга кўринган санъат арбоблари бор эди. Чунончи, тошкентлик машҳур санъаткорлар – Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, бухоролик Домла Ҳалим Ибодов, хоразмлик Сафо Муғанний, Матосуф Ҳарратов, марғилонлик Жўраҳон Султоновлар радиога тақлиф этилиб, улар ансамбль ижрочилигини Тошкент-Фарғона, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм айтиш йўллари билан бойитди.

1936 йили Тошкентда Ўзбекистон давлат филармонияси тузилди. Бу ерда атоқли созанда ва бастакор Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги ансамбль, Тамарахоним бошчилигидаги ансамбль, Петросянцнинг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, симфоник оркестр ва бошқа яна бир нечта мусиқа жамоаси ташкил этилди. Юнус Ражабий бошлиқ ашула ва миллий чолғу асбоблари ансамбли бу ижодий жамоалар орасида халқимизнинг туб миллий мусиқа меросини, миллий созларни, бетақор халқ куйи ва ашулаларини тарғиб этиши билан ажралиб турарди.

Юнус Ражабий нафақат ўз ансамблининг ижодий таркиби ва ижрочилигини ривожлантирди, у айна чоқда миллий созларнинг товуш имкониятларини бойитиш, садолашиш кучини ошириш, регистрларини кенгайтириш, тенглаштириш масалалари билан

ҳам шуғулланди. Бу даврда тўлиқ хроматик товуш қаторига эга янгича чолғу асбобларини яратиш зарурияти ҳам пайдо бўлди. Ана шу ниятдаги амалий иш дутор, танбур каби торли чолғу асбоблари пардаларига янги қўшимча пардалар (хос пардалар) қўйилган бошланди. Юнус Ражабий буни хотирлаб, ёзган эди: "Радио ансамбли туғилганидан кейин мен миллий асбобларни такомиллаштириш устида ўйлай бошладим. Аммо ўша йилларда чолғу асбоблари ясайдиган маҳсус устaxона ҳам, штат ҳам ва бу иш билан шуғулланадиган бирон-бир ташкилот ҳам йўқ эди. Бирор илож топиш керак эди. Шунда мен Уста Усмон Зуфаров олдига бориб мақсадимни тушунтирдим. Уста менинг фикримга кўшилди ва турли катта-кичикликдаги дутор, танбур ва ғижжаклар ясашга киришди. Шу жараёнда янги шакллардаги созлар ҳам яратилди. Булар орасида сато-танбур, ғижжак-бас, чанг-бас, дутор-бас ва бошқа гўзал товушли созлар иxtиро этилди. Устанинг хизмат ҳақини биз концертлардан тушган оқчалардан тўлаб турардик. Асбоблар тайёр бўлганидан кейин уч ой репетиция қилдик, созандаларнинг кўллари янги созлар пардасига жойлашганидан кейин радио орқали концертлар уюштира бошладик".

Дарҳақиқат, 1930-70-йилларда Уста Усмон яратган янги чолғу асбоблари миллий ансамбль ижрочилик салоҳиятини янада оширди, уларда ижро этилган куйлар янги бўёқлари ифода воситалари билан бойиган ҳолда жаранглар эди. Айна чоқда, маданий ҳаётда кўп овозли мусиқавий асарлар ижросига ўтиш талаби кун сайин кучая боргани сабабли, ансамбль созандалари ўзларига нотаниш бўлган Оврупо созларини чалишни ҳам аста-секин ўзлаштириб бордилар. Жумладан, ансамбль созлари орасида кларнет, флейта каби чолғу асбоблари пайдо бўлди.

Халқ чолғу асбоблари ансамблини кўп овозли мусиқавий асарларни ижро этишга мослашган оркестр даражасига кўтариш тобора долзарб масалага айланаётган бир шароитда созандалар нота ёзувини ўзлаштиришлари керак эди. "Ҳатто Оврупо куйларини ҳам ўзбек созандалари нотага қарамасдан, мусиқани ёддан ўрганиб чалишар эди", деб хотирлайди ўша кунларни со-

занда М.Юсупов. Чунки ҳали миллий созандалар нотага қараб соз чалиш малакасига эга эмас эди. Бу малакани Юнус Ражабий, аввало, ўзи ўзлаштиришга киришди. У 1934 йил Москвага бориб уч ой композитор-мелодистлик курсида ўқиди. Курс раҳбари бўлган В.Виноградов талаба Юнус Ражабийнинг қуйидаги сўзларини эслайди: "Мен бу таълимдан унча қониқмаяпман. Янада кўпроқ билсам дейман. Мусиқа назариясини пухта эгаллашим керак. Айниқса, нота ёзувида мураккаб, кўп овозли мусиқалар қандай ифодаланади – шуни ўрганмоғим зарур. Сиздан ўтиниби сўрайман, мен билан алоҳида шуғулланадиган бирон ўқитувчи ажратинг". Талабанинг ўтинчига қулоқ солмай иложимиз қолмади. Чунки унинг зукколиги ва тиришқоқлиги барча домлалар эътиборини ўзига тортган эди. Ўқитувчи ажратилди, – дейди В.Виноградов. – Ўша ўқитувчи бир кун менга "Мен бу йигитнинг билимга ташналигига қойил қоляпман. Толиқиш нелигини билмайди. Белгилангидан кўпроқ вақт ажратиб, машғул олиб боришимни сўрагани сўраган" деб қолди..." (Юнус Ражабий *уй-музейидан олинди*).

Хуллас, қисқа вақт ичида Юнус Ражабий нота илмининг барча шакллари, куйни тинглаб, қолғу ёрдамида тезлатиб ёзиш, гармониялаш усулларини мукамал эгаллади. Нота ёзувини ўрганиш жараёнида эса Оврупомусиқасининг табиати, ўзига хосликларини ҳам англаб ета борди.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон урушининг илк йилларида Юнус Ражабий Янгийўл шаҳрида очилган Тошкент вилояти мусиқали театрига мусиқий раҳбар этиб тайинланди. Ана шу театрда "Қасос", "Қўчқор Турдиев" деб аталган драматик асарларга ўзи мусиқа ёзди. Ушбу асарлар саҳналаштирилиб, улар уруш давридаги ўзбек театр санъатининг ютуқлари қаторидан ўрин олди.

Кейинчалик пойтахтимизда ташкил топган Муқимий номидаги Республика мусиқали драма ва комедия театрига ана шу театр асос бўлди. Ушбу театрда ҳам Юнус Ражабий куй басталаган асарлар намоиш этилди. Машҳур актёр Раззоқ Ҳамроев бу тўғрида

шундай деб ёзган эди: "Ражабий саҳна асарларига куй басталаб, спектакллари тайёрлаши жараёнида унга ҳамкорлик қилдим. Айниқса, театримиз қайта саҳналаштирган "Фарҳод ва Ширин"ни томошабинларга етказишимизда Юнус аканинг хизматлари катта бўлди. Фарҳод ариалари, Ширин нолалари, дуэтлар янада баландроқ, жозибалироқ янгради. Золимларга нафрат билан айтилган хор гуруҳи ижролари саҳна ва зални ларзага келтирди. Булар ҳаммаси Юнус аканинг юксак санъати туфайли юз берди" (Юнус Ражабий *уй-музейидан олинди*).

Дарвоқе, тамал тошини Юнус Ражабий қўйган Ўзбекистон радиоси қошидаги ижодий ансамбль ҳаётида, Иккинчи жаҳон уруши йилларида баъзи ўзгаришлар юз берди. Бу вақтда ансамбль таркибида атиги 15 нафар хонанда ва созанда қолган эди. Шу боис бўлса керак, улар вақтинча Ўзбекистон давлат филармонияси ихтиёрига ўтказилди. Уруш тугагач, Юнус Ражабий радио ансамбли яна қайта ташкил этди ва унга ўзи раҳбарлик қила бошлади. "Мен Янгийўл вилоят мусиқали драма театридан радиога қайтиб келганимдан кейин, дастлаб радио ансамблида илгари ишлаган ва бошқа ёш истеъдодли санъаткорларни тўплашга киришдим. Радио ансамблида ишлаган тажрибали хонанда ва созандалар уруш йилларида турли корхона, театр, мактаб тўғрақларида ишлар эдилар. Улардан ҳар бирининг олдига бориб суҳбатлашдим, радио ансамблининг келажақда ажойиб жамоа бўлишини, кенгайишини тушунтирдим", деб ёзган эди Юнус Ражабий ўз хотираларида. Ансамбль кейинги ўн йиллар мобайнида кенгайиб бориб, аввал 40, кейинчалик 90 нафар хонандаю созандани ўз бағрига олган йирик оркестрга айланди.

Шу ўринда Юнус Ражабийнинг ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришдаги яна бир хизматини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. 1938 йили Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида Юнус Ражабий истеъдодли дуторчи, хонанда, таниқли актриса Лутфихоним Саримсоқова ҳамда ажойиб раққоса Гавҳар Раҳимова билан ҳамкорликда Ўзбекистон мусиқа санъати тарихида биринчи марта дуторчи қизлар ансамблини тузди. Юнус

Ражабий Уста Усмонга шу ансамблдаги барча қатнашчилар учун алоҳида-алоҳида буюртма бериб энг яхши дуторларни ясадди. Лутфихоним билан Гавҳархоним халқ орасидан созандалик, раққосалик ва хонандаликка қобилиятли хотин-қизларни излаб топди. Юнус Ражабий ансамблга мусиқий раҳбар эди, Лутфихоним билан Гавҳархоним эса қизларга дуторда чертиладиган кўпдан-кўп халқ куйлари, дутор жўрлигида айтиладиган халқ кўшиқ ва ашулалари ҳамда рақсларни ўргатишди. Юнус Ражабий бу ансамбль билан уч ой давомида Фаргона водийсининг шаҳар ва қишлоқларида концертлар уюштирди. Хусусан, Катта Фаргона канали қурувчиларига ўз наволари билан катта эстетик завқ-шавқ бағишладилар. Кейинчалик, 80-йилларда бу ансамбль Юнус Ражабийнинг шогирди Ғанижон Тошматов раҳбарлигида қайта тикланди.

Халқ мусиқий меросини тарғиб этишда Ўзбекистон телевидение ва радиозастиртируш давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзтеле-радиокомпания) ҳузурида Юнус Ражабий ташаббуси билан тузилган мақомчилар ансамбли ҳам катта иш олиб борди. Бу ансамблда мақомчи ҳофизларнинг бир неча авлоди вояга етди.

\*\*\*

Юнус Ражабий катта ҳофиз эди. Унинг ширали овози ўз вақтида устоз ҳофизлардан Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовларни ром этган. "Шашмақом"нинг айрим ашулаларини улар Юнус Ражабий билан биргаликда ижро қилган. Юнус Ражабий устозларининг ижрочилик санъатини, ашула айтиш йўлларини беками кўст эгаллади. Масалан, у устозлари сингари, ҳар бир ашула сўзларининг мазмунини теран ҳис этиб, ижро қилишни ўзи учун ҳам, бошқа хонандалар учун ҳам катъий талабга айлантирган эди. Ҳа, Юнус Ражабий устозларини севарди. Ҳурматини ўрнига қўярди. Аммо тақлидчи эмас эди. Унинг кўшиқ ва ашула ижрочилигида устозлардан ўзлаштириб олган, энг нозик қочиримларни ишлата биладиган ёқимли, бетакрор овози бор эди. Санъатшунос олим М.Аҳмедов буни куйидагича изоҳлаган:

"Юнус Ражабийнинг овози драматик баритон бўлиб, пастки регистрларда бас овозларига яқинлашадиган ҳолда мардонавор ва кучли эшитилади". Шу маънода, айрим мутахассислар Юнус Ражабийнинг овози Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов овозига ўхшаб кетишини бир фазилатдек талқин этадики, бу андак изоҳни талаб қилади. Бундай куйлашда тақлид ифодаси эмас, аксинча, устозлардан кўчган услубга ихлос, анъананинг изчил ва ижодий давоми, ривож сезилади. Юнус Ражабий ўз овозини йигирмадан ортқ устоз манераси асосида шакллантирди. Уларнинг ҳар биридаги энг ширали, одамларни сел қиладиган, ром эта оладиган услуб товланишларини ўзлаштирди. Унинг санъати – қайси бир нозик қочирим ашула сўзининг қайси ургули ҳарфига мос келишини сеза билишида эди.

Ризқи Ражабийнинг айтишича, Юнус Ражабий қарийб 900 та куй, ашула, кўшиқни ёд билган, уларни радио чолғучилар ва мақомчилар ансамбли иштирокчиларига ўргатган.

\*\*\*

Юнус Ражабий забардаст бастакор сифатида ҳам машҳур. У йигирмадан ортқ мусиқали саҳна асарига куй басталади, 200 дан кўпроқ ашула, кўшиқ, хор ва марш асарини халқимизга тақдим этди. Юнус Ражабий яратган "Қошки", "Не наво соз айлагай", "Раъноланмасун", "Оҳким", "Жудо", "Қадаҳ", "Жонимдадур", "Гулбоғлар", "Мактуб", "Гул сочар", "Ҳажрингда", "Мунча ҳам", "Куйгай" каби ўнлаб ашулаю кўшиқлар миллий мусиқа санъатимиз дурдоналаридир. У яратган мусиқий асарлар ўзбек мақомлари, неча-неча халқ куйлари орасида уларга уйғун бўлиб янграб туради. Қизиқ жиҳати шундаки, аввало, у ўзбек халқ куйлари уммонидаги дурларни йиғиб юрди, кейин эса шу дурлар Юнус Ражабийда бастакорлик туйғуларини уйғотди. Бастакор куй яратса, қандайдир жилоси ила қайсидир халқ куйига, оҳангга ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Буюк рус бастакори М.Глинка айтган экан: "Биз куй-оҳанглари ўз ҳаёлимиздан тўқиб чиқармаймиз, балки халқимиз ўртасида янграб-яшнаб турган оҳангларга сайқаллар бериб бойитамиз, қайта ишлаб

безаймиз, кўповозли вариациялар кўшиб гармониялаштирамиз, ўзимизникини унга кўшамиз". Худди шу сингари, Юнус Ражабий басталаган асарлар ҳам унинг кучли истеъдодидан сайқал топиб, қалбидан янги бир жиллолар кўшилиб янги жаранглаган халқ оҳанглиридир. Юнус Ражабийга бир шогирди, "Юнус ака "Гул сочар" деган ашулангизни "Халқ куйи" деб эълон қилишди!" дебди. Устоз ўшанда, "Халқники дедими? Жуда яхши бўпти-да, халқники дегани – меники дегани бўлади", деб кулган экан. Юнус Ражабий куй-кўшиқлари ҳамон радио, телевидение, концерт заллари, тўю томошаларда ҳофизлар ва истеъдодли хонандаларимиз ижросида халқимиз дилини хушнуд этиб, завқ багишлаб келаётир.

\*\*\*

Юнус Ражабий умрининг 30 йилдан зиёдроғини "Ўзбек халқ музикаси" туркум китобининг беш жилди ва "Шашмақом" туркум китобининг олти жилди нашини тайёрлашга сарфлади. Санъаткор бу ишга ёш йигитлик давридан бошлаб астойдил киришди. Маълумотларга кўра, у икки мингдан ортиқ ўзбек халқ ашула, кўшиқ, қолғу куйи ва мақомларни тўплаб, нашрга тайёрлаган. Устоз санъаткорнинг ўзи эса бу ҳақда шундай деб ёзади: "Мен ёдимда мукаммал сақлаган халқ куйларини 1936 йилдан бошлаб оз-оз нотага ёза бошладим ва ниҳоят, ёзган куйларимнинг сони 97 тага етиб қолди". Ана шу куйларнинг 29 тасини 1939 йили Е.Романовская ва Илёс Акбаров танлаб олиб, "Ўзбек халқ кўшиқлари" туркум китобининг биринчи ва иккинчи жилдига киритди.

1955-59 йилларда Юнус Ражабийнинг ўзи 5 жилддан иборат "Ўзбек халқ музикаси" туркум китобини яратди. Унинг тўрт жилдига киритилган халқ куйлари, ашула ва кўшиқлари ўзбек халқ мусиқа маданиятининг кўп асрлик тарихга эга эканини, бойлигини акс эттиради. Мусиқашунос олим Файзулло Кароматов ушбу китоблардаги халқ кўшиқларининг жанр ва мавзу йўналишларини изоҳлаб, улар машиий кўшиқлар, оила-маросим кўшиқлари, меҳнат кўшиқлари, миллатимизнинг асрий орзу-армонларини куйловчи кўшиқлар, тарихий кўшиқлардан иборат эканини айтади.

Уларда халқимизнинг дунёқараши, орзу-истаклари, интилишлари, бадий-эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Ушбу кўшиқлар халқнинг кундалик ҳаёти, рухий кечинмаларининг ёрқин кўзгусидир.

Юнус Ражабийнинг улкан меҳнати туфайли узоқ тарих мобайнида яратилган кўплаб халқ кўшиқлари яна маънавиятимизга қайтди, саҳналарда, тўйларда, халқ байрамлари ва сайлларда, телевидение ва радиода куйланмоқда. Масалан, "Ўзбек халқ музикаси"нинг тўртинчи жилдида 14 та болалар кўшиги ўрин олган. Жумладан, баҳор чоғида айтиладиган "Бойчечак", "Лайлак келди", қиш фаслида айтиладиган "Офтоб чикди оламга", шунингдек, болалар ўйинга тушиб ижро этадиган "Чучвара қайнайди-ёл!", "Томдан тараша тушди", "Читтигул" ашуллари, ҳайвонлар, гуллар ва дарактларга мурожаатан айтиладиган "Қуёним", "Бинафша", "Оқ теракми, кўк терак?" каби қадимий болалар кўшиқлари ҳам Юнус Ражабий туфайли ҳаётга қайтди.

Халқимизнинг сеvimли маиший-турмуш кўшиқларидан бир тури – тўй кўшиқларидир. Юнус Ражабий китобларида ватанимизнинг турли минтақаларида ижро этиб келинаётган "Ёр-ёр" ашуласининг олти гўзал намунаси берилган, жумладан, Тошкент "Ёр-ёри", Наманган "Ёр-ёри", Марғилон "Ёр-ёри"нинг асл халқчил матнлари ва ноталаштирилган куйлари билан танишишимиз мумкин. Улар ҳозирги кунда оммабоп тўй ашуллари қаторидан ўрин олган.

Шунингдек, Юнус Ражабий тўпламидан жой олган "Яллама-ёрим", "Ўйнасин", "Ялло жоним", "Ҳақалакка ўйнасинми?" сингари ўктам ва ёрқин руҳли халқ кўшиқлари; "Шаб-бода", "Яна нима гаплар бор?", "Қилпиллама" каби ҳазил кўшиқлар; "Дарё тошқин", "Қизил гул", "Анджонга борай десам, боролмайман" каби ғойибона севги изтироблари самимий тараннум этилган кўшиқлар ҳаммиша куйланади ва қалбларни оҳанрабодек ўзига тортаверади.

\*\*\*

1959 йил Юнус Ражабий нашр эттирган "Ўзбек халқ музикаси"нинг биринчи жилди Бухоро мақомларини ўзида жам этган. Бу ки-

тобни тайёрлаш учун санъаткор Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиқиб ўнлаб мақом усталари, хонанда ва созандалар билан учрашди, улар ижросида турли мақом йўлидаги чолғу куйлари ва ашулаларни эшитди. Кўпларини ўша захотиёқ нотага олди, баъзиларини хотирасида сақлаб қолиб, дутори ёрдамида қайта ишлаб, тузатиб, тўлдириб ноталаштирди ва ҳафсала билан йиққан бисотини нашрга тайёрлади.

Тўпланган ниҳоятда бой ва ранг-баранг мақомот хазинаси кейинчалик Юнус Ражабийда “Шашмақом” деб аталган янги кўп жилдли нашр гоёсини уйғотди. 1966 йил туркумнинг биринчи жилди чоп этилди. Охириги – олтинчи жилди эса 1975 йил атоқли мусиқашунос Файзулло Кароматов таҳрири остида босмадан чиқди. Хўш, нега олти жилд? Чунки “Шашмақом” олти йўналишдаги: “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сеғоҳ”, “Ироқ” мақом туркумидан иборат. Бу олти мақомнинг ҳар бирини олтитадан-ўнтагача чолғу куйлари, қирқтадан-элликтагача ашула йўллари мавжуд. Таниқли ҳофиз Ҳасан Ражабий биз билан сўхбатда мақомларни, ҳақли равишда, халқимизнинг неча минг йиллик ҳаёт тарзининг акс садоси, бой ички оламини мангу куйлагувчи эпопеялар, деб таърифлади. Мақомнинг ҳар бир куйи мураккаб руҳий кечинмалар, теран ҳаёт фалсафаси билан сугорилган. Уларда Шарқ халқларининг орзу-армонлари, дарду ҳасратлари, бахту шодиёналари, жасорат ва мардликлари тараннум этилади. Беҳизга мақом дунёсидаги айрим куйларга “Ушшоқ” (ошиқлар изтироб, меҳр-муҳаббат) ва бошқа яна бир тоифа куйларга “Наср” (зафар, галаба) сўзлари қўшиб айтилмайди. Мақом мусиқасида ишқий кечинмалар ва мардонавор оҳанг йўллари каби ранг-баранг куй йўналишлари мавжуд ва улар кейинги даврлардаги миллий мусиқамиз ривожига учун энг ишончли мактаб бўлиб келди. Айниқса, бугунги глобаллашув замонида, жумладан, ер юзида турли муסיқий маданиятлар таъсири тобора кучайиб бораётган шароитда, ўзлигимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириб бориш учун ҳозирги авлодлар халқимиз муסיқий меросининг мафтункор аъёналаридан кўп

нарсани ўрганиши табиий. Ўзбек мақомлари халқчиллиги, бетақрор миллий жилолари билан дунё мусиқаси майдонида алоҳида ажралиб туради.

“Ўзбек халқ музиқаси” ҳамда “Шашмақом” олти жилдигини халқ музиқаси бойлиги жамланмаси дейиш мумкин. Ундан “Ушшоқ”нинг Самарқанд ва Қўқонда кейинчалик “Шашмақом” асосида яратилган намуналари ҳам жой олган. Юнус Ражабий нашр эттирган мақом китобларига киритилган “Ушшоқ” туркуми 27 та ашулани ташкил қилган. Бунга унинг шоғирди Фаттоҳхон Мамадалиев киритган Фарғона водийсида айтилган 3 та “Ушшоқ” ашуласини қўшсак, улар сони 30 га етди.

Муסיқа соҳасидаги энгил-елпи изланишлар, “экспериментлар” ўткинчи шамолдек барҳам топади, аммо ҳақиқий миллий муסיқа мангу яшаб қолади. Бунинг исботи шуки, Юнус Ражабийнинг “Кошки”, “Куйгай”, “Ёр келди” сингари ашулалари дардли муҳаббат, ишқ таронаси ўлароқ ҳамон яшаб келяпти.

Юнус Ражабий Навоий ғазалиётидан 150 та мумтоз ашулани нотага олди. “Дугоҳ”, “Сеғоҳ”, “Ироқ” мақомларидаги сараҳборларига ҳам Навоийнинг энг гўзал ғазалларидан куйларга мосини танлади.

Юнус Ражабий мақом санъатини тиклаш баробарида уни халқ орасида кенг тарғиб этиш йўлида ҳам катта ишларни амалга оширди. “Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат кўмитаси қошидаги Мақом ансамбли ижросида “Шашмақом” ашулаларини шоғирдларимга ўргатиб, ашулаларни магнит ленталарига, грампластинкаларга кўчиришга муваффақ бўлдим”, деб ёзган эди у ўтган асрнинг 70-йилларида.

Муסיқашунос Илёс Акбаров ҳам мақомларидан бирида худди шу масалага тўхталиб, бундай дейди: “Республика радиоси ва телевидениеси қошидаги мақомчилар ансамбли ижросида “Шашмақом”нинг мушкilot ва наср қисмлари тўла-тўқис граммафон пластинкаларига ёзиб олиниши Устозга катта сўхрат келтирди” (“Санъат” журнали, 1987 йил, 3-сон).

Хуллас, Юнус Ражабий илк қадам сифатида ўтган асрнинг 20-30-йилларида

В.Успенский, Н.Миронов, Е.Романовская фаолиятида кўринган миллий мусиқа фольклоршунослигини юксак чўққига кўтарди, кенг қамровли ижодий фаолиятга айлантирди ва халқимизга ажодларнинг ўлмас мусиқа бойлигини бебаҳо мерос қилиб қолдирди.

\*\*\*

Юнус Ражабий миллий мусиқа меросимизни тиклаш ва тарғиб этишга ўзини бағишлади. Аммо собиқ шўро тузуми шароитида у қаттиқ синовларни ҳам бошдан кечирди. 1932 йили Ўзкомпартия Марказкомининг "Маданий фронт ҳақида" номли қарори эълон қилинди. Қарорда ўзбек миллий чолғулари "примитивщина" деб аталиб, улардан воз кечиш масаласи қўйилди. Бу партиявий ҳужжатда миллий чолғу асбобларимиз устидан "феодализм даври мусиқаси ва Ўрта Осиё кўчманчилигининг қолдиғи" деб ҳукм чиқарилди. Пировардида, ўзбек халқ чолғу асбобларини Оврупо чолғу асбоблари товушларига яқинлаштириш, ўзбеклар мусиқий ҳаётига Оврупо скрипкасини киритиш, сурнай билан буламонни "қайта яшаш учун Москвага юбориш" вазифаси белгиланди. Мақом куйлари "сарой мусиқаси" деб қораланди ("Ўзбекистон шўро адабиёти" журнали, 1932, 3-сон, 103-104-бетлар). Ушбу сиёсий қарордан кейин вазият кескинлашди. Бироқ Юнус Ражабий ўз йўлидан қайтмади ва Ўзбекистон радиоси қошидаги миллий чолғу ансамбли ҳамда чолғу созларимизни сақлаб қолишга бор куч-ғайратини сарфлади, миллий куй ва ашулаларни, халқ кўшиқларини радио орқали тарғиб этиб борди. Миллий чолғуларимизда ижро этувчи созанда ва хонандалар устоз санъаткорга астойдил суюниб ижод қилишди, Юнус ота ёш санъаткорларни тинимсиз рағбатлантириб, руҳлантириб турди.


1951 йилнинг 8 апрелида "Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи ва уни келажакда янада ривожлантириш чоралари ҳақида" деб аталган янги партиявий қарор чиқди. Аслида, ушбу қарорда "мусиқани ривожлантириш ва унинг келажаги" тўғрисида гап борса-да, шу ҳужжатга суюнилган ҳолда 1953 йил Ўзбекистон радиоси қошидаги

халқ чолғу асбоблари ансамбли фаолияти тўхтатилди. Радиода анъанавий халқ ижрочилиги "овози" сўнди ва ўзбек миллий куйлари ўрнига "Улуғ оға" бастакорларининг асарлари ва кўшиқларига кенг ўрин берилди.

Орадан бир неча йил ўтиб, бу тақиқ янглиш тадбир эканини ҳаёт кўрсатди. Аҳволни тузатиш учун яна радиого Юнус Ражабий чорланди ва бу ерда унга халқ чолғу асбоблари ансамблини қайта тиклаш вазифаси топширилди. Атоқли санъаткор ансамблини йигиб, уни ёшлар ҳисобига кенгайтириб, шу билан бирга, замон талабига биноан ансамбль репертуарини замонавий кўповозли – хор асарлари билан бойитиб, ўзбек халқ чолғу оркестрини ҳам тузди. Кейинчалик бу оркестрга Дони Зокиров, Тельман Ҳасанов, Хайри Изомов, Озод Расулов, Мустафо Вафоев каби истеъдодли бастакор ва дирижёрлар ишга келиб, Юнус Ражабий йўлидан бориб, миллий мусиқа асарларини оркестрга мослаштириб қайта ишлаш тажрибасини ривожлантирди.

Юнус Ражабий эса радио қошида янги ижодий ғуруҳ – Мақом ансамблини ташкил этди. Шу йўсинда мақом ижрочилигини фаол йўлга қўйиш ишига берилиб кетди. Мақом ансамбли унинг учун ижодий лаборатория вазифасини ўтади десак хато бўлмайдди. У халқ мусиқа бойлигини мақом ансамблидаги 40 нафарга яқин шогирдига ўргатиш баробарида барча мақом асарларининг 25 соатдан ортиқ энг биринчи тажрибавий ва намунали ижро ёзувларини ҳам ўзбек радиоси фондида грамдискларда муҳрлаб, мерос қилиб қолдирди. Унинг йўриғи билан "Шашмақом" ҳақида фильм яратилди, халқ ўртасида ва телевидениеда дам-бадам мақом концертлари берилиб турди. Устоз санъаткор умрининг сўнгигача ижоддан тўхтамади. Халқимизнинг улкан фарзанди, мусиқа санъатимизнинг алп намоюдаси Юнус Ражабий 1976 йилнинг 23 апрелида вафот этди.

Санъаткор хотираси мустақиллик йиларида юксак даражада эъзозланиб, 2000 йилда Президентимиз фармонида биноан Юнус Ражабий "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.



Мана, қарийб бир асри, бу нафис, эзгин нола ҳофизлар тилидан тушмайди. Унинг наволари ҳар кўнгилга манзур. Ҳалима Носирова, Таваккал Қодиров каби машҳур муғаннийларнинг хониши барчанинг ёдида. Аслида, Фурқатнинг бу мусаддаси, куй басталанмаганида ҳам, мумтоз шеърятнинг сара намуналаридан бири сифатида шоир девонидан муносиб ўрин эгаллаб тура берар, ўқиган мухлис ундаги нолалардан мутаассир бўлиши тайин эди. Аммо улуг Ҳамза бу шеърга ҳазин ва эзгин руҳли бир куй пайванд этди, қўшиқ элга манзур бўлиб, ўзбекнинг севимли ашуласига айланди.

Ушбу шеърнинг ёзилиш тарихи борасида баъзи тахминлар юради. Биз аввало шу муаммони қўлдан келганча ойдинлаштиришга уриниб кўрайлик.

Маълумки, ғазал бўлсин, мухаммасу маснавий бўлсин, охирида шоир тахаллуси дарж этилади. Ушанда ҳам кўп адиблар исмини ўта зарофат билан, қолаверса камтарлик юзасидан мисра мазмунига “едириб” юборади, тахаллуснинг байт маъносига пайваста бўлиб кетиши эса (“Мен дедим ғурбатта фурқат бор экан тақдирда”) ўқувчининг завқини янада зиёда қилади. Аммо “Сайдинг қўябер, сайёд...” мусаддаси сўнгиде “Фурқатда бу Саъдулло ҳайронаға ўхшайдур” деган жумла келади. Гўё, шеърни фурқатда юрган Саъдулло деган одам ёзгандек, ёки овчи домига тушган сайд – Саъдуллодек.

Шоир “Танланган асарлар”ини нашрга тайёрлаган Холид Расулнинг фикрича, “Бу мусаддасни Фурқат Тошкентда 1889-91 йиллар орасида ёзган. Тошкентлик қария,

1890-91 йилларда Фурқат билан бир мадрасада яшаган ва уни чет элга кетиши олдиндан кузатиб кўйган Солиҳ хожи ота Инъомов бу мусаддаснинг ёзилиш тарихини шундай баён қилади: Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида Абдулла булбул деган ҳофиз ўтган. Унинг укаси Саъдулла бир ўртоғи ҳамда оқмаскидлик Улуғхўжа, қатортераклик Акбар оқсоқол, олмазорлик Аҳмаджон деган асбжаллоблар билан бирга Саидазимбойнинг Салор ёнидаги боғига чиқишган. Улфатлар орасида низо чиқиб, жаллоблар Саъдулланинг бўйнига сиртмоқ солиб судрашган ва уни Салор сувига чўктириб ўлдиришган. Фурқат бу воқеани эшитиб, мутаассир бўлган ва шу шеърни ёзиб, унинг охириги – яқунловчи бандига Саъдулланинг исмини кўшган. Солиҳ ота Фурқат бу шеърни Шайхонтохурдаги Эшонқул додхоҳ мадрасасида ёзганини айтади" (Фурқат. Танланган асарлар. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, Т., 1958, 192-бет).

Шу ўринда асарнинг бир шаклий ўзига хослигига тўхтаб ўтиш жоиз. Аксар мусаддаслар "а+а+а+а+а", "б+б+б+б+а" шаклида қофияланса, "Сайдинг кўябер, сайёд..." да бу тартиб "а+а+а+а+а", "б+б+б+а+а", "в+в+в+а+а" тарзини олади; етти банднинг барчасида "Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёрв экан мендек // Куйган жигари-бағри садпора экан мендек" деган байт қайтарилиб келади. Таржиъбандда ҳар тўртликдан сўнг бир мисра такрорланса, бунда ҳар банд охирида ўша байт қайтарилади. Банд мисралари сонига кўра, бу асар – мусаддас, қофияланишига кўра таржиъбанддир.


Фурқат аъъанавий аруз йўлларини бирмунча бойитишга ҳаракат қилган новатор ижодкор эди, юқоридаги ҳол ҳам буни далиллайди. Шундай экан, ўша фожиали воқеадан таъсирланган ҳолда зўрлик қурбони бўлган Саъдулла исмини асарда эскартиб кетган бўлса эҳтимол. Зеро, шоир Тошкентда яшаган чоғида публицистика билан ҳам шуғуллангани, "Туркистон вилоятининг газети" да фаолият юритгани маълум.

Солиҳ хожи ота айтган воқеа бу шеър ёзилишига туртки бўлиб, сўнгги бандда шу ҳодисага ишора бор десак, ўтмиш ғазалчилигимиздаги "бегона байт" ҳодисаси ёдга тушади – айрим шоирлар ёрни тараннум этатуриб, асар мазмунига деярли алоқаси бўлмаган, аммо ўз ҳаётига тааллуқли, кўнглини ўртаган гапни бир байтда ифодалаб, уни асарга кўшиб юборади. Чунончи, Навоийнинг "Келмади" радифли ғазалидаги "Толиби содиқ топилмас" деб бошланувчи байт мазмунан ғазалга жилла сингишмайди, лекин шоир қай бир садқотсиз шогирд ё бевафо дўстан шикоят қилаётгани сезилади.

Аслида, ҳар бир ҳақиқий асар ўқувчига турли даврларда турлича таассурот беради. Чунончи, "Сайдинг кўябер, сайёд..." мусаддасининг ёзилиш сабаби борасида бизнинг фикримиз Халид Расул домланинг юқорида дарж этилган фикридан, шунингдек, бу мавзуда қалам тевратган А.Қаюмов, Ш.Юсупов, Н.Жабборовлар талқинидан бошқачароқ. Бизингча, Фурқат асаридagi сайёд – Туркистон генерал-губернатори Кауфман, унинг домига илиниб, қутулиш йўлини топа олмаётган бечора сайд эса Худойрхондир. Фурқатшунос Шариф Юсупов "Худойрхон ва Фурқат" рисоласида шоирнинг сўнгги Кўқон хонига доимо хайрихоҳ муносабатда бўлиб келганини далиллаган. Шоирнинг хонга бундай муносабати тушунарли. Зеро, нима бўлганида ҳам, Худойрхон мамлакатнинг охириги ҳукмдори эди, унинг тахти кулаши барибаради юрт мустамлакачилик исканжасига тушган, хоннинг тақдири эса аянчли яқун топган.

Чор истилоси натижасида Худойрхон нафақат тахтидан, балки эркидан ҳам айрилган. Ҳатто ҳаж сафарига жунашга рухсат беришини кутиб, ўлканинг янги хожаси – Туркистон генерал-губернатори хузурига кириш умидида кўп кунлар сарғайиб ўтирган. Аммо хоннинг сўнгги илтимоси ҳам рад этилиб, ҳаж ўрнига Оренбургнинг аллақайси пучмоғига сургун қилинади.

Табиийки, хоннинг кенжа ўғли Фансуруллога дўст тутинган ва умуман Худойрхон оиласига доимо хайрихоҳ бўлган Фурқат бу воқеалардан яхши хабардор эди.



Фурқат

"Фурқатнинг Қўқон хонлиги сўнги даври ва сўнги хон Худоёрхон ҳақидаги деярли барча асарларида шоирнинг бу ҳукмдорга эътимоди, унинг фожиали қисматидан қаттиқ изтироб чеккани шундоққина сезилиб туради", деб ёзган эди профессор Шариф Юсупов (Юсупов Ш. *Худоёрхон ва Фурқат*, Т., 1995, 68-бет). Ижозат бўлмагач, Худоёрхон яширин равишда ҳажга жўнайди, сўнг берухсат чиқиб кетгани учун Кауфманга узр айтиб, Қўқонга қайтишга изн сўрайди, сиёсий фаолиятга аралашмасликка ваъда қилади. Бироқ мурожаат жавобсиз қолади – хоннинг ватанга қайтиши мақбул эмаслиги сездирилади. Сўнгроқ Худоёрхон яна ариза беради, бу гал мурожаат сенатда кўриб чиқилиб, ижозат этилади. Аммо бундан беҳабар хон кута-кута толиқиб, таваккал дея Қўқонга жўнайди-да, йўлда касалланиб вафот этади.

Ватанжудолик аламларини олдиндан сезгандай, ўзига Фурқат деб тахаллус танлаган шоир дилига эркисиз, фироқда юрганларнинг изтироблари яқин эди – ушбу мусаддаснинг ёзилишига шу ҳам туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Эътибор қилсак, Худоёрхоннинг оиласи, фарзанду яқинлари Кауфман қўлида қолган, уларнинг тақдирини ҳам энди ана шу босқинчи ихтиёрида, демак, хон овчи домига тушган сайд ҳолида эди:

*Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйинини боғлабсан,  
Ҳар сари чекиб-судраб, ўлдургани чоғлабсан,  
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,  
Сот менга, агар қасдинг олгувчи сўроглабсан,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.*

Ўтмишда кийик овлаш асосий ов тури бўлганидан, "сайёд" сўзи тилга олиниши биланоқ ўлжа кийик деб тушуниладиган бўлиб қолган. Бу асарда ҳам лирик қаҳрамон овчига айнан кийикни қўйиб юборишни сўраб ялинади:

*Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,  
Охулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,  
Ёмғур суви тўлганда, тоғлолани жом этсун,  
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун.  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.*

Лирик қаҳрамон шу бандда мазлум оҳуға ачиниб, унинг забун ҳолини тасвирлаб, сайёдни инсофга чорлаб, "агар раҳм қилиб қўйиб юборишни истамасан, унда сот менга" дея кескин талаб қўйиб, ниятини айтиб тамомлайди. Асар мазмунан ҳам шу билан якунланади. Аммо ундан кейин келган еттинчи бандда мазлумнинг ҳоли яна тасвирлана бошлайди:

*Йўқ ҳуши, пари теккан девонага ўхшайдур,  
Кўзёши яна тўлган паймонага ўхшайдур  
Ғам сели билла кўнгли вайронага ўхшайдур,  
Фурқатда бу Саздулло ҳайронага ўхшайдур.  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мандек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.*

Бизнингча, бу сўнги банд – “бегона байт”га монанд “бегона банд”дир. У, бояги Саъдуллога бевосита аталган бўлса, эҳтимол. Аммо шунда ҳам мисра қандай ўқилишига қараб мазмун ҳар хил товланади: Саъдулло фироқда ҳайрон. Агар бунда сувга ташлаб ўлдирилган Саъдулло ҳақида гап кетяпти десак, унинг нега фироқда эканини тушуниш қийин. Чунки Фурқат тахаллусни деб мазмунни қурбон қиладиган шоир эмас. Ёки, Саъдулло сўзи луғавий талқинида – худонинг бахтлиси (подшоҳ) маъносида келган бўлса-чи? Бу мусаддас шоир юртдан кетганидан сўнг ёзилган бўлса, унда Саъдулло шоирнинг фироқда қийналган бирон ватандоши бўлиши ҳам мумкин. Бу мисрадан Фурқат (Фурқат-да) ана шу ҳайрон юрган Саъдулло каби аҳволда, деган маъно ҳам чиқиши мумкин.

\* \* \*

Ушбу мусаддаснинг ёзилиш тарихига оид мулоҳазаларни шу билан хотималаб, дастлабки олти банддан иборат марказий қисм мазмунига ўтайлик. Унда сайёд домига тушган жониворга азоб бергани тасвирланиб, лирик қахрамон овчидан шўрликни озод қилишни сўрайди.

Ҳеч бир асар ёки унинг бирон жиҳати (жумладан образлари ҳам), шунчаки, тасодифан юзага келмайди. Шоир нима учун мазлумни кийик сифатида тасвирлайди? Овчи, кийик ва лирик қахрамон ўртасидаги боғлиқлик тيرانроқ тадқиқ этилиши даркорга ўхшайди.

Шоирга бунда нима туртки берганини аниқлаш учун ўқувчи диққатини яна бир қўшиққа тортамыз. Маълумки, Фурқат яшаб ижод этган даврларда эл ичида “Кийик” деган бир ашула жуда машҳур эди. У аслида назмга солинган бир ривоят, кичик достон бўлиб, давраларда, базмларда кўп айтилган. Бу кўшиқнинг шуҳрати шу даражада эдики, атеизм хуруж қилган 20-30-йилларда “Кийик”ни (шунингдек “Алиқамбар”, “Амири Ҳамза”ни ҳам) қуйлаш тақиқланган, уни айтган хонандалар таъқиб қилинган. Чунончи, Ҳожихон Болтаевнинг укаси Нурмамат Болтаев бир даврада “Алиқамбар”ни айтгани учун қамалиб кетган. Ҳозир айрим ҳофизлар “Кийик”дан қолган парча-пурчаларни баҳоликудрат тиклаб, айтишга ҳаракат қиляпти.

Бу кўшиқда болаларини инида қолдириб, ўтлаш учун яйловга чиққан бир кийикни овчи тутиб олгани, оху ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, кўйиб юбормагани, “болаларим билан видолашиб, қайтиб келай” деб айтса ҳам рухсат бермагани, шу чоғда саҳрода сайр қилиб юрган Расули ақрам тасодифан келиб қолиб, овчидан уни озод қилишни сўрагани, сайёд кўнмагач, кийик қайтгунича унинг ўрнига ўзи банди бўлиб тургани, кийик ҳам ваъдага вафо қилиб, болалари билан ризолашиб қайтиб келгани, шунда улуг пайғамбар билан ожиз кийикнинг ўзаро меҳр-оқибатини кўрган овчининг қалби юмшаб, дилига имон кириб, исломни қабул қилгани каби воқеалар қуйланади. Кийик тортган азоблар, расулуллоҳнинг овчини инсофга чорлаб айтган сўзлари ашулада хийла таъсирчан берилган.

Фурқат эса қалбан ниҳоятда ҳассос шоир эди. Аксар одамлар шунчаки эшитиб кета берадиган куй ва ашулалардан унинг қанчалар завқёб бўлганига “Нағма хусусида” икки шеър, “Юнон мулкида бир афсона” асари гувоҳ:

*Манга ул нағма андоқ қилди таъсир,  
Жигардин ўтти гўё тез пар тийр.*

*Ўшал дам бўлди ҳолатим дигаргун,  
Тулиб-тошти юрак монанди Жайхун.*

*Кўнгул эрди агарчи санги пора,  
Эриб, кўздин сирिशк урди фавора...*

Фурқатнинг "Кийик"даги фарёддан айрича таъсирлангани ва шу ҳаяжон уни "Сайдинг кўябер, сайёд..."ни яратишга ундаган бўлиши ҳақиқатга яқин. "Кийик" воқеалари бадиий тўқимага, жонлантиришдай бадиий воситаларга асосланади. Шу орқали қабиҳликдан тийилишга, ўзгага озор бермасликка даъват этилади. Лекин шоир "Сайдинг кўябер, сайёд..."да "Кийик"нинг бутун матнини эмас, битта лавҳасини – лирик қахрамоннинг бераҳм сайёдга хитобини олиб, унга поэтик жило берган. Фурқат кийикнинг забун ҳоли, бандиликка тоқати йўқлиги, ҳаётдан завқланиб, яйраб яшашга ҳаққи борлиги каби маъноларни зўр бадиий куч билан акс эттирган. Агар кўшиққа солинган шу ривоят Фурқат асарининг ёзилишига туртки бўлган бўлса, унда сайёдга хитоб этаётган одам – шоирнинг ўзигина эмас, аввало пайғамбар алайҳиссалом экани мантиқан ойдинлашади.

"Сайдинг кўябер, сайёд..."да бераҳм сайёдга хитоб қилаётган лирик қахрамон сифатида пайғамбаримиз кўзда тутилган, деган мулоҳазамиз ўринли деб топилса, Фурқатнинг бу мусаддаси ўзбек адабиётида Оллоҳнинг расули тилидан битилган асар сифати билан фавқуллодда аҳамият касб этади.

\*\*\*

Лекин шу ўринда, лирик қахрамон сайёдга ҳар хитоби якунида (ҳар тўртлик якунида) "Ҳижрон ўқидан жисми кўп ёра экан мендек // Куйган жигари-бағри садпора экан мендек" деб такрорлайди, бунинг пайғамбаримизга қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин.

Гап шундаки, диний нақлларда бу дунёда энг кўп балою офатлар аввало пайғамбарларга берилиши нақл этилган. Чунончи, "Қисаси Рабғузий"да алмисоқда Оллоҳ таоло энг катта балоларни пайғамбарларга юборишини (ва бу балоларни беришда ўзи пайғамбарлар билан бўлишини) иноят қилган. Дарҳақиқат, барча пайғамбарларнинг ҳаёти азоб-уқубат билан ўтган. Жумладан, туғилмасидан аввал отаси, гўдаклигида онаси вафот этиб, болалиги қариндош-уруғларининг эшигида ўтган, ўспиринлик чоғидан меҳнатга киришган, исломга даъват этиши биланоқ сонсаноксиз душманлар пайдо бўлиб, қувғин қилиб, ҳаётига қасд қилиб, турли бўҳтонлар таққан, ҳатто баъзи яқин қариндошлари уни ўз душмани деб билган, оқибатда туғилган шаҳридан кетиб, бир умр бошқа шаҳарда яшашга мажбур бўлган Расулulloҳ лирик қахрамон сифатида тақдим этилиб, унинг тилидан "Куйган жигари-бағри садпора экан мендек" дейилса, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

Албатта, лирик қахрамон айна чокда шоирнинг ўзи ҳам. Ватан ҳажрида куйиш ва ватанжўлик Фурқат ижодида ҳам, Бобурда бўлгани каби, алоҳида бир мотивдир. Эл-юрт фироғида дили ўртаниб, қайтиш йўлини топа олмаган Фурқатга "Кийик"даги изтироблар айрича таъсир этгани табиий.

Чунончи, овчи домига тушган кийикнинг маконига бориб келишига рухсат беришни сўраб тавалло қилгани, бироқ зolim сайёд бунга кўнмагани Фурқатнинг ватанига қайтишига йўл бекилганини – чор маъмуриятининг махсус идоралари ижозат этмаганини ёдга олсак, ҳар банд сўнгида шоир кийикка ишора қилароқ, "Ҳижрон ўқидан жисми кўп ёра экан мендек // Куйган жигари-бағри садпора экан мендек", дея такрор-такрор оқ чекишга ҳақли эди. У ҳолда Фурқат бу мусаддасни Тошкентда, ҳали ватанда яшаб турган чоғида эмас, фироқ аламларини чекаётган жойда – хорижда ёзгани ҳақиқатга яқин бўлади...

\*\*\*


Фурқатнинг мазкур мусаддаси ҳақидаги мулоҳазаларни шу билан якунласак ҳам бўлар эди. Аммо изланишлар бу асарнинг илдизи юқорида қайд этилган

воқеликлардан анча ичкарида эканини – сайёд, сайд ва лирик қаҳрамон учлиги бундан минг йил аввал ҳам мавжуд бўлиб, адабиётимиз тарихининг турли даврларида бу образлар ва улар орасидаги муносабатлар анча ранг-баранглик касб этганини кўрсатди. Қарангли, унинг келиб чиқиши машхур "Лайли ва Мажнун" достонига бориб туташар экан (*Бу фикр проф. Ҳоди Зарифга тегишли. Қаранг: Зокиржон Фурқат. Мақолалар тўплами. 1959, 94-бет*).

"Лайли ва Мажнун" достони Олд, Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиё халқларининг ёзма ва оғзаки бадиий обидаси бўлиб, унда VII аср охири – VIII аср бошларида яшаган Мажнун лақабли Қайс ибн Муоднинг фожиали муҳаббати куйланади. Араб тилида битилган ёзма манбаларда Қайснинг фавқуллодда истеъдодли шоир бўлгани қайд этилади, аммо унинг Лайлига ишқи ҳақида ҳеч гап йўқ. Бу сюжетни ривожлантирган форс ва туркий халқлар адиблари эса шоирни руҳлантирган ана шу фожиали муҳаббатга урғу берганлар. Низомий Ганжавий Мажнун ҳақидаги барча ёзма ва оғзаки манбаларни тўплаб, илк "Лайли ва Мажнун" достонини битган. Ундан кейин бу мавзуга кўл урган форс ва турк шоирлари – Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий ва бошқаларнинг достонида айна сюжетга баъзи жузъий ўзгаришлар киритилган", деб ёзган эди профессор Хусайн Кўрўғли (*Краткая литературная энциклопедия. Т. IV, стр. 98-99*). Жумладан, Фузулий нафақат сюжетга, балки асар шаклига ҳам янгича ёндашиб, маснавий шаклини сақлаб қолиш билан бирга, унга газал ва соқийномалар қўшган. Фузулийдан илҳомланган Андалиб достонида эса насрий ва шеърий парчалар аралаш келади. Кейинчалик асар фольклорга ҳам кўчиб ўтди. Бу ўлмас ишқ қиссаси "Ошиқ Ғариб ва Шохсанам", "Тоҳир ва Зуҳра", "Асли ва Карам" сингари ўнга яқин лирик дoston ривожига катта таъсир қўрсатган.

Дарҳақиқат, "Лайли ва Мажнун"нинг Низомий томонидан ишланган сюжетини Дехлавий, Жомий, Навоий, Фузулий, Андалиблар такрорлади. Муштарак сюжет ва бир хил қаҳрамонлар, қолаверса, аксар ижодкорларнинг Шарқ назирчилигида урф бўлган бир хил вазн билан жавоб қайтариши туфайли бу кўплаб "Лайли ва Мажнун"лар орасидаги фарқни дафъатан англаш мушкул. Бироқ конкрет лавҳаларни ўзаро қиёслаш ҳар бир ижодкор ушбу аъъанавий дoston устида ниҳоятда катта меҳнат қилганини кўрсатади. Бу қиёс, шунингдек, сўз санъатининг бутун тараққиётига хос бўлган бир қонуният – эпик баён матнида лирик унсурларнинг пайдо бўлиши ва даврлар оша кучайиб бориши айна дostonга ҳам тааллуқли эканини намоеён қилади. Чунончи, ҳаёти фожиали кечган истеъдодли шоир Қайс ҳақидаги нақлга кейинчалик соф лирика маншаъи – ишқ мотиви олиб кирилади ва бу ишқ-муҳаббат жазбаси асардан асарга ортиб боради: эпик тасвир эса бора-бора иккиламчи даража касб этиб, лирик лавҳаларни ўзаро боғловчи восита ролини ўйнайди – бир хил вазндаги маснавий ўрнини эса, аввал айтилганидай, газалу соқийномалар – соф лирик жанрлар кўпроқ эгаллайди.

Фурқатнинг "Сайдинг қўябер, сайёд..." мусаддасига шу жиҳатдан назар ташласак, у даштда юрган, ишқ дардидан саҳроларга ҳам сизмай навҳа чекаётган Мажнуннинг шу чўлда бир кийикни домга тушириб, уни сўйишга чоғланаётган сайёдга хитоби экани аён бўлади. Чунончи, XVIII асрда яшаган Андалиб бу аъъанавий хитобни беш бандлик мухаммас шаклида беради: "...Бир Сайёд бир гавзанни домига илдуруб, бошини кесарман бўлиб турганда, Мажнун устига етиб бориб, айди: – Эй Сайёд, бу жониворни ўлдурма, озод қилгин, – деб. Сайёдга қараб, бир сўз деди:



Андалиб

Сайдинг қўябер сайёд, дилпора экан мандак,  
Чўлларни кезиб юрган сайёра экан мандак,  
Сартосари ҳижрондан ҳам ёра экан мандак,  
Саргашта ғариб бўлган овора экан мандак,  
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Ўлдурмак учун ханжар ҳар дам қиласан анғез,  
Тут пандими гар бўлсанг хайрни йўлга оmez,  
Қуръонда битикликдур: исъён улуги – хунрез,  
Ешқин расанинг сайёд, жуфтига қўшулсун тез,  
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Бешкун сани даврингда бечора хиром этсун,  
Кўнгулдаги ғамларни юз қайта ҳаром этсун,  
Ҳар қайда қадам тортиб, йўл топса мақом этсун,  
То тоқати тоқ ўлмай, ёрига салом этсун,  
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Хез айласун ул жонвар, охудақ уруб жуфтақ,  
Борсун бу сифат оқиб, кетсун ёнибон ўтдақ,  
Ғам-ғуссадин айрилсун, жавзода битон тутдақ,  
Бир-бирига қўшулсунлар Ҳорут ила Морутдақ,  
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Ишқ офатидин, Мажнун, жўлидаи сардурман,  
Авзоини эл билмас, аҳволи дигардунман,  
Гўёки қиёматлик ман санга биродарман,  
Бир бандани озодин, топтинг савобини сан,  
Ол доминги бўйнидин, бечора экан мандак.

Аммо Сайёд, Мажнундин бу сўзни эшитиб, айди: – Эй девона, сўзингни қабул қилур эрдим, кўп қашшоқман ва кўп бачаларим бор. Муни элтиб, аларга қут қилурман, – деди. Аммо Мажнун, Навфал берган силоҳларни бобойи Сайёдга бериб, гавзанни бандипойини ешиб, орқа-бошини силаб, қўя берди. Мажнун "Вой, Лайли" деб қарс уруб, равона бўлди. Ул гавзан ҳам, орқасидан эргашиб юрур эрди. Они кўриб, бир неча гавзанлар ҳам Мажнундан ҳазар қилмай, гирдинда юрур эрдилар..." (Ўзбек адабиёти. 4-том, 2-китоб, Т., 1960, 195-196-бетлар).

Фурқат мусаддасининг илдиэларини қидиришни яна анахроник тарзда – охирги асардан бошлаб, ундан аввалгисига ўтиш тарзида олиб борадиган бўлсак, Мажнуннинг сайёдга хитоби Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида ўзгачароқ эканини кўраимиз:

...Кўрдики, бир овчи дом қурмиш,  
Домина ғизоллар юз урмиш.

...Кўнгулна қатиғ келиб бу бедод,  
Юмшоқ-юмшоқ деддики: "Сайёд!

Раҳм айла бу мушкбў ғазола!  
Раҳм этмазми киши бу ҳола?

Сайёд, бу нотагонни қийма,  
Қил жонина раҳм, жона қийма!

Сайёд, сақин, жафо ёмондур,  
Билмазсанмики, қона қондур?

Сайёд, мана бағишла қонин,  
Ёндирма жафо ўтина жонин!"

Сайёд деди: "Будур маошим!  
Очман овгин гедарса бошим.

Қатлинда бу сайдинг этсам иҳмол,  
Атфолу аёлима нўлур ҳол?"

Мажнун анга берди жумла рахтин,  
Пок айлади баргдан дарахтин.

Ул турфа газолинг очди бандин,  
Шод айлади жони дардомдин.

...Чун ул, башариятин унутди,  
Оху ҳам унинг-ла унс тутди.

Онинг сабаби-ла ҳам чўх оху  
Саҳрода онинг-ла тутдилар хў.

Навоийда ҳам Мажнуннинг бу гиряси анча шиддатли берилади, бироқ Навоий ҳамсачилик аъналаридан четга чиқмасдан, "Лайли ва Мажнун"ни салафлари сингари бир хил – ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазида ижод қилган. Аммо Навоийда овчи салбий эмас, ижобий образ бўлиб, исми Навфалдир. У бир куни мулозимлари билан ҳаво алмаштириш баҳонасида овга чиқади ва кийикларни эргаштириб юрган Мажнунга кўзи тушиб, у билан суҳбатлашади, изтиробларига ҳамдард бўлади. Зероки,

*Навфал доғи ишқ кўрган эрди,  
Ғам дашти аро югурган эрди.*

*Ул сайд қилурдин ўлди безор.  
Бу ишники билди, йиғлади зор.*

Аммо Навоийда ҳам Мажнуннинг сайёдга аччиқ гинаси йўқ эмас:

*Бу зулм ила ул ғизому бўлғай,  
Сендин бу сифат равому бўлғай?*

*Ҳақ берди буларга доғи жони,  
Ойини ҳаётдин нишони.*

*Гар урса тикан аёгинга реш,  
Кўнлунг аёгинг учун бўлур реш.*

*Бу неча рамида жонидин кеч,  
Бежурм гуруҳ қонидин кеч!"*

*Не мазлама ёйин ўлди қурмоқ,  
Ўқ чекмагу жониварни урмоқ?*

*Нафал кўруб ул каломи дурпош,  
Ер ўптию кўйди оллида бош...*

Навоийнинг "Лайли ва Мажнун"и билан бир вақтда – 1484 йил битилган Жомий достонидаги айни лавҳага назар ташлайлик:

*Дасташ бигирифту кард фаръёд,  
К-аз дасти ту дод мекунам, дод!*

*Аз кинаи халқ пок синаст,  
Бо сини а ў туро чи кинаст?*

*Ҳеч ар зи худот баҳрае ҳаст?  
Аз баҳри худо, бидор аз ў даст!..*

*Дар паҳлуи ў ба лутф жо кун,  
Дасти ситамат аз ў жудо кун!..*

*Дони, ки ба тавқи зар дарег аст,  
Пўлоддидо! Чи жои тег аст?!*

*Сайёд асири қайди ў шуд,  
Чун сайди гирифта сайди ў шуд.*

Мажнуннинг кийикка меҳрибонлигини Низомий шундай тасвирлаган эди:

*Мажнун чу расид пеши сайёд,  
Бикшод забон чу неши фассод.*

*К-эй он ки туро зи ман чудо кард,  
Маъхуз мабод чуз бад-ин дард!*

*К-эй чун саги золимон забунгир,  
Дом аз сари ожизон бурун гир!*

*Сайёди ту рўзи хуш мабинод,  
Яъне ки ба рўзи ман нишинод!*

*Бигзор, ки ин асири банди,  
Рўзе ду кунад нишотманди!*

*Гар тарси аз оҳи дардмандон,  
Баркан зи чунинг шикор дандон!*

*3-ин жуфтаи хун карона гирад,  
Бо жуфти худ ошьёна гирад.*

*Шукронаи ин чи мелазири,  
К-ў сайд шуду ту сайдири?*

Низомий "Лайли ва Мажнун" достонини 1188 йилда битган бўлса, орадан 111 йил ўтиб, Хусрав Дехлавийнинг "Мажнун ва Лайли"си дунёга келган. Икки асрча сўнг Жомий ва Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонлари юзага келди. 1536 йилда Фузулий, 1750 йиллар атрофида эса Андалибнинг шу номдаги ишқномалари пайдо бўлди. Умуман олганда, "Лайли ва Мажнун" мавзуида араб ва грузин тилларида биттадан, панжоб тилида 2 та, курд тилида 3 та, урдучада 8 та, туркий тилларда (ўзбек, турк, озар, туркман) 40 та, форс-тожик тилида 60 та дoston яратилган (ЎзСЭ. 6-жилд. Т., 1975, 263-бет).

Бу эса Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари сўз санъатида "Лайли ва Мажнун" ишқномаси жуда катта ўрин эгаллаганини, шу бир юзу ўн бешта дoston Шарқ бадиий оламида асрлар давомида Лайли ва Мажнун муҳити биринчи даражали мавқега эга бўлиб келганини кўрсатади.

Тўғри, "Лайли ва Мажнун"нинг барча қиссаларида сюжет муштараклиги, ишқ фожиаси каби умумийликлар бор. Аммо Лайли ва Мажнун қайғусини нақл этган ҳар бир шоир бу сюжетга ўз жамиятининг дардини, даврга хос муаммоларни олиб кирган, шунингдек, ўз шахсий дунёқарашини тақдим этган. Шу "индивидуал" ўзига хосликлар негизида ҳам даврлар оша муайян яқинликлар, ўхшашликлар намоён бўлади. Чунончи, дастлабки даврларда яратилган "Лайли ва Мажнун" матнларида эпик хоссалар етакчи бўлиб, уларда Мажнуннинг Лайлига муҳаббати ҳам бир в о қ е а тарзида, тафсилот тариқасида берилган бўлса, кейинроқ яратилган дostonларда ишқ асарининг ўзагини ташкил эта бориб, эпос ишқнинг тафсилотига айланади. Бинобарин, В.Белинскийнинг "Лиризм, сўз санъатининг алоҳида тури ўлароқ, ўз-ўзича мавжуд бўлгани ҳолда, адабиётнинг бошқа турларига ҳам кириб бориб, уларга ҳаёт бахш этувчи стихияга айланиди" (*Белинский В.Г. Разделение поэзии на роды и виды. Хрестоматия по теории лит-ры. М., "Просвещение", 1982, стр. 259*) деган қайди "Лайли ва Мажнун" дostonлари тараққиёти мисолида ҳам ўз исботини топади. Дарвоқе, бу дoston нақлининг ўн асрлик тараққиёти давомида Мажнун образининг эпик қаҳрамонлик хоссасини тарқатиб, лирик қаҳрамонга айлана бориши ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Биз кўриб чиқаётган "Сайдинг кўябер, сайёд..." хитоби дастлаб Мажнуннинг сайёдга мурожаати эди, аммо кейинроқ ёзилган дostonларда кийик ҳам, сайёд ҳам рамзийлашиб, оху – мазлум кимсанинг, сайёд эса бераҳм золимнинг тимсолига айланади; Қайснинг Навфалга беозор гинаси тобора шиддат касб этади ва хитобнинг мотиви жониворларга раҳмдилликдан ижтимоий мурасасизлик даражасига ўсиб чиқади.

Шу билан бирга, айсар "Лайли ва Мажнун"ларда сайёднинг лирик қаҳрамонга (Мажнунга) жавоби ҳам бор. Бунда сайёд, агар ўлжани қўйиб юборса, ўзи ҳам, бир этак боласи ҳам очликдан ўлишини айтиб, қилмишини оқлашга уринади (ва Мажнун унга бор бисотини бериб, охуни озод қилади). Бу – нақлнинг яна бошқа тармоғи. Гулханийнинг "Зарбулмасал"идаги "Тева билан бўталоқ" ҳикоятида ҳам шу каби ҳолга дуч келамиз. Бўталоқ онасига "Ҳоло, бераҳм онам // Куйдию ёнди, туташди танам", дея сут талаб қилади. Туя эса боласига "Кўрки, бурундик кишининг кўлида // Бу кишининг кўзлари ўз йўлида" дея чorasизлигини айтади. Ҳолокин, туякаш ҳам қашшоқ, юкни тезроқ манзилга етказмаса болалари оч қолади; мушкулотлар бири иккинчисидан келиб чиқади. Демак, "Лайли ва Мажнун" дostonида илк бор уч берган чorasизлик ва муҳтожлик занжирининг бир-бирига боғлиқлиги Гулханийда ҳам, бошқа бир вазиятга боғлиқ ҳолда, ривожлантирилган.

Мана шу ўринда адабий таъсирнинг ўта мураккаб ва кўп тармоқли характерда эканига шохид бўламиз. Тўғри, бевосита адабий таъсир деганда конкрет бир адиб асарининг иккинчи бир конкрет адиб асарига бевосита таъсири кўзда тутилади ва академик В.Жирмунский таъкидлаганидек, чинакам маънодаги адабий таъсир мана шудир (*Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. Л., "Наука", 1978, стр. 21*).

Аммо ҳар бир ижодкорнинг савод чиқарганидан бошлаб ўқиган ҳар бир китоби унинг адабий-бадиий савиясини шакллантиришда, дунёқарашини кенгайтиришда муайян ўрин эгаллашини кўзда тутсақ, "бир адиб асарининг бошқа бир адибнинг асарига таъсири"га қараганда умумадабий таъсирнинг кўламлироқ ўрин эгаллашига амин бўламиз. Шунингдек, адабий асар фақат бирламчи – бевосита тарзда эмас, иккиламчи тарзда таъсир этиши ҳам мумкин. Чунончи, сайёд, сайд ва ли-

рик қахрамон учлиги дастлаб "Лайли ва Мажнун" достонида юз кўрсатган бўлиб, у "Кийик" достонининг келиб чиқишига туртки берган бўлиши... Фурқатнинг "Сайдинг қўябер, сайёд..." мусаддасининг юзага келишида эса умумадабий муҳит билан бирга, ушбу конкрет икки асарнинг таъсири катта.

\*\*\*

Ва ниҳоят, "Сайдинг қўябер, сайёд..."даги кийик, овчи ва лирик қахрамон муносабатидан яна бир маъно келиб чиқишини айтиш керак. Бу – эрк ва ихтиёр масаласидир. Андалибда лирик қахрамон овчига қарата "Беш кун сани даврингда бечора хиром этсун" деса, Фурқат бу фикрни давом эттириб, "Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун" дея, дунёга ҳур ва озод келган ҳар бир махлуқот (ботинда кўзда тутилгани эса – инсон) туғилганидан то умри поёнигача эркин яшашга ҳақли экани, унинг ҳаёти ва фаолияти қафас шароитида ўтиши ноинсоний эканини бир қадар пардалаб айтган. Андалиб ва Фурқатлар замони – хону беклар даври эди, замона зўрларининг, амалдор ва бойларнинг айтгани тўғри, дегани ҳақ деб топилар, улар ҳазиб берган чизикдан ташқари чиқишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас, ўз ихтиёрича ҳаёт кечириш, айниқса, эркин фикрлаш номақбул саналар эди. Мана шунинг учун ҳам шоирлар дил ўртар туйғуларни рамзу ишоратлар билан ифодалашга мажбур эдилар. Кўрамизки, ҳар бир янги шароитда шоирлар сайёд, сайд ва лирик қахрамон учлиги орасидаги боғлиқликдан фойдаланиб, шу микрохудудга янги бадиий мазмун юклашга эришганлар ва бу давр учун энг долзарб бўлган янги фикрни олға суришга интилганлар.

Эҳтимол, кийик тутқун ва забун шароитда яшаб ҳам кетар, бир ҳовуч тупроққа қаноат қилиб, тувак ичида барг ёзиб, гуллайдиган ўсимликлар ҳам бор. Боринги, одам боласи ҳам муте бўлиб, доимо бош эгиб яшашга кўниб, умр ўтказар. Аммо инсоният ижтимоий дунёсининг энг латиф чечаги, бетимсол гўзал оҳуси бўлмиш бадиий адабиёт муте бўлиб, бўғиқ муҳитда кун кўра олмайди, хавотир исқанжасида вақт ўтказиш ва буни гўё "пардалаб" турадиган зўраки мадҳиябозлик эса уни хароб қилади. Адабиёт – миллатнинг ҳур, сарбаст овозидир, унинг стихияси эса фақат ҳур, озод муҳитдир. Эрк бўлмас экан, сўз санъати бўғилади, заифлашади ва йўқликка юз тутади.

Ўтмиш сўз санъаткорлари эркинликка зор бўлиб, бу интизорлик туйғуларини турли йўллар орқали ифодалаганлар; "Сайдинг қўябер, сайёд..." мусаддасини ана шу интилишнинг энг ажойиб намуналаридан бири, деб айтиш мумкин.

Наби ЖАЛОЛИДДИН



## INTIVON

### Маърифий ҳикоя

Ҳазрати Хожа асхоб ила Насафдан кайтаётир. Соғида хос халифаси Алоуддин Агтор.

Тун ярмидан оғтан, кўройдинлик кўкдаги ўрокмонанд олтин ҳилол учига илингандек. Сокинлик. Унга от-уловлар туёғидан таралаётган жарангдор товуш кушанда, холос...

Ҳазрати Хожа ҳамишадагидек мустағрик – ҳол авжида. Уни ҳеч бир сас ёҳуд шарпа андармон килолмайди. Аслида, пири комил энг қатта хавф паришонликда эканини яхши билди, буни муридларига ҳам такрор-такрор уқдирган. Хаёлни йиғиб олмоқ авлиёликнинг аввалидир, дейди гоҳо. Андоғки, паришонлик Ҳазрати Хожага бегона. Аммо айни дамда Муздохун мазори ёнидан ўтиб борарканлар, кўз олдида Хожаи Жаҳоннинг (Хожа Абдуҳолик Гиждувоний) нуруний чехраси намоён бўлди-да, ўз холининг аввалини, мазкур мазордаги сирли дийдорни эслади. Эсладию бағридаги олов чандон зиёдалашди...

Ўша кезлар – ҳолнинг аввалида Баҳоуддин ибн Муҳаммад жазба ғалабасидан

бекарор бўлиб кечалари Бухорони кезарди. (Бу иборани англамаганлар учун имкон қадар тушунтириш берсак: ҳолнинг аввали дегани – зуваласига Илоҳ ишки қорилган бўлгуси авлиёнинг мақом ва йўл топмаган сархуш ҳолига ишоратдир. Ундайин зот оромини буткул йўқотади, ихтиёрсиз равишда буюқ соғинча қоврилиб, бағри чин матнода лов-лов ёнади. Емайди-ичмайди, риёзат чекади, уйқуси хизмату хорлик бўлади. У фано даштида фонийлик истайди.) Гоҳо мазористон ичра қирар, қайси мазорга бормасин, ёниб турган мойчирокка рўбарў келаверарди. Аммо чирокнинг ёруғи ожиз бўлиб, пилиги хиёл кўтарилса авжлироқ ёна бошларди. Иттифоқо бир окшом Муздохун мазорига кирдию тагин пилиги ожиз милтираган чирокдонни кўрди. Қиблага юзланиб ўлтиргани ҳамоно беҳуд бўлиб, оёғи остидан замин, бўғзидан ҳаво, бошидан осмон кўчиб, муаллак қолди. Бир замон қибла девори ёрилиб, улкан тахт пайдо бўлди. Тахт

## КАШФУЛ ОЖИЗ

Баҳоуддин Нақибанд ҳақида ҳали биронта баъдий асар йўқ. Ул зотни сурату сирати фақат мақомату ривоятларда аён. Бизнинг ушбу машқимиз, иншооллоҳ, биринчисидир. Бу ишда биз ўша ривояту ҳикоятларга таяндик.

Ҳазрати Хожа "Пирсизнинг пири – шайтондир", деганлар. Уч мунаввар зот каминага устод мақомида эди. Худо раҳматли шахрихонлик соҳиби иршод Зухриддин эшон бува "Хаёлини йғиб олиш авлиёликнинг аввалидир", дегувчи эдилар. (Ул зотни соғиндик.) Эшон бува ҳам Баҳоуддини Балогардон ҳақида кўп-кўп ҳикоятлар айтиб берган. Оташнафас шоиримиз Асқар Маҳкам эса (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) бизни рағбатлантириб, "Англаганимиз эваверши керак", дерди. Хаёлимизни йиға олдикми, билмадик, аммо англаганимизни ёзишга ва бақадри имкон замон руҳини синдиришига ҳам уриндик.

Ўша кезлар жаннатмакон устоз Нажмиддин Қомилев масъул даргоҳда ишларди. Иттифоқо шу идора ошхонасида у киши билан бирга ўтириб қолдик. Устоз то оқат келгунча "пинак"ка кетдилар. Кейинроқ англадикки, бу – истироқ экан. (Ошхонадаги турфа хуружи бир кўз олдингизга келтиринг.) Тановулдан сўнг идора боғида қисқа суҳбат қурдик ва устоз китобларидан ҳам кўп нарса ўргандик...

Биз – камтарин бир кашшофимиз (қолгани ўзингизга ҳавола). Ушбу битикни нажот йўлидаги ожизона бир уриниш деб билгайсиз.

Хато ва гуноҳларимизни Оллоҳ кечирсин!



Муаллиф

олдига яшил парда тортилган эди. Унинг атрофида қаторасига бир неча нуруний чехра киши ўлтирарди. Баҳоуддин улар орасидан Хожа Мухаммад Бобои Самосийини таниди. У сархуш эди, кўраётганлари ғайбдан эканини айни дамда англамаётган эса-да, нур ичра ажиб анжуман тузган жамоат лафзидан учган ҳар сўзни жон қулоғи ила тинглади.

Жамоат ичидан бир киши ўрнидан қўпиб, тахтга ишорат килди-да:

– Бу зот Хожа Абдуҳолик Ғиждувонийдир, Оллоҳ у кишининг сирини муқаддас килсин, ёнидагилар эса аларнинг халифалари эрур, – дея гап бошлади ва уларни бир-бир таништирди: – Бу Хожа Ахмад Сиддик, Хожа Авлиёйи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Махмуд Анжир Фағанавий, Хожа Али Ромитаний. – Сира Хожа Мухаммад Бобога етгач: – Бу зоти бобарокотни сен ҳаётлик чоғида топгансен. У сенга бир қулоҳ берган ва бошинга тушаётган балолар шу туфайли даф бўлмағини башорат килган эди. Қулоҳ Ҳазрати Азизондан ёдгорликдир, – деди.

Сўнг у жамоат номидан гапирди:

– Сўзларимизга диққат ила қулоқ сол.

Ҳазрати Хожаи Жаҳон айтадиларки, Ҳақ таоло йўлидан бормоқда бунга амал қилмай иложинг йўқ.

Баҳоуддин новча бўлганидан тиз чўкиб ўлтирса-да, жуссаси ўрта бўйли одамга киёслағудай эди. Ғайб оламидан таралган илоҳий нур унинг ок-сарикқа мойил юзида, бўйнида жилваланарди. Бирдан шуури тиниклашиб, кўриб турганлари руҳлар дунёсига мансуб эканини ғира-шира англади. Юрак уриши тезлашиб, тиззаси узра қўйиб ўтирган қўллари ихтиёрсиз титради. Хаёлида бир улуг орзу ўйғониб, қалбидаги журъат пинжиде забонига кўчди:

– Ўтинамен, аё кутби замон пири муршидлар, Хожаи Жаҳонга таъзим этмоқ ва муборак жамолига назар солмоққа ижозат беринг! – дея бош эгиб тавалло килди у.

Пардани кўтардилар: тахтда ўлтирган йирик гавдали, боши қатта, чиройли ок юзли, теваарагида камашик нур ўйнаган кутби замон – авлиё Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний кўринди. Баҳоуддин юраги бўғзига тикилгудай бўлиб салом берди. Ул зот ёйиқ табассум ила бош силкиб алик олди. Энди Баҳоуддиннинг юрак

уриши меъёрлашиб, вужудидаги титрок бо-  
назид ва қулоқларига ўқтам овоз урилди.  
Наздида, бу овозни нафақат у, балки жумла  
борлик эшитаётир. Овоз соҳиби Хожаи Жаҳон  
эди, у Баҳоуддинга шундай насиҳат килди:

– Ўғлим, Баҳоуддин! Сен Ҳақ таоло инъом  
этган ноёб истеъдод соҳибисен. Оламга маъ-  
рифат нурини ёйғувчи бу истеъдодинг пили-  
гини бир оз ҳаракатга келтирмоғинг лозим.  
Шунда йўлинг равшан тортиб, сирлар зухурга  
келади. Оллоҳнинг зикридан асло ғофил  
бўлма. Жумла махлуқотга холисаниллло хиз-  
мат кил. Бу билан Ҳаққа борадиган йўлни  
толасен ва унга эришасен. Аё Баҳоуддин!  
Ҳар замон ва маконда оёғингни шариат асос-  
лари узра қўйгин. Шунда амри маъруф ва  
нахий мункарга амал қилган бўласен. Сун-  
натларга тўлиқ риоя қил. Шариатни энгил  
тутма, бидъатлардан йироқ юр! Одамизот,  
хайвоноту наботот сендан хизмат кутмоқда.  
Сайру сулуқнинг аввали, ўртаси ва охирида  
Хизр алайҳиссаломдан қандай билиму усул-  
лар олган бўлсам, уларни сенга ўргатамен.  
(Баҳоуддин Накшбанд увайсий эди, яъни  
уни Хожаи Жаҳоннинг руҳи тарбият этган.  
Ҳазрати Хожа бир умр увайсийликдан насиба  
топган.) Кўпроқ зикри хуфияга диққатли бўл.  
Оллоҳнинг тавфиқи рафиқинг бўлин! Муста-  
фо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси  
шарифларини ўзингга пешво этиб ол. Ул зот-  
нинг ва улуг саҳобаларнинг, ривоналлоҳи  
алайҳим ажмаъин, асарлари ҳамда хабарлари-  
ни изловчи дағи ўрганувчи бўл!

Хожаи Жаҳон сўзини тамомлагач, Хожа  
Мухаммад Бобо деди:

– Кўраётганларинг ҳақ эканига далил шу-  
ки, сен эрталаб мавлоно Шамсуддин Олбаш-  
канавий олдига борурсен ва Турк билан Сақко  
орасида муомала бўлиб, сиз Сақко тарафида-  
сиз, аммо Турк ҳақдидир, деб айтасен. Агар  
Сақко сенга қўполлик қилса, “Эй Сақкойи  
ташна”, дейсан. У бу сўзнинг сирини билади.  
Иккинчи далил шуки, у бир аёл билан зино  
қилган ва натижада валади зино пайдо бўлган.  
Аёлга болани туширишни буюриб, алқисса,  
унинг ховлисидаги ток тагига кўмган.

Сўнг жамоатдан бир киши яна деди:

– Бу гапни Мавлоно Шамсуддинга етказ-

ганингдан сўнг, эртасига уч дона майиз олиб,  
Реги Мурда (Ўлик кум) орқали шитоб На-  
сафга – Саййид Амир Қулол хизматиға ра-  
вона бўласен. Пуштаи Қароҳунга (Қароҳун  
тепалиги) етганингда сенга бир қария дуч  
келади. У битта иссиқ нон ҳады қилади. Нон-  
ни оласен. Қария ила асло сўзлашмагайсен.  
Ундан ўтиб бир қарвонга дуч келасен. Кейин  
эса бир отликка йўликасен ва унга насиҳат  
киласен. У сенинг қўлингга Оллоҳга тавба  
килади. Ниҳоят Азизоннинг қулоҳини Сай-  
йид Амир Қулолга етказасен.

Шундан сўнг қутлуғ жамоат ичра бир со-  
кин тараддуд пайдо бўлди. Пири комиллар  
бирин-сирин сарғиш шуъла бағрига сингиб,  
кўздан ниҳон бўлдилар. Қибла девори ёпи-  
либ, борликка яна сукунат чўмди. Мозорис-  
тонга хос дилга бир оз ваҳм солғувчи суку-  
нат. Лекин азизлар тарбияти ва илоҳий жазба  
оғушида бўлган Баҳоуддин минбаъд қўрқувга  
тушмади. Билъақе, руҳлар олами шуурини  
аста-секин тарк айлаб, атрофидаги борликни  
аввал ботинида, сўнгга зоҳиран ҳам англади,  
кўрди. Идрок этдики, бошию кўнгли сокин  
халоват ичра эди, фақат бағри тобора қизиб,  
оловланиб бораётганини сездди. Шу тариқа  
ўзига келиб, тана аъзолари ҳаракатга тушди.  
(Чунки ғайб олами ила мулоқот қалб ва шуур  
ичра рўй бергани боис вужуди ҳеч бир сайъ-  
сиз қолган эди.)

Бомдоддан сўнг қулоҳнинг дарағи ёдига  
тушиб, зудлик ила Ревартун тарафга раво-  
на бўлди. Кент ичра саросар кезиб, Ҳазрати  
Азизоннинг табаррук қулоҳини излади. Ре-  
вартун шариат ва тарикат собит бир маскан  
эди. Шул боис қулоҳнинг манзилини билган  
кишилар тез топилди. Бир дарवेशи лома-  
коннинг кашкулида омонат экан. Азизон-  
нинг қулоҳини кўриб, унинг аҳволи ўзгарди.  
Бутун вужуди мум каби эриб, бағридан  
соғинчли нола отилди, қулоҳни бағрига бо-  
сиб, узок йиғлади, тун бўйи бўзлади. Тинсиз  
кўзешларидан эгни-боши ҳўл бўлди. Шун-  
дан сўнг дили шикаста йўлга тушди. Мавло-  
но Шамсуддиннинг манзилига етиб, унинг  
масжидида бомдод назомини ўқиди. На-  
моздан сўнг Мавлоно Шамсуддинга рўбарў  
бўлди ва:

– Элчиликка буюрилганмен, – деди.

Мавлоно кутилмаган ташрифнинг мағзини чақолмай хайрон турганда ёнида Сақко кўринди.

Баҳоуддин ғайбдан эшитган киссасини шошилмай сўзлаб берди. Унинг сўзи тугар-тугамас, айтилганидек, Сақко Туркнинг ҳақ эканини инкор қилиб, жириллади:

– Сен ножинс не маломатларни сўзлай-дурсен?! – дея қирпи мисол хурпайиб олди. – Балки далилинг ҳам бордир?!

Баҳоуддин хотиржам боқиб турарди.

– Менинг далилим шуки, сенда илмдан насиба йўқдир, эй Саққойи ташна!

Сақко бу гапни эшитиши ҳамона сувсиз мешдай шалвираб, бўшашиди, ювош тортиб, муте қиёфага кирди. Баҳоуддин ва Мавлонога маъносиз тикилди.

– Менинг яна бир далилим шуки, – Баҳоуддин гўё беихтиёр сўзларди, – сен бир аёл ила фасод иш қилгансен ва ундан натижа ҳам бино бўлган. Сенинг қистовинг ила аёл қорнидагини туширган ва икковлашиб ҳовлидаги ток остига кўмгансенлар.

Сақко буни ҳам инкор этди.

Айтганлари Баҳоуддин учун башорату каромат эди – буни биларди. Сақко ва жамоат учун эса қуруқ гапдан ўзга нарса эмасдек туюларди. Демак, энди далилни ҳам исбот этмок лозим. Бу фикр биринчи бўлиб Мавлононинг хаёлига келди. Шитоб тараддуд ила жамоатни бошлаб, айтилган ҳовли сари йўл олди. Турган гапки, Саққони ҳам бирга боришга ундадилар.

Аёлнинг ҳовлиси олис эмас эди, тезда етиб бордилар. Кўпчиликка таниш бўлган бева аёл Саққони жамоат билан кўриб, кўрқканидан ўзини панага олди. Мавлононинг амри ила бир йигит белкурак топиб, ток остини қавлай бошлаганда, Сақко безовталаниб, ҳар томон аланглаб қолди – худдики қочмокка жой қидираётгандек эди. Аммо Мавлоно унинг кўлидан шартта тутди. Барча амри олийни кутаётган лашкар мисол жим қотди. Ишининг ниҳояси ҳамма учун қизик ва муҳим эди: жамоатнинг нигоҳи йигит қавлаётган ерга қадалган, юракларга ваҳм солғудай сукунат оғушида тупрокка тез-тез санчилаётган белкурак овози гўё жаранглаб эшитиларди...

Муштдеккина жасад қизғиш матога ўраб кўмилганидан пайқаш ва аниқлаш осон кечди. Мавлоно уни кўлига олиб, бир муддат аянч ила тикилиб турди-да, жамоатга деди:

– Ҳа, бу ой-куни етмаган гўдакнинг жасади.

Шу гапнинг ортидан Сақко Мавлононинг оёқлари остига ўзини тапилаб, тавба қилмокка тушди. Бироқ Саққонинг илтижолари эътиборсиз қолди. Одамлар очик-ойдин кароматга шохид бўлиб турардилар. Демак, бу хабарни етказган йигит соҳибқаромат экан-да, деган ўй ўтарди улар хаёлидан. Ана шундагина Баҳоуддиннинг бу ерда эмаслигини пайқадилар. Пайқадилару Мавлоно бошлиқ яна масжид сари елдилар.

Баҳоуддин тиз чўкиб ўлтирар, боши тиззалари қадар эгилиб, Илоҳ мушоҳадасига мустағрик эди. Мавлоно стовидаги жамоат кириб, унинг ортида тиз чўкиб, жим қолди.

Эшон (Баҳоуддин) илоҳий фэйз оғушида кунни кеч қилди. Унинг учун энди жамоатнинг эътибори ҳам, айтилган гапларнинг рост-ёлғонлигию Саққонинг тавбаси ҳам аҳамиятсиз эди. Билъакс, булар унинг қалбини хиёл малоллантирар, чунки барини машойих каромати туфайли аввалдан биларди ва билганларига шаксиз ишонарди. У ўзидану дунёдан мосуво турар, мудом жону жаҳонини қамраган фэйз ихтиёрини олган эди. Бу ихтиёрсизлик ҳам куш ёқарди, ҳам ҳаловатсиз олов домига соларди. Андоғки, вужуду жони хузурбахш қоврилари. Шул боис айни ҳолидан айроликни истамас, ибтидо ва интиҳони ҳам шунда кўрарди.

Шом намози гўё бир лаҳзада адолангандек туюлди, жонидаги оташ тағин зёдаланди. Таомни ҳам рад этди. Мавлоно Шамсиддин соҳиби хол, уйғоқ кўнгилли зот эди – жамоатга руҳсат бериб, Эшонни танҳо қолдирди. Бу тун ҳам бедор кечди – намозлар зикрга, зикрлар мушоҳадага эврилди.

Тонг олди. Хуршиди оламнинг илк пайконлари қорамтир миноранинг кўксига санчилди. Баҳоуддин, буюрилганидек, уч дона майиз олиб, Реги Мурда йўлига отланганда уни Мавлоно чорлаб, аввал илтифот кўрсатди, сўнгра деди:

– Сенинг дардинг бизга аён, давоси ҳам бизнинг қўлимизда. Шу ерда қол, токи тарбият этмоққа машғул бўлайлик.

Баҳоуддин ўнг илкини кўксига тутиб, жавоб килди:

– Мен ўзгаларнинг фарзандимен, насибама ўзга даргоҳда. Агар сиз менинг оғзимга кўкрак солсангиз, учини тишлаб олишим мумкин.

Мавлоно жавоб таъсирида бир муддат ўйга толиб қолди. Ниҳоят, Баҳоуддиннинг қабоклари ичра ботган, аланга порлаётган кўзларига самимий бокиб, кетишига изн берди.

Эшон даргоҳдан чикиб, белига белбоғ боғлади-да, икки йигитга белбоғнинг икки учини ушлатиб, қаттиқ тортишни сўради. Бели қорни аралаш қаттиқ қисилгач, аслида ҳам бирмунча таъсирсиз очлик барҳам топиб, вужудида қувват пайдо бўлди. Бу аҳд белбоғи эди. Ана шу аҳд етовида йўлга равона бўлди. Оёғи ердан узилиб, учиб кетди гўё. Йўл оҳ уриб, шитоб қисқара бошлади. Пуштаи Қарохунга етганда бир афтодаҳол чолга дуч келди. Чол унга битта иссик нон берди, лекин бирон сўз айтмади. У ҳам чолни сўзсиз тарк этди. Яна ўшандай шайт ила йўлида бораверди. Оёқлари остида тўлғонган илонизи дашт йўлининг оқиш-сарғиш тупроғи товонлари зарбидан кўпиб, хавога қоришди. Бу сафар кўп юрди. Ниҳоят, оҳиста йўргалаётган қарвонга йўлиқди. Қарвондагилар ундан “Қаердан келяпсан?” дея сўрашди. У манзилини айтди.

– У ердан қачон чиққан эдинг? – деб сўради яна бирови.

– Бугун завол маҳали (куёш чиқаётганда демокчи).

Ахли қарвоннинг юз-кўзида хайрат балкиб, бир-бирига қараб олдилар.

– Жинними, нима бало? – дея энсаси қотди уларнинг. – Айтган манзилдан бу ергача неча фарсаҳ бўлса. Биз туннинг аввалида у ердан чикиб, энди шу жойга етдик-ку!..

Бу пайт куёш қиёмга келиб, пешин намози фурсати етган эди.

Қарвондагилар кула-кула қолдилар. Боси, Баҳоуддиннинг ангори ғофил назар учун чиндан ҳам савдойига ўхшаб кетарди. У қарвондагиларга парвосиз ўтиб, улар кўздан

пинҳон бўлганда пешин намозини адо этди-да, яна йўлга тушди. Бир муддат юргач, отликка рўбарў келди. Унинг яқинига бориб, одоб билан салом берди. Отлик унга хавотир-ла бокиб:

– Сен қимсен? Мен сендан хавфдамен! – деди. Унинг оғзидан бадбўй хид анкиди.

Баҳоуддиннинг тилидан беихтиёр шу гап учди:

– Мен сени тавбага етказувчи кишимен.

Унинг кўзларига қаттиқ тикилиб турган отлик тебраниб кетди. Силтаниб отдан тушди-да, май тўла идишларини ерга уриб синдирди, кейин ўзини Баҳоуддиннинг оёқлари остига ташлади.

– Дардиннинг табибини топдим, – дея зорланди у. – Тавба қилдим, ё Оллох, тавба қилдим! Дуо айланг, аё хазрат, зора илтижомни зул Жалол қабул этса!..

Баҳоуддин отликка икки оғиз насиҳат қилиб, унинг тавбаси қабул бўлишини талаб, дуога қўл очди.

– Энди бизни ва сўзимизни истасанг, Оллох насиб этса, топарсен, – деб яна йўлга тушди.

Унга йўлнинг олис-яқинлигию заҳмати сезилмасди. Вужудида ғайб олови, қалбида илоҳий жазба, шуурида собит умид ва ният ила бир мақсад сари интиларди.

## 2

У ниҳоят Насафга етиб, Саййид Амир Қуллол қўним топган кишлокка кириб бораркан, хуш насиму ёқимли бўйлар димоғига урилиб, сархушланди. Шайхнинг остонасига бош уриб, қалбига халоват истади ва киришга изн сўради. Ижозат бўлгач, таъзим ила ичкари кириб, салом берди. Ҳазрати Қуллол ёлғиз эди. Хона тўрида ўлтирган бугдойранг юзди, кўкраги кенг, қўллари узун, чатмақош, қалин соқолига оқ оралаган пахлавон келбатли шайхни кўриб, Баҳоуддиннинг бағридаги ўт баттар оловланди. Етмиш ёшни қаршилаётган валийуллохнинг нурпош чехрасидан ғайз ёғиларди.

Баҳоуддин шайхни охирги бор жаннатмакон пири Мухаммад Бобо бандаликни бажо келтирганда Самосда кўрган. Ҳазрати Қуллол пири муршиди, Шамси Ҳак лақабини олган Мухаммад Бобонинг жанозасидан сўнг

кирк кун чилла ўлтирган эди. Ўшандан буён, мана, ўн йилдан зиёд вақт ўтибди. Бирок йиллар шайх Мир Қуллолга қарийб таъсир кўрсатмабди, фақат ул зотдаги нур, файз ба- ракот касб этибди.

Баҳоуддин хозир бу ҳақда ўйлайдиган аҳволда эмас, жону жаҳони Илоҳ ишқи, жазба- си оғушида жизганак, кутгани шайхдан муж- даю ҳиммат эди, холос. У кўйнидан Ҳазрати Азизоннинг қулоҳини олиб, шайхнинг олдига кўйди. Шайхнинг ҳоли ўзгарди, бошини эгиб, узок сукутга толди. Баҳоуддин эса шайхнинг файзини, ўзига кўчаётган нури илохийни тобора теран ҳис этиб, бағри қуйгандан-қу- ярди. Бу онлар ғанимат ва бағоят хузурбахш эди. (Мухтарам ўқувчи учун икки оғиз изох: тариқатда камол кўп ибодат қилиш, зикрда- ги собитлик ва зиёдалик, ҳам жисмоний, ҳам руҳий парҳезкорлик туфайли топилади. Ка- мол ва мақомга эришишнинг нисбатан “осон” ҳамда “енгил” йўли эса комил пирнинг назари муборағига сазовор бўлмоқдир. Ана шунда солиҳ мурид оз фурсатда юксак даражалар- га мушарраф бўлмоғи мумкин. Айни дамда Баҳоуддин ўшандай ҳолат оғушида эди.)

Ниҳоят шайх бошини кўтариб Баҳоуд- динга боқди.

– Бу қулоҳни икки парда орасида сақ- ламоғинга ишора бўлди, – дея муборак қулоҳни икки қўллаб унга узатди.

Баҳоуддин ўрнидан туриб, тавозе ила қулоҳни олди ва кўзларига суртди.

Саййид Мир Қуллол Баҳоуддинни гўдак- лигида кўрган. Аслида Баҳоуддин ҳазрати Мухаммад Бобонинг қутлуғ назарига ундан- да муқаддамрок сазовор бўлган.

Мухаммад Бобо Бухоро бикинидаги Қасри Ҳиндувон кишлоғидан кўп бор ўт- ган эди. Бир гал ўтаётиб туйкус тўхтаб, кўзларини юмганча сукутга толди. Сўнгра кўзларини очиб, самога интизор термилди. Киприкларига ёш қалқди. Ортидаги асҳобга бир-бир назар ташлаб, майин жилмайди.

– Бу маъводан бир марди Худонинг хиди келмоқда, – деди секин. – Тез фурсатда Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланажак.

Валийуллоҳнинг бу қарамли нафаси зо- е эмасди – эл аро башорат бўлиб таралди. Кун-

ларнинг бирида хос халифаси Саййид Мир Қуллолнинг Афшонадаги манзилидан Қасри Ҳиндувонга кетаётиб, яна бир фурсат сукут- дан сўнг:

– Хид зиёда бўлибди, ўшал марди Худо дунёга келганга ўхшайди, – деди.

Бу хижрий 718 йил эди. Ўшанда Баҳо- уддиннинг таваллудига уч кун бўлган эди. Мухаммад Бобо Қасри Ҳиндувонда тўхтаб, хонақоҳда кўним топди. Халқ ул зотнинг зи- ёратига ошиқди.

Баҳоуддиннинг буvasи Хожа Мухаммад Бобонинг мухлиси эди. Унинг кўнглида на- бирасини Хожанинг хузурига олиб бориб, муборак назарига солмоқ истаги ёнди. Бу ис- так Илоҳнинг марҳамати, Хожанинг ҳиммати туфайли юзага келганини тугал англамаган эса-да, набирасини ортик ниёзмандлик ила Хожанинг хузурига элтди.

Ҳазрати Хожа халққа ваъз айтарди. Бўса- гада йўргакланган гўдакни бағрига бос- ган оксоқолни кўриб, нур ёғилиб турган бугдойранг чехрасида табассум кенг ёйилди. Оксоқолни ўзи сари чорлади. Гўдакни илки- га олиб, юзига тикилди.

– Бул бизнинг фарзандимиз ва биз уни қабул қилдик, – деди сўнг халойиққа юз- ланиб. – Биз ҳидини сезган мард шул- ди. Иншооллох у ўз даврининг пешвоси бўлажак. Бул марди Худонинг файзидан ҳар не бало даф бўлиб, ул Балоғардонлиғ шара- фига эришгуси!

Ҳазрати Хожа гўдакка Баҳоуддин деб исм бериб, қулоғига азон айтди. Сўнгра Саййид Мир Қуллолга бокиб, шундай амр этди:

– Фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни дариг тутмагайсен. Агар хатога йўл қўйсанг, сени асло кечирмаймен.

Ҳазрати Хожа бош бўлиб барча дуога қўл очди...

Ана ўшанда Саййид Мир Қуллол илк бор Баҳоуддинни кўрган ва жажжи юзига назар солган эди.

Мана, рўпарасида Мухаммад Бобои Само- сийдек – Оллох у кишининг сирини муқаддас қилсин – авлиёнинг назарига сазовор бўлган ва ул зотнинг амри туфайли фарзандлик- ка қабул этгани қутлуғ истикболли йигит –

Баҳоуддин тавозеда ўлтирибди. Унинг аҳволи, кечмиши шайхга аён эди, демак, ортиқ саволга ҳожат йўқ. Пирӣ муршиди Муҳаммад Бобога берган вадасини адо этиш вақти етди. Мир Қуллолнинг наздида, лов-лов ёнаётган Баҳоуддин обдон қорилган, пишитилган лой каби эди. Энди ундан не буюм ясамоқ қуллолнинг маҳоратига боғлиқ. Бу хусусда асло хатога йўл қўйиб бўлмас, илло раҳматли пирининг ихтиёри шундай эди.

Шайх жидду жаҳд ила Баҳоуддинга боқаркан, ўзининг болалик ва ўсмирлик чоғларини, ҳазрати Муҳаммад Бобонинг муборак назарига тушган онларини эслади. (Тарикат шайхлари хаёлни паришон қилиб, ортиқча ўйга берилишни тақиқлаганлар. Уларнинг фикрича, қалб ва шуур Оллоҳ, қўл эса меҳнат ила банд бўлмоғи лозим. Паришонликда хавф бор, зеро хаёл шайтонийдир. Шайхлар хотираси бағоят қучли бўлган. Шунингдек, улар шуурини ҳар қандай хаёлдан озод тутта олган. Хаёл хавфи муридларгагина даҳл қилиши мумкин.)

Амир Қуллолнинг аждодлари Бухоронинг Афшонасида тургун бўлганлар. Бу маскан ҳозир табиб ва олам олими Абу Али ибн Сино туфайли аввалдан етти иклимга донг таратган. Зуваласи шу тупроқдан қорилган кўплаб илмпешаларнинг улуғлиққа дохиллиги ҳам рости. Уларнинг бири бўлмиш Амир Қуллолнинг асли исми Амир Калон эди. Кейинчалик отамерос хунари қуллолчилик ила шуҳрат топгач, Амир Қуллол лақабини олган. Аслида у ошиқ қалбларга гўзал шакллар, маъно ишқлар солиб, тарикат ахли орасида валий қалблар қуллоли бўлиб ҳам танилган. (Ҳожагон-Нақшбандийлик сулукига мансуб муридлар ва ҳатто шайхлар ҳам ҳеч йўқ бир касб-хунарининг соҳиби бўлганлар. Ўз меҳнати ортидан ҳалол ризқ топиб, тирикчилик ўтказиш мазкур тарикат аҳлининг асосий тамойилларидан эди.) Унинг отаси билан ўз замонасининг улуғларидан бўлмиш Ҳазрат Саййид Ато ўртасида дўстлик аҳди бор эди. Ул зот Бухорога сафар қилганда албатта Афшолага тушарди ва дўстининг хонадониди меҳмон бўлиб, тасавуфий суҳбатлар қуради. Ана шундай сафарларининг бирида кўчада ўйнаётган бир тўп болага дуч кела-

ди. Улар орасида тўрт яшарлар чамаси Амир Калон ҳам бор эди. У болалардан ажралиб, югуриб Саййид Атога яқин келади ва одоб билан салом беради. Ҳазрат гўзал тавозе ила алиқ олиб, болакайни олқайди, илкидан тутиб, дўстининг хонадонига бошлайди. Биладик, болакай биродарининг ўгли. Уни бағрига босиб, дуо қилади. Сўнг салласини ечиб, тенг иккига бўлади ва бирини ўз бошига, иккинчи бўлагини эса Амир Калоннинг бошига ўрайди. Болакай Ҳазратнинг ижозати ила кўчага чиқиб, яна ўйинига андармон бўлади. Орадан бир ош пишар фурсат ўтгач, Саййид Ато Амир Калонни чақиртиради. Болакай қириб, ул зот қошида қўл қовуштиради. Авлиё боланинг бошидаги саллани олиб, ўз бошидаги салланинг узунлигига солиштириб кўради. Амир Калоннинг салласи уч бош ҳажмида узун бўлиб қолган эди. Саййид Ато саллаларни қайта-қайта таққослаб кўрса ҳамки, бу хол таққорланаверади. Шундан сўнг пирӣ комил истиғфор айтади, мушоҳадага берилиб, кўзларини юмади. Маълум фурсат ўтгач, эҳтирос ила хитоб айлайди:

— Бу фарзандни бекиёс муждалар қутмоқдаки, мартабаси улуғ, ҳатто мендан-да зиёда бўлгусидир!

Кейин-кейин Амир Калон Амир Қуллол бўлиб, умрининг ўсмирлик поғонасида майдонларда кураш туша бошлади. Филҳақиқат, у паҳлавон келбатли — елкалари кенг, билаклари бақувват эди, бирон кимса елкаси ерга текканини кўрмади. Баъзилар унинг бу машғулотида хайратга тушиб, дил аҳлидан бўлмиш киши бундайин бидъат ишларни тутмас, дея ёзгирарди. Аммо Амир Қуллол ўз билганидан қолмасди. Журъат этиб, сўраганларга эса “Бу машғулликдан мақсад гумнокликдир”, дея жавоб берарди. (“Гумноклик” деб атайлаб ўз номини ерга уриш, халқнинг ўзи ҳақидаги тасавуурини синдиришга айтилади. Зеро, у замонларда Румда бино бўлиб, бутун Шарқ дунёсига тарқалган маломатийлик сулуки, хусусан, Мовароуннаҳр ичра ҳам бирмунча хонақоҳларига эга эди. Балки Амир Қуллол ҳол ибтидоида улардан ҳам ихтиёр-сиз мутаассир бўлгандир. Аслида нафсни хорлаб, менлиққа — худпарастлиққа қарши муҳораба этмоқ барча сулуқларга хосдир.)

Амир Кулол кураш майдонларида ушбу рубойини ҳам айтиб коларди:

*Кимсаки обрўю нам олмоққа жидду жаҳд эрур,  
Сен они ошиқ дема, дунёнараст, бадбахт эрур.  
Ишиқ йўлида бир сифат бор – хорлигу бадномлик,  
Чун шу бадномлик туфайли ошиқ соҳибтахт эрур.*

Ўшанда у ўн беш ёшларда эди. Ўзидан бир бош баланд паҳлавонни гир айлангириб, наъра ила хокисор этди. Чор тарафдан олқиш ёғилди, у шараф остида қолди. Лекин майдон четида ўлтирган бир жамоат уни мазаммат ва маломат қила бошлади:

– Қаранг, шундайин назаркарда, аҳли дилга дохил одам бидъат ила машгул турур!

Бу гап айтилгани замон жамоатни уйқу элтиб, барча бир хил туш кўрди: Махшар куни эмиш, оламу бани башар талваса ва кўркинч ичра қолмиш. Туш кўргувчиларнинг ҳаммалари маъсият ботқоғига ботган, оёқларини сугуриб олмоққа холлари келмай, ҳалол бўлмаққа илож тополмай турадилар. Шу он Амир Кулол пайдо бўлиб, барини ботқоқдан бир-бир тортиб олибди-да, шундай дебди:

– Биз бадан ишларини мана шундайин пайтларда сизларга ёрдамимиз тегсин учун килурмиз. Зинҳор-базинҳор юракларингизга гумоню иштибоҳни яқинлаштирманг, бировларга ҳақорат назари ила бокманг. – Сўнг насихат қилибди: – Агар дил ахлининг назари ўзингга тушсин десанг, ғурбат йўлида мисоли туфроқ каби афтода бўлгайсен!

Жамоатни уйқу тарк этиб, шуурлари масту карахт ҳолда бир-бирига ҳайрон термилиб турганида Амир Кулол улар қошига келиб:

– Аё биродарлар! Биз сизни Қиёматда гуноҳларингиз ботқоғидан Оллоҳ зул Жалолнинг инояти ила чиқариб олмоқ учун иш беради дея кураш тушамиз, – дея хитоб қилди ўктам овозда. – Дарвешлар ҳақида зинҳор бадгумонлик қилиб, безътиқод бўлманг. Уларга мункир ҳам келманг, илло ҳақиқатдан бехабарсиз.

Жамоат ўрнидан қалқиб, Амир Кулол пойига ошиқди. Улар ғайбдан очик-равшан каромат зохир бўлганини пайқаб, тавбани ихтиёр этди. Эл аро авлиёлар қалб айғокчиларидир, зеро, улар хузурда дилни тўғри тутмоқ ло-

зим, акси бўлса, ҳаёл соҳибига ҳавф бор, деган гап юради. Айни дамда жамоатнинг кўргани шунга ишорат эди.

Амир Кулол ҳазрати Бобонинг назарига ҳам шу тарика мушарраф бўлган. Ўшанда Амир Кулол Рометанда кураш тушар, рақибларини бирин-кетин мағлуб этар, ҳалойиқ эса уни тинмай олқишламоқда эди. Бирок у майдон четидаги девор остида кураш томоша қилаётган Бобойи Самосийни кўрмасди. Бобонинг полвонларга қадалган кўзларига боқиб, асҳобларидан бири сўради:

– Хожам, бу мардум бидъат иш ила машгул, сиз эса ундан нафратланиш ўрнига нечук ҳайрат ила бокмоқдасиз?

– Эй болам-а, – дея мийиғида жилмайди пир. – Бу майдонда бир мард борки, ўзи сай-йидзодадир. Иншооллох, суҳбатидан барча комил инсонлар баҳраманд бўлгувсидир. Биз ўшал мардни кутиб турибмиз, зеро, унинг парвози ғоят баланд, мақоми ҳам олийдир.

Шу пайт Амир Кулолнинг холи ўзгарди, рақибини даст кўтариб, елкаси оша ерга урдию ортидан ўзи ҳам ўтириб қолди. Халойиқ ҳайрат ичра гувлаб юборди. Амир Кулолнинг қалбида жазба пайдо бўлиб, оташ оғушида атрофга мўлтирар, интизор кўзлари кимнидир излар эди. Аллоҳ нигоҳи Ҳазрати Бобога тушиб, шиддат ила ўрнидан қўпди, жонхалпида югура бориб ўзини ул зотнинг оёқлари остига ташлаб, вовайло қилди. Юраги қаттиқ хаприкқанидан бирон сўз айтолмас, бошини нуқул пирнинг оёғига урарди.

Асҳоб пирнинг кароматидан лолу ҳайрон – сукутда қолган, халойиқ эса бу ходисотнинг маъзига етолмай ҳалак эди.

Ҳазрат Бобо Амир Кулолнинг бошу елкасини силади.

– Мудлаога етдик, бўтам, – деди таскин охангида. – Худо хоҳласа, бизнинг домимизга сайд бўлдингизки, иншооллох, нажот яқин.

Амир Кулол оҳ урди:

– Тавба қилдим, бобо, тавба қилдим! Минбаъд бу бидъат ишни қилмасмен. Ўзингиз йўл кўрсатинг, аё пир!

Шу-шу, Ҳазрат Бобо уни фарзандликка қабул этиб, ихтиёрини олди, тарбият қилди ва у кўп файзу кашфларга мушарраф бўлди...

Сохиби иршод шайх Амир Қуллол ўшал хуш дамларни эслаб, Бахоуддиннинг аҳолини ҳам пайқаб, ҳам унга хавас-ла бокиб, хушнуд ўлтирарди.

## 3

Бахоуддиннинг ўсмирлик кезлари эди. Бир кеча туш кўрди: яссавия шайхларидан бўлмиш Ҳақим Ота уни бир дарвешга топшираётган эмиш. Дарвешнинг ҳам нури, ҳам хайбатли киёфаси Бахоуддиннинг хотирида мухрланиб қолди. Эрталаб тушини дуоғўйи Солиха бувисига айтиб берди. Бувиси некбин калбли зийрак аёл эди. Тушнинг таъбирини дарров англади шекилли, “Сенга, иншооллох, Яссавий машойихдан насиба етгувсидир”, деб қўйди ўйчан. Бирок дарвеш унинг кўз олдидан кетмай қолди, юрса ҳам, турса ҳам калбиди уни кўриш иштиёқи жўш уради. Айни дамдаги ихтиёри ўшал дарвешнинг илкида эканини унча тушунмаса-да, ихтиёрсиз у сари талпинар, гоҳо кўча-қўйда бирон дарвешни кўрди дегунча, ортидан чошиб унинг ким эканини аниқламагунча тинчимас эди. Одамлар аро ҳар нафас дарвешни изларди. Дилидаги соғинч тобора ўт олиб, жону жаҳонини қуйдирарди.

Бир кун шаҳарнинг Охангарон дарвозасидан чиқаётиб, баноғоҳ ўшал дарвешни кўриб қолди. Унинг сочлари ўсик – мулоҳмонанд, бошида минг баҳяли қулоқ, илкида уд дарахтидан қилинган асо. Одатда яссавия дарвешлари мана шундай киёфада юрардилар.

Бахоуддиннинг юрак уриши тезлашиб, “килт” этиб ютинди, йўқотиб қўйишдан кўрққандай дарвешга нигоҳини қаттиқ қадади. Шу ҳолида дилида на қувонччи ва на ўзга туйғуни ҳис этди. Бирок у хали бирон қарорга қелиб улгурмай, дарвеш анча узоқлашиб қолганди. Оёқлари беихтиёр илгариларди, кўзлари дарвешда. Шуниси кизикки, айни дамда кун эриммаган, аср қуёши хали ўз ёстиғини қидирмаётган пайт бўлса-да, нечукдир олам хира қоронғилик ичра қолганга ўхшарди. Ёхди Бахоуддинга шундай туюлармиди... Атрофидаги одамлар ва умуман икки ёнидан у ёқ-бу ёққа ўтаётган тирик жон борки – от-уловми, хахиру сакми – ҳамма-ҳаммаси қора шарпалар мен-

гиз кўзларининг кирига урилар, у буларни кўрмас, кўрмоқни ҳам истамас, ягона муддаоси – дарвешни кўздан қочирмаслик эди. У эса бирон марта ортига қайрилиб қарамади, ё у ҳаммасини сезиб турарди-ю, ўзини дунё ила иши йўқдек тутар, ёки дунё унга эйтиборсиздек эди. Алхол у торгина Мурғқуши кўчасига бурилиб, қадамини тезлатди. Энди Бахоуддиннинг одими ҳам ихтиёрсиз жадаллашди. Бирок бу кўчада узоқ қувишмадилар, дарвеш кўнғир туси униккан икки тавақали кичик эшиқдан кириб, зумда кўздан ғойиб бўлди. Бахоуддин қимматли нимарасини бой берган одамдай бир муддат депсиниб турди-турди, сўнг эшиқдан ичкарига қараш учун тиркиш излади. Лекин кўзга илингулик тиркиш тополмади, очишга эса юраги бетламай изига қайтди. Аввалига кўнглидаги умиди сўнаётгандек туюлди, озгина юргач эса, ахир ҳеч йўқ уни кўрдим, манзилини билдимку, деган ўй умидига қуч бағишлади. Ортига қайрилиб, эшикка яна бир бор қараб қўйди.

Ярим туш. Кечанинг сирли ва ҳикматли қисми оламга соҳиблик қила бошлаган. Бахоуддин мушоҳадани адоғлаб, зикруллоҳ тарадудиди эди. Шу пайт хонақоҳга биров кириб, уни сўроқлади. У шаҳд ўрнидан қўпиб, сўрагувчига пешвоз чиқди, кўнгли бир яхшиликни сезганидан унинг оғзига тикилди.

– Халил отлиғ яссавий шайх йўқлайдур сени, – деди қелган одам салом-алиқни ҳам унутгандай.

Юраги қувончдан бўғзига тикилди. Куз – айни пишиқчилик эмасми, хонақоҳ омборида Бухоро неъматлари мўл йиғилган. Бир тугун ҳадя олиб, Мурғқуши кўчаси сари ошिकди. Не тонгки, унга на зимистонлик ва на куз тунининг кўзу қулоқни хийла ачитгувчи аёзи ҳам сезилмас, оёқлари беихтиёр шитоб одимларди. Мана, ўша таниш дарвоза, мудом ёпик, кўнғир туси ҳам энди билинмас, бутун бори-ча қоронғиликка қоришиб кетган эди. Унинг назарида, дарвоза ўз-ўзидан очилиб кетгандай туюлди. Бўсағада боя уни йўқлаб борган одам турарди. Қачон етиб кела қолдйқин, деган савол Бахоуддиннинг шуурини силаб ўтди, хушхабар соҳибини аллақачон унутибман-а! Унинг етовида бир хужрага

кирди. Мойчиروقнинг ожиз нури хона ичини саргиш рангга чулғаб хира ёритар, бурчаклари қорайган деворлар кўзга совук кўринсада, хузурбахш сокинлик дилни дарров ўз оғушига оларди. Баҳоуддин тўрдаги дарвеш – Халил Отани бир қарашдаёқ таниди. Унинг ёнида яна тўрт киши бош эгиб ўлттарди.

У салом бериб, пойгакка чўкди. Хали атрофдагиларга тузукрок қараб улгурмай, шуурида оромини олган тушини айтиш истаги тугён урди. Лекин ичидаги ичида, тилидаги тилида колди.

– Улким сенинг кўнглиндаги бизга аён-дур, айтмоқ не хожа? – деди шайх лабларининг кимирлашини сездирмасликка уринаётгандай секин. – Тил дилнинг ишончли тилмочи бўлолмас.

Баҳоуддиннинг холи ўзгарди, вужуди сел бўлиб, шайхга майли янада ортди. (Хикоямиз мобайнида ҳолнинг ўзгариши хақида бир неча бор айтиб ўтдик. Энди англадикки, бунга изоҳ жоиз. Боиси, хосларнинг сўзу мақомларини биз каби ҳолдан бенасиблар тушунолмаслиги мумкин. Тасаввуфда ҳол деганда рухий ҳолат, янада аниқроғи, кишининг илохий файзга, жазбага қай даражададир майли англанади. Ҳол аҳлида илохий файз, тасаввуфий истеъдод аввалдан мавжуд бўлади ва у пирнинг, қароматли воқеаларнинг, тушларнинг, алаҳхусус, сийрати хос ибодатларнинг таъсирида ортиб ёхуд аксинча, ноқис нимарсалар боис камайиб боради. Бу оддий кишиларга тушунарсиқдир ва аҳли ҳол валий зотларнинг назарию сўзидан ҳатто сония сайин камол топиб бориши мумкин. Бунга “мазахўрак” бўлиб қолган талабгор солиқ, яъни тарикатдаги инсон – мурид рухий камолотга элтувчи ҳар неки бор излагувчи, улардан насиба истагувчига айланади. Хуллас, ҳолнинг ўзгариши руҳнинг камолотиға, Илох илмининг ривож топмоғига ишоратдир.)

Шайх кайтиб унга бирон сўз айтмади. Баҳоуддин унинг мулозаматиға астойдил бел боғлади, насиба илнжида қойим бўлди.

Бу тун ҳам беҳаловат, бирок ўзгача файз оғушида ўтди. Халил Ота унга илк бора жаҳрий зикрдан таълим берди:

– Қалб ва танглай аросинда бир робита ўрнагтайсен, – деди у мудом сокин сўзлаб.  
– Тил учини танглай сари йўлла. Шууринг озод, дилингда интизорлик бўлсин.

Жамоат тиз чўка давра курди. Баҳоуддин ҳам уларга қўшилди. Муридлардан бирови ширали овозда Қуръон тиловат қилди. Охирида “Ихлос” сурасини ўн бора ўқиди. Шундан сўнг навбатни шайх олди:

– Алҳамдулиллахи раббил аълабийн, Оллоху Акбар, – дея бошини кўксига қадади.  
– Оллох, Оллох, Оллох... – Энди у бошини кўксига ураётгандек ҳаракат ила зикрга киришди. Муридлар ҳам унга эргашдилар. Барчалари баравариға “Оллох, Оллох, Оллох” дердилар. Аммо тиллари танглайға ёпишгани ва жўрликда айтаётгани боис Яратувчининг олий исми “Аллох, Аллох, Аллох” тарзида эшитиларди. (Жаҳрий зикр қондасига биноан бу калом зикр авжида “Арра, арра, арра” оҳангига айланиши лозим.)

Жамоат курган доира зикр оҳангига ҳамоханг тобора торайиб борар, аҳли зикрнинг елкалари бир-бириға борган сари жипслашиб, бошлари ҳар сафар кўкракларидан юқорига кўтарилганида лаб буришга чоғланган ғунча шаклиға кирарди. Зикр яна ва яна авжланар, унга сари буқилган тиззалар беҳтиёёр доира марказига интилаверар эди. Бир муддат шу алфозда елкалар жипслигида турилгач, ишорат ила тағин ортга қайтилар, зикр яна бошидан бошланар эди. (Жаҳрий зикр баъзан, шароитға қараб, тик туриб ҳам адо этилади.)

Баҳоуддин ошқора-жаҳрий зикрга илк бор қўшилиши эди. У беҳуд эди, лекин ҳозир, яъни жамоат ичра жаҳрий зикрга зўр бераркан, шуурида хаёлан кўриб турганларини, ўз холини, рухий кечмишини идрок этишға уринарди. Бу янглиш эди, ибодатнинг олий мақомида туриб, ўзға нимарсаларни хаёл қилиш солиқ учун паришонлик балосига гирифторлик ила баробар. Шунда ҳам хаёлға берилиши ўзи кўниккан хуфя зикрдан фарқли ўларок зикри жаҳрийнинг моҳиятини, аниқроғи, унинг таъсирини англашға саъй этмоғи туфайли эди. Оллох калимасини овоз чиқариб, бошини кўксига уриб тақрор ва тақрор айтаркан, шуурида кечган лаҳзалик эврилиш боис кўнглида

туғилган иштибоҳ, балки синовчан мушоҳада шайтоний эканини пайкади. Пайкадино улуғ хавфга ёвуқ турганини хис этиб, вужуди бир силтанди, юраги шувуллаб кетди. Зеро, у авлиёлар кўнгил айғокчилари эканини, улар қошида қалбни минбаъд тўғри тутмоқлик лозимлигини яхши биларди. Аълоси эса, ботини нолий ботинига тўғриламак эди. Авлиёлар қалби мисоли кўзғуқим, агар истаса, унда ўз аксини кўра олиши мумкин. Устига устак, зикрда паришонлик файздан бебаҳра этади.

– Оллох! Оллох! Оллох!..

У зикрда авжланди. Авжданаркан, ўзидан мосуво бўлиб, кимнингдир ёхуд ненингдир таъсирида ҳоли ўзгараётганини хис этди. Ҳоли ўзига хуш ёқиб, файзга ғарк бўлди. Ҳоли истиғроқ (оламдан ажралиш) сари оғди. Жамоатнинг зикрий саси аста-секин уйғунлашиб, бир маромга – қандайдир таниш гувиллашига айланди. Кўп ўтмай гувиллаш тезоб оқаётган дарёнинг шовуллашига эврилди. У осмони фалакда учарди, дарё мавки қулоғига урилгач, охида заминга қайтиб, мисоли капалак энгиллигида чиндан-да зоҳир бўлган дарё соҳилига қўнди. Ҳа-ха, қўнди. Бирок оёқлари ерни сезмагандек туюлди. Шу маҳал нарироқда оппоқ либосли бир тўп киши кўринди. Уларнинг соқоллари ҳам оппоқ, юзлари бағоят нузли эди. Ё фаришта ва ёки валийуллох қавмидан бўлмиш ул зотлар либослари қабутар қанотидай ел уриб, уни доирага олдиларда, ўлтирдилар. Энди дарёнинг шовуллаши яна жаҳрий зикр оҳангларига эврилди, оламини тутди. Атрофидаги одамларнинг на лаблари ва на бирон аъзоси кимир этмасди-ю, борликка зикр тараларди. Уларнинг ҳар бири биттадан коса тутган. Бирин-кетин дарёга энгашиб косаларни сувга тўлатдилар. Сўнг косани навбати билан унга тутавердилар. У эса ҳар бир косага лаб босиб, бир ҳўпلامдан ичаркан, доирани қайта-қайта айланаверди. Лекин ташналиги сира қонмасди. Сув ичгани сайин дарёнинг шовуллаши тобора кучайиб, оламини шовкин тутди. Унинг қулоғи қоматга келиб, эндигина Қиёматнинг ваҳшатини туйганда бирдан олам сукут ичра қолди. Аста кўзини очди. Вужуди жикка терга ботибди, юраги қинидан чиққудай урар, бўғзиди эса бир оташ пайдо бўлиб, нафас

оларкан, хириллар эди. Ахли зикр ҳам шундайин аллозда, лекин ҳар бир муриднинг ботини гоҳо ўзига, асосан пирга аён эди.

Зикр ниҳоялади. Энди барча ўз ҳоли – мақоми даражасида зикрдан топган файз етовида мушоҳадага чўмди. Фақат пиргина уйғок – кўнгил кўзи ила ҳар бир муриднинг қалб ойнасида бир-бир назар ташлайди. Ниҳоят, унинг ботиний назари Баҳоуддиннинг қалбидида тўхтади. Ундаги файз ва жазба шаштидан вужуди титради. Унинг ҳоли буюқ келажакдан башорат беради.

Бир оздан сўнг шайх Баҳоуддинни кўшни хонага олди.

Баҳоуддин бошини қуйи солиб ўлтирар, шайх эса унга зимдан назар ташлар эди. Одатда бу ҳол авом ўртасида бўлса ноқулайлик туғдириши, икки одам ўзини ўнғайсиз сезиши мумкин. Аммо ҳозир бу икки инсон – шайх ва мурид хийла чўзилаётган оғир сукутни ҳам пайқамасди: пир муриднинг кўнгли ила банд эса, мурид халигина рўй берган кечмишидан сархуш эди.

Ниҳоят, шайх тилга кириб, муриднинг истеъдоду қурбини билиб турса-да, сўзини ибтидодан (балки асосдан) бошлади:

– Биз излағувчимиз, эй фарзанд. Излағувчи мусулмонликни қаттиқ тутмоғи лозим. Мусулмонлик эса бу – илоҳи борица ҳукмларга бўйсунуш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш, янаки бекорликдан узок бўлмоқликдир. Илло буларнинг бари нури сафо, раҳмат ҳамда валюят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат парварариши орқали етилади. – Шайх туркий лаҳжада кесиб-кесиб сўзлар, бироқ овозида ўқтамлик ва донишмандлик зоҳир эди. – Баъзилар амал унчалик муҳим эмас, асосийси, Илоҳ муждаси ва сидқидил хизмат деб ҳисоблайдилар. Бу хатокорлигини ўзга нимарса эрмас. Амал бағоят муҳим. Шунингдек, пир хизматида собит бўлмоқлик таҳсинга лойиқ. Агар пирдин назар топилса, мақомга мушаррафлик ҳақ, лекин қуруқ хизмат – меҳнат билан мақомга эришмоқлик душвор. Меҳнат фақат ва фақат савобга, ажрга дохил. – Шайх тобора мушоҳада ва фикр уммонига ғарк бўлиб

борар, янада файзиёб сўзлар эди. – Киши ўз нафсини маломат этиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаху инояти ила нафсининг ёмонлигини таниган, унинг хийла-найрангини англаган эрса, бу унга осон бўлади. Ҳақиқий излагувчи ёхуд ушбу йўлнинг собит йўлчиси ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзидан деб биледи. Ахли иршод, яъни пирлар эса сайёд (овчи) кабудурларки, ваҳший жониворни но-зиклик ила қўлга оладилар. Андоғки, толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказадилар. Иршод эгалари хикмат каби чиройли тadbир қўллаб, сохибтабиат толиб билан шундай муомала қиладиларки, охири уни бўйинсундирадилар ва суннатга тобелик йўлига киргизадилар ҳамда висол мақомига олиб чиқадилар. Пайгамбарлар ва валийуллох ана шундай ахли тadbир, хикмат сохибидир. Уларнинг ҳар ким билан қилган муомаласи ўша одамнинг қобилияти даражасига мос бўлади. Агар толиб бошловчилардан эса, унинг юкни тенг кўтарадилар. Толибда бу йўлнинг қобилияти пайдо бўлгунча унга жуда кўп ўргатиш ва тушунтириш лозим. Бизнинг сўзимиз чин – сен ундайлардан эмассен. Сенинг манзилнинг юксакда. Аслида сенинг бизга муҳтожлигинг йўқ. Бирок Илоҳдан бўлган аввалги мужда ҳақ, яъники бизга йўлиқувинг Ҳақдан. Демак, бизда насибанг бор. Иста-санг, бизда не бўлса, ҳаммасини оласен, сендан меҳру назаримизни даринг тутмағаймиз. Омин! – Шайх юзига фотиҳа торгди – бу билан гап тамом, демокчи бўлди.

Баҳоуддин ҳамон сархуш эди. Лекин шайхнинг “омин”идан сергак торгди: демак, хонани тарк этиши керак. Пирнинг хоҳиш-истагини тез англаш унинг қалбига қалбини тўғрилай олган муридда осон кечади.

## 4

Шайх Халил ҳукмдорлар наслидан эди. Яссавий шайхларнинг назару тарбияти баракотидан ва парҳезкорлиги боис файзу мақом топган эди. Оллоҳнинг инояту марҳамати чексиз – кўп ўтмай унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги насиб этди.

Баҳоуддин бир кеча зикр ўртасида – уйқу ва уйғоклик орасидаги лаҳзаларда

туш кўрди. Тушида Султон Халил уни жаллодлик қилишга буюрибди. Баҳоуддинни “акрони султон”, дея атай бошлабдилар. Алҳол султон бир бечорани ўлимга ҳукм этибди. Акрони султон маҳкумнинг бошини кундага қўйибди. Саловат юборгандан сўнг унинг бўйни сари қилич сермабди. Бирок шамшир қаттиқ бир ёғочга теккандай, бўйнига ўтмабди. Иккинчи, учинчи марта урса ҳам шу ҳол тақрорланаверибди. Шунда Баҳоуддиннинг кўзи маҳкумнинг лабларига тушибди – у нималарнидир пичирлармиш. Баҳоуддин хайратини яширолмайд сўрабди:

– Жонимиз қудрат қўлида бўлган Худонинг иззати ҳақки, айт, не дуо ўқирсанки, шамшир таъсир қилмайдур?

Маҳкум жавоб қилибди:

– Мен ҳеч нарса ўқиётганим йўқ. Аммо ҳозир пиримни шафе келтирдим, холос.

– Пиринг кимдур?

– Саййид Амир Қуллол.

Маҳкумнинг сўзини эшитгач, уйғониб кетди. Шу асно муридни шамширдан асрай оладиган киши дўзах оловидан ҳам сақлай билишига ишонди. Шитоб кўзғолиб, пир сари ошқиди...

## 5

Мана, Шайх Амир Қуллол тиз чўкиб ўлтирган Баҳоуддиннинг эгик бошига боқаркан, жилмайди.

– Сени фарзанд тутмоқни бизга Ҳазрати Бобо васият қилган эди. Сен сафарда эдинг, биз уйғонишни – интибоҳни кутдик. Интибоҳ келди, сен бизни топдинг. Иншооллох, Ҳазрати Бобонинг васияти ижобат бўлди.

У очикрок жилмайди.

– Худонинг мардлари Худо эмаслар, лекин Худодан ҳам жудо эмаслар, – деди муридининг ҳолидан завкланиб.

## 6

Ҳазрати Хожа от устиди бораркан, оҳиста Алоуддин Агторга ўгирилди. Назарига интизор турган суюкли муридининг тараддудини тўсиб, Муздохун мазорига ишора қила, деди:

– Биз интибоҳ топажак маъво... – Сўнг яна сокин тин олди.

Муҳаммад АЗИМОВ  
Моҳигул АЗИМОВА

# QIRQQIZ QASRI

Марказий Осиёда, хусусан, мамлакатимизда Қирққиз номи билан аталадиган жойлар кўп. Табиийки, бу жойлар билан боғлиқ афсонаю ривоятлар ҳам бисёр. Жумладан, Қорақалпоғистондаги ёдгорлик тарихи Қирққиз ва Гулоиймнинг босқинчиларга

қарши курашини тасвирловчи афсона-дostonга. Қуҳитанг жануби-шарқидagi Хўжайи Фил ва Ҳисор тоғи ҳамда Фарғона водийсидаги "Қирққиз" эса душманга асир тушишни ор билиб, тошга айланган қизлар ҳақидаги афсоналарга бориб тақалади.

Биз қаламга олаётган обида эса Эски Термиздаги Ҳақим ат-Термизий мақбарасидан тўрт километр Шарқда, яъни Қадимги Сомон шаҳри ҳудудида жойлашган. Бу тарихий ёдгорлик Султон Саодат мажмуаси ва Кокилдор ота хонақосига яқин ерда бўлиб, улар орасидаги масофа бири-бири ярим километр келади. Ўз вақтида мадраса, расадхона, хонақоҳ, илми толиб ва мунажжимлар яшайдиган маскан бўлган мазкур иншоот ўлка тарихи, маданияти ва илм-фани равнақида алоҳида ўрин тутган.

Кўп йиллардан буён тадқиқотчилар эътиборини тортиб келаётган Қирққиз обидаси томонлари 54 метрдан бўлган тўғри тўртбурчак шаклидадир. Иншоот дунёнинг тўрт томонига қараган ва марказга йўналтирилган мужассамотда қурилган. Унинг тўрт томонида пастга қараб кенгайиб борувчи ичи ғовак мустақкам буржлар жойлашган. Текис деворнинг тўрт тарафидан ичкари қириладиган равоқли йўл ва бир неча дераза очилган. Бино ўқи бўйлаб жойлашган, ўзаро кесишган икки узун йўлак уни тенг тўрт қисмга ажратади. Шундан шимолга қараган икки қисмнинг тархи бир хил бўлиб, ҳар бир қисмда 5 тадан хона мавжуд. Иншоотнинг жануби-ғарбга қараган қисми ҳам уларга ўхшаш ва тенгдир. Унинг жануби-шарқий қисмида эса уч устунли катта бир хона бор.

Қаср томининг ёпилиши, деворларидаги тахмон-равоқлар, дераза ва эшик ўринларининг хилма-хиллиги обидага алоҳида кўрк, жозиба бахш этган. Сарой шимолий қисмидаги йўлак ва хоналарнинг усти равоқли кубба шаклида, бошқа хоналар эса чортоқ қилиб, хочсимон, балхли, чархи услубларда ёпилган.

Иншоотни янада кўркамлаштириш учун уч тахмон ва уч дераза қўйилган бўлиб, бунда понасимон равоқдан, ғиштни осилтириб ёки дандона қилиб териш усулидан фойдаланилган. Қасрда уч бурчакли, лўла – зинали, тухумсимон ва учли равоқлар ҳам учрайди.

Бинонинг ташқи девори 2-2,5 метр қалинликда бўлиб, хом ғишдан барпо этил-


гани боис ёзда салқин, қишда иссиқ бўлган. Қўргоннинг тўрт чеккасидаги буржлар уни босқинчилардан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган.

Ҳўш, Қирққиз қачон қурилган ва ундан қандай мақсадда фойдаланилган? Унинг тарихи қанчалик ўрганилган?

Қирққиз тарихий обидасини ўрганиш XIX асрда, Чор Русияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бошланди. 1778 йили бу жойга Самара илмий экспедицияси уюштирилган. 1881 йил апрелида француз сайёҳи Г.Бонвало ва расом Г.Капо Термизга келган. Г.Бонвалонинг қайд этишича, Термизнинг Солиҳобод (Салавот) қишлоғидан бир километр ғарбдаги харобалар шарқий гуруҳи ўша вақтларда Шаҳри Сомон деб аталган. Сайёҳ 1884 йили Парижда чоп этилган “Марказий Осиёдаги Сурхон харобаларида” деб номланган китобида Қирққиз ҳақида тўхталиб, бу ерда амир Абул Ҳақим Термизийнинг қизи қирқ канизи билан яшагани ҳақидаги афсонани келтириб ўтган.

1825 йилда И.Пославский, 1913 йилда А.Семёнов, 1922 йилда М.Вячесловлар ҳам Эски Термиздаги бошқа ёдгорликлар қатори Қирққиз обидасини ўрганган. 1637 йил Саййид Мирза Ёдгор Ҳусайн томонидан битилган “Султон Саодат саййидлари шажараси” китоби Сомоний ҳукмдорлар сулоласи тарихини Термиз шаҳри билан боғлайди. Буни А.Семёнов “Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши масаласига доир” (*Сталинабад, 1954, стр. 3-11*) китобида таъкидлаб ўтган. Сомон шаҳри Султон Саодат, Қирққиз ва Кокилдор ота тарихий обидалари жойлашган ҳозирги “Намуна” сувдан фойдаланувчилар уюмаси ҳудудида бўлган.

Баъзи мутахассислар фикрича, Қирққиз иншооти IX – X асрларда қурилган сарой, ибодатхона ва карвонсарой бўлган. Жумладан, З.Ҳақимов “Жанубий Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари” китобида шу фаразни илгари суради. Санъатшунос Г.Пугаченкова “Термиз, Шаҳрисабз ва Хива” асарида Қирққизни шаҳар ташқарисидаги IX – X асрларга мансуб сарой – чорбоғ



деб таърифлайди. Шарқшунос Некрасова эса “Қирққиз археологик тадқиқотлари” мақоласида бу обидани XIV – XV асрларга оид деб топади.

Албатта, олимлар Қирққиз қалъасини ўрганиш бўйича катта иш қилган бўлса-да, бино тарихини ўрганишда фақат археологик топилмалар ва иншоот қурилишидаги услуб доирасидан ташқари чиқилмаган. Кейинги йилларда топилган манбалар ва француз тадқиқотчиси Г.Бонвало келтирган ривоят Қирққиз IX – XIII асрларга оид тарихий ёдгорлик, деган фаразнинг ҳақиқатга яқинлигидан далолат беради. Қирққиз қасри IX асрдаяқ қизлар мадрасаси ва расадхона сифатида фаолият кўрсатган.

Руҳайдаи Давроннинг “Табобати занон” асарида битилишича, Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизий қирқ нафар қиз таълим олган мазкур мадрасанинг учинчи қаватида жойлашган расадхонадаги 36 нафар мунажжимга раҳбарлик қилган. Аҳмад Устурлобий ўз даврининг етук олимларидан бўлган. Абу Райҳон Беруний “Ал-осор ал-боқия” асарида “Текуфлар орасидаги муддат Аҳмад ас-Сағонийдан олинди, чунки у Абу Саҳлдан кейинги энг яхши мунажжимдир”, деб олимга юқори баҳо берган. Аҳмад Устурлобий 990 йили 92 ёшида вафот этган. Унинг “Илм ун-нужум” асарининг “Қирқ қизлар” бобида Қирққиз аёллар

мадрасаси ҳақида сўз юритилган. Асарда айтилишича, Руҳайдаи Даврон Абу Бакр Варроқ Термизийнинг қизи эди. У мазкур мадрасада бош мударрис бўлган.

Қирққиз мадрасасида турли мамлакатлардан келган қирқ нафар қиз таҳсил олган. Улар бу ерда олган билим ва тарбияни ўзлари яшайдиган ўлкаларнинг қизларига ўргатган. Мадраса талабалари Куръон тафсири, араб, форс, турк тилла-

ри, илми ҳайъат, мантиқ, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия, фикҳ, алжабр, кимё, илми бофандалик (тўқиш, тикиш, ип йигириш), камон отиш, отда юриш, югуриш, сувда сузиш, қиличбозлик, овчилик, баландликка чиқиш, сакраш, юмушга мос кийиниш, ранг танлаш, меҳмон кутиш, муомала одоби, биродарлик қонун-қоидалари, дили, вужуди, таоми, кийимини пок сақлаш, табобат илми, шогирдлар тайёрлаш, сир сақлаш, пазандалик, деҳқончилик ва чорвачилик, оилага тайёрланиш, фарзанд тарбияси, олган билимларини авлодларга ёзиб қолдириш, кофа-куфа, илми ҳол, илми қол ва лодуний илмларини, давлат ва қалъа сирларини сақлаш каби фан ва ҳунарлардан синов, имтиҳонлар топширган. Асарда бир вақтда (курсда) ўқиган қизларнинг шаҳарлари ҳам айтиб ўтилган: Бибисора (Ғазна), Бибиробия (Ардабил), Мариям (Яман, Бойлақон), Румия (Ункра, Синд), Балхия (Булг), Салмосора (Синжон, Арман), София (Озар, Солмас), Чехра (Ботуз), Муаззам (Сано, Зулқаъда (Бағдод), Моҳишамсия (Сугун, Барка), Юхоннавия (Ажам), Саодат (Суса, Мағриб), Муҳаррам (Дамашқ), Мавлуда (Макка), Зулайхо (Канъон), Земфира (Табриз), Зулжжжа (Каспий денгизи атрофи), Муштарий (Азҳоб), Зубайда (Марв), Алфия (Шинхин), Алавия (Ёфа), Гулруҳ (Омил), Рухсора (Синд), Зайтуна (Шан),

Рухнигор (Бутия), Мохирух (Ботуз), Амина (Кумус), Хадича (Илс), Мармуна (Ису-Исроил), Роҳила (Сугур), Танзила (Шуру), Меҳронзеб (Суф), Тазкира (Дилбванд), Албина (Нивия), Феруза (Исфажон), Балхубон (Кашмир), Тамара (Хулвон), Рая (Гуржистон), Қамбар (Чин-Мочин).

Китобда Қирққиз қалъаси ҳақида қизиқарли маълумотларга дуч келамиз: Қалъанинг тўрт тарафида тўртта дарвоза, тўрт зинапоя, тўрт зиндон, тўрт кудуғи бор. Биринчи қаватда қирқта, иккинчи қаватдаги меърожли кўшқда яна қирқта хона мавжуд. Учинчи меърожида қирқ зинапоя ва тўрт тарафи ҳам фалакка очик кубба бор. Сўнг нилий гумбаз келади, деб битилган.

"Илм ун-нужум"да қайси юлдуз фалакнинг қайси буржида турган чоқда ер юзидаги ҳолат, кишиларнинг аҳвол-руҳияти қандай бўлиши хусусида фикр юритилган. Қизлар мадрасаси биринчи қаватда жойлашган, куббали учинчи қават эса расадхона бўлган.

Мадрасада Абу Бакр Варроқнинг қизи Рухайда, Ҳаким ат-Термизийнинг қизи Хурайда, Саййид Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдорлар таълим берган (у қизлар мадрасасида дарс бергани боис сочларини ўстириб, узун кокил кўйиб юргани ривоят қилинади). Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдордан "Шажараи Ҳофизия" ва "Шажараи Калон" деган асарлар мерос қолган.

Қирққиз мадрасасини тамомлаган қизлар ўз юртларига қайтиб бориб, мадраса-мактаблар ташкил қилган, китоблар ёзган, кишиларни ҳақимия таълимоти бўйича даволаган. Учинчи қаватда, рабобда фаолият юритган 36 нафар мунажжим Аҳмад Устурлобий ясаган устурлоблар ёрдамида осмон жисмлари ҳаракатини кузатган. Қирққиз маънавият-

маърифат хайрия маркази турли жойларга йўллаган хатлар асосида Ботуз шахридан келган Чехра исмли қиз "Денов ва Балх" асарини яратгани, исфажонлик Феруза Чилдухтарон мадрасасини ташкил қилгани, канъонлик Зулайҳо эса "Қалъаи арбаин" (Қирқ қалъа) номли китоб ёзгани маълум бўлди. Эҳтимол, адиб Собир Термизий саййидлар авлодидан бўлмиш Термиз ҳокими Саййид Маждиддинга бағишлаган қасидасида тилга олган, шунингдек, Анварий ҳам шу жанрдаги асарларида мадҳ этган Термиз расадхонаси балки Қирққиздаги илм масканидир. Адиб Собир расадхона мухташам бинода жойлашгани, уни асбоб-анжомлар билан таъминлашга катта маблағ сарфланганини қайд этган.

Маълум бўлишича, Маждиддин Абул Қосим Али ибн Жаъфар Мусавий Термизий саййидларидан бўлган етти нақиб ҳисобланади. Расадхонадаги олимлар жамоасига эса XII асрга келиб Абдураззоқ Туркий раҳбарлик қилган. Аҳмад Устурлобий етакчилик қилган X асрдаги расадхонада Абу Али Ҳайам каби етук олимлар фаолият кўрсатган. Эҳтимол, кейинги расадхона ҳам ана шу Қирққиз қалъасида жойлашгандир. Келгусидаги изланиш-тадқиқотлар ҳали кўп номлару китобларни юзага чиқарса, ажаб эмас. Қирққиз қалъасини чинакамига ўрганиш эндигина бошланмоқда...



Миршариф ХУЖАЕВ



# OSSURIYANING TURONLIK MALIKASI

“Тафаккур” журнали дунёдаги етти мўжизадан бири – Бобил осма боғлари бунёдкори Семирамиданинг асли ватани қаерда деган масала юзасидан баҳс очгани (2011 йил 2-сон) айна муддао бўлди. Мақола муаллифлари Пўлат Зоҳидов ва Дамин Жумақул Оссурия давлати асосчилари – Семирамида (Шомирамат) ва унинг эри Нин ҳақида талай маълумотлар келтиради. Улар “...аждодлари қадим Оссурияга қўшни яшаган халқлар бугунги кунда Шомираматни ўз миллатига мансуб қилиб кўрсатиш учун, оғиздан-оғизга ўтиб юрган ривоятларга асосланган ҳолда, расмона тарих ясашга уринмоқда. Масалага бу йўсинда ёндашилса, осма боғлар бунёдкори туркийларнинг қадим аждодларидан бири бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас”, деб ёзади. Айна фикр бизни мақолага муносабат билдиришга ундади. Зеро, бундан роппа-роса икки юз йил аввал Германияда чоп қилинган ва 1917 йилги октябрь тўнтарышидан олдин рус тилига ўгирилган қомус асосчилари Ф.Брокгауз ҳамда И.Эфрон сумирлар (шумерлар), жумладан, уларнинг подшоҳи Семирамида ва эри Нин туронлик эканини таъкидлайди.

Энциклопедия маълумотлари ривоятларга эмас, балки Лувр, Британия музейларида сақланаётган миҳхатлар, оссуриялик подшоҳлардан бири – Измедаган ўғли Самасбиннинг Оссур (Қалъа шерхат) шаҳридан топилган ҳужжатлари, бобилликлар сулоласининг олтинчи ҳукмдори машҳур Ҳаммураби қолдирган сопол тахтачалардаги битикларга асосланган. Қолаверса, қомуснинг русча нашри таҳририятида XIX асрнинг жаҳонга машҳур олимлари – Д.Менделеев, В.Соловьёв, С.Венгеров, А.Бекетов, А.Воейков ва бошқалар бўлган. Нашр мавқеини шундан ҳам билса бўлади.

Биз бу ноёб (у том маънода ноёб, негаки, большевиклар айна маълумотларни ошқор этишни истамаган ва шу боис улар ҳозир ҳам кўпчиликка дуруст маълум эмас) қомуснинг Оссурия ва Семирамидага тааллуқли жойларини жузъий қисқартиришлар билан таржима қилдик. Мана ўша маълумотлар: “...Бу ерда (Оссурияда – **М.Х.**) Эрон, Фарбий Сомий ва Шимолий Олтой Туронида яшаган кўп қавмлар халқлар ўзаро чаатишиб кетган. Ўша даврда ҳаммадан олдин Оссурияга маданийлашган турон-ураллик қавмлар келган. Миҳхатларда

таъкидланишича, бу халқлар сумирлар (шумерлар) бўлган; кейинчалик уларга жанубда яшаган ақадлар келиб қўшилган. Шу боис Бобилнинг сўнгги подшоҳлари ҳам сумирлар ва ақадлар деб аталган.

Бу туронликлар сумир тилида сўзлашган. Оссурияликлар тили муқаддас ҳисобланган ва кейинги даврларда ҳам ундан фойдаланилган. Мазкур халқлардан шу тилда кўплаб ёдгорликлар мерос қолган. Оссуриянинг қадимги номи Сумир бўлган ва, Библияда (Ибтидо, X) ёзилишича, бу ерларга сомиёларнинг (Шимолий Африка, Олд Осиёда яшаган ва ҳозир ҳам яшаётган айрим халқлар) бостириб кириши оқибатида “сумир” атамаси йўқолиб кетган.

Қадимги турон қабилалари ҳақидаги маълумотларни Торгалда (сумирча “тургал” – буюк одам), шунингдек, Ибтидонинг (XIV) юнонча таржимасида учратасиз. Мазкур битиклар жуда кўп маълумотларни ўзида жамлаган ва бу борада Миср манбаларидан кейин иккинчи ўринда туради.

Бироқ Оссурияга дахлдор маълумотлар милoddан аввалги 2000 йилдан нарига ўтмайди. Измедаган ўғли Самасбиннинг Оссур (Қалъа шерхат) шаҳридан топилган ҳужжатлари (милoddан аввалги 1900 йил) энг қадимгиларидандир. Ҳукмдорлар орийчасига Патис номи билан аталган, аммо сомиё тили ҳукмрон бўлган... Ҳукмдорлардан кўпларининг номи ёдгорликларда сақланган.

Ктесийнинг Мидия-Форс манбаларига таяниб берган маълумотларига кўра, бу ерларда Оссурия ҳукмронлигини ўрнатганлар – осиелик фотиҳ аёл, Бобил асосчиси Семирамида ҳамда унинг эри Нин эди. Семирамида, номи турли ривоятларга қоришиб кетганига қарамай, тарихий шахсдир. Семирамидадан сўнг унинг иродаси бўш ўғли Ниний тахтага ўтирди ва ундан кейин 34 ҳукмдор давлатни бошқарди. Улардан сўнггиси ўзига ҳужум қилган вассаллари – Мидия ҳукмдори Арбак, Бобил ҳукмдори Белезисга (милoddан аввалги 788 йил) асир тушмаслик учун яқинлари ва саройини ёқиб юборган Сарданапал эди.

Семирамида ва Нин асос солган давлат 1360 йил турди. Ҳеродот ва Берозий маълумотларига кўра, Оссурия давлати 520 йил ҳукм сурган. Мидияликлар ажралиб чиққунга қадар у Осиё давлатлари орасида етакчи эди. Бу етакчилик Бобилнинг Оссурияга қўшиб олинишидан (милoddан аввалги 1314 йил)

бошланди. 1314 йилдан 788 йилгача ўтган 526 йилда ҳукмронлик қилган подшоҳлардан энг улуғи Семирамида эди.

Оссурия ҳақидаги хотиралар жуда тез унутилган бўлса-да, унинг давлат қурилиши борасидаги гоёлари Форсга, у ердан бутун Шарққа, Юнонистон ва Бобилга ёйилди. Оссурия ва Миср салтанати монархик давлат ҳамда маъмуриятчиликнинг қадимий намунасидир. Туронликлар давридан саройдаги 40 та мансаб номидан “драгомана” (оссурияликлар тилида “тургуман” – таржимон) сўзи асл маъносида бугунги кунгача етиб келган. Оссурияликлар ҳам, кейинги даврлардаги юнонлар ва римликлар сингари, йилларни таниқли мансабдор шахслар номи билан атаган. Тилга олинган манбалардан бирида милoddан аввалги 809 йилнинг 13 июнида Қуёш титилгани ҳақидаги хабар мавжудлиги маълумотларнинг ҳақиқийлигидан далolat беради.

Оссуриялик ва бобилликларнинг кейинчалик юнонларга асос бўлиб хизмат қилган қадимий ўлчов ҳамда тарози тизими кашфиёти учун авлодлар улардан миннатдор бўлмоғи лозим...

Бу маълумотларни туркийлар эмас, ўз ишига пишиқ-пухта немислар ёзган. Биз эса далиллар асосида деярли исботланган ҳақиқатга ҳамон шубҳа қилиб юрибмиз. Ажабим, туркийлар тарихининг бу қадар буюклигига ишонгимиз келмайди.

Мақола муаллифлари “Осма боғлар бунёдкори туркийларнинг қадим аждодларидан бири бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас”, дея ўринли таъкидлайди ва машҳур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг “Шумернома” асарига баён этилган баъзи маълумотларга мурожаат қилади. Ўлжас Сулаймонов шумерлар тилининг туркий тил билан жуда яқинлигини далиллар асосида исботлашга уринган. П.Зоҳидов ҳамда Д.Жумакул “Шумер ва туркий тиллар орасида ўзаро қариндошлик мавжудлиги ҳақидаги фикрни биринчи марта немис олими (яна немис – М.Х.) Ф. Хаммел ўртага ташлаган ва 350 га яқин ўхшаш сўзлар



топган. Бундай ўхшашликлар нафақат лексика соҳасида, балки сўз ясалиши ва келишик қўшимчалари тизимида ҳам кўзга ташланади. Америкалик машхур шумеролог Крамернинг эътирофича, шумерлар бундан уч минг йил бурунлари ҳам ўзлари сиғинадиган Илоҳларни "дингир" деб атаган... Бу сўз туркийча "тангри" демакдир. Баъзи олимлар шумерларни антропологик жиҳатдан европоид ирқига мансуб деса-да, ҳалигача бирорта Европа миллати ўзини шумерлар авлоди эканига оид тайинли гап айтгани йўқ. Лекин европалик олим Ф.Хаммелнинг фикрини машхур археолог ва этнограф С.Толстов ҳам қувватлаб, шумер тили олтой тил гуруҳига мансуб туркий тилларга ўхшашлигини айтган", деб ёзади.

Ахир бу ерда ҳеч бир афсона, ривоят йўқу! Муаллифлар фикрини бундай давом эттиради: "...биз эса ўзимизни қизиқтирган муаммага доир таҳлил ва ҳулосаларни баён этсак. Тахминимизча, скифлар Оссурия томонга юришининг боиси – уларни бу ҳудудга боғлаб турувчи қардошлик ришталари қадимдан бўлган. Боз устига, скифлар айна даврда истаган томонига юриш қилиб кетаверадиган ғолиб халқ ҳам эмас эди... Скифлар таянадиган ягона маскан эса аҳолиси ўзларига ўхшаб гапирадиган Месопотамия бўлган".

Оссурия, Бобил, Семирамида ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда чигаллигидан уларни ҳар ким ўзича талқин этади. Бундан ажабланмаслик керак. Мақола баҳонасида Брокгауз ва Эфрон қомусидаги далиллар билан Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ҳамда 2011 йили "Шарқ" матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган "Қадимги дунё тарихи" китобидаги айна мавзуга доир маълумотларни солиштириб кўрдик.

ЎзМЭда Семирамида ҳақида бундай ёзилган: "Семирамида – (юнонча Шаммурамат, оссурияча – Саммурамат) – Оссурия подшоси (маликаси) (миллоддан аввалги IX аср охири). Шамшиадад Бешинчининг (миллоддан аввалги 823-811) хотини. Асли Бобилдан. Эри вафот этгач, Ададнерари Учинчи (Брокгауз ва Эфрон қомусида Рамман Нирари Учинчи дейилган – **М.Х.**) балоғатга етмаган даврда (миллоддан аввалги 810-806) давлатни амалда васий сифатида ўзи бошқарган. Унинг ҳукмдорлиги даврида шимолдаги халқлар ва мидияликлар билан тез-тез урушлар содир бўлиб турган. Шу туфайли мазкур халқларда Семирамида ҳақида

афсона тўқилган. Унга кўра, Семирамида ва унинг эри Нин (юқорида эса Шамшиадад У дейилган – **М.Х.**) Скифия, Эрон, Арабистон, Бақтрия, Ҳиндистон, Миср ва бошқа мамлакатларга улкан ҳарбий юришлар қилган. Ниневия ва Бобил каби пойтахт шаҳарлар бунёд этишган. Семирамида Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, Нин (Брокгауз ва Эфрон қомусида ўгли Ниний дейилади – **М.Х.**) томонидан уюштирилган фитнадан хабардор бўлади ва ўз ихтиёри билан унга тахтни топшириб, каптарга айланади ва бир гала каптарлар билан саройни тарк этиб учиб кетади. Геродот ва Ктесий Семирамидани дунёдаги етти мўъжизадан бири – Бобилдаги сарой томида яратилган машхур осма боғлар бунёдқори сифатида таърифлашган" (7-жилд, 577-бем).

ЎзМЭдаги бу маълумот Семирамида тарихидан озми-кўлми хабардор кишига эриш туюлса ажабмас. Кичиккина парчада бир неча чалкашлик бор. Биринчидан, унда "Семирамида Шамшиадад Бешинчининг хотини" дейилади. Ҳўш, шундай бўла қолсин ҳам, дейлик. Унда сал партоқда "эри Нин" дейилганини қандай тушуниш керак? Қомусда "Семирамида ва унинг эри Нин Скифия, Эрон, Арабистон, Бақтрия, Ҳиндистон, Миср ва бошқа мамлакатларга улкан юришлар қилган", деб ёзилган. П.Зоҳидов ҳамда Д.Жумақул мақоласида эса оссурияликлар скифлар билан иттифоқ тузиб, умумий ганимларига қарши курашгани қайд этилади. Чунончи, "...миллоддан аввалги 653 йилда Мидия подшоҳи Киаксар бутун лашкарини йиғиб Оссурияга қўшин тортиб борган. У оссурияликларни мағлуб этаёзган чоқда унинг мамлакати ҳудудига қудратли скиф қўшини бостириб кирган... Бизнингча, бу тасодиф эмас", дейилади. Бу фикр ЎзМЭдаги Оссурия ва Скифия ўртасида урушлар бўлгани ҳақидаги маълумотга зид келади ва ўқувчида ким ҳақ деган савол туғилишига сабаб бўлади.

Бизнингча, шу ўринда ЎзМЭ маълумотлари чин эканига шубҳа уйғотадиган баъзи нуқталарни қайд этиб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Юқорида зикр этилганидек, миллий қомусда Оссурия Арабистон, Бақтрия каби мамлакатларга улкан ҳарбий юришлар қилган, дейилади. Биринчидан, у вақтда Арабистон деган давлат бўлмаган. Иккинчидан, Бақтрия давлати миллоддан аввалги VII – IV асрларда мавжуд бўлган.

Ваҳоланки, ЎзМЭда милоддан аввалги IX аср охирилари назарда тутиб, фикр билдирилган. Бундан ташқари, Оссурия давлати ЎзМЭга кўра, милоддан аввалги 605 йилда (VII асрда), Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясига кўра эса, милоддан аввалги 788 йилда (VIII асрда) тугатилган. Қўйинги, ҳар икки маълумотни тўғри деганда ҳам, Бақтрия давлати Оссурия тугатилгандан кейин пайдо бўлган. Шундай экан, Оссурия ҳали вужудга келмаган Бақтрия билан қандай урушиши мумкин?

"Семирамида – Шомурамаат изидан" мақоласида эътироф этилганидек, мазкур тарихий шахсга доир манбаларни титкилаганинг сари кўпроқ чалқашасан, киши. Масалан, ЎзМЭда Оссурия подшоси Саргон Иккинчи милоддан аввалги 722-705 (VIII аср) йилларда ҳукмронлик қилган, деб кўрсатилган. "Қадимги дунё тарихи"да эса Саргон Иккинчи милоддан аввалги XIII аср ўрталарида подшолик қилган, деб қайд этилган. Бундай чалқашликлар орасидан ниманидир аниқлайман, дейиш тўқайдан игна излашдек гап.

Шунга қарамай, Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясида баён этилган бир фикр диққатга молик. Унда Семирамида тарихига доир чалқашликлар сабаби тўғрисида "...Ктесий Мидия манбаларига асосланиб ёзган. Мидияликлар эса Бобил маликаси Саммурамаатига (Семирамидага эмас – **М.Х.**) уйланган Рамман Нирари Учинчи подшолиги замонида Оссурия – Бобил маданияти билан танишганлар. Маданият ва давлатчиликлари ўта жўн бўлган мидияликлар Оссурия тарихида алоҳида ўрин тутган машҳур Семирамида (Ҳеродот Семирамидаси – **М.Х.**) ҳаётининг тафсилотларидан ҳайратланиб, унинг номини ўз маликалари – Саммурамати исми билан қориштириб юборган", деб ёзилган. Балки бу гапда жон бордир.

Мазкур нашр муаллифлари фикрича, қадимги Оссурия подшолиги (милоддан аввалги XX – XV асрлар) даври (Семирамида ва Нин асос солган давр) билан янги Оссурия подшолиги (милоддан аввалги 911-612) замони (Рамман Нирари Учинчи подшолиги даври) чалқаштирилгани боис кўпгина тарихчилар, жумладан, Ктесий ҳам хатоликка йўл қўйган.

Нин ва Семирамида Оссурия давлати асосчилари деб айтиладиган бўлса (Брокгауз ва Эфрон энциклопедияси – **М.Х.**), улар подшоликнинг учинчи даврида яшамагани

ўз-ўзидан маълум бўлади. Шундай қилиб, Ҳеродот айтган Семирамида исми Ктесий хатоси билан Саммурамати номига айланиб кетган. Ҳозир эса барча тарихий манбаларда Семирамида – Саммурамаат тарзида қалат тилга олинмоқда. Бу фикр Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясида алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, машҳур Ҳаммураби тўғрисида Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясида бундай маълумот бор: "Ҳаммураби – биринчи (яъни қадимий) Бобил ҳукмдорлари сулоласининг олтинчи подшоси, милоддан аввалги XXIII асрнинг тахминан иккинчи ярмида (ЎзМЭда XVIII аср) 55 йил (ЎзМЭда 35 йил) ҳукмронлик қилган. Унинг исмини баъзилар ханаанча (қадимги яҳудийча) Винклер, бошқалар арабча Ҳоммел дейди. Бобилча Ҳамми-Рапалту Библияда (Ибтидо, XIV) Бобил подшоси Амрафел тарзида берилган...У ёзувларини икки тилда – сумирча ва соийда қолдирган".

Оссурия ва Бобил тарихини бир-биридан ажратиб ўрганишнинг сира иложи йўқ. Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясида Семирамида ва Нин Оссурия давлати асосчилари дейилса, ЎзМЭда эса "Семирамида – Оссурия подшоси, асли Бобилдан", дейилади.

Энди "Бобил" ва "Вавилон" сўзларининг маъноси хусусида икки оғиз. Тарихий манбаларда айтилишича, Бобил шаҳри дарвозаларидан энг каттаси "Бобилоҳ" деб аталган. Боб – дарвоза (араблар ҳозир ҳам дарвозани "боб" дейди – **М.Х.**), илоҳ – Худо дегани. Унда бошқа халқлар нега Бобилни Вавилон деб айтади, деган савол туғилади. Гап шундаки, иврит тилида "Б" ва "В" товушлари, рус тилидаги "Е" ва "Ё" товушлари сингари, фарқланмайди. Шунинг учун яҳудийлар "ота" сўзини "авва" шаклида ҳам, "абба" тарзида ҳам талаффуз этаверади. Қадимда улар "Бобилоҳ"ни "Вовило" шаклида айтганлар. Шу тариқа "Бобилоҳ" Фарб мамлакатларида "Вавилон" кўринишида қабул қилинган.

Семирамидага доир ҳақиқатни кашф этмоқчи бўлган тарихчилар ва умуман, қизиқувчилар бировлардан кўчирма олган Ктесий, Берозий каби муаррихлар фикри билангина қаноатланиб қолмай, дунёнинг юқорида тилга олинган машҳур музейларидаги ашёвий далилларга, қолверса, Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясига ўхшаш манбаларга таянсалар маъқул бўлади. Шояд, Семирамиданинг ватани қадимий Турон эканини янада асослироқ исботлармиз...

Илҳом ҒАНИ



# Mutolaa – ruh shifosi

*Омадсизликдан чўчимагани қадрла, тушкунликка тушмаганга ҳавас қил,  
хурликка интилгани сев.*

\*\*\*

*Ким бахтли? Ҳеч кимдан гинаси йўқ одам. Ким дилозор? Ўзгалар  
ҳиссиёти билан ўйнашадиган кимса. Тамагир-чи? Ҳар нафасда миннат  
қиладиган кас.*

\*\*\*

*Кўпчилик чиройли сўзлаган ва ёстиқдай китоб чиқарганларни олим санай-  
ди. Мен зако ва фаросат аҳлини соғинаман.*

\*\*\*

*XXI аср санами – “пулхудо”га сизинмаган шахсина ўз келажагини  
кафолатлайди.*

\*\*\*

*Жан-Поль Сартр “Шухрат эркимини бўғишини истамайман” деб, Нобель  
мукофотидан воз кечган. Ана сизга ички хуррият!*

\*\*\*

*Ичимдаги “мен” мудом абадият ва ўлим билан курашади.*

\*\*\*

*Замонавийлик кийимда эмас, фикрда бўлади.*

\*\*\*

*Ҳар ўн йилда юз йилни, ҳар юз йилда ўн асрни  
яшамоқдамиз. Шиддатли ва шафқатсиз, шоиқалоқ  
ва ҳовлиқма XXI асрда бахт ва муҳаббат дея  
қайғураётганлар саодатлидир.*



\*\*\*

*Сўнги юз йиллик – табиатга тажовуз асри. Қолгани инсон қалбига  
қаратилмасин-да...*

\*\*\*

*Ҳасадеғўйга истеъдод, меҳнату шуҳратинг эмас, биргина хатоинг зарур...*

\*\*\*

*– Одамлар ёлгон, алдов, хиёнатдан безадими?  
– Бир ҳалокат кўргач!*

\*\*\*

*Қуш, чигиртка ва илонлар нима ҳақда гаплашсайкан? Ҳар ҳолда, фикр,  
ғийбат, ҳасаддан бўлмаса керак.*

\*\*\*

*Ёшлигингни шундай гўзал хотиралар билан зийнатлагинки, кексайгач –  
ўқинма!*

\*\*\*

*Ёвузликни гўзал шаклда яшира биладиган бир улуг тўда пайдо бўлди,  
урчиди...*

\*\*\*

*Ёлғизликни севган инсонга, илтимос, ҳалақит берманг! У ўз хаёлида  
сўнги қаландардек ибодат қилаёттир.*

\*\*\*

*Илм, журъат, амал охир бир кун одамни ўлимга тик боқадиган мардга  
айлантиради.*

\*\*\*

*Лев Толстой – эдик тафаккурнинг улуғ тоғи. Шу тоғ соясида кўриниб  
турган романларгина абадиятга дахлдор.*

\*\*\*

*Ёлгончининг фожиаси – бора-бора ўз алдовига ўзи ишонади ва ҳатто  
унга муҳаббат ҳам кўяди. Бу – ўз-ўзини тириклай ёндириш демак.*

\*\*\*

*Сизга озор бераётган кас-нокаслардан ранжиб, вақтни бой берманг.  
Уларга энг муносиб жазо – эътиборсизлик.*

\*\*\*

*Муҳаббат деганда ҳануз мийғида кулгувчиларнинг ҳолига вой! Уларнинг  
қалби муҳрланган, ҳислари сўнган ёхуд ҳайвонийлашган. Ушбу мусаффо  
туйғу, илоҳий ҳайрат олам ва одамнинг жавҳаридир.*

\*\*\*

*Дардингни айтиб йиғлама. Ичинг қонаб, маддалаб кетса ҳам,  
ганимларингга кўзёшингни кўрсатма.*

\*\*\*

*Агар инсонни йўқотишлар ўзгартиролмаса, уни ўзгартириш – имконсиз.*

\*\*\*

*Бутун инсониятнинг шайтон ҳақидаги фикри, тасаввуридан бир киши-  
нинг ичидаги ўша лаин маҳобатли.*

\*\*\*

*Ҳамма “Сиз босиқ бўлинг”, дейди. Мен изтироб ичра ўйлайман: “Ўзингга  
нина суқиб кўр, оғримаса, бировга – бизиз!”*

\*\*\*

*Юзсизлик ва шаллақилик ҳам ҳунар – одам кўрқитиб иш бажарасан.*

\*\*\*

*У ўз жасанозасида сўзланадиган нутқни ҳам ёзиб қолдирмоқчи.*

\*\*\*

*Ажриққа ўрганган эшакка нега сен гулни рўбарў қиласан?*

\*\*\*

*Гўзаллик ҳақида гап сотманг, уни яратинг.*

\*\*\*

*Мен қувончу шодликдан кўра гам ва аламдан кўпроқ ҳикмат топдим.*

\*\*\*

*Чивин гул ҳидидан қочади. Унга исқоти, могор ва гўнг керак.*

\*\*\*

*Сиз гулларни санаганда ҳамиша ўзингизни эсдан чиқарасиз.*

\*\*\*

*Сергей Есенинни севмай бўладими? “Ёшлигимда бурним қонаган, энди эса қондир юрагим...”*

\*\*\*

*Оҳуни гажиб, еб турган шер бирдан сичқон тутиб олган мушукка ташланди...*

\*\*\*

*Сени маъсум қалбинг, гўзал орзу-хаёлларинг, мунаввар туйғу ва заковатинг, ўтқир ақл ва гайбий истейдодинг учун муттасил жазолайдилар.*

\*\*\*

*Бегуборсан-у, ўз қадрингни билмаганингга куяман.*



# “MENI HAM TURTIB QO‘Y, ERTA UYG‘ONSANG...”

Дунёда бир ўргимчак бор эди.

Тонг элас-элас отиб, қизгимтир кўешнинг илк илик нурлари оламга ёйилиб, шудринг остидаги турли-туман ўтларнинг ҳидлари сезилар-сезилмас тарала бошлагани ондан у янги тўр тўқишга тушарди. Тўри ҳавойи, юмшоқ, нозик эди. Ўргимчак ўз вужудининг қаерида, қай тарзда тўр ҳосил бўлаётганидан беҳабар эса-да, унга тўрни ҳосил қилиш жараёнининг ўзиёқ лаззат бахш этар эди гўё. Ғоят инжа ипакка ўхшаб кетадиган тўрнинг юзаси влишқоқ, йилтироқ бўлиб, илк учини бир япроққа маҳкамлаб, тебрана-тебрана тўқий бошлар эди у.

Аввалига узун ўқ ипини тизиб оларди. Кейин у ўқдан бошқа томонларга янги ўқлар тортар, марказдан турли тарафларга чўзилиб кетган иплар ҳосил бўлгач эса, ораларини бир-бирига туташтириб, каттакчалар ҳосил қилишга тушарди. Каттакчаларнинг кенглиги аниқ эди, қаерда ва қай тарзда катакча ясаш лозимлигини билар эди у.

Шу тариқа, бир катакдан иккинчисига ўта-ўта, ажиб бир моҳирлик ва қунт билан шу ғалати ишида давом этар эди.

У тўқий бошлаган тўр ғоят нозик гиламчага-да ўхшаб кетарди. Ҳар банди гиламнинг бир бойлами, ҳар ипи бир ипак қатими каби товланувчану йилтироқ эди.

Бу – ранги оч сариқ, бошчаси ва оёқ учлари қизғиш-қорамтир митти ўргимчак эди. Шуниси қизиқки, у ўлжа овлаш учун тўр қурмасди – оддий, чиройли, санъаткорона тўрини тўқир эди, холос.

Тўрнинг учлари ўн битта эди. Ўргимчак баъзан кичикроқ – тўққизта ёки еттихта учли гилам ҳам тўқирди. Доимо тилпа-тик жойлаштиради тўрини. Лекин тўр бойланган япроқлар гоҳо вази-



ятини ўзгартирар, шунда тўрнинг ҳолати ҳам ўзгарар, бундан ўргимчак азият чекарди. Шакли бузилган тўр унинг завқини қондирилмас, шу сабабли қайтадан янги тўр тўқий бошларди.

Қуёш ҳаволаб кетиб, теваракни бирдай қиздира бошлаганида у сўнги бандни ҳам бойлаб бўлди. Сўнг тўрининг ўртасига илдам борди-да, ҳамма бандлар бирлашган жойда тек қотди. Шу ердан ҳар томонга чўзилиб кетган иллар ва оралари кенгайиб борувчи каттакчалар аниқ кўриниб турарди. Бу жуда чиройли манзара бўлиб, шу кичик "ҳудудча"нинг ҳамма томонини энлаб-чўзилиб кетган тўрнинг қоқ марказида туриб, ўз санъатидан завқланиш ўргимчакка хуш ёқди.

У тин олиб, тўр марказида туриб қолди.

Бир оздан кейин шабада яна эсди.

Тўр, бойланган япроқлари билан биргаликда, чайқалди.

Баҳорий ел оқиста эсар, атрофдаги турли-туман исларни олиб келар эди. У исларни ўргимчак сезармиди-йўқми, номаълум.

Шунингдек, ел ўз қанотида турли-туман овозларни ҳам олиб келди. Бу элас-элас шовқин ичида ўтларнинг шитирлашидан тортиб кўй-кўзиларнинг маъраши, кучукларнинг вовуллаши, кимларнингдир гўнғир-гўнғир овозлари ҳам бор эди.

Ёқимли экин ичра тўр марказида чайқалаётган ўргимчак қуёш қаттиқ қиздирганида ўқ илларнинг биридан ўрмалаб бориб япроқ остига кириб жон сақлаши ҳам мумкин эди. Бироқ қуёшнинг тиккага келишига анча бор, қуёш нурлари ҳам тўр каби нозик, бу ҳам ўргимчакка хуш ёқмоқда эди.

Бадий асар ҳам тўр каби тўқилади, дер эди мураббийларимиз. Хаёлотни ўшандай ўраб-чирмаб оладиган асарлар ҳақида ўйлаганимда, бирданига жуда кўп исмлар ёдга келди. Улар орасидан бир нечтасини танлаб-саралаб олиб, адибларнинг воқеа-манзараларни тавсиф этишдаги маҳорати ҳақида сўзлаш камлик қиладигандай, шу боис саноқли китоблар устида эмас, инсон тафаккурида бир умр из қолдириши мумкин бўлган турфа асарлар ҳақида мулоҳаза юритиш маъқулдай туюлди.

Ўйлаб қарасам, олти-етти ёшларгача китоб ўқиш айтарли қизиқарли машғулот бўлмаган экан. Балки китобга эҳтиёж сезмагандирмиз. Ҳар ҳолда, теварак-атроф уйғотаётган тасавурларнинг ўзи етарли эди. Ҳозир тўла ишонч билан айта оламнки, бола тасавури манаман деган ёзувчи хаёлотидан устун ва кучли, шу сабаб ҳам теваракда ота-онасию бирикки ўртоғидан бошқа яқини бўлмаган бола учун китоб унча қизиқ эмас, устига устак, китоб ўқиш чўчитар ҳам эди. Одам боласи надоматларга ва ҳатто хасталикларга етакловчи жуда кўп гуноҳларини сўз воситасида содир этади, аммо тазарруси ҳам сўз билан бўлади. Эндигина ўса бошлаган ниҳолдай тасаввурга ўзга ва ёт фикрлар худди тажовуздек кўринган, сўзининг тафаккурда бирон бир маъно ҳосил этиш жараёни ҳали тоза руҳга оғир келган бўлиши мумкин. "Балоғатга етмаган болалар фариштадилар", деган гап бор-ку. Шу сабаб, ҳаётнинг болалик палласида кимдир китоб ўқиган бўлса-да, эсплоаслиги табиий. Чунки болалар бу даврда табиат ва ота-она "китоб"ини ўқиб улғаяди. Ҳақиқий китоб ўқиш, фикрга, тасаввурга, ташбеҳга чанқоқлик ўсмирлик чоғида балоғат бўғинлари билан бирга ёпирилиб келади. Бизларда ҳам шу ҳол рўй берди. Ўсмирлик ва йигитлик даврида учкур хаёл шиддат-ла ҳар нарсани ўзига синдириб олар, яна ва яна талаб қилаверар эди. Теварак билимларга ва таассуротларга тўла бўлса-да, руҳ ақл ва тасаввурдан ташқаридаги яна нималаргадир интиларди. Бола тасавури билан ўзимиз кўниккан-билган манзаралар ортидаги кўникилмаган-билинмаган манзараларни излар эдик. Кутубхоналарда китоб кўп, қай бири дуч келса ўқийверар, лекин тобора куч йиғиб бораётган тасаввурни ҳатто фантастик ва саргузашт асарлар ҳам қондирилмасди. Ёзувчилар ўз кувваи хаёлотига таяниб минг бир манзара ва ҳодисаларни содир қилар эди-ю, бироқ руҳ яна нималарнидир излайверарди. Болалар адабиёти деган дунёнинг мағзини жуда қисқа вақт ичида қақиб улгурган ва аллақачон ундан ўзиб кетган идрокимиз янада залворлироқ маъноларни хоҳлар эди. Бу изланишни тафаккурнинг ўсиш ва синдириш даври деб номладим, ўзимча.



Мазкур паллага етиб келишимизда, аввало, бир томондан Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миғиб" ию Анавар Обиджоннинг "Аламазон"и, Эркин Воҳидовнинг ҳароратли шеърлари, бошқа томондан эса, бегонадай туюлган дунё болалар адабиётининг (Памела Траверснинг "Мэри Поппинс", Астрид Линдгренининг "Томда яшовчи Карлсон", Жек Лондоннинг турли ҳикоялари ва ҳатто норвег сайёҳи Тур Хейердалнинг "Кон-Тикида сафар" ёдномаси ва жанубий кутбга илк бор қадам қўйган саёҳатчи Руал Амундсен хотираларига-ча – ҳамма-ҳаммасининг) катта таъсири бор, албатта. ("Бегона" дейишимдан мурод – бола зеҳнидаги жуда кучли, аммо идрок этилмаган миллий ватанпарварлик туйғусига эътибор қаратишдир. Баъзи тенгдошларимиз чет эл болалар адабиётига мансуб асарларни, "исм-лари бегона экан" деб ўқимагани бор гап.)

Инсон боласининг изланишлар дунёси шу қадар ранг-баранг ва турли-туман экани ақлни шоширар, бошқа томондан эса, шеърят дунёси ўзининг изтироблари, ғамларию гуссалари, шодликларию жилвалари билан ром этарди.

Лекин барибир, шу қўрилгану ўқилган асарлардан янаям бошқачароқ, кучлироқ, бир силтаниси билан фикр тўсиқларини чилпарчин қилиб юборадиган ва одамни ром айлаб, ичига олиб кириб кетадиган олам – қошу қабоқ орасидаги гоят муҳим ва ҳайбатли бир сезги, ҳис, манзара, ташбех, ўй изланар эди яхлит фикрловчи борлиқда. Ижтимоёт бонг урар, ташвиқий асарлар ёзилар, лекин миёнининг фикрловчи гўддалари устидан энгилгина сидирилиб ўтиб кетаверар, ҳаёт энгил-елпиликка тўлиб-тошиб кетгандай туюлган бир маҳалда... жиддий адабиётни излар эдик. Ана шу паллада дунё адабиёти билан юзма-юз келгандаги иккиланиш ва ҳайратларга ҳам тўхталиш керак деб ўйлайман.

Олий даргоҳда таълим олар эканмиз, дунёнинг "учинчи (яъни басират) кўзи" очилиб кетган кишилари дея таърифланган ёзувчилари асарлари ўша чанқоқни қондира оладигандай туюлганидан сўйилди. Киши тасаввурини биттагина қалб устида чиқирак қилиб айлантирган Достоевскийдан Толстойгача, Камюдан Кьеркегоргача, Ницшедан Шопенгауэргача... Даҳшатли ва залворли ўйлар билан ўша фикр ва туйғу ташналигини қондириш мумкинлигини ҳис қилишнинг илк ҳайратли онлари ўтгач, у асарлар мавзуси бегонадай туюла бошлагани, ботиний истак бу оламни қабул қилолмагани, фикр тарзига маҳлиё бўлган ҳолда улардаги қиёфалар бегоналигини илғганидан бино бўлган аросатлар даври... Дунё – бегонадир, деб бонг урар эди Камю. Очун – анланмаган ғалати билимларга тўла, дер эди Борхес. Олам – балчиқдан иборат, дер эди Достоевский. Инсоннинг жавҳари – илоҳийдир, дерди Юнг. Ҳаёт – майлардан иборат ва инсон – ҳайвонийдир, дер эди Фрейд... "Тафаккурга кўшилиб имон ҳам ўлмоқда, қайта бошдан фикрлаб боқинг", демоқда эди Айтматов. Сальвадор Дали истак ва изтироблар суратини чизар, Иероним Босх қиёмат манзаралари билан қўрқитар, Рюноске Акутагава "Ўргимчак уясининг толаси" ҳикоясида адолатнинг бешафқат тасвири билан одамни ҳайқиттар эди... Адабиёт – улкан ҳодиса, у илон каби сеҳрлаб домига торта бошлайди, дер эди Камю. Бу нуқтаи назарлар аро дафъатан она адабиёт, она тасаввурлар майда, ҳавоий туюла бошлаган эди. Сабабини буюлмаддик. Нега унақа фикрлай олмаймиз, деган ғалати иштибоҳлар уйгонган эди юрак тубида.

*Шабдада қаттиқроқ эсди-да, тўсатдан тўр бандларини новдалардан узиб олиб, тўр эгаси билан қўшиб ҳавода айлантира-айлантира учириб кетди.*

*Ўргимчак мана шу учини кутаётган эди. Унга бу учини жуда ёқди. Шу тарика ариқлари майсалар, буталару яшил майдонлар узра ҳаволана-ҳаволана учаверди у.*

*Шу маҳал ўзининг сўйёб эмаслигини, шамол қайққа учирса ўша ёққа учиб кетаверадиган сайд эканини англаб қолди. Ва ўзи тўқиган ҳафиф илга маҳкам ёпишганича шамол қаврга учириб олиб кетишини кута бошлади. Бу парвоздан энтикар, озо-озод учининг ҳаяжонлари уни маст қилган эди.*

*Баҳорнинг ўйноқ шабадаси у тўқиган ижодни банд-бандидан узиб, тамомлаа ўз ихтиёрига олди. Узилгани ҳамона бу чиройли гиламнинг шакли бузилиб, бошқа кўринишга кирди. Митти ва ҳарир учар гиламни эслатувчи тўрға маҳкам ёпишганча у энди илиқ ҳаволарда мавжлана-мавжлана учар, бу парвоз гоят файзли ва завқёб эди.*

Энг Жўнроқ қилиб айтсам, мана шу санаб ўтилган ва шошилишда эсга келмаган яна бошқа фалсафалару образларнинг барини навқирон рух ўзига синдириб бўлган, энди воқеаларга Буэндиа, Мерсо, Фрейд бўлиб қарай олаётган ва тахминан ўша қахрамонларга яқин фикр ҳам юритаётган эди. Бироқ бу ҳолатимиз тафаккур ривожига айтарли ҳеч нарса бермади, олам ҳануз саволларга тўлалигича қолмоқда, ижод моҳияти у ёқда турсин, яшаш маъносини ҳам очиб бера олмаётган эди. Хўп, инсон ҳаёти ҳайвоний нафсини қондиришдан иборат дейилди, кейин-чи? Инсон бу оламга бегона дейилди, кейин-чи? Адолатсиз жамият одам боласини жиноятга мажбурлайди дейилди, кейин-чи? Энг ажаботуви Альбер Камю – унинг "Калигула"си эди. Римнинг телба императори савдоий фалсафаси билан ақллари лол қолдирса-да, бироқ яшаш ва умр моҳияти ҳақида ҳеч билим бермас, мантиқий фикрлашнинг ранг-баранглигини ифода этар эди, холос. Чақалоқнинг туғилиши нурли ва сирли ҳодиса саналса, ўсиб-улғайиши ва қартайиб ўлиши одамни ваҳимага соладиган, сочларини тиккайтириш юборадиган чўнг моҳиятга ишора қилиб турса-да, бутун инсоният тақдирини қўятурайлик, ҳатто оддий талаба ҳаётининг моҳиятини ҳам очиб беролмаётгани қизиқ эди. Бошқачароқ айтсам, бир инқунинг турли қирраларини кўрсатгани билан, ҳаётга ярайдиган ва азаллий саволларга жавоб топишга ёрдам берадиган жўялироқ фикр уйғотолмас эди.

Муаммо ёғдудами, инжудами?

Шундай бўлса-да, у асарлар фикр ҳудудини кенгайтиришга хизмат қилганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу ёғдули тошлар ёруғида ўз ўқиб-билган адабиётимизга назар ташлаганимизда, баъзан жўнроқ ва одмироқ манзараларни кўриб, ўсмирлик ва ёшлик шиддати аро шууримизда сезилар-сезилмас иштибоҳлар уйғона бошлаган эди. Нимагадир миллий адабиётимизда одабийлик, меҳр-оқибат, айниқса, яхшилик ва ёмонликнинг ғоят қалтис зиддияти содда ва оддий ифода қилинганига ақл шошар эди. Масалан, икки қўшни ўртасидаги муносабатлар қаламга олинган бир ҳикоянинг хулосаси ўлароқ, бу қўшнларнинг бири яхшию бошқаси ёмон бўлиб чиқар, бир одам икки ўғлини уйлантирса, келинларнинг ҳам бири инсофли, иккинчиси жоҳил экани бошданоқ аён бўларди-қоларди ва ҳоказо.

Худбин фикрлару хулосаларни бир четга қўятурайлик-да, некин қараб кўрсак, ичимиздаги ташна руҳни нега қондирилмади деб уйлаганимиз юзлаб асарлардаги моҳиятни энди англаётгандайман. Ҳар ҳолда, ўсмирликдан талабаликкача ва ундан расмон фикрловчи киши бўлиб етиша бошлаганимиз ўн-ўн беш йил ичيدا англаб етиш душвор, аммо ҳис қилиш мумкин бўлган бир қаттол фожиа аллақачон рўй бериб бўлган, шу сабаб ўзбекчилик руҳи асарларга кўчган ва саҳифалар қатида жон сақламоқда эди. "Мени ҳам туртиб қўй, ерта уйғонсанг", дер эди дўстига ҳали жўда ёш бир шоир. Шом қўнган пайт нон ёлган бир аёл ўша нондан иккитасини қўшнисига чиқаргани тасвирланган энг оддий, энг ғариб ҳикояда ҳам миллийликнинг бир қирраси ниҳон эди. Ҳар жихатдан хурлик, озодликка интилаётган олам ичра, ҳатто энг ғарибона битилган муҳаббат воқеасида ҳам, ўзбекнинг йигит-қизи образи орқали миллий одобнинг бир қирраси энгил ифодалаб ўтиб кетилган эди. Ваҳоланки, шу билан ёнма-ён ўз ғояси йўлида отасини ўлдирган йигит ҳақидаги асар ҳам тарғиб қилинарди. Миллатимнинг энг ночор ҳикоясида ҳам ота дастурхон бошига келиб ўтирмагунча таомга қўл урилмас эди. "Увоқни исроф қилма, у қушларнинг ризқи" деган ўғит муштдайлигимиздан қулгоғимизга қўйилган, улғайган эса ўша ўғитни олис Дания қироллигида яшаб ўтган адиб Андерсен асарларида ҳам кўриб ҳайрон қолган эдик. Бироқ улар биз улғаяётган даврининг эмас, ортда қолган юз йилликнинг адиблари-ку? Ҳа, зиддиятлар ғоят кучли эди. Мустабид тузумнинг баҳайбат ташвиқот дастоҳи онглари қайта ишлаб, маҳсулот ҳолида ўрамлаб чиқариб ташлаётган, озод ўлкаларнинг даҳо-ю истеъодлари эса "дунё – бемаънидир" деган хулосага келган, турли минтақаларда кескин зиддиятлар, пўртаналар, қалқилар рўй бераётган бир даврда ёпирилиб келаётган технологик келажак қаршисида олам кишилари ўз руҳига таянч ва таскин бўла оладиган ниманидир худди ўсмир каби талпиниб излар экан, саволлар янада кўпаярди. Ваҳоланки, инсон ҳар ерда ҳам инсон эди – дунёнинг қаерига борманг, бир йигит-қизнинг ўртасида севи-муҳаббат куртак ёзар, пўртаналар жуфтлар фарзанд истагида орзуманд яшар, дунёга келган чақалоқнинг атак-чечагига қараб севиши дунёнинг ҳар ерида бирдай завқёб ва таскинли экан, катта ёшли кишилар орасида зиддиятларнинг пайдо бўлиши ақлни шоширарди... Миллатимнинг қахрамонлари – эзгин, ўксик, камтар,

аммо олижанов оддий кишилар ўша доводирашларга ҳайрат ва содда нигоҳ билан боқиб турар эди... худди ўзимиз ҳам ўсируна тафаккур юксалиши даврида билгисиз ҳайратлар ичра термилганимиздай. Яна ўша ҳодиса тақрор рўй бермоқда эди – ижтимоий асарлар мианинг гўддалари устидан сидирилиб ўтар, сингмас, аммо миллий руҳиятнинг биргина жилваси пинҳон асарларни кишилар талашиб ўқирди. Буларнинг барини – Худойим ато этган ўсируна соф ва оч, аммо аллақачон кенгайишга улгурган тасаввурларни ақл сарҳисоб қилмоқда ва ўзича хулосаламоқда эди.

"Мени ҳам туртиб қўй, эрта уйғонсанг..." демоқда эдик бир-биримизга.

"Тун шамоли эсаётган кўчалар асабимни тинчлантирди, меъдамдаги оғриқ пасаиди... Ичимда тазарру истаги пайдо бўлди. Лекин менинг тавбам нафақат ўзим учун, балки оилам учун ҳам фожиали якунланиши мумкин. Бундан ташқари, ўша истагимнинг самимийлигига ҳам шубҳам бор. Қанийди, асабарим ҳар бир соғом кишиники каби бўлса... Лекин, бунинг учун Мадридгами, Рио-де-Жанейрогами, Самарқандгами жўнашим керак...", деб ёзади буюк япон ёзувчиси, Нобель мукофоти соҳиби Рюноске Акутагава умр шомиде яратган ҳикояларидан бирида. У Ғоя излаган эди! Бутун умри бўйи ҳақиқатан ҳам ичидаги ташна истакни қондириш учун турли-туман усулларни қўллаб, турли руҳ вазиятларини таҳлил қилиб кўргач... дунёнинг икки улкан бешиги – ё Андалусияга, ё Самарқандга кетсам... таскин топа олармикинман, демоқда эди.

Сабаб? Самарқандда тафаккур, ғоя ва Акутагава умр бўйи излаган саволларга Жавоб бор эди!

Дунёнинг терслигини кўрингки, ўша кезларда Самарқанд, кейинроқ биз ўсмир ёшимизда ҳис қилганимиз мубҳам фожиага юз тутта бошлаган, тафаккур ёғдуси зулмат қаърида сўнаётган, адиб бориш ва таскин топишни орзулаган улғуф ва азим шаҳар мустамлака ботқоғига бота бошлаган эди...

Тафаккур қилиш учун хомашёнинг кўплигидан ақл шошишини кўряписизми? Дунёнинг улкан адиблари Йўлни тахмин қилган ва кўрсатган, тафаккури йўл излаётган саноксиз кишилар селдай бўлиб у тахминлар сари оқа бошлаган эди.

Ваҳоланки, хаста Акутагава излаган йўл бизга болалиқданок таниш эди!

Болаларга хос идрок этилмаган ватанпарварлик ҳақида сўз юритганимиздай, у йўл ҳам қошу қабогимиз орасида бўлса-да, англаб этилмаган эди. Орадан юз йилга яқин вақт ўтган, япон мутафаккири боришни орзулаган икки шаҳарнинг бирида – Рио-де-Жанейрода туғлиб вояга етган яна бир машҳур адиб – ҳозир олтимиш беш ёшни қоралаган Пауло Козльо умрининг шомиде "Нажот – Шарқдадир", деган тўхтамга келди. Бизлар улғайдик, ёшлиқнинг асов шиддатлари сусайди, тамкин ва ҳикмат истар ақл тўлишди. Талаба эканимизда, "Инсоният тарихи Бодлернинг бир мисра шеърига арзимаиди", деган гап кўп тилга олинар эди. У бир мисранинг қайси шеърдан экани номаълум. Улғуф бобомиз ҳазрат Алишер Навоий эса сокин ўйчанлик ила айтадилар:

*Тухм ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондин кечиб ипак бўлди.  
Лопа тухмича ғайратинг йўқму,  
Ипак куртича ҳимматинг йўқму?*

Шу тариқа, инсониятнинг бутун тарихи улғуларимизнинг битта мисрасидаги ҳикмат ила хулосаланганини сезиб қоламиз. "Бодлернинг бир мисрасига арзимаиди" деган иддаога қарама-қарши ўлароқ, ҳазрат мисрасида иддао сезилмайди. Дунё ясениб безак тақди, гуллар очилди. Сен ҳам дунё даласида шундай очилдинг. Дарах мева туғди, гул ифдор таратди. Саногий йўқ шу турфаликлар ичида ҳатто ер тубида ўрмалаб юрадиган, ёмиши тут баргидан бошқа нарса бўлмаган кўр курт ҳам жонидан кечиб ипак бўлди, хўш, сен нима қилдинг?!

Инсон ҳаёти ёки маънавиятида чуқур из қолдирган китоблар ҳақида яхлит фикр айтиш шу сабабдан ҳам қийин. Асарлар ўқилиб, вазифасини адо этиб бўлди. Китоблар эскириб, титилди. Шундан кейин хотирада тўсатдан... китоб қолмаганини, балки унинг яратувчиси билан у бунёд этган маъно қолганини сезиш мумкин. Жисмлар ғойиб бўлади, адиб исми муқовага, фикри эса саҳифаларга айланганидай.

Яна шуни айтган бўлардимки, ҳар бир ижодкорнинг адабий умрида ҳеч бўлмаса битта ярқ этган мисра ёки образ албатта топилади. Истеъдоднинг кувватига қараб, бундай мисралар кўп ёки кам бўлиши мумкин. Умуман, асарнинг яратилиши – галати ҳодиса. Бадиий асар ўқувчини бошқа дунёга етаклаб киради, оламнинг мазмун-моҳиятини кўрсатиб беради, деганлари – жун гаплар. Чунки асардаги сўз, мисра, ташбеҳ, ҳолат, манзара турли кишилар онгиде уларнинг билими ва ҳассосиятига ярашагина маъно ҳосил қилади. Энди... Қодирийнинг "Жинлар базми" ҳикоясидаги мусиқанинг сира мусиқа эмаслигини, Ойбекнинг наъматаги оддий бута эмаслигини яхши биламиз. Фикр нурида кўп қиррали инжунинг бошқа жилваларини кўра бошлаймиз.

Тафаккур шамоллари тепамиздан, ён-веримиздан ҳайбат солиб эсиб ўтаётир. Сочларимиздан юлқилаб, кўзларимизга қум мисол тикилиб ачиштирмоқда. Шамолда ҳар нарса ўз ҳолича товуш чиқара бошлайди. Бу шамоллар забитада ҳар биримиз ўзимизча овоз чиқарган бўлсак, не тонг! Турли фалсафий оқимларнинг гоёларини акс эттирган турфа қаҳрамонларнинг бари ҳозир ақлнинг узокроқ бир бурчагига сулурилиб, ўша ердан ғарибона, музтар боқиб тургандай.

Эндиликда... "дунёга бегоналиги" боис беҳуда қатл этилган Мерсодан то Буэндиагача бир вақтлар ўзгача фикр юритиши билан бизни ҳайратга солган турли-туман галати образларга бошқача қарашимиз бор гап.

Сабаби, бизлар ҳам Алишер Навоийнинг ёхуд бошқа азиз ва жонажон салафларимизнинг бор-йўғи биргина мисрасидаги ҳаётбахш маънони англаб қолган бўлсак, не ажаб? Эгоцентризм ва имонсизлик талвасалари аро ҳар турли шаккокона тахминини асар қилиб ақлларга рўпара этган турли адиблардан фарқли ўлароқ, бизнинг истеъдодларимиз инсоннинг дунёдаги ўрнию вазифаси ҳақида очик-яққол ва соғлом ўғитлар бера олган, Йўлнинг нима эканини аллақачон кўрсатиб улгурганидан бир севинсам, бир ҳайратга тушаман.

Дурдоналар эса жилвасини қўймайди. "Хоккўзанинг даласидан анқиётган янги соғилган сут ва беда иси" тўсатдан димоққа урилгандай бўлади. Тонг саҳарда янги кесилган ва дасталанган тут барглариининг исини ҳам туйгандай бўламиз. Фикр ғаввоси тафаккур теранликларига шўнғиб, қай дурни олиб чиқишини билмай ҳайратга тушади. Ҳа, марварид доналари кўп қиррали, ҳар қирраси ўзгача жилваланади. "Девони луғотит-турк"дан то тенгдош-руҳдош адибларимизнинг асарларигача – бари, барчасини кўз қорачигидай асраб-авайлашимиз кераклигини тушунгандай бўламиз. "Мени ҳам туртиб қўй, эрта уйгонсан", дейди уйқуга кетаётган икки ўсмирдан бири шеригига. У икки ўсмир фикр горининг зулмати ичра балки ораддан бир неча аср ўтгачина уйғониши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмай уйқуга чўмади...

Ҳақиқатан ҳам, ҳар киши ўзи учун йўл кашф этади. Алвон булултар томонга узаниб кетган, икки чети, уруғларини сочиб юборган ва кучли ислар таратаётган, майсаларга тўла тафаккур сўқмоғидан шу тариқа қуёш ботаётган тарафларга равона бўлмоқдамиз. Ва бир қур алангланимизда кўрамизки, ўзимиз билан олиб кетаётганимиз – фақат маънолар экан, холос.

*Салдан кейин дайди шамол у санъат асарини яна қайгадир элтади. Бўй чўзган дарахтзору экинзорлар узра шом кўна бошлайди. Тўрнинг иплари қай бир яшил бута ёки оғочнинг шохчаларига олишиб қолади. Ўргимчак ип олишиб қолган япроққа жуда секинлик билан, ўрмалаб чиқиб боради. Ўша ерда бир озгина тин олади.*

*Сўнча япроқ остига жойлашиб олиб, сабру тоқат билан яна тонг отишини кута бошлайди. Тун ўтиб, тўқ кўк тусли осмон аста-секин ёришиб, қайлардандир ёлиб келаётган оловранг нурларнинг шафқи кўрина бошлаганида... ўша кунт ва тиришқоқлик ила нозик ва ҳафиф ажойиб санъатини – тўрини қайтадан тўқишга тушади...*

Ёдингизда бўлса, номи тилга олинган буюк япон адиби дунёга машҳур ҳикоясини "Жаннатда тонг маҳали эди" деб бошлаган эди.

Ким билсин, не-не оғир гуноҳларни содир этган осий банда – Кандата босишга журъат этолмаган ва инсониятга ҳукми адолатнинг инжа тасвирини ҳадея этган ўргимчак балки мана шудир!

# Хавфсизлик yo'lidagi hamkorlik

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва минтақавий хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бу – Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришдир.

Марказий Осиёда турли этник ва диний гуруҳларга мансуб 100 миллионга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда собиқ Иттифоқ даврида ядро қуроли, шунингдек, катта вайронкор кучга эга бошқа қурол-яроқ қолдиқлари тўпланиб қолган эди. Айни омил эса минтақадаги тўқнашувлар мисли қўрилмаган фалокатларни келтириб чиқариши мумкинлигидан огоҳ этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этилишига глобал хавфсизликнинг ажралмас қисми ҳамда барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг зарур кафолати сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Зеро, жаҳон ҳамжамиятининг яримдан кўпи ядро қуролидан воз кечиш тарафдоридир.

Бугунги кунда ядро қуролидан холи ҳудудлар Ер юзининг 70 фоизини ташкил этади. Кейинги йилларда жаҳон миқёсида ядро қуролидан холи ҳудудлар тўғрисида б т шартнома имзоланди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш госяини биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурди. “Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид конференцияга таяйергарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари (*Ислом Каримов. Биздан овоз ва обод Ватан қалсин. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1996, 55-бем*).

Ўзбекистон ташаббусини минтақадаги Қозғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари ҳам қўллаб-қувватлади. Бу борада Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари 1997 йил 28 февралда Алматы шаҳрида имзолаган қўшма баёнот ва Алматы декларацияси дастлабки қадам бўлди. Шундан сўнг 1997 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлат раҳбари ва халқаро экспертлар иштирокида “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” мав-

зуда халқаро конференция ташкил этилди. Ушбу конференциянинг амалий якуни сифатида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан “Ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақида Баёнот” қабул қилинди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш жаҳон ҳамда минтақа халқлари хавфсизлигини кафолатловчи, барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамловчи омиллардан биридир. Чунки Марказий Осиё минтақаси ядро қуролига эга бўлган тўрт давлат куршовида жойлашган.

Биргина Қозғистонда 1991 йилги ҳолат бўйича 1400 та қитъаларо баллистик ракета ва уларни учуришга мўлжалланган 148 та шахта қурилмаси мавжуд эди. Шунингдек, бу мамлакатда атом қуролларини синовдан ўтказиш учун бир неча ядро полигони барпо этилган бўлиб, улардан бири Семипалатинскда жойлашган эди. 1949 йилдан буён мазкур полигонда 456 та ядро портлатишлар амалга оширилган. Бу полигон 1991 йилда расман ёпилди. Қирғизистонда эса уран ва яримметал рудаларни қазиб олишнинг собиқ совет давридаги нотўғри сиёсати оқибатида 80 дан ортиқ жинслар уюми ва 49 та чиқиндихона сақланиб қолган. Туркманистонда ядро қуроли синовдан ўтказилмаган, аммо 1972 йили Мари вилоятида газ қудуқларини консервация қилиш мақсадида битта ерости ядро портлаши амалга оширилган. Тожикистонда эса собиқ Иттифоқ даврида ҳарбий ядро дастури учун уран қазиб олинган. Шунинг учун Тожикистон ҳудудида 22 та радиоактив чиқиндихона жойлашган, бироқ уларнинг фақат 6 тасигина муҳофазга қilingан (*Комилжонов А. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратишининг халқаро сиёсий жиҳатлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Т., 2007, 17-бем*).

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ учун асосий хомашё базаларидан бири бўлиб, бу ерда эллика яқин уран кони негизда иккита тоғ-кон ва қайта ишлаш комбинати ишлаган. Уларнинг фаолияти оқибатида республика ҳудуди ва чегараолди жойларда анча миқдорда радиоактив чиқиндилар тўпланиб қолган.

Марказий Осиё минтақасида дунёдаги мавжуд ядро хомашёсининг 40 фоизи жойлашган бу ҳудудга айрим давлатлар ва террорчилик ташкилотлари қизиқишини ортттиради, қўпоровчи гуруҳларнинг минтақага кириб келиб, вайронкорлик мақсадларини амалга ошириши эҳтимолини ҳам кучайтиради. Шу боисдан мазкур минтақани ядро

куролидан холи худуд сифатида эътироф этиш борасидаги тadbирлар муҳим аҳамият касб этади. Айни максад йўлида 1997-2002 йиллар мобайнида Марказий Осиё давлатлари, БМТ, 16 та халқаро ташкилот ҳамда БМТнинг халқаро атом агентлиги – МАГАТЕ иштирокида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш бўйича шартнома тузиш юзасидан 1998 йил июль ойида Бишкекда, 1998 йил 7-9 октябрда Женевада, 1999 йил 13 февралда Тошкентда, 1999 йил 27-30 апрелда Женевада, 1999 йил 5-8 октябрда Саппорода, 2000 йил 2-5 апрелда яна Саппорода ва 2002 йил 25-27 сентябрда Самарқандда турли учрашувлар ташкил этилди. Мулоқотлар ушбу масалада иштирокчи томонлар асосан ҳамфикр эканини кўрсатди. Бироқ айтиш мумкин баъзи мунозарали вазиятлар ҳам юзага келди. Бу қарама-қаршиликлар 2002 йилдан 2005 йилгача давом этди. 2005 йил 7-9 февралда Тошкент шаҳрида БМТ шафелигида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд яратиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича экспертлар гуруҳининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда БМТнинг етакчи экспертлари иштирок этди. Тошкент учрашувининг энг катта ютуғи шу бўлдики, барча манфаатдор томонлар айтиш масала бўйича умумий бир фикрга келди. Шундан сўнг 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташкил сийсат идораларининг вакиллари томонидан ушбу минтақада ядро қуролидан холи худуд яратиш тўғрисида шартнома имзоланди ва халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди. Шундан сўнг мазкур шартнома 2006 йил декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг 61-63-сессияларида "Марказий Осиё – ядро қуролидан холи худуд" махсус резолюцияси орқали 141 овоз билан қабул қилинди. 2009 йилнинг 21 мартдан бошлаб эса ушбу шартнома тўлиқ қучга кирди (*Williamce Potter, Togzhan Kassenova, Anya Loukianova. Central Asia becomes a nuclear-weapon-free-zone. <http://cns.miis.edu/stories/081201/canwzf.htm>*).

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуднинг барло этилиши нафақат минтақада, балки бутун

дунёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга хизмат қилади ва бизнингча, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд яратиш ташаббусини илк бор мустақил Ўзбекистон илгари сурди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар БМТ шафелигида амалга оширилди. Иккинчидан, мазкур шартнома Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизлигини таъминлади, бу ерда ядро уруши хавфини камайтиради. Учунчидан, ушбу битим самараси шимолӣ ярим шардаги дастлабки ядро қуролидан холи худуд сифатида ва тўрт ядро қуролига эга давлат қуршовида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, илгари ядро қуролига эга бўлган Қозоғистон ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлагани муҳим воқеадир. Тўртинчидан, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд яратилиши ҳақидаги шартнома минтақадаги экологик хавф-хатарларни бартафоз этади. Бешинчидан, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи худудга айланиши БМТ собиқ Бош Котиби Кофи Аннан таъкидлаганидек, "...халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликни сезиларли даражада мустақамлайди" (қаранг: *БМТ Бош Котиби Кофи Аннанин Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши маросими иштирокчиларига 2006 йил 12 сентябрь*).

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши ва Марказий Осиёда янги давлатлар вужудга келиши билан худудда турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспорт ва экологик муаммолар тўпланиб қолган эди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш борасида илк қадамлар, амалий ҳаракатларни Ўзбекистон амалга оширди ва айтиш соҳада БМТ билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва БМТнинг Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва тинчлик юзасидан ўзаро ҳамкорлиги кўп томонлама, кенг қамровли, самарали ва истиқболлидир.

Ойбек АБДИМУМИНОВ,

тадқиқотчи

## Globallashuv va siyosiy yangilanish

Жадал суръатларда тараққиёт этиб, интеграциялашиб бораётган дунёда модернизациялашувни рад этиш фоят мушкул. Сиёсий модернизациялашув жараёнида янги демократик кадриятлар шаклланиши баробарида сиёсий

институтларнинг тез ўзгарувчан шароитга мослашуви ҳам кучайиб бораверади. Бундай вазиятда, бир томондан, сиёсий барқарорликни ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарт сифатида таъминлаш, бошқа томондан эса, фуқароларнинг сиёсий

жаётдаги иштирокини босқичма-босқич кенгайтириб бориш талаб этилади.

Интернет тармоғининг жадал ривожланиши оқибатида тезкор суръатларда кенгайган глобаллашув ва минтақалараро интеграция давлатлар қурилишида янги даврни бошлаб берди. Аслида глобаллашув модернизациялашув жараёнини тезлаштирди, десак хато бўлмайди. Негаки, глобаллашув – умумий, тўғривоғи, ғарбона умумий ғоя атрофида бирлашидир. Шунингдек, турли ташқи омиллар ва таъйиқлар миллий давлатларга таҳдид солаётган ҳозирги вақтда глобаллашув "карвон"га қўшилиб олиш ёки миллий суверенитет ҳимоясини таъминлаш учун демократик асосларни яратишга куч-ғайрат сарфлаш тақозо қилинмоқда. Зеро, "Глобаллашув шундай жараёни, у халқро тизим орқали таъсир ўтказиши, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ташқи кучлар таъсирини миллий давлатлар ҳаётига олиб киради. Бу каби катта миқёсдаги ўзгаришлар замонавий давлатнинг ички сиёсати соҳасида ташқи омилларнинг аҳамиятини ошириб юборди. Глобаллашув кенг қамровли ҳодиса сифатида ҳеч бир чекловни қабул қилмайди ва ҳатто сиёсатшуносликдаги энг мустаҳкам атамани – "давлат" тушунчасига ҳам таъсир қилади" (*Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Тулпам. Арабчадан таржима. Қоҳира, "Дор аш-Шурук", 1999, Т., "Ўзбекистон", 1999, 64-65-бетлар*). Юқоридаги фикрлар ҳам глобаллашувнинг таъсир доираси ва имконияти чексиз эканини тасдиқлайди.

Янги шароитда сиёсий барқарорлик миллий давлатлар элитасининг ўзаро қорилишувчанлиги ва мослашувчанлик даражасига боғлиқ бўлиб қоляпти. Хўш, нега энди бундай талаб қўйилмоқда? Бизнингча, жаҳондаги халқро тизим тартибий сиёсатларнинг (БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, НАТО, ШҲТ) бирлашиши, иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик (Халқро валюта фонди), сармоялар ҳаракатининг кучайиши, халқро миграциянинг кенгайиши (Европа давлатлари ва Россия федерацияси) туфайли давлат суверенитетининг ички ишларни ҳал этишдаги тўлиқ ҳуқуқи ва ҳаракат эркинлиги чеклана бошлади. Бундай қийин шароитда давлат раҳбарининг оқилона бошқарув санъати ва минтақадаги юксак мавқеигана мамлакат тинчлиги ва барқарорлигига кафолат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сиёсатшунослик модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳам бирмунча тўлиқ ўрганиб чиққан. Хусусан, уни амалга ошириш даврида икки асосий хавфни ҳисобга олиш зарур: биринчиси – сиёсий модернизациялашувнинг бошқа соҳалардаги ўзгаришлардан ортда қолиши. Бундай узлиш кескин инқирознинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Иккинчи хавф эса, фуқаролик жа-

мияти ва сиёсий маданият ривожидидаги сусткашлиқдир. Кейинги ҳолатда салбий оқибатларга олиб борувчи бетартиблиқлар, охлократия ва инқироз эҳтимоли йўқ эмас. Иккала кўринишда ҳам давлат тизимининг имконият даражаси ва элитанинг етуқлик қобилияти хавфни баргараф этишда етакчи роль ўйнайди.

Россиялик олим А.Подберезкин Лотин Америкасида ижтимоий дифференциялашув кучайгани, ҳатто фуқаролик жамияти таназзулга ўз тутаётгани ҳақида ёзади. Унинг фикрича, минтақада "касаба уюшмалари ўз мавқеларини йўқотмоқда, ўрта синф қисқариб, емирилиб кетмоқда. Йирри шаҳарларда иш ўринлари қайтадан пайдо бўлмоқда. Қора бизнес, жиноятчилик даражаси аста ўқорилаб бормоқда. Молиявий бозорни либераллаштириш қилвирлик билан топилган луннинг муомала кўламини кенгайтириб, коррупция ва қаллоблик учун янги имкониятлар яратмоқда. Қўтиллик ва талончилик каби шахсга қарши жиноятчилик миқёси ортиб бормоқда. Жамият ижтимоий негизининг емирилиши очиқ-ойдин кузатилмоқда. Бундай ҳолат Лотин Америкаси давлатларида сиёсий демократия тизимига таҳдид солиши мумкин" (*Подберезкин А.И. Россия сегодня: реальный шанс // Обозреватель. Спец. вып., 1994, № 21-24, стр. 538*). Муаллифнинг хавотирли тадқиқотчиларни бефарқ қолдирмайди. Дарҳақиқат, айрим ривожланмаётган давлатларда молиявий секторнинг етарли даражада ривожланмагани, жамғармаларнинг давлатлар иқтисодиётидаги дефицитни молиялашга йўналтирилгани, айниқса, АҚШ ва Европа Иттифоқида молиявий бозор ва банк тизимини унга либераллаштириш жаҳонда юз берган молиявий инқироз сабаби бўлди. Ушбу рецессия тақсирот соҳасидаги инқироз аломати бўлиб, унга элита билан ижтимоий гуруҳлар ўртасида консенсусга эришилмагани оқибати деб қараш мумкин. Лотин Америкасидагина эмас, балки ҳар қандай давлатда узоқ давом этган ижтимоий мувозанатсизлик жамиятдаги норозилик ва портлашларга сабаб бўлади. Бунга Африка шимолдаги сиёсий воқеалар (2011) анж мисолдир.

Сиёсий модернизациялашув зарурияти ҳам муҳим масала бўлиб, уни назарий тадқиқ этган олимлар орасида С.Хантингтон алоҳида ўрин тутди. Г. Алмонд, С. Айзенштадт, Д. Эптер, С. Верба, Р. Даль, Л. Пай каби муаллифлар излашини камситмаган ҳолда, тан олиш керакки, айнан С. Хантингтон ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлардаги жараёнларни нисбатан тўлиқ изохлаб берувчи моделни тақлиф қилди. Ҳар бир мамлакатда ислохотлар муайян сабабий кетма-кетликка асосланган ўзгаришларга олиб боради. Индустрлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари ташланган ҳар бир

қадам, шубҳасиз, таълим тизимини ривожлантиришга, илғор технологиялар ва табиий фанлар гоёларини ўзлаштиришга ҳам хизмат қилади. Агар давлат таъқиқ дунёга юз очмоқчи бўлса, унда илмий-техникавий ахборот билан бирга, сиёсий тартиботга дахлдор янгича ижтимоий-фалсафий гоёларни ўзига сингдиради. Модернизация тақдири кўп жиҳатдан омманнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидаги иштироки даражасига боғлиқ. Айниқса, бунда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва ўрни беқийёс. Чунки ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият жамиятда барча ижтимоий гуруҳларнинг вакилликни таъминлаши ва

сиёсий қарорлар қабул қилишда сезиларли таъсир ўтказиши лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон тажрибасида ҳокимиятга, сиёсий етакчига ишонч ва ҳурмат оқилона ҳамда қонуний эътирофга асосланган. Жамиятнинг сиёсий майдонидаги "ўйин қоида"га кўра, давлат ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида консенсус шакллантирилиши зарур. Ўзбекистонда бундай ҳуқуқий келишувга эришилган ва айни консенсус келгусида жамиятнинг модернизациялашнинг таянчи бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр ОМОНОВ,  
сиёсий фанлар номзоди

## Tarix va shaxs: dialektik bog'liqlik

Ижтимоий жараёнларда халқ билан бирга шахснинг ҳам хоҳиш-иродаси, орзу-интилиши муайян даражада акс этади. Шу маънода, тарих ва шахс ўртасидаги муносабатлар диалектик табиатга эга бўлиб, бутун ва қисм ўртасидаги алоқадорликка ўхшаб кетади. Тарихнинг бутунлиги метафизик маънога эга. Тарих – реал воқеа-ҳодиса, хатти-ҳаракат ва саналардан иборат. Шахс уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида идрок этади, англайди. Масалан, биз буюк аждодимиз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти маъно-мазмунини унинг аниқ тарихий ишларида, чунончи, юртимизни мўғуллар зулмидан озод этиб, қудратли салтанат қурганида кўрамиз. Айни чоқда бу улуг зотнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини унинг жаҳон тарихи ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси мисолида ҳам англаймиз. Таъкидлаш жоизки, фақат шундай метафизик бутунликни яратиш орқалигина биз Амир Темурнинг тарихдаги ўрнига ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера оламиз.

Бир сўз билан айтганда, тарихни имкон қадар метафизик бутунлик асосида англаш дунёдаги халқлар, мамлакатлар ва қитъалар, бутун инсоният тарихини яхлит бир жараён сифатида тасаввур этиш имконини беради. Бундай ёндашувни европалик машҳур файласуф К.Ясперс "экзистенциал англаш" деб атаган. Унинг фикрига кўра, тарихни нафақат ақлу идрок, шунингдек, "ўзига хос экзистенциал борлиқ" сифатида ҳам англаш лозим (Ясперс К. *Смысл и назначения истории. М., "Поэтическая литература", 1991, стр. 17*).

Шахс ана шу бутуннинг бир қисми ўлароқ, унга қараб интилади. Бутун ҳақидаги гоёлар унинг фалсафий мушоҳадалари маҳсулидир. Шунга қарамай,

шахс ҳеч қачон бутун бўлолмайди, аксинча, унинг бир қисми бўлиб қолаверади. Бинобарин, шахснинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари, амалий хатти-ҳаракатлари, метафизик бутунликка қараб интилган гносеологик изланишлари, билими, онги, тасаввурлари, бутун ҳаёти қисмдир. Нобель мукофоти лауреати, машҳур файласуф Бертран Рассел, "Инсоннинг барча билимлари омонат, мавҳум ва чекланган", дея бежиз айтмаган (*Рассел Б. Человеческое познание. М., "Иностранная литература", 1957, стр. 540*).

Албатта, тарих ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг реаллигини инкор қилиб бўлмайди. Мазлумки, инсон фаол субъект сифатида ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий муносабатларга, сиёсий институтлар фаолиятига таъсир кўрсатади, ўзи ҳам улардан таъсирланади. Айнан ижтимоий фаоллик – халқи, миллати ва давлати ҳаётида онгли иштирок этиш, эзгу мақсадлар йўлида фидоийлик кўрсатиб, яхши ном қолдириш шахснинг умрини мазмунли қилади, уни тарихнинг оддий кузатувчисига айлантиради. Шахс тарихни англашга интилар экан, энг аввало ҳақиқатни билиши, ўтмишни объектив баҳолашга ўрганиши талаб этилади. Бу ўринда қандайдир "изм"ларга берилиш ёки тайёр мафкуравий таърифлару кўрсатмаларга асосланиш эмас, балки К.Ясперс назарда тутган тарихни ўзига хос реаллик тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет айтганидек, тушуниш ва фалсафа шахснинг ўзи билмаган объектни, номаълум нарсани билишга интилишидан пайдо бўлади, аммо у изланиш натижалари нималарга олиб келишини чамалола-

майди (*Хосе Ортега-и-Гассет. Что такое философия? М., "Наука", 1981, стр. 77-78*).

Қизиги шундаки, тарих ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг фалсафий тахлили ҳам ана шу жумбоқдан келиб чиқади. Юқорида маълум бўлдики, инсоннинг билими, тарих ва шахс муносабатларига доир тасаввурлари чекланган ва нисбийдир. Аммо ҳамма гап шундаки, инсон бундан тушунликка тушиб, билишга интилишдан воз кечмайди, айниқса, бу билим унинг ота-боболари ҳаётига, туғилиб ўсган Ватани тарихига тааллуқли бўлса.

Шу жиҳатдан қараганда, Президент Ислон Каримовнинг куйидаги сўзлари алоҳида аҳамият касб этади: "Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатининг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий" (*Ислон Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-жилд, "Ўзбекистон", 1999, 136-бет*).

Шахс тарихдан ҳақиқат излар экан, ана шу интилишнинг ўзиёқ, натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, уни излаган нарсасига руҳан яқинлаштиради, тасаввури, онгу шуурига қувват беради. Агар тарихий ҳақиқат бўлмаса, шахс унинг муқаррарлигига ишонмаса, унда тарихни ўрганишга қизиқиш бўлмас, инсон бекиёс маънавий бойликлардан маҳрум бўлар эди. Шахс ўзининг бу борадаги билими ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат бўлолмаслигини англаган тақдирда ҳам тарихий ҳақиқатни топиш истагидан қайтмайди. Шу истак унга куч-ғайрат беради, иродасини тоблаяди. Тари-

хий ҳақиқат унинг учун онгни, ақлу идрокни, билимни метафизик бутунлик сари етаклайди; аслида ҳар қандай ғносеологик изланишдаги завқли-сурурли, жозибали куч ҳам шундадир.

Хуллас, тарих ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг муқаррар мавжудлиги аксиомадир. Лекин бу муносабатларнинг ёш авлод томонидан идрок этилиши муҳом нотекис кечади. Гоҳо ҳаёт оқимининг тезлиги, аждобот қўллиги, ижтимоий вазифаларнинг муттасил кенгайиб бориши тарихни англашга бўлган эҳтиёжни сусайтиради, айниқса гарбона прагматизм шахсни кундалик ташвишлар билан яшашга ундаб, уни имкон қадар ўтмишдан узоқлаштиради. Шу боис ҳам Ғарб мамлакатларида ёшлар ўртасида тарихни билмаслик, аждодлари ҳаёти, шонли аъёнлари билан қизиқмаслик одатий ҳолга айланиб қолган. Эртага ўзларига нисбатан ҳам айнан шундай муносабат бўлиши уларни қизиқтирмайди. Улар учун муҳими – имкон борида яйраб қолиш: эртанги ҳаёт – эртанки, сен фақат бугунни ўйла, даврингни сур. Бундай энгил-елпи қараш, кайфият, афсуски, айрим ёшларимизга юқмоқда.

Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тарихий онгни шакллантирмасдан туриб, юксак маънавиятли ёш авлодни тарбиялаш мушкул. Ҳар бир шахс ўзини тарихнинг фаол субъекти, яратувчиси эканини англаसा, Ватани тақдирини, унинг келажаги учун масъул эканини ҳис қилсагина тарихий билимга эҳтиёж сезади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

**Барчиной ХҲҲАЕВА,**

*ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти  
тадқиқотчиси*

## *Kuchlar jipslashsa, ofat chekinar*

Одам савдоси ҳозирда бутун дунё ахлини жиддий хавотирга солаётган глобал муаммолардандир. Айни муаммо иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши ва меҳнат миграциясининг кенгайиши, технологик тараққиёт жадаллашиши ва баъзи минтақаларда қашшоқлик сақланиб қолиши, турли давлатларда иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй бериши ва халқлар ўртасида маданий таъсир қўламининг ортиши, шунингдек, коррупция илди-зига хали-ҳануз болта урилмагани оқибатида қийин назорат этилаётган ва муттасил ривожланиб бораётган жараёндир.

Одам савдоси – ўта мураккаб ва кўп қиррали феномен бўлиб, унга қарши курашга узил-кечил ва кўп ёқлама ёндашув тақдоси этилади. Айни ҳоқда,

одам савдосига қарши кураш бўйича давлатларо мувофиқлаштириш йўлга қўйилмагани, халқаро тузилмалар турли мамлакатларда кўрилаётган чора-тадбирлардан етарлича воқиф эмаслиги каби омиллар ҳам қийинчилик туғдирмоқда. Гарчи дунё миқёсида ҳар йили катта миқдорда маблағлар ажратилаётган бўлса-да, аммо одам савдоси феноменини тадқиқ этиш, унинг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш учун кифоя қилмаётир.

Ўзбекистон турли халқаро тузилмалар ва хорижий давлатлар билан бу борада яқин ҳамкорлик қилиш, ўз саъй-ҳаракатларини улар фаолияти билан мувофиқлаштириш заруратини англаб, одам савдосининг олдини олиш, жабрдидаларга ёрдам кўрсатиш, айбдор шахс-

ларни ҳажога тортиш тўғрисидаги барча асосий халқро қўжатларга қўшилган.

Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш аниқ мақсад ва режа асосида ташкил этилмоқда. 2008 йил 17 апрелдан мамлакатимизда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қуча кирди. Мазкур ҳужжат инсон эрки ва шаънини муҳофизага эътиборини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг ноқонуний эксплуатацияси, миграцияси ва савдосига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонун айти соҳа бўйича Ўзбекистон шароитида жорий этиш мумкин бўлган илғор тажрибаларни ўзлаштириш учун фаол халқро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадини ҳам назарда тутди.

Халқро тадқиқотчилар одам савдоси муаммосини тадқиқ этишда бу иллатга қарши самарали курашиш усулларини топишга имкон берувчи турли-туман ёндашувларга мурожаат этмоқда. Масалан, шундай ёндашувлардан бири одам савдосини иқтисодий фойда олиш йўлидаги хатти-ҳаракатлар мажмуи деб тушуна, бошқаси жабрдийдаларга зўравонларча муносабатларни тадқиқот объекти қилиб белгилайди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, одам савдосига қарши кураш тизимли фаолият тусини олгандагина ижобий натижа бериши мумкин. Шунга кўра, одам савдосига қарши бевосита курашувчи давлат органлари билан бирга унинг жабрдийдаларига ёрдам кўрсатувчи жамоат ташкилотлари ўртасида ҳам ҳамкорлик ўрнатиш мумим аҳамият касб этади.

Ушбу соҳадаги хайрли ташаббуслардан бири сифатида ЕХХТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича кенг альянс тузиш ташаббусини алоҳида қайд этиш зарур. Альянсга халқро ва ҳукуматлараро тузилмалар билан бирга ноҳукумат ташкилотлар ҳам аъзо бўлиб кириши назарда тутилган. Мазкур тузилма ХХI аср офатига қарши янада самарали кураш олиб боришда ҳукуматларни қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлайди.

Бизингча, одам савдоси ва ноқонуний миграция жиддий муаммо бўлиб турган Ўрта Осиё

минтақасида маҳкамалараро тузилмалар ҳамкорлигини пухта йўлга қўйиш ва унинг аниқ ишловчи механизмини яратиш жуда муҳимдир.

Ҳозирги вазият ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда барча манфаатдор (манба – транзит – манзил) мамлакатлар ўртасида жадал ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини тақозо этади. Айти стратегия хорижий фуқароларни қабул қилиб олиш, қатъий тартибда рўйхатдан ўтказиш, ўз юрtega кузатиб қўйиш ҳамда давлат чегараларини муҳофизага этишга доир масалаларни ўз ичига олади.

Одам савдосига қарши кураш бўйича Ўрта Осиё минтақаси мамлакатлари учун ягона умумий сиёсатни ишлаб чиқишда яна бир жиҳат муҳим ҳисобланади. Бу айти турдаги жиноятларни аниқлаш, тергов ва суд қилиш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўрта Осиё давлатлари ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларининг мунтазам тажриба алмашишини йўлга қўйишдир.

Давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига доир яна бир устувор йўналиш ноқонуний траффикка қарши кураш соҳасида хизмат қилаётган мутахассислар малакасини ошириш, бунда истифода этиладиган замонавий ўқув дастурлари ҳамда услубий қўлланмаларни яратишдан иборат.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин: а) ушбу соҳага жалб этилган вазирлик ва идоралар фаолиятини яхшилашга қаратилган лойиҳаларга халқро ташкилотларни кенг жалб этиш; б) Ўрта Осиё минтақаси учун умумий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида халқро алоқаларни ривожлантириш; в) одам савдосига қарши курашни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштиришга имкон берувчи минтақавий тузилмаларни вужудга келтириш.

**Камилла ҲАМРОЕВА,**

*Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими*

## Internet va yoshlar axloqi

Ҳар бир янгилиги кашфиётнинг ижобий ва салбий оқибатлари бўлганидек, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи жиҳатлари йўқ эмас. Бугунги ёшлар интернет тармоғидан фақат илм эгаллаш, ахборот олиш йўлида фойдаланмоқда десак, янгилашамиз. Интернет клубларига кирганда, уни тўлдириб ўтирган ёшларни кўриб хурсанд бўласиз. Аммо аксарияти

оила даврасида кўриб бўлмайдиган шахвоний ёки ваҳшиёна видеофильмларни томоша қилиш, турли вилояту шахарлардаги қиз ва йигитлар билан севги номалари алмаштириш, ушбу тармоққа ўз суратларини киритиб реклама қилиш билангина бандлигига гувоҳ бўласиз. Мана шундай енгил-елпи эрмакка одатланиб қолган ёшлар тобора худбин, шафқатсиз ва ҳаёсиз бўлиб кетмайди, деб ҳеч ким кафолат

бера олмайди. Шу ўринда Президент Ислон Каримовнинг "Фидокор" газетаси мухбирига берган интервьюсидаги "...Баъзи ахборотлар бир қарашда сиёсатдан холи, бегараз бўлиб кўринади, лекин ёшларнинг онда ахлоқсизлик гоъларини ёйишда жуда катта таъсир кучига эгадир" деган фикрларини эслатиб ўтиш жоиз.

Ахборот узатиш, алмашиши ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотнинг дунё бўйлаб кенг ёйилиши имкониятини яратишда "бутун жаҳон ўргимчак тўри"нинг аҳамияти катта ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш эҳтиёжини тобора орттирмоқда. Янги юз йилликда Ўзбекистонга ҳам интернет шиддат билан кириб келди ва кундалик ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. 2008 йилга келиб мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 2 миллион 200 минг кишидан ошиб кетди. Фан-техника ютуқлари инсон манфаатлари, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиши лозим, албатта. Бироқ айрим кучлар виртуал оламдан ғаразли ниятлари йўлида фойдаланётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли, ҳар қанча маблағ талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш экани аён бўлиб қолди. Жаҳонда "Ахборот уруши" кетаётганини ҳатто оддий одамлар ҳам пайқайи қийин эмас. Масалан, бирон бир хорижий мамлакатнинг турмуш тарзи, қадриятлар тизимини улуғловчи рисоалар, кинофильмлар тарқатилмоқда, дейлик. Табиийки, бундай ахборотлар жамиятда маълум ижтимоий фикр шаклланишига таъсир этмай қолмайди.

Постиндустриал инқилоб, ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари, таассуфки, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай гоъни кўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтирди. Бундай салбий ҳолат мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ана шу таҳдидни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга солинган ҳолда изчил қурашмоқ зарур. Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарига ёздики, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин" (*Ислон Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 115-6см*). Демак, ҳозирда ҳар бир ахборот чегара билмаслик

хусусиятига эга экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш кўпчиликини ўйлантириши даркор.

Интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Бу хусусда яна Президентимиз "...ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевизиё, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақдалар. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб, бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз" (*Ушв асар, 114-6см*).

Ҳаётни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган ҳозирги шароитда интернет ёшлар учун асосий ахборот манбаига айланаётир. Аммо Ғарб маданиятига тааллуқли баъзи кўрсатув ва сайтлар борки, улар мутлақо ахлоққа зиддир. Бундай ахборот ёшларимиз ҳулқи ва дунёқарашига салбий таъсир қилиши аниқ. Айни ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. "Ойнаи жаҳон" сериаллар билан тўлиб-тошгани, бизнингча, ижобий ҳол эмас. Чунки ёшлар асосий вақтини шу сериалларни кўришга сарфлаши таълим сифатига таъсир қилмай қолмайди. Дарвоқе, газета ва журнал саҳифаларида чоп этилаётган ахборот ҳамда маълумотларнинг мазмунан савбзлиги ҳам ёшларимиз тафаккурига салбий таъсир кўрсатади.

XXI аср бошида ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимининг кучайиши оқибатида авторитет – нуфуз масаласи ҳам янгича маъно касб этаятир. Баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда ота-она, устоз-мураббийни эмас, ОАВ ҳамда интернет авторитет сифатида эътибор этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлақ чин деб ишониши таъвишланарли ҳолдир. Нафсиларни, бугун ҳақиқатни уйдирмадан ажрата олмайдиган, бу борада ҳали тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасаввурларини асосан ОАВ ҳамда интернет шакллантирмоқда. Бу эса таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда.

Ёш авлоднинг маънавий оламини бузғунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия жараёнида қандай тамойилларга асосланиш ва қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак, деган масала файласуфлар, гуманитар фан олимларининг

диқат марказида турибди. Фикримизча, ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш улар маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...қаерда юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади" (*ўша асар, 116-бет*). Ёшларнинг ахборот оқимиغا муносабатини шакллантириш ақл-идрок, тафаккур тарбиясининг бир йўналишидир. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар таълим-тарбия бериш жараёнида ёшларга фикр ва билим ўртасидаги фарқни тушунтириши, фикрларни ўзаро таққослашга, турларга ажратишга ўргатиши лозим.

Сир эмаски, интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда беқиёс манба саналади. Кундан-кун сафи кенгайиб, фойдаланувчилар сони ортаётган мазкур тизим дунё ҳамжамиятининг ахборотга бўлган

эҳтиёжини қондирмоқда. "Узоқни яқин қиладиган" манба сифатида қараладиган интернетнинг кўпроқ ёшлар қирадиган сайтларини тубдан янгилаш зарур. Сабаби — соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юксак маънавият, пок ахлоқ асосида ўғил-қизларни тарбиялаш вазифаси ана шуни тақозо этади. "Оммавий маданият" никоби остида ғарбона кийиниш, ғарбона муомала сингари миллий-маънавий қадриятларимизга зид ғоялар ёшларимиз онгини заҳарлашига лоқайд қараб туриб бўлмайди. Шунинг учун, айниқса, таълим тизимидаги сайтларнинг маълумотлар базасини соғлом турмуш тарзи талабларига мос равишда гиёҳандлик, кашандалик, ичкиликбозликка қарши курашга оид ахбороту маълумотлар билан бойитиш, янгилаш зарур.

**Отабек ОЛЛОЁРОВ,**  
ЎЗМУ тадқиқотчиси

## Insoniylik javhari

Инсон қалбининг пок, иродасининг бақувват, имон-эътиқоднинг бутун бўлиши у олган таълим-тарбияга ва касб этган маънавий маданиятга боғлиқ.

Академик Жондор Туленов меросида айни масала муҳим ўрин тутаяди. У, чунончи, мана бундай деб ёзади: "Инсон-киши, унинг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқарши, талаб-эҳтиёжларининг қондирилиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита боғлиқдир. Жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон ҳам унга мос бўлади. Инсон дунёда энг мураккаб, олий мавжудот, табиатнинг юксак маҳсулоти, ҳаёт гулидир. Инсоннинг бебаҳолиги — унинг ақл-идрок ва тафаккурга эгалигида. У ақл-идрок соҳиб бўлгани учун реал дунёдаги воқеаларни билади, илму тафаккур, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради" (*Туленов Ж. Инсон. Фалсафадан қисқача изоҳли лугат. Т., "Шарқ", 2004, 161-бет*).

Шуни айтиш керакки, инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, пок эканида намоён бўлади. Сиҳат-саломатлик, илму фан, касб-хунар, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли бўлиш инсон учун мазмунли, бахтли ҳаёт гаровидир.

Немис файласуфи А. Шопэнхауэр "Бахтимизнинг ўндан тўқизи соғлиқдандир. У туфайли ҳамма нарса лаззатга айланади, холбуки, узиш ҳеч қандай бахт инсонга ҳузур бағишлай олмайди. Хасталикда

ҳатто субъектив неъматлар — ақл, рух, мижоз заифлашади ва сўнади", дейди. Халқимиз "Саломатлик — туман бойлик" дейиши ҳам бежиз эмас.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислохотларнинг мазмуни айни бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар мана шу олий мақсадга эришишга — ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган" (*Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., "Ўзбекистон", 1995, 247-248-бетлар*).

Республикаимизда инсон ҳақ-ҳуқуқи, шаъни ва эркинлигини муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Чин инсон, асл фуқаро бу жабҳадан четда турмайди, албатта. Профессор Тилаб Маҳмуд шахс фаолияти юзасидан Ж.Туленов қарашларига ғоят ҳамоҳанг бўлган қуйидаги фикрлар баён этади: "Инсоннинг дунёвий амалларида унинг онги, ақли ва билими кўринади. Ақл билан билим ўртасида нозик алоқадорлик мавжуд. Билим — ақлнинг маҳсули. Ақлнинг билимга айланшидан донолик пайдо бўлади. Шунинг учун олим дунё ва охират ўртасидаги ҳақиқат кўпригини қуришда

маънавий кафолат вазифасини ўтайди. Ақл идрокни, дил эса фаросатни тақозо этади. Одамлар "фаросатли ақл" деган иборани ишлатмайдилар. "Фаросат"да одамнинг қалби, руҳи, таъби назарда тутилади" (*Тулаб Маҳмуд. Комиллик асрорлари. Т., "Адолат", 2006, 20-бем*). Олим, ўз салафи каби, инсоннинг онги, ақли, билим ва фаросатига эътибор қаратади, зеро, бу хусусиятлар инсоннинг инсонлигини белгилайдиган сифатлардир.

Ж.Туленов фикрича, "Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари, яъни фалсафий, илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, маориф, таълим-тарбия, фан, маданият муассасалари, оммавий ахборот воситалари, санъат, халқ маънавий ижодиётининг барча турларини ўз ичига қамраб олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради: Инсон амалий фаолиятининг ҳар қандай турида айна бир вақтнинг ўзида унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнати объектив равишда иштирок этади" (*Туленов Ж. Диалектика назарияси. Т., "Ўзбекистон", 2001, 271-бем*). Муаллиф маънавий маданиятнинг қамрови кенглиги, у ижтимоий онгнинг барча шакллари билан олишгани ана шу тарзда асослаб берган.

Маълумки, халқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, уни ривожлантирувчи, бойитувчи, юксалтирувчи, авлоддан-авлодга ётказиб берувчи куч ҳамдир.

## Sug'dlarning kiyinish madaniyati

Сугд дунё тарихидаги энг қадимий давлатлардан саналган. Айниқса, илк ўрта асрларда Самарқанд, Маймуғ, Кеш, Нахшаб, Иштихон, Бухоро каби эркин шаҳарлар иттифоқидан ташкил топган Сугд ҳарбий ва иқтисодий қудрати билан алоҳида ажралиб турган. Самарқанд (Афросиёб), Бухоро, Панжикент, Бунжиқат, Варахша, Нахшаб шаҳарларида маданий ҳаёт нақадар ривож топганини ажойиб суратлар билан безатилган мухташам саройлар, қурол-яроғ ва уй-рўзгор буюмлари билан бўлади. Ҳозирги вақтда музейларда сақланаётган ана шундай археологик топилмалар сугд маданиятининг умумий жиҳатлари билан бирга, унинг айрим таркибий қисмлари, жумладан, кийиниш маданияти ҳақида ҳам кенг маълумот беради. Варахша, Панжикент, Афросиёбдан

Ўзбекистоннинг келажақда буюк давлатга айланиши, юртбошимиз айтганидек, қуйидаги тўрт маънавий негизга асосланади: 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик; 2) халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; 4) ватанпарварлик.

Юқорида баён этилган фикрларни қуйидагича ҳулосалаш мумкин:

1. Аждодларимиз асрлар оша йиққан билим, яратган маданиятни эгаллаш Ватан тараққиёти, миллат раънақининг гаровидир. Бунга таълим-тарбияга дахлдор ҳар бир тузилма алоҳида эътибор қаратиши зарур;

2. Инсон доимо меҳнат қилиши, шу йўл билан ўз бахтини, халқ саодатини таъминлаши лозим;

3. Одамларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уларни ҳурмат-иззат этиш, ёшларда юксак маънавий маданиятни шакллантиришда гамхўрлик қилиши даркор;

4. Яшашдан мақсад – инсон ўз қобилияти, салоҳиятини тўла намоён қилиб, жамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлиш учун шарт-шароит яратишдан иборатлигини англаши керак;

5. Фуқаролар кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларга янада яхши ҳаёт кечирини учун имкон қадар шароит яратиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Панжи САФАРҲОЖИЕВ,

ЎЗМУ тадқиқотчиси

топилган деворий суратлар бу борада ноёб манба бўлиб хизмат қилади. Уларда дабдабали базмлар, шоҳларнинг қабул маросимлари, шунингдек, чордана қуриб ўтирган эркаклар, чўкка тушиб ўтирган аёллар тасвирланган.

Тарихий манбаларда сугдийлар ботиқ кўз, кирғий бурун, қалин қош бўлгани таърифланган. Деворий суратларда киррабурун, кўзи қисик, қўнғиз мўйлабди, келишган қадди-қоматли ёш йигитлар билан бирга ўрта яшар соқолли кишилар тасвирланган бўлиб, уларнинг соч-соқоли қора, елкалари кенг, бели ингичка. Бу бадий топилмада монголоид ва европоид irqига мансуб кишилар тасвири кўпроқ учрайди. Афросиёбнинг ғарбий деворида туркий ва сугдий қиёфаларнинг кўзлари қисик – мўғулча эканини сезиш қийин эмас.

Бу тасвирлардагиларнинг кийим-кечаги безакларига қараб, турли табақа вакиллари, яъни ҳукмдорлар, зодагонлар (савдогарлар), элчилар, ҳарбийлар, муסיқачи ва раққослар, суворийлар (отлиқ чавандозлар), кохинлар, хизматкор ҳамда деҳқонларнинг либосларини, шунингдек, ўша давр кишилари қандай матодан фойдаланганини аниқлаш мумкин.

Сугднинг илк ўрта асрларга мансуб Панжикент ҳукмдори Деваштичининг Муг қалъасидан унинг сугд ёзувидаги хати ҳамда кичкина шойи парчасига тикилган юлдуз ва қалампирмунчоққа ўхшаш расмлар солинган матолар топилган. Уларнинг барчаси қадимги Сугдда мато тайёрлаш борасидаги анъаналар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Маълумки, илк ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро, Марв каби шаҳарлар йирик шойи тўқий маркаслари ҳисобланган. Уларнинг махсулотлари Европа ва Осиё мамлакатларига сотилган. Энг машҳур ва сифатли ипак айнан Сугдда ишлаб чиқарилган.

Археологик топилмалар Сугд ҳудудида пахта, жун ва ипақдан тўқилган чиройли матолар энг оддий тўқимачилик дастоҳларида тайёрланганини тасдиқлайди.

Қадимги Буюк ипак йўли орқали Сугд мамлақати турли давлатлар билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик қилган. Сугдда тайёрланган шойи матолар, айниқса, Хитойда юқори баҳоланган. Бу ипак матолардан кўҳна Туроннинг турли ҳудудлари аҳолиси ҳам кенг фойдаланган.

Бир замонлар форслар ипақни Бухоро ва Самарқанддан олгани ҳам Сугднинг бу масалада қандай муҳим стратегик рол ўйнаганини кўрсатади. Сугдда тайёрланган кўплаб мато парчалари Европа музейларида ҳозирга қадар асл ҳолида сақланиб келаётгани ўша даврдаги ҳунарманд усталарининг юксак маҳоратидан дарак беради. Бу матоларнинг бундай пишк-пухта тўқилгани олимлар учун ҳали-ҳануз жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Сугд шаҳарларида мол ва от терисидан пойабзал, ҳарбий анжомлар, от абзаллари учун чарм, кўй ва эчки терисидан эса асосан ёзги ҳамда киши оёқ кийим, калта камзул ва пустин тайёрланган.

Эркаларнинг либослари ички ва устки кийим, иштон, бош кийим ва пойабзалдан иборат бўлган.

Ҳозирги миллий либосларимизга ўхшаб кетадиган кийим – эркаларнинг тўн ва чолонидир (археологлар уларни қафтан деб аташган). Бундай либослар турли табақа кишилари учун бир хил бўлиб, фақат ёқа безаклари ҳамда олдининг очиклиги ёки ёпиқлиги билан фарқланган. Уларнинг тиззагача ёки товонигача бўлган турлари кенг тарқалган.

Ҳукмдорларнинг либослари ўзига хос безаклар ва ранглари билан ажралиб турган. Улар асосан

сарик рангда бўлган. Умуман, Шарқ учун сариқранг ҳосилдор. Бундай рангдаги либосларни Узоқ Шарқ, Хитой, Корея, Мўғулистон ҳудудида ҳам аслзода зодагонлар кийишган. Қадимги даврда кўёш ва олов муқаддас деб ҳисоблангани учун Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимий халқлар ҳам сариқ рангини кўёш, олов, олтин ва бойлик рамзи деб билишган. Айрим зодагонларнинг либослари ҳам тилларанг бўлган.

Сугд ҳукмдорлари Хитойдан олиб келинган шойи матолардан ва Сугдда тайёрланган олий сифатли ипак матолардан либос кийишган. Кийимларга тилла буюмлар тикилган. Ипак матолардан тикилган либосларни сарой аъёнлари ҳам кийган. Зиёлилар, савдо аҳли эса парчадан, шойидан, зигир поядан олинган тола ва пахта толасидан тўқилган матолардан тикилган либослар кийишган.

Сугдда VI-VIII асрларда туркларнинг таъсири туфайли икки ёқали либослар кенг тарқалган. VII-VIII асрларда икки томонга қайрилган ёқали либосларни ёши катта кишилар кийган. Самарқанд ҳукмдорига яқин аслзодалар ўнг томондан очилдиган ва битта тугма билан қадаладиган узун либослар кийишган. Уларнинг кийимлари фақат бир томонга қараган ёки икки томонга қараган учбурчак ёқалари, энг хошияси, чўнтақлар қимматбаҳо нақшинкор матодан тикилгани билан ажралиб турган.

Элчилар чакмони қалин, пухта тўқилган қимматбаҳо табиий ипак ва ип матодан тикилган.

Чавандоз ва овчиларнинг либослари астарли бўлиб, қалинроқ матодан ёки шойидан тикилган. Муסיқачи, раққослар, хизматкорлар олди очик ва ёпиқ тўнлар кийишган. Олди ёпиқ либосларнинг елка қисмида тасмаси бўлган. Хизматкорлар оддий пахта толасидан тўқилган одмироқ безаксиз матолардан кийим кийган.

Эркалар либоси устидан белни мато билан боғлаш аждодларимизнинг урф-одати ҳисобланган. "Авесто"да 15 ёшга тўлган йигит илк бор бел боғлаши, бу ёшда белбоғ таққан йигитлар эл қаторига кириши, ўз кучи ва сўзига ҳақли бўлиши айтилгани бежиз эмас, албатта.

Самарқандлик аслзодаларнинг белбоғлари шойидан ва чармдан бўлиб, шойи белбоғлар унинг мавқеи қай даражада эканини билдирган. Уларнинг белдаги камарнинг ўнг томонига ҳамён, қўлрўмолча, қаламдон ва ханжар, пичоқ солинган гилоф тақилган.

Сугд ҳарбийлари либосларида иккита – устки ва пастки белбоғ бўлган. Юқори бел камарнинг чап томонига қияроқ қилиб қилич ва ханжар илиб юрилган. Ханжар доимо белбоғга параллел равишда тақилган. Пастки белбоғнинг чап томонига камон учун садоқ – ўқдон илинган.

Сарой аъёнларининг ўзига хос жиҳатларидан бири соч турмакларидир. Уларнинг узун сочлари бир-иккитадан тўрт-бештагача ўриб, орқага ташлаб қўйилган.

Аслзодаларнинг бош кийимлари думалоқ қалпоқ ёки салласимон ва узун конуссимон бўлган.

Элчиларнинг бош кийими эса эғнидаги чакмон билан бир хил матодан тикилган. Элчилар сардорининг бош кийими кашталланган қалпоқдан, бошқаларники эса оддий пешонабанд қилинган тасмалардан иборат бўлган.

Ҳарбийларнинг бош кийими асосан дубулга бўлган.

Муסיқачи ва раққослар салласимон учли қалпоқ кийган.

Буларнинг барчаси илк ўрта асрларда сўғд тўқимачилик ва хунармандлик, равод-сотик, ҳарбий соҳа, санъат ва маданият ривожланган қудратли давлат бўлганидан далолат беради.

Дилсора СҮЮНОВА,

Камолитдин Беҳзод номидаги  
МРДИ тадқиқотчиси

## Retardatsiya – epik tasvir usuli

Бадий ижодда эпик баён ёзувчидан алоҳида маҳорат талаб этади. Романдаги воқеалар ривожини бошқариш, ғоявий-бадий жиҳатдан бойитиш мақсадида адиблар турли усул ва воситалардан фойдаланади. Ана шундай усуллардан бири ретардация санъатидир.

“Ретардация” лотинча сўз бўлиб, кечиктириш, тўхталиш деган маънони билдиради. У атама сифатида эса асар сюжетига қўшмча лавҳа ва персонажлар киритиш орқали асосий воқеалар ривожини секинлаштиришга хизмат қилувчи бадий усулни ифодалайди (*Словарь литературоведческих терминов. М., “Просвещение”, 1974, стр. 321*).

Ўзбек романларида қўлланган эпик баён турларини қўздан кечирар эканмиз, уларнинг аксарияти ретардация усулига асосланганига гувоҳ бўламиз. Масалан, мумтоз ёзувчимиз Абдулла Қодирининг “Меҳробдан чаён” романида бу усулга бир неча бор мурожаат этилади. Чунончи, романдаги Сафар бўзчи билан боғлиқ воқеалар ҳамда “Қизиклар”, “Ҳарам”, “Оғача ойим”, “Хоним ойимлар”, “Қирқ қизлар” сингари боблар ретардация усули намуналаридир. Бу боблардаги воқеалар баёни бош қахрамон – Анварнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлмаса ҳам, муайян даражада роман ғоясини бойитиши, қахрамонлар характерининг айрим қирраларига ургу бериши туфайли эпик баёнга қўшимча руҳ ва жозоба, фалсафа бағишлайди. “Қизиклар” бобда хонлик тузумидаги зулм ва зўравонлик, халқнинг оғир аҳволи, шунингдек, ҳукмрон табақанинг порахўрлиги, таъмагирлиги фош этилади. Таъкидлаш лозимки, мазкур боб баёнининг аниқлиги, тафсилотларга бойлиги ва изчил мантиси билан диққатга сазовор. Бобдаги ҳар бир персонажнинг кийиниши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи аниқ мақсадга йўналтирилган. Ушбу боб Анвар билан боғлиқ

асосий воқеалар йўналишига бевосита алоқадор бўлмаса ҳам, у севган қизга қўз олайтирган зўравон хоннинг ахлоқан нопоқлиги, маишатпарастлиги ҳақида ўқувчиға маълумот беради. Шу билан бирга, мазкур ретардация ўқувчини асосий воқеалардан бир оз чалғитиб, роман қизиқарлилигини оширади.

Ижодкор асарда қачон, қайси ўринда ретардация усулидан фойдаланишни яхши билиши лозим. Чунки бу усулни ўринли-ўринсиз қўллаш китобхонни зериктириши, сюжетнинг парокандалигига сабаб бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирининг романларидаги ретардацион лавҳалар узукка қўз қўйгандек бадий сюжетга ярашиб тушган. Масалан, “Ўткан кунлар” романидаги уста Алим ҳақидаги фожиали воқеалар баёни миллий романчилигимиздаги ретардациянинг гўзал намунасидаир.

Синчиклаб қаралса, Отабекнинг уста Алимнинг уйда тунаб қолиши ва унинг саргузаштларидан воқиф бўлиши асар воқеалари баёнига қўшимча фалсафий руҳ ва тароват бахш этган. Адиб бу учрашувнинг тасодифан юз бергани ҳақида сўз юритар экан, персонажларнинг ўзаро муносабати ниҳоятда табиий чиқишига алоҳида эътибор қаратади: “... Вақт хуфтонга яқинлашиб қолганликдан қоронғи ўбдан тушкан эди. От ўзининг бу галги тўхташида эгасининг чуқ-чуғига ҳам сирт бориб туриб олди ва Отабек кўзини очиб, йўл қарашга мажбур бўлди. Отнинг тор кўчанинги ниҳоятига етиб йўлсизликдан тўхталганини онглағач, ўткан ишлардан ўзига ҳисоб бера бошлади. Қайин отаси эшигида отини йўлга солганини бир оз эсласа ҳам, бошқасини билмас эди. Ҳар ҳолда, Марғилоннинг четроғидаги боши берк кўчада ва катта бир дарбоза ёнида турганлигини тушунди. Отнинг бошини буришни-да, бурмасни-да билмай бир оз ўйлаб тўхтади. Ул ўйлаб турганда дарбоза ичкарисидан икки киши-

нинг хайрлашиб ажралишқанлари сезилар эди. Ичкаридаги оёқ тоши дарбозага яқинлаша берган, ул чиқғучига ҳалақит бермас учун отининг бошини четка бурди. Отабек тўхтаган ўрин тўрт томондаги иморатлар билан ўбдан қоронги, шунинг учун дарбозадан чиқғучининг фақат бошидаги оқ салласидан ўргаси кўзга илिनмас эди. Чиқғучи дарбоза ёнида турган отликдан чўчибми ва ё ўзичами сўради:

– Ким отда турган?

– Ман, – деди Отабек ва ўзининг мантиқсиз жавобидан унғайсизланиб тузик жавоб беришқа оғзини жўблаган ҳам эди, чиқғучи "сиз кимсиз?" деган саволи билан уни тўхтатиб қўйди.

– Ман... бир мусофир гариб, – деб жавоб берди, негадир томишқа интилган кўзёшисини куч билан тўхтатиб қолди. – Марғилонга шом вақтида кирган эдим, кўзлаган жойимни тополмай адашдим...

– Қани бўлмаса, журиг бизниқига, меҳмон, – айтқучининг сўз охангидан ўртоқлик бўйи келиб Отабекнинг димоғига урса ҳам:

– Раҳмат сизга ака, – деди, лекин унинг бу сўзи ҳам ўринсиз кеткан эди.

– Ўзингиз адашдим, дедингиз-ку, тагин қаёққа бормоқчи бўласиз?

– Сизга оғир келмаса...

– Оғирлиги йўқ, юрингиз, – деди ва олдинга тушиб Отабекка йўл бошлади: – Ман ҳам сизга ўхшаган бир гариб" (*Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Т., 1994, 184-185-бетлар*).

Мақкур парча киритма воқеанинг роман баёнида ниҳоятда табиий чиққанини кўрсатади. Чун-

ки сохта хат туфайли қайин отаси қувгин қилган Отабекнинг шу бахтиқаро тунни қаерда ва қандай ўтказгани маълум бўлади.

Адиб бу ўринда икки хил йўл тутиш имконига эга эди. Биринчиси, у ўз қахрамонини меҳмонхона ёки мусофирхонада тунаттириши мумкин эди. Аммо Отабек кутилмаганда дуч келган ноҳақ маънавий зарбадан қарахт ҳолга тушди. Шу боис у тасодифан уста Алимнинг уйига бориб қолади. Иккинчиси, Отабек суоқли ёри эшигидан қувилган, адиб эпик баённи тўхтатиб қўйиши мумкин эди. У ҳолда қахрамоннинг ўша тундаги ҳаёти жумбоқ бўлиб қолар эди. Демак, Отабекнинг уста Алим билан учрашиши, унинг саргузаштларини тинглаши ва тунни унинг кулбасида ўтказиши эпик баёнда узлуксизлиқни таъминлаши баробарида романга янги персонажнинг олиб кирилишига ҳам имкон берган. Уста Алимнинг фожиаларга бой саргузашти руҳан топталган қахрамонга далда беради ва шундан сўнг у ўз ҳаёти ва бахти учун курашишга бел боғлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асарда воқеалар баёнига ретардацион лавҳаларнинг кириртилиши унинг гоёвий-бадий жиҳатдан юксалиши ва эпик баён узвийлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Шундагина эпик баёндаги ретардация ўзини тўлиқ оқлайди.

**Раъно УЗОҚОВА,**

*ТАТУ қошидаги академик лицей  
ўқитувчиси*

## Mirzacho'l qanday o'zlashtirilgan?

Ўзбекистонда кўриқ ва бўз ерлар аҳоли зич яшайдиган вилоятлар ва тоғли ҳудудлардан оилапарни ихтиёрий-мажбурий кўчириш орқали ўзлаштирила борди. Масалан, 1949 йилнинг ўзида шундай ҳудудлардан 6615 нафар хўжалик, жумладан, Мирзачўл туманига 3337, Сирдарё туманига 3278 оила кўчирилди. Бироқ уларни жойлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш (иш, уй-жой билан таъминлаш, озиқ-овқат ва моддий ёрдам бериш) талаб даражасида амалга оширилмади. Масалан, режадаги 6600 ўрнига 5000 уй-жой қурилган эди. Оқибатда 1600 оила бошпанасиз қолиб, зах ертўлаларда яшаган. 650 та хўжалик кўчиб келган жойига қайтиб кетишга мажбур бўлган (*ЎЗМДА. 2347-фонд, 30-рўйхат, 7-иш, 66-варақ*).

Ҳукумат ташкилотлари янги ўзлаштирилган қолхоз ва совхозларга аҳолини кўчиришда мах-

сус органлар ёрдамига таянган. Жумладан, СССР Пахтачилик ишлари министрлигининг 1950 йил январиди қабул қилинган "ЎзССРнинг янги ўзлаштирилган ерларига аҳолини кўчириш ҳақида"ги қарориди Ўзбекистон ССРда келгусида пахтачиликни ривожлантириш учун аҳолини янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчиришни жадаллаштириш назарда тутилган. Ушбу қарорга мувофиқ, 1953 йилгача Мирзачўлга кўчириш ишлари режа асосида амалга оширилиши лозим эди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан 1350 оилани кўчириш режалаштирилган эди. Низомда улар ҳисобига "...янги ҳудудларда қолхоз ва совхозларни тузиш аҳолини кўчириш сиёсатининг асосий вазифаларидан-дир" (*ЎЗРМДА. Р-86фонд, 1-рўйхат, 6116-иш, 2-варақ*), дея белгилаб ҳам қўйилган.

Совет ҳукумати кўчириш сиёсатини амалга оширишда кўчувчиларга турли имтиёзлар ҳам берган. Масалан, СССР Министрлар Советининг 1953 йил 19 февралдаги “Кўчириш юзасидан бериладиган энгилликлар тўғрисида”ги 517-сонли қарориди кўчиб бориладиган жойгача йўл пули давлат ҳисобидан тўлашни қайд этилган (*Колхоз раислари учун қўлланма. Т., 1958, 37-бет*).

1946 йил охирига келиб Мирзачўлда янги ерлар меъёрдан ортиқ ўзлаштирилгани, агромелиоратив техниканинг паст даражада экани, сугорилиш қоидаларини яхши билмаслик, боз устига, бу борада тадқиқот ишлари етарли эмаслиги сабаб ерлар аста-секин ботқоқликка айланган. Бу эса безгак касаллигини кучайтирган. Натижада, аҳоли Мирзачўлни ташлаб кета бошлаган (*Нормухаммедов Н., Ишчанов Ф., Қорабоев А. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш – Ўзбекистонда пахта етиштиришини асосий омили. Т., 1974, 11-бет*). Бу ҳол мелiorатив ишлар иқтисодий-ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ экани, бироқ советлар даврида мазкур масалаларга етарли эътибор берилмаганини кўрсатади.

Мирзачўл минтақасининг 1960 йиллардаги ижтимоий аҳолини таҳлил қилишдан маълум бўлдики, амалга оширилган тadbирларнинг барчаси ҳам иқтисодий-ижтимоий самара бермаган. Ютуқлар билан бирга, бу борада катта қийинчиликлар ҳам бўлди, қонуңбузарлик, зуравонликларга йўл қўйилди. Ушбу йиллардаги иқтисодий ислохотлар келтириш чиқарган муаммолар ўз вақтида бартараф қилинмади. Масалан, қишлоқ хўжалиги органлари, айниқса, жамоа хўжаликлари режадан ортиқ маҳсулот етиштиришдан келадиган фойда ҳукуматнинг бошқа тadbирларига сарфланди, энг муҳим ҳисобланган соҳа – аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, моддий турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган харажатлар камайиб кетди. Натижада аҳоли маъмурий буйруқбозлик исканжасига тушиб қолди. Шу ўринда қуйидаги мисолни келтириш мумкин: 1956 – 59 йилларда Мирзачўл минтақасида доимий яшаш учун 42 миң оила кўчириб келтирилди. Бироқ 1959 йилга келиб, уларнинг атиги 25 миңи шу ерда яшаб қолди, 17 миң оила, яъни кўчиб келганларнинг 40,5 фоизи яна аввалги истиқомат жойига қайтишга мажбур бўлди. Бошқача айтганда, уларнинг Мирзачўлда мўким қолиш коэффициенти 0,59 фоизни ташкил этди, холос (*Зембердиев А. Воспроизводство трудовых ресурсов сельской местности Узбекистана. Т., 1972, стр. 19*).

Ҳукумат амалга оширган тadbирлар чўлга кўчиб борганларнинг хоҳиш-иродасига эид бўлгани боис аҳоли орасида ижтимоий аҳвол ёмонлашиб, норозиликлар келиб чиққан. Хусусан, қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарқалган қўриқларни (хуторлар) қуришга қарши қаратилган сиёсатни мисол келтириш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг 1969 йил 11 февралдаги 73-сонли қарорига кўра, икки йил муддат ичида барча мавжуд қўриқларни тугатиш, янгиларини эса қуришни таққиллаш тўғрисида берилган фармойиш ўзини оқламади (*ЎзМДА, 837-фонд, 41-руйхат, 1422-иш, 155-варақ*). Бунга сабаб, биринчидан, Мирзачўлга кўчирилган аҳолини уй-жой билан таъминламай туриб, бундай қарор қабул қилиш тўғри эмас эди. Иккинчидан, Мирзачўлда уй-жой қуриш жуда суст ва юзаки амалга оширилаётган эди. Учунчидан, бундай фармойиш ўзбек дехқонининг азалий удумлари, урф-одатларини менсимаслик, уларнинг миллий хусусиятлари билан ҳисоблашмасликдан далолат эди.

Мирзачўлда соғлиқни сақлаш тизими ҳам тўғри йўлга қўйилмади. Янги ўзлаштирилган ҳудудлар экологик ҳолати ва санитария шароити жиҳатидан аҳоли доимий яшаш учун талабга жавоб бермасди. Чивин, пашша, турли захарли ҳашоратлар кўпчилиги, уларга қарши кураш тажрибаси йўқлиги вазиятнинг оғирлашувиға сабаб бўлди.

Янги тузилаётган қўриқ совхозларига ўзбеклар билан бирга бошқа миллат вакиллари ҳам келиб жойлаша бошлади. Бу жараён ҳар бир янги тузилаётган совхозда турли миллатлар бир-бири билан яқинлашиб, этник гуруҳлар ўзаро қоришишиға сабаб бўлди (*Исмоилов Ҳ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишчиларининг моддий ва маънавий маданияти. (Анджон мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1967 й, 36-бет*). Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, миллатлар аралашуви никоҳ масаласига ҳам таъсир этди. Совхозларда бир неча миллат вакиллари бир жойга тўпланиши, бирга ишлаши ва яшаш натижасида байналмилал оилалар пайдо бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳоли хўжалиklarини жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишлари ҳукумат томонидан режали олиб борилмаган. Натижада бу ҳудудларга кўчиб келган оилаларнинг бир қисми ортага қайтишга мажбур бўлган, қолганларнинг ҳам турмуш даражаси паст эди. Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган кўчириш сиёсати юрдоқларимизни неча миң йиллардан буён яшаб келган макони, киндик қони тўкилган ватанидан, қариндош-уруғидан жудо қилган. Совет ҳукумати миллатлараро тотувлик ўрнатолмагани оқибатида миңглаб аҳоли сарсон-саргардонликка дучор этилган, ўзга юртларга бадарга қилинган, ўз яқинларидан узоқлашган, шундоқ ҳам оғир бўлган турмуши баттар оғирлашган.

**Хусан ХУШВАҚТОВ,**

*Тошкент давлат Аграр университети  
тадқиқотчиси*

# Mehnat lashkarlari

Собиқ совет тузumi давридаги оммавий қатагонлар нафақат Ўзбекистон, балки хорижда ҳам тадқиқотчилар диққат марказидаги муҳим мавзулардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида юртимизда бу йўналишда жиддий илмий излашлар амалга оширилган бўлишига қарамай, ушбу муаммонинг айрим қирралари ҳали атрофлича тадқиқ қилинган эмас. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатагон сиёсати билан боғлиқ шундай масалалар борки, уларни замоний концепция ва методологик ёндашувларга таянган ҳолда қайта қўриб чиқиш ва қўшимча илмий тадқиқ қилиш талаб этилади. Ана шундай муаммолардан бири – Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги қатагон қурбонларининг алоҳида гуруҳи – меҳнат лашкарлари масаласидир.

1929 йилнинг охиридан бошлаб зўравонлик тусини олган ёппасига коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун жараёнида маъмурий бадарга қилинган деҳқонлар учун махсус меҳнат посёлкалари ташкил этилди. Бирлашган бош сиёсий бошқарма (ОГПУ) тасарруфидаги меҳнат-тузатиш лагерлари ва Ички ишлар халқ комиссарлигининг (НКВД) республикалардаги меҳнат тузатиш колониялари тизими кенгайиб борди. Сургундагилар "махсус кўчирилганлар", "махсус кўчиндилар", "меҳнат кўчиндилари" деб номланди (*Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т., "Шарқ", 2001; Қишлоқ фожиасти: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Т., "Шарқ", 2003; Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг "қулоқ" қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-45). 07.00.02. Дис. автореферати. Т., 2002.*)

Қулоқлар меҳнатидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланилди. Бироқ индустриаллаштириш эҳтиёжлари қишлоқ хўжалигидан қўшимча меҳнат ресурсларини топиш ва жалб қилишни талаб этарди. Шундай меҳнат ресурси сифатида махсус ҳисобда турган чақирув ёшидаги ҳақсизлар (сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар), қулоққа тортилганларнинг фарзандлари ва диний эътиқоҳида кўра ҳарбий хизматдан озод қилинганлар танланди. Чунки бу тоифадагилар ҳарбий хизматга чақирилмаган. Шу тариқа озодликдан маҳрум қилмасдан, махсус лагер-комендатура тизимига маблағ сарфламасдан мажбурий меҳнатдан фойдаланишининг ўзига хос ҳарбийлашган шакли – меҳнат лашкари қисмлари

вужудга келди. Уларда ҳарбий ташкилотларнинг ташқи белгиларигина (мажбурий чақирув, муддатли хизмат, қисмларга бўлиниш) мавжуд эди, ҳолос. Бу қисмдагиларга Қизил армияда хизмат ўтаётганларга эга бўладиган имтиёзлар берилмаган. Лекин уларга ҳарбий-стратегик аҳамиятга молик объектларни қуриш, саноат ва транспорт соҳасидаги энг машаққатли топшириқларни бажариш вазифаси юклатилган.

1930 йилнинг баҳоридан бошлаб меҳнат лашкари қисмларига чақирув амалга оширилди. Чақирувни ташкил этиш ҳарбий органларга эмас, Ички ишлар халқ комиссарлигига юкланган. 1930 йилнинг охирида деректив органларнинг қарорига кўра, меҳнат лашкари қисмлари Иттифоқ Меҳнат халқ комиссарлиги бошқарувиغا ўтказилди. Шу билан бирга, мазкур ташкилотга меҳнат лашкарларини иқтисодий тармоқ идоралари ва халқ комиссарликлари ўртасида тақсимлашда диспетчерлик функциясини бажариш топширилган.

1931 йил 7 декабрда СССР Марказий ижроия кўмитаси ва Халқ комиссарлар советининг "Меҳнат лашкарлигида турган кишилар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида"ги 24/952-сонли махфий қарори қабул қилинди. Унга асосан, меҳнат лашкари қисмлари СССР ВСНХ (Халқ хўжалиги кенгаши), НКПС (Темир йўллари халқ комиссарлиги) ва Цудортранс (Йул транспорти бошқармаси) тармоғи бўйича ҳарбий-стратегик ишларни амалга оширган. Мазкур қисмларда хизмат муддати уч йил қилиб белгиланган. Бу муддат тугаши билан "меҳнатга виждонан муносабатда бўлган" меҳнат лашкарларининг сайлов ҳуқуқлари тикланган. "Қисмлардаги меҳнат тартиби ва сиёсий-тарбиявий ишлар меҳнатсиз дарамад топан унсурларни совет фуқароларига айлантириш мақсадига хизмат қилиши зарурлиги" кўрсатилган.

1932 йилдан бошлаб, Совет Иттифоқида паспорт тизими жорий этилиши муносабати билан меҳнат лашкарлигида турганлар қайтадан ҳисобга олинган. ЎзССР Марказий ижроия кўмитаси ва Халқ комиссарлар советининг 1932 йил 23 январдаги 23/10-сонли қарорининг 3-бандига асосан, "қайтадан ҳисобга олишга тегишли кишилар ўзларининг доимий турар жойларида, бу жойдан кетган тарзда – муваққат турар жойларида милициянинг тегишли район бўлимларида ҳозир бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган. Меҳнат лашкарларини ҳисобга олиш ҳарбий органларга эмас, ички ишлар идоралари зиммасига юклатилган. Қайтадан ҳисобга

олиниш учун ҳозир бўлганлардан ўзлари билан меҳнат лашкарлигига қабул қилингани тўғрисидаги ҳужжатни олиб келиш талаб этилган. Узрли сабаблар билан (касаллиги, яшаш жойида йўқлиги ва бошқалар) ҳозир бўлмаганда ўй бошқармаси бу тўғрида милициянинг тегишли бўлимига хабар бериши белгилаб қўйилган. Қарорда 1892-1909 йилларда туғилган, меҳнат лашкарлигига киритилиши зарур бўлган, лекин киритилмаганларни (европаликларни ҳам) ҳисобга олиш белгиланган. Бу тоифага куйидагилар кирган: иттифоқдош республикалар конституцияларига биноан, Шўрога сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, давлатга қарши жиноятлардан ташқари жиноятлари учун сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, ҳукм қилинганлар (бу ҳукмлар бўйича ҳуқуқдан маҳрумлик мuddати етмаганлар), суд ёки маъмурий тартибда сурғун қилинганлар ёки яшаш жойидан чиқариб юборилганлар, қонун билан белгиланган тартибда ҳарбий хизматдан диний эътиқоди бўйича бўшатирилганлар. Ушбу вазифанинг бажарилишини таъминлаш Милиция бош бошқармаси ва Меҳнат халқ комиссарлиги зиммасига юклатилган.

1932 йилда кулоқ хўжалигига мансублиги ва "хавфлилиги" учун оилавий сурғун қилинган маҳсус кўчиндилар орасидаги ёшларни меҳнат лашкарига жалб қилиш масаласи жиддий мунозарарга сабаб бўлган. Маъмурий сурғундаги ёшлар расман меҳнат лашкари қисмларига қақрилиши керак эди. 1932 йилнинг баҳори ва ёзида СССР Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан бу масала СССР Халқ комиссарлар советига киритилди. Аммо, Бирлашган бош сиёсий бошқарма (ОГПУ) томонидан кескин қаршиликка учради. Чунки 1931 йилнинг мартдан бошлаб маҳсус посёлкалар ОГПУ ихтиёрига ўтган эди. ОГПУ раҳбарияти иқтисодийнинг ўта муҳим тармоқларида меҳнат кўчминдиси бўлган ёшлар меҳнатида шартнома асосида фойдаланилаётганини исботлади. 1932 йил 3 сентябрда СССР ХКС маҳсус посёлкалардаги меҳнат лашкарлигига мансуб бўлган ёшларни Меҳнат халқ комиссарлигига (НКТ) ўтказиш ҳақидаги тақдимномани рад қилди. НКТ энг кўп сонли ҳақсизлар гуруҳидан маҳрум бўлди. Комиссарликнинг мавжуд воситалари мустақил ҳолда қақирув пунктларини ташкил этиш имкониятини бермагани боис бу ишга у ҳарбий комиссарликларни жалб қилишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам 1933 йилда Меҳнат халқ комиссарлиги қисқартирилгач, меҳнат лашкарларининг идоравий бошқаруви Ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссарлиги (НКВМ) тасаруфига ўтказилди. Меҳнат лашкари қисмларининг бошқарув тарихи Қизил армиянинг захиродаги тажрибали командирлари ва сиёсий ходимлари билан тўлдирилди.

Меҳнат лашкари қисмлари асосан тўрт манба – кулоқлар, уларнинг фарзандлари ва қарамоғида бўлганлар; савдогар, хунарманд кустарларнинг фарзандлари; ҳарбий хизматдан диний эътиқодида кўра озод қилинган кишилар; суд қарори билан маъмурий сурғун қилинган ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ҳисобидан тўлдириб борилди. Меҳнат лашкарлари рўйхатларини маҳаллий ҳокимият органлари тасдиқлаган. Масалан, Андижон шаҳар совети президиумининг 1933 йил 24 сентябрдаги йўғилиши (84-протокол) "1911 йилда туғилган, меҳнат лашкарлигига киритилиши лозим бўлган ҳақсизлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани кўриб чиққан. Тасдиқланган рўйхатга 19 киши киритилган. Ихтимойий мансублигига кўра, унда кулоқларнинг фарзандлари 15 кишини ташкил этган, улардан бири чорвадор кулоқ ҳисобланган, 2 нафари ҳақсизнинг ўғли, 1 нафари савдогар ва 1 нафари имомнинг ўғли бўлган. Худудий жиҳатдан бу рўйхат деярли бутун Андижон шаҳри ва Андижон туманини қамраб олган. Қирлик даҳасидан 2 киши, Олайлик, Уйлик даҳаларидан ҳамда Суводузд, Топнозор, Пахтаобод, Маслаҳат қишлоқ советларидан – 1 кишидан, Бўтақора қишлоқ шўросидан – 4 киши, Шўро, Кўмакай қишлоқ шўроларидан – 2 кишидан, Найман қишлоқ шўросидан – 3 киши рўйхатга кирган. Меҳнат лашкари қисмларига қақирилганларни Андижондан жўнатиш учун шаҳар молия бўлимига назарда тутилган харажатлар фондидан Қақирув комиссиясига 1.066 рубль бериш топширилган.

СССРнинг 1936 йилда қабул қилинган янги конституциясида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш чеклови олиб ташланди. Меҳнат лашкари қисмларининг мақоми ўзгарди. СССР Мудофаа халқ комиссарининг 1937 йил 20 февралдаги буйруғи билан бу қисмлар Қизил армиянинг қурилиш батальонларига айлантирилди.

Хуллас, меҳнат лашкарлари коллективлаштириш жараёнидаги қатагон қурбонларининг алоҳида гуруҳи ҳисобланади. Меҳнат лашкарлари – қақирув ёшидаги сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, кулоққа тортилганлар ва диндорларнинг фарзандларидан ташкил толган. 1930 – 37 йилларда улар Қизил армия сафига эмас, балки меҳнат лашкари қисмларига қурилиш, саноат ва транспорт соҳасидаги оғир меҳнатларни бажариш учун уч йил мuddатга қақирилган. Улар озодликдан маҳрум этилмаган бўлсалар-да, сталинча қатагон тизими тазийқида, эркинлиги чекланган ҳолда, оғир меҳнат қилишга мажбур бўлган.

**Бахтиёр РАСУЛОВ,**

*Андижон давлат университети  
доценти*

# “...Bo‘lmag‘aylar bu naf‘din oriy”

Муқаддас китобларимизда инсон вужудидаги энг улуг аъзо – қалбнинг ниҳоятда омонат экани кўп таъкидланган. Ҳадиси шарифда, қалб – саҳродаги бир қуш қанотининг пати кабидир, шамол уни гоҳ у томон, гоҳ бу томонга ағдариб туради, дея марҳамат қилинган. Яна бир муборак ҳадисда “Инсон вужудида бир аъзо бор. У – қалбдир, агар қалб бузилса, бутун вужуд бузилади”, деб уқтирилган. Қалбини нафс қутқусидан, шайтон васвасасидан асрай олган инсон албатта саодати дорайнга эришиши таъкидланган.

Борлиқни бир вужуд деб оладиган бўлсак, унинг қалби, шубҳасиз, инсондир. Агар инсон маънан бузиладиган бўлса, бу дунё ҳаётида, унинг тартиботида кескин ўзгаришлар юз беради. Шунинг учун ҳам XX аср машхур рус шоири Андрей Вознесенский “Инсонни бузадиган ҳар қандай тараққиёт зарарлидир”, деган эди.

Шарқ заминиди, хусусан, туркий адабиётда инсонни маънан юксалтирувчи, уни саодатга етакловчи кўллаб фалсафий-маърифий руҳдаги асарлар яратилган. Хоҳ насрий, хоҳ назмий асарларда бўлсин, инсон маънавий камолотининг бадийий ифодасига алоҳида эътибор қаратилган. Алишер Навоий ҳазратларининг мўъжазгина “Арбаъин” асари ҳам наинки шоирнинг бошқа етук асарлари қатори шеърятимизнинг гўзал намуналарини ўзида жамлаган, балки инсон ҳаётининг мазмунли кечишида салмоқли ўрин тутадиган ўзига хос бадийий адабиёт намунаси экани билан алоҳида эътиборни тортади.

Шоир “Арбаъин ҳадис” номи билан машхур ушбу асарини ҳижрий 886, милодий 1481 йили ёзган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи дебочада бундай дейди:

*Чунки ҳижратдан эл аросида сўз  
Сексан олти эдию секкюз оз.*

Бундан ташқари, шoir устози Нуриддин Абдураҳмон Жомийга бағишлаган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асариди “Арбаъин ҳадис”нинг яратилиши ҳақида маълумот бeрар экан, жумладан, “Ул вақтдаким, алар “Арбаъин ҳадис”ни форсий назм била таржима қилиб эрдилар ва маъхуд (маълум) одат била борча асҳобдин бурунроқ факирга илтифот қилиб, мусаввадасини (қоралама) бердилар. Чун мутолаасига машғул бўлдум, алфозидин халойики нумутаноҳи азҳори ва маонисидин

хақойиқи илоҳий анвори зоҳир бўла киришти. Ҳамул “Арбаъин”га туркича тил била таржима орзуси кўнгулга тушти. Алардин рухсат шарафига мушарраф бўлгондин сўнгра ҳамул кун ул самин жавоҳир назм силкига (доналар тизилган ип) кирди ва ул гавҳарлар аларнинг қулоғига етти”, деб ёзган (Алишер Навоий. *Йигирма жидлик муқаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи жилд. Т., “Фан”, 1999, 55-бeм*).

Жомийнинг “Чиҳл ҳадис”, “Таржумаи арбаъин ҳадис”, “Арбаъин ҳадис”, “Арбаъини Жомий” каби турлича номлаб келинган асари кейинчалик қайта-қайта таржима қилинибгина қолмай, котиблар томонида кўллаб нусхада кўчирилган ҳам. Баъзи кутубхоналардан бу асарнинг 100 дан ортиқ қўлёзма нусхаси топилаган.

Абдураҳмон Жомий қирқ ҳадис таржимасини суоқли шогирдига бeриб, илтифот қилганида Навоий роппа-роса қирқ ёшда эди. Қирчиллама қирқ ёшида пирининг унга қирқ саҳих ҳадис танлаб бeришида ўзига хос маъно бор. Чунки тарихчи Хондамирнинг қайд эттишича, айнан 1480 йилларда Алишер Навоий ўз маблагга ҳисобидан Ҳирот ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 рабoт, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган, эскиларини таъмирлатган.

Албатта, Навоийнинг бунгача ёзилган кўллаб газаллари, рубоийи ва фардларига “Арбаъин”да келтирилган ва келтирилмаган бошқа ҳадисларнинг мазмуни сингдирилганини кўриш мумкин. Бироқ Жомий “Арбаъин”ига Навоийнинг ушбу хайрли амалларига ҳамоҳанг ҳадислар киритилгани бежиз эмас. Негаки, Навоийчалик эл гамини еган, инсонларга яхшилик соғинган одам ўша замонлар ҳам кўп бўлмаган. “Арбаъин”га “Одамларнинг яхшиси одамларга манфаат келтирганидир” деган ҳадиснинг киритилиши, ёки бўлмаса, “эл”, “халқ” сўзлари тилга олинмаган ҳадислар таржимасида ҳам Навоий, албатта, элу халқ билан бирга бўлишни, одамларга очик кўнгул, очик юз билан қарашни тарғиб қилиши бежиз эмас. Жумладан, тўртинчи ҳадисда “Мўмин кишида икки хислат бўлмайдик: бахиллик ва ёмон хулқилик”, дейилади. Навоий бу ҳадисни қуйидагича назмга солган:

*Мўмин эрсанг, қилиб дурингни нисор  
Эл била равшан ул нечқуми шамъ.*

*Негаким Тенгри ҳеч мўминда  
Бухлу бадхўйликни қилмади жамъ.*

Навоий "Арбаъин"ни туркийга таржима қилар экан, ҳадисларга буюк эътиромини намоён қилган. Саҳиҳ ҳадислардан туркийзабон ўқувчиларни баҳраманд этишни чин дилдан хоҳлаган. Чунки Жомийнинг "Арбаъин"и форсийда битилгани боис ундан шу тилни билувчиларгина баҳраманд бўлган.

*Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок.*

*Истадимки, бу халқ ҳам бори,  
Бўлмагайлар бу нафъдин орий.*

Қирқ саҳиҳ ҳадисни танлаб олиб, уларга шарҳ ёзган ёки араб тилидан бошқа тилларга шеърий таржима қилган аксар "Арбаъин"чилар "Қим қирқ ҳадисни ёд олса ва умматимга етказса, қиёмат кунни мен унга шафоатчи бўламан" мазмунидаги ҳадисга биноан бу ишга қўл урган. Навоий "Арбаъин" муқаддимасини:

*Бу кун ўлса ҳадисларга мутиль,  
Тонгла бўлгай муҳаддис анга шафъль, –*

байти билан якунлагани фикримиз исботидир.

Ҳадислар қиёматга қадар инсоният учун Қуръони каримдан кейинги мўътабар кўрсатма бўлиб қолади. Уларнинг барчасига доимо бирдек

амал қилиш эса ҳамманинг қўлидан келавермаслиги мумкин. Жомий танлаб берган ва Навоий туркийга ўғирган қирқ ҳадис эса комил мусулмон бўлмоқ учун, албатта, кифоя қилади. Бинобарин, қирқ эмас, тўртта ҳадисга мукаммал амал қила олган инсон ҳам мақсадига етиши мумкинлигини Шайх Шиблий куйидагича таъкидлаган: "Тўрт минг ҳадис ўқидим, тўрт юзини ёд олдим, шундан тўрттасига амал қилдим ва мақсадимга етдим".

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, "Арбаъин"да имонни мукаммал қиладиган, инсонни комилликка бошлайдиган амаллар кўрсатилган. Албатта, "Арбаъин"да ибратли хулосалар ҳадислар мазмунидан келиб чиққан ҳолда содда тилда баён этилиши зарур эди. Чунки Навоийнинг асосий мақсади "бу нафъдин" туркийларни баҳраманд этиш эди ва эҳтимол, шунинг учун ҳам турк олими Абдулқодир Қорахон таъкидлаганидек, Навоийнинг адабий маҳорати ушбу асарда бутун жозибаси билан намоён бўлмагандир (*Abdülkadir Karahan. İslami-türk edebiyatında kirk hadis toplama, tercüme ve şerhleri. İstanbul, 1954, 354-sayfa*). Аммо "Арбаъин" буюк мутафаккирнинг инсоният саодати ҳақидаги ўй-фикрларини баён этгани билан аҳамиятлидир.

**Алимардон ҲАЙИТОВ,**

*филология фанлари номзоди*



## SUMMARY

### **Fakhriddin Musayev. Primary Root – Justice. pp. 18-21.**

This article examines the philosophical basis and content of legal philosophy that studies the fundamental principles of the essence and existence of human rights and laws. The doctrine of human rights rests upon a particularly fundamental philosophical claim: that there exists a rationally identifiable moral order, an order whose legitimacy precedes contingent social and historical conditions and applies to all human beings everywhere and of all times. The author of the article analyses historical development and contemporary importance of legal philosophy. He attempts to identify the difference between morality and legality, and gives the special attention to the role and place of the discipline in the process of democratization of our society and state.

### **Khurshid Yuldoshev. Chance in necessity. pp. 22-27.**

In the ancient world there was an abundance of miracles. Where have they disappeared today? Why we scarcely come across such miracles. In general, what is miracle? Khurshid Yuldoshev examines two distinct, but has been wrongly identified as the same approaches – humean subjective idealistic approach and occassionalism. In the first section of the article, the author analyses Hume's definition of miracle (Miracle is the violation of the laws of nature.) and its compatibility with his theory of knowledge that stresses the inability of our experience in finding an ultimate and unchangeable laws that explains everything happened in the past and will happen in the future. We know the laws of nature through our experience. If experience does not give us reliable evidence for our ideas of the laws of nature, how can we know whether they are violated or not? Then we can't know whether miracles occur or not. In spite of this skeptical conclusion of his theory, Hume denies the possibility of miracles. Is there real contradiction in Hume's views? The author says "No" and gives his explanation. In the second part he examines origin and cause of occassionalism that denies the necessary connection between cause and effect, and its relation to humean theory.

**Nodira Mustafoyeva. Culture is the Pursuit of Perfection. pp. 28-33.**


Culture, in anthropology, the patterns of behavior and thinking that people living in social groups learn, create, and share. Culture distinguishes one human group from others. When Culture (Latin: cultura – cultivation) first began to take its current usage by Europeans in eighteenth and nineteenth century (having had earlier antecedents elsewhere), it connoted a process of cultivation or improvement, as in agriculture or horticulture. In Arabic, madaniyat – urban, somebody or something from city. The author of the article examines and explains the views of several European and Asean thinkers on the issues of culture – its origin and evolution. She tries to synthesize them.

**Raul Mirkhaydarov. Letters from the Last Station. pp. 34-43.**

Who is there that values books as much as writers do. Books their existence, their destiny, – writes the author. He tells his memory as a writer and keen booklover. He tries to argue that book reading and popularity of readership has been declining for a later twenty years. He narrates about the underground book market that crowded with and attracted hundreds of bookworms in Tashkent. In those years, people were more bookish then they are now, – remembers Mirkhaydarov. He tells the story of the book that changed his views about human life. That was “The Great Gatsby” of S. Fitzgerald, one of famous American writers of twentieth century. In the last section of the article the author gives a brief account of the life of Adnan Kashoggi, billionaire of 70-80th years of twentieth century. By the account he shows how books influence even the Rich profoundly.

**Mirsharif Khojayev. Princess of Assyria from Turan. pp. 96-99.**

This article is written against the claims of the authors of article, published in this magazine (Number 2, 2011), Pulat Zakhidov and Damir Jumaqul who argued that the stories about the founder of Assyria, Semiramida and his husband Nin are totally based on myths, so can't be demonstrated by evidence. Every nation attempts to show the founders belong to themselves. M. Khojayev denies this views as baseless and exaggeration. He cites the facts given in the Encyclopedia of Brokhaus and Efron, published before First World War. He stresses the authority of the encyclopedia by mentioning its authors, editors and used materials taken from the museums of France and Great Britain. On his view, it's sufficiently demonstrated that the founders of Assyria were come from Turan.



Хунар килки била айлаб  
хунаркор,  
Ичин зарқору тошин дози  
зарқор.

Ичининг сурати руҳи  
мунаввар,  
Ташининг шамсиси меҳри  
мунаввар...

4/8

6275

Нашр қўраётгани: 869/870  
Баҳоси келишига: нарҳи

# ТАФАККУР

ТАФАККУР 3/2012

